

МИРСОДИҚ ЭРГАШЕВ

ҲАЁТ  
УНВОНИ



МИРСОДИҚ ЭРГАШЕВ

# ҲАЁТ УНВОНИ

ТОШКЕНТ  
«YANGI NASHR»  
2011

Масъул муҳаррир:  
*Судиломурод ОЛИМ,*  
*филология фақлари номзоди*

Ҳар бир инсон – бир дунё.

Ҳар бир умр – бир китоб.

Шунинг учун кўпни кўрган, бошидан иссиқ-совуқ қунларни ўтказган, яшаш, яратиш учун курашиб, ҳаётда муайян марраларни эгаллаган кишилар ўзи босиб ўтган йўл ҳақида гап кетганда: «Ёзсангиз, бир китоб бўлади», – деб бежиз айтмайди.

Таниқли созанда Мирсодиқ Эргашев бундай деб ўтирмади: умр китобини ўзи ёзди-қўйди.

Ўқинг, зерикмайсиз.

Чунки унда тиришқоқ, ижодкор, курашчан, мард, тadbиркор бир инсоннинг шундоқ ўзини кўриб тургандек бўласиз.

Унинг ҳаётида, фикр-мулоҳаза, таҳлил ва хулосаларида ёшлар учун ибратли томонлар анча.

ISBN-978-9943-330-46-7

© YANGI NASHR, 2011

## МАСЪУЛ МУҲАРРИДАН

### Миллатнинг қўли

Онам муаллим эдилар. Мактабга боришимдан олдинроқ биринчи синф учун керакли барча китобларни сотиб олиб берганлар. Ўша лаҳзада кўнгилда кечган завқ-шавқ, қувонч-ҳаяжон ҳамон мени тарк этган эмас...

Китоблар орасида «Муסיқа» дарслиги ҳам бор эди. Лекин мактабимизда бу соҳа бўйича мутахассис бўлмаган. Ашула дарсини ҳам Алифбо ўқитувчиси ўтар, нотани, ҳатто бирор созни чалишни билмаганлари учун ўқувчиларда «Муסיқа» дарслиги бор-йўқлигини ҳам суриштирмас эдилар.

Учинчи синфга борганимизда, Бухоро маданий оқартув техникумини битириб, муסיқа муаллими келиб қолди. Дарсга рубоб кўтариб кириб, ашулани муסיқа жўрлигида айттирди.

Шу кундан бошлаб «Рубоб олиб берасиз», деб отамнинг ҳол-жонларига қўймаганман. Туман марказидаги «Маданият товарлари» магазинига ҳадеганда рубоб кургур келавермаса денг. Аксига олиб, муסיқа муаллими – Ҳомид ака Ҳайдаров ҳам кўп ўтмай армия хизматига кетиб қолдилар.

Магазинга рубоб келишини кутиш ҳам жонга тегиб кетди. Бир куни кечқурун дадам қоғозга ўралган бир нарса кўтариб кириб келдилар: наҳотки, рубоб бўлса!

Азбаройи ҳаяжонимдан умримда илк бор ўша кечани мутлақо ухламай ўтказганман. Аввалига ярим кечасигача чаппа-чиллик қилиб тиринглатдим. Кейин ота-онам ухлашимни, қанча чалсам, зрталабдан бошлашимни уқтиришди. Ҳозир эсласам, болаларча иштиёқ зўрлигидан рубобни кучоқлаб, симларини силаб, тонг отишини интизорлар кутиб чиққанман...

Яхши ҳам, қўшнимиз Саломат опа Бухоро педагогика институтининг бошланғич таълим факультетида ўқир эдилар. Ҳар бозор куни рубобни кўтариб, уларникига чиқар, енгил-енгил куйлардан ўрганар эдим.

Шу тариқа биринчи синф учун чиқарилган «Муסיқа» дарс-

лигини мустақил равишда бир чеккадан ўқишни бошладим. Ноталарни минг азоб билан ўз-ўзимча ўргандим. «Юлдузчам» куйини шу китобдаги нота асосида чиқарганман. Радиодаги ижрога мослаб, кейинчалик айрим хатоларимни тузатиб олдим, албатта.

Мусиканинг шунақа – ҳали одамзод тўла англаб етмаган оҳанрабоси, ажиб сеҳр-жозибаси бор. Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Биноий. боринги, Абдурауф Фитрат каби буюк соҳиби қаламлар бекорга мусиқа илмига ружу қўймаган. Бу соҳага ҳавас уйғонса, уни камолга етқариш учун санъаткор бўлиш шарт эмас.

Таниқли қаламкашларимиздан Аҳмаджон ака Мелибоев бир суҳбат асносида: «Уйимиз мусиқа музейига ўхшайди, 25 миллий мусиқа созини йиққанман, бештасини чала оламан», – дедилар. Бир созни чала олган кишига бошқасини ўрганиш унча мушкул эмас-да.

Уйга пианино олинган эди. Мусиқага ишқи бор, рубобни яхши чертадиган Фаррухбек ўғлимиз уни ўз-ўзича чала бошладди. «Журналистика касбини танламаганимда, албатта, бастакор бўлар эдим», – деб қолди у бир куни. Кулгим қистади: чунки у менинг кўнглимдаги бир умр ҳеч кимга айтмаган сиримни ошкор этаётгандек эди...

Бу хотиралар беихтиёр ёдга тушгани бежиз эмас.

Азамат ака Бекмирзаев деган бир акахонимизнинг қўлларида муқовасига дуторнинг расми туширилган бир чиройли китоб кўриб қолдим. Мирсодиқ Эргашевнинг «Кўнгил гулдастаси» деган асари экан. Болалик туйғулари жўш уриб, уни варақлашга тушиб кетдим. Кўп нарсани билиб олдим.

«Телевизон миниатюралар театри» кўп йиллар мобайнида халқ орасида шунчалар машҳур бўлиб кетганки, унинг мусиқасини оғизда хиргойи қилиб берсангиз ҳам, одамлар қайси куй эканини билаверади. Ҳар бир миниатюра учун алоҳида енгил, ёқимли, ҳажвга мойил кайфият туғдирадиган куй бериларди. Кўпи дуторда ёки шу соз жўрлигида чалинарди. Лекин ҳамма ҳам бу куйларни ким яратганию қайси созанда бу даражада маромига етказиб ижро этганидан хабардор эмас. Шунини билиб олдимки, улардан йигирмага яқинини айнан шу китоб муаллифи яратган ва ижро этган экан.

Умуман, маданият ва санъат коллежлари ҳамда лицейлари учун ўқув қўлланмаси сифатида чоп этилган бу нашрда

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, фахрий профессор Ғулом Қўчқоров, шунингдек, Дилафрўз Иброҳимова, Боқижон Раҳимжонов каби санъатшуносларнинг ана шу созанда ва бастакор ҳаёти ҳамда ижоди ҳақидаги фикрлари, «Мустақиллик нашидаси», «Кўнгил гулдастаси», «Шаҳдам, илдам», «Сенда кўнглим», «Чаққон ўйна» куйларининг нотаси ўрин олган.

«Бобурнома»да Ҳусайн Бойқаро саройидаги созандалар ҳақида сўз кетганда, Ҳусайн Удийга ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Бобур бу созанданинг удни маҳорат билан чалиб, яхши кўшиқлар айтишини таърифлаб келиб, одатига кўра, айрим қусурларини ҳам қистириб ўтишни унутмайди: «Айби бу эдики, бисёр ноз била чолур эди» Мисол тариқасида воқеа келтиради:

Бир гал Шайбонийхон унга куй чалиб беришни буюрганида, икки хатога йўл қўяди: ҳам яхши чалмайди, ҳам ўзининг асл удини эмас, ярамас соз келтиради. Хон буни билиб қолиб, созандани ўша ернинг ўзида жазолайди.

Қаранг, куй ижросининг сифати учун сознинг ҳам шунчалар аҳамияти бор экан.

Албатта, Бобурга бу воқеа бошқа бир мақсад учун ҳам жуда асқотган. Биласиз, Шайбонийхон унинг бош душмани эди. Аввало, чўнг бир мардлик билан душманининг «яхши» ишини эслашига қойил қолиш керак. Аммо Ҳусайн Удийдек нозкарашма қиладиган эркакларга бундан ҳам қаттиқроқ жазо лозимлигини айтишдан ташқари, теурийлардан тахтни тортиб олган шоҳнинг дунёда қилган яхшилиги шугина, холос, деган нуқтаи назарни ҳам ўтказиб қўяди: «Шайбонийхоннинг оламда бир яхши ишиким бор, будур: филвоқеъ хўб бордур, ушмундоқ нозук мардакларга мундин кўпрак сазо керак».

Бобурнинг созанда куйни асл соз билан чалиши зарур, деган қатъият талабида маъно кўп. Айни жиҳатдан «Кўнгил гулдастаси» қўлланмасининг бир ўзига хослиги бор. Мирсодиқ Эргашевдек уста созанда унча-мунча дутор билан саҳнага чиқмаса керак. Дуторчи китобга мусиқий ижрода кўп йиллардан бери фойдаланиб келаётган энг яхши чолғу созининг илмий асосда ёритилиш харитасини илова қилади. Бу харита, аслида, дуторчининг эмас, созгарнинг меҳнатини намоён этган. Чунки созанданинг севган дуторини Ўзбекистон санъат арбоби уста Усмон Зуфаров 1974 йили буюртма билан ясаган. Харитада шу тарихий дутор ҳақида мусиқа илмида

ҳозиргача шаклланган барча талаблар асосида маълумотлар берилган.

Албатта, уста Усмон Зуфаров бу сизни минг йиллар анъаналарини уйғунлаштириб, унга яна юрак қўрини қўшиб бунёд этган. Бундай мусиқий асбоблар фақат миллий созгарчилигимизгина эмас, умумбашарий мусиқий хазинанинг ҳам ноёб экспонати эканига ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак. Агар йиллар, ҳатто асрлар ўтса ҳам, сизнинг Мирсодиқ Эргашев тартиб берган илмий харитаси асосида бемалол яна шундай дутор яшаш мумкин.

Ҳозир бир ғалати замонда яшаяпмиз. Кўплар назарида, бозор муносабатларининг кириб келиши билан йиллар мобайнида мўътабар ҳисобланган айрим қадриятларнинг аҳамияти бирдан йўқолиб қолгандек. Ўзгаришлар даврида шунга ўхшаш ҳодисалар рўй бериши, эҳтимол, табиий ҳамдир. Бироқ, биринчидан, олтин зангламагани каби, чинакам қадрли нарсанинг аҳамияти ҳеч қачон камаймайди иккинчидан, сувлар тиниб, ҳамма нарса жой-жойига тушганидан кейин, асл яна аслигини қилади.

Демак, мусиқага компьютер тизими ҳар қанча ёпирилиб кириб келгани билан, ҳеч қандай восита табиий соз ўрнини босолмайди: дутор дуторлигича яшаб қолаверади. Шунинг учун даврлар ўтиши билан Мирсодиқ Эргашев яратган бу куйларнинг қадри ошгандан ошиб бораверади. Чунки агар уни бир киши яратган бўлса ҳам, ҳар қандай яхши куй миллат мусиқий маданиятининг маҳсули ҳисобланади ва халқ мулкига айланади.

Яқинда Эски Жўвадаги миллий созлар дўконига кириб, айландим. Ростини, бир-икки ўйма рубобни чертиб кўрган ҳам бўлдим. Сотувчи йигит: «Дутор олмайсизми, ёшингизга мосроқ», – деб қолди. «Ие, ёш ҳам дуторбоп бўлиб қолибдида», – дедим ҳазиллашиб.

Чиндан, дуторнинг мунг ва нола аралаш садоларидаги майинлигу назокат ҳаёт ҳақидаги хулосалари тиниқлашаётган ёшдагиларнинг фалсафий кайфиятига ҳамоҳанг келади. Миллат маънавиятининг бу создан айро тушиши асло мумкин эмас.

Ўйлаб қаралса, ўзбек яқка соз жўрлигида ашула айтгиси келса, кўлига дутор, доира ё танбур, бахшичиликда эса дўмбира олар экан, холос. Бошқа созлар учун «шерик» керак.

1991 йили «Навоий йили» деб эълон қилинди. «Ўзбекистон»

радиоси орқали ҳар куни тонгда шоир ғазалларидан намуналар ўқиб эшиттирилди. Камина шу ғазаллар ўқилишида мушовирлик (консультантлик) қилганман. Шунда таҳририятдагилар икки йиллардан бери Навоийнинг бир байти қайси асаридан олинганини аниқлай олмай келишаётганини, ҳатто эшиттиришларда шунини топишда ёрдам сўраб, тингловчиларга ҳам мурожаат қилинганини айтиб қолишди. «Чиндан ҳам Навоийники бўлса, албатта, топамиз», – дедим ҳазил аралаш. Ишонишмади: «Шу байтни китобида таҳлил қилганлар ҳам қаердан олинганини айтиб беролмаяпти-ку», – дейишди. Шунда эшитганим бир ривоятни айтиб бергандим.

...Буюк-буюк олимларга: «Бир уй сомон ичида бир игна йўқолиб қолган бўлса, қандай топамиз?» – деб савол беришибди. Биров сомонни бир кенг майдонга олиб чиқиб, ёқиб юбориш, шу тариқа ажралиб қолган игнани осонгина топишни, иккинчиси қўлга катта магнит тоши билан сомонни «қўлдан ўтказиш»ни таклиф қилган экан. Навбат минглаб нухалар асосида электр чироғини ихтиро этган олимга келганида: «Шу ҳам муаммо бўлибдими, ўтириб олиб, сомонни бир чеккадан қўлдан ўтказаман, охири игна топилади-да», – дебди.

Навоий қаламига мансуб ҳалиги парчани китобларининг қаторларига чизғични юритиб, ўша куниеқ топиб олдим. Байт эмас, мисра экан:

Эл нетиб топқай мениким, мен ўзумни топмамон.

Ўша йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да шу мисра дохил ғазал таҳлилига бағишланган мақола ҳам босилди. Шундан кейин бир куни радиода дутор жўрлигида айтилган ашулалардан бериб қолди. 60- йиллардаёқ Мавлуда Аъзамова дутор билан шу ғазални чиройли қилиб ижро этган эканлар.

Айнан шу ўта миллий табиати туфайли ҳам Шўро даврида дутор ва шу каби бошқа миллий созларимизга қарши кескин кураш олиб борилган.

Азамат ака Бекмирзаевнинг ҳикоя қилишича, у замонларда консерваторияда ўқиган талабаларга, асосан, Ғарб мусиқаси ўргатилган. Дуторни ҳам «ғарбона», яъни миллий мусиқамизга хос нолаларни қўшмай, аниқроғи, ғарбона чертишга мажбур қилинган. Миллий мусиқага ишқи борлар не-не тазйиқлар остида иш кўрган. Ўша даврларда ҳам садоқат билан миллий



созларимизда куйлар яратган ва ижро этганларни «қаттиқ ердан қаталаб чиққан»лар дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам бугун уларнинг қадрига етиш керак.

Агар бизда ўз соҳасининг пирига айланган ҳар бир ижодкор, хунарманд, уста ўз тажрибаларини ёзиб қолдиришнинг Мирсодиқ Эргашевдек усулини топса, мисқоллаб йиғилган маънавий бойлик тарих ҳазинасига айланган бўлур эди. Чунки касб ўргатишнинг икки усули бор. Бири – шу соҳада эришилган умумий ютуқлар асосидаги назариядан таълим бериш. Иккинчиси – бевосита шу соҳа устаси маҳорати сирларини шогирдга ўргатиш.

«Кўнгил гулдастаси» китоби ана шу иккинчи усулнинг аҳамиятини кўтарган.

Халқларнинг башарият тараққиётидаги ўрнини у яратган ва чалиб келган созларга қараб ҳам белгилаш мумкин. Хорижликлар биргина дуторимизни кўрибоқ, қандай қадим ва юксак тамаддунга эга халқ эканимизни билиб олаверади. Чунки унинг бежиримлиги, назокати, қалбни нозик қитиқловчи оҳангигина эмас, пардалари жаҳон мусиқаси талабларига тўла жавоб бериши билан ҳам жуда эътиборли. Аввало, бу созда дунёнинг хоҳлаган халқи куйини чалиш мумкин. Қолаверса, жаҳондаги ҳар қандай миллат созандаси ўрганиб, дутор чертаверади ҳам. Масалан, Ўзбек-япон дўстлиги жамияти ўз ҳузурда японияликлардан иборат бир дуторчи қизлар ансамблини тузган, бинойидек ўзбёкча, японча куйларни чертишяпти.

Шукрки, орамизда дутор ясашни, шунингдек, уни маромига етказиб чалиш анъанасини аждодлардан олиб, авлодларлардан авлодларга етказиб келаётган фидойи инсонлар бор. Акс холда, узилиш бўлур эди.

Таниқли дуторчи Мирсодиқ Эргашевнинг Тошкент давлат консерваториясида бўлиб ўтган ижодий кечасида шу ҳақда гап борди.

Шу ўқув даргоҳи проректори Соҳибжон Бегматов, профессори Боқижон Раҳимжонов, ЎЗМУ профессори Шариф Юсупов, Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли рассом Ортиқали Қозоқов, санъатшунос Баҳриддин Насриддинов, санъаткорлар мураббийси Азамат Бекмирзаев ва бошқалар созанданинг ҳаёт йўли, ярим асрлик ижодий фаолияти, ўзига хос ижрочилик маҳорати, бастакорлик салоҳияти хусусида сўзлади.

Африкадаги кўп қабилаларда кекса киши вафот этса, бир ку-

тубхонага ўт кетди деб ҳисоблашар экан. Чунки элнинг бутун тафаккурий-маданий бойлиги оғзаки тарзда шу қариялар онг-шуурида мужассам-да. Ҳар бир киши бу дунёдан ўтиши билан қабиланинг шунча бойлигини ўзи билан тупроқ остига олиб кетади-ку.

Ҳар қанча маданийлашмайлик, киши онг-тафаккури маҳсулларини ёзиб олиб, келажакка қолдиришнинг турли-туман усул ва воситалари яратилган бўлмасин, чинакам ижрочи созандалар ҳам халқнинг шунга ўхшаш бетакрор, ноёб бойлиги ҳисобланади. Чунки соз қўлтиқлаганнинг ҳаммаси ҳам чинакам созанда бўлавермайди. Тожикларнинг: «Ошпаз – ҳар жо, пазанда – жо-жо», яъни «Ошпаз – ҳамма ерда, пазанда – ҳар жой-ҳар жойда», – деган мақолини бу ерда ҳам ишлатса бўлади.

Ҳар қандай мусиқий соз қўл иштирокида чалинади. Шунинг учун унутмайликки, бу қадар чаққон, беминнат аъзони Оллоҳ одамгагина ато этган. Шунинг учун инсон қўлнинг қадрига етиши керак. Ривоятга кўра, қиёмат кунда қўл эгасининг ёқасига ёпишар экан: «Яратган сенга мендай неъматни раво кўрди, сен уни ривожлантирмадинг, мени керагича ишлатмадинг», – деб...

– Мирсодиқ Эргашевнинг қўли ўзиники эмас, миллатники, – деди нотиклардан бири. – Миллатнинг ҳам фақат XX – XXI асрларда эмас, минг-минг йиллардан бери сайқал топиб, камолга етказиб келинган қўли у!..

Шу кунинг ана шу «миллат қўли» ишга тушиб, ўзи яратган, шунингдек, умр бўйи концертларда, байрамларда, радио-телевидениеда севиб ижро этиб келган дутор куйларидан устозона маҳорат ва айрича завқ-шавқ билан чалиб берди.

Томошабинлар яна анъанавий «Телеминиатюралар» кўрсатувининг дуторда ижро этилган анъанавий куйларини эшитди, тинглаб юрган кўпдан-кўп мусиқаларининг бастакори ёхуд ижрочисини юзма-юз кўриб, қайта таниб олди.

Бу чин ижодий кайфият шогирдларга ҳам юқди. Роза Хўжаева, Дилафрўз Иброҳимова, шунингдек, Ўзбек-япон дўстлиги жамияти ҳузуридаги япон дуторчи қизлар ансамбли иштирокида ажойиб куйлар янгради.

Гап айланиб, миллий дуторсозлигимизга ҳам бевосита боғланди. Чунки Мирсодиқ Эргашевнинг қўлидаги дутор – жуда мўътабар. Уни марҳум уста Усмон Зуфаров қунт билан ясаганини айтдик.

Бизда эски бир дуторга «ҳа, энди бир дутор-да», деб қараш бор. Ғарбда-чи? Лос-Анжелесда 1684 йили буюк уста Антонио Страдивари ясаган виолончель ўғирланибди. Албатта, бундан 332 йил илгари яратилган ҳақиқий мусиқа созининг нархи арзон бўлмаса керак! У нақд 3,5 миллион евро туради! («Солиқ ва дунё», 2006 йил, январь сони, 14-бет).

Созни нархлаш мумкин. Лекин...

Италияда бундан икки аср бурун Николло Паганини деган машҳурдан-машҳур скрипкачи ўтган. Паганини жамғармаси ҳам бор. Шу жамғармада сақланаётган меросда буюк созандадан қолган 8 та ўта қадрли скрипка ҳам мавжуд. Ҳар йили шу санъаткор хотирасига бағишлаб жаҳон скрипкачилари кўриктанлови ўтказилади. Гран-при ютган созанда ана шу скрипкалардан бирини чалиш ҳуқуқини қўлга киритади. Лекин у бир йил чаладими, бир ойми эканини ҳайъат ҳал қилади. 1970 йили Давид Ойстрах скрипкани шундай чалганки, ҳайъат унга Паганини скрипкаларидан бирини то умрининг охиригача фойдаланиши учун бериб юборган.

Чинакам скрипкачи учун катта маблағ олишдан кўра, Паганини скрипкасини чалиш шарафлироқ. Чунки, ахир, чинакам санъатни пул билан ўлчаб бўлмайди.

Мирсодиқ Эргашев ижодини ҳам.

*Султонмурод О Л И М, адабиётшунос*

**ҲАЁТИМ  
ДУТОРИ**

## Болалик

Мен 1944 йил 20 январида Тошкентдаги Кўкча маҳалласида дунёга келдим. Тўрт ёшлигимда отам вафот этдилар. Биз, ўн бир фарзанд, ойим билан қолдик. Мен кенжа эдим. Ака-опаларимнинг кўпчилиги кетма-кет ҳар хил сабаб билан оламдан кўз юмди. Фақат Мирқобил акаму Мўътабар опам яшаб қолдик. Онам бу ғамларни кўтаролмай, касалга чалиндилар.

Шу тариқа етти ёшимдан тирикчилик ташвиши бошимга тушди. Қилмаган ишим қолмади ҳисоб. Авваллари қўшниларимнинг оғир ишларини бажариб юрдим. Кўмирларини киритиб, сувларини узоқлардан ташиб, томларидаги қорларини кураб берар эдим. Меҳнатим эвазига эски кийимлар ёки бир-иккита нон олар, уйга элтиб, онамнинг қўлларига тутқазар эдим.

Бир гал ўқитувчи қўшним цемент ташиб беришимни илтимос қилиб қолди. Кўзимга цемент озгина бўлиб кўринди. Иссиқ кун эди. Эрталабдан кечгача иккита катта челақда цемент ташиб бериб, шундай ҳолдан тойдимки, уйимга бориб, ювиниб ётишга ҳам мадорим етмай, ухлаб қолибман.

Шундан кейин чуррам тушиб, касалхонага ётиб, операция қилдиришга мажбур бўлдим. Кўкчадаги уйимизнинг ярми магазинга берилгани учун раҳматлик Холида опанинг раҳмлари келиб:

– Энди оғир иш қилмагин, мен сенга ҳар куни 10 та гижда нон бериб тураман, уни сотиб, ўзингга фойдасини оласан, – дедилар. Бу ишнинг уддасидан чиқдим. Вақтим бекор кетмаслигини ўйлаб, папирослар бериб турдилар. Эс-эс биламан, «Беломор», «Север» деган сигаретлардан сотар эдим. Лекин ўзим чекишни ўрганмадим. Кўмир, ўтин, керосин ва ҳўл мева сотиб, тижорат ишини уддалаб юрдим.

1956 йили Тошкентда 1- сон мактаб-интернати очилди. Ўша йилнинг декабрида мен унинг 4- синфига қабул қилиндим. У ерда ўқиш билан бирга ҳунар ҳам ўргатар экан. Мусиқа тўғарагига Ғулом Қўчқоров устоз эдилар. Мени текшириб кўриб, қўлимга рубоб тутдилар. Рубобни шунчалик яхши кўриб қолдимки, ҳатто ўрнимда ҳам ёнимда бўлар эди. Шанба, якшанба кунлари Марказий ўқувчилар саройида ҳам Ғулом Қўчқоров устозлик қилар эдилар. Нота билан чалишни ўша ерда ўргандим.

1957 йили шу тўғарак билан жамоа бўлиб, Москва ва Киев шаҳарларига бориб, ўз санъатимизни намойиш қилдик.

### Ўсмирлик

1960 йили 7 йиллик интернатни тугатиб, Тошкентдаги мусиқа билим юртига аъло баҳолар билан ўқишга кирдим. У ерда менга дутор гуруҳига ўтишимни тавсия қилишди, шу тариқа дутор чала бошладим.

1963 йил Фулом Қўчқоров филармониянинг халқ чолғу асбоблари оркестрига дуторчи созанда сифатида ишга йўлланма бердилар. Бу ерда, шу устозимиздан ташқари, Саид Алиев, Аюб Қодиров, Муҳаммаджон Мирзаев, Фахриддин Умаров, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним ва бошқа машҳур ҳофиз, созанда, раққоса ва бастакорлар билан ишлаш насиб қилди. Тез кунда Фахриддин Умаров назарларига тушиб қолдим. Концертларнинг биринчи бўлимида оркестр билан чиқсам, иккинчи қисмида Фахриддин Умаров билан чиқар эдим. Завқим ичимга сиғмас эди. Мухлислар якка ўзим ҳам дуторда куйлар чалиб беришимни илтимос қилар эди. Халқ куйларидан «Дилхирож», «Дутор баёти», «Гилос»ни ниҳоятда севиб чалар эдим.

Билим юртида мен севиб чаладиган дуторга нисбатан қаршиликлар бор эди. У ердаги устозлар бошқа миллатга мансуб бўлиб, ўзлари ўзбек миллий созларини чалишни билмас эдилар. Фақат назарий жиҳатларни тушунтиришар эди ва ўрганиш учун берган асарлари балалайка китобларидан олинар эди. Шундай келишмовчиликлар бўлиб, 3- курсда ўқишни ташладим.

Лекин орадан икки йил ўтиб устозим Фулом Қўчқоров:

– Болам, сен билим юртини битиришинг шарт, агар сенга миллий мумтоз куйлар керак бўлса, ўзим сенга ўргатаман, – деб, қайтариб олиб келдилар. Ўқишни давом эттирдим.

### Йигитлик

4- курсда ўқиётган кезларим кўнгилда уйланиш фикри пайдо бўлди. Чунки Кўкчадаги уйимиз ўрнига кинотеатр қурилмоқчи

эди. Акам Мирқобил уйланган, оиласи бор эди. Агар мен ҳам уйлансам, алоҳида оила бўламан, мен учун ҳам уй жойи ажратилади, деб ўйладим. Кўз остимга олиб қўйган қиз бор эди. Исми Фирдавсхон эди, яъни «жаннат» деган маъно берар эди. Ота-онаси Тошкентда жуда таниқли эди. Лекин уйланишга қўлим калталиқ қилар, буёқда иморат қуриш ҳам керак эди. Шунда Фирдавсхонга дилимдагини тўкиб солдим. Бир-биримизни яхши тушундик.

– Агар сиз менга ишонсангиз, ҳозирча никоҳдан ўтиб қўямиз, холос. Тўй кейинроқ бўлади. Жавобини айтиш учун сизга уч кун муҳлат, – дедим.

Уч кун ўйлаб, розилик бердилар. 1964 йилнинг 4 майида келинойим гувоҳликларида расмий никоҳдан ўтдик. Лекин келинойимдан бу ишимизни сир сақлашни илтимос қилдим, чунки Фирдавсхоннинг ота-оналаридан ҳали рухсат сўрамаган эдик.

– Содиқлигимни кейин биласиз, – дедим келинойимга ҳазиллашиб.

Иморат қуриш учун акамга, опамга ва менга алоҳида жой берилгач, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Кўкчадаги уйимиз ҳали бузилмасдан тўйни бошлаш мақсадида келин бўлмишнинг уйларига совчи юбордим. Юборган одамимга оталари рад жавобини берибдилар – артистга бермасмишлар! Шунда устозим Фулом Қўчқоровга юрагимдаги бор ҳасратимни тўкиб солганимда:

– Болам Мирсодиқ, Худо хоҳласа, тўйинг бўлади, фақат сен бир саволимга аниқ жавоб бергин: келажақда уялиб қолмайманми? – дедилар. Фулом акам бориб, бўлажак қайнотамга:

– Ўртада мен кафил бўламан, куёв – ишончли йигит, уни 12 ёшидан биламан, – деб, у кишини ишонтириб, тўйни бўладиган қилиб келдилар.

1965 йили 7 сентябрда тўйимиз бўлди. Сурнай садолари тўйимизга ярашди. Раҳматлик онажоним мени кучоқлаб ўпиб:

– Раҳмат, болам, юзимни ерга қаратмадинг, – дедилар.

1966 йили Хуршида қизим дунёга келди. У жуда йиғлоқи қиз эди, бир бошласа, ҳеч ким тўхтата олмас эди. Лекин бешиги бошига бориб, дуторимни бир чертсам, шартта тўхтар эди. Худонинг қудрати билан, ишонинг, шўх куй чалсам, оёқ-қўлларини қимирлатар, оғир куй чалсам, мириқиб эшитиб, ухлаб қолар эди. Бола ёшлигидан билинар экан. Ҳозиргача ҳам Хуршидахон санъатсиз туrolмайди. Ҳар гал уйимизга

келганида ашулалар айтиб бериб, бизни хурсанд қилиб кетади.

Мен сизга ўз сиримни очай. 14 – 15 ёшлик даврларимда уйланиш оғирлиги, бу вазифа келажакда ўзимнинг бошимга тушишини ўйлаб, ҳаракатимни ўша вақтдан бошлаганман. Келинга бериладиган кийим-кечаклардан тортиб, атлас, грипдешин каби газламалару кўрпа-тўшаккача қўлимга пул тушиши билан олиб кўяр эдим. Тўйимиз арафасида қўлимда 400 сўм бор эди. 100 сўмини беркитиб қўйдим. Чунки ўша вақтда тўйдан кейин бир куни аёл қудаларни, эртаси куни эркак қудаларни кутиб олиш керак эди. Эркак қудаларни кутиш учун суяқ-қуюқ овқатларни ўзим қилдим. Маставани шунақанги маҳорат билан тайёрладимки, косаларни ялаб қўйишибди. Ошга келганда бутун муҳаббатим билан бор маҳоратимни ишга солдим. Эркак қудалар ошни еб бўлишганидан кейин: «Ошпазни чақиринглар», – деб қолишди. Мен кўрқиб кетдим: наҳотки, тош-пош чиқиб қолган бўлса?! Чунки гуручни хотинлар ювиб берган эди-да. «Мана, ошпаз», – деб, мени қудаларга таништиришди. Шунда биров қайнотамга:

– Ўзимизнинг куёвимиз эканлар-ку! Тожиддин қори, Худо хоҳласа, қизингизнинг турмуши яхши бўлади, – деди ҳаммага эшиттириб Устозим Ғулом ака:

– Болам, раҳмат, менга ҳам обрў бўлди, – дедилар.

Тўйдан кейин ҳаёт иморатлари бошланиб кетган эди. Биринчи онажонимга уй қурдим, бирга яшадик. Опамнинг турмуши бузилди, касалхонадан чақалоғи Гулбаҳор билан тўғри уйимга олиб келдим. Унга ҳам алоҳида иморат қуриб бериш фикри туғилди. Ўзимга олган участка жойини опамга кўрсатдим, иккита хона солдик, кейинчалик ёнига тагин қўшилди. Хуллас, опам ҳам ватанлик бўлди. Шу уйда тагин турмуш қуриб, Хушнуда деган фарзанд кўрди.

Бу ишлардан онам раҳматлик жуда хурсанд бўлиб:

– Болам, илоҳим, умринг ўхшамасин-у, отанга ўхшаб иморатчи бўлдинг, у киши бегоналарга ҳам иморат солиб берар эдилар, – деб кўнглимни кўтарар эдилар.

### **Ҳаёт сўқмоқлари**

1968 йили Шаҳноза исмли қизим дунёга келди. 1969 йили консерваторияга ўқишга кирдим ва ҳалқ орасида санъат-



кор дуторчи сифатида анча танилиб қолдим. Телестудиядан режиссёрлар уйимга келиб, таклиф қилиб кетадиган бўлди. Телевизорда чиққаним учун гонорар ҳам тўлашар эди. Ҳар икки кунда санъатим телевизордан намойиш қилинар эди.

Шу йиллар телевизор орқали тор чалиб ашула айтишлар ман қилинди. Ашуласи ўзбекча, чолғуси озарбойжонники деб, ҳофизларни намойиш қилиш йўқ бўлиб қолди. Шунда менга омад кулиб боқди. Ҳофизлар уйимга келиб, мени олиб кетадиган бўлишди. Телевидениега, грампластинка ёзиш учун радиога, кинога югурар, кечалари тўйларга борар, хуллас, қўл қўлга тегмас эди. Бир хил санъаткорларнинг ғашига тегибман, шекилли: «Содиқ, ҳамма санъаткор билан телевизорга чиқаверасанми?» – деб гап қотар эди. Бундайларга ҳазил аралаш жавоб ҳам топиб қўйдим: «Нима қилай, фамилиям Эргашев бўлса, юр деса, эргашиб кетавераман-да. Исми Содиқ бўлса, ҳаммага ҳам содиқлик қилавераман-да».

Тўйларга борадиган ҳофизларга ҳам ичмайдиган, қўли тўғри, ундан ҳам кўра, кўнгли тўғри, ўз санъатини ҳалол намойиш қиладиган созанда керак эди. Бундан ташқари, халқ ўзимдан якка дуторда бир жуфт куй чалиб беришимни илтимос қилар эди. Тўйда бир ўзим ўртага тушиб, микрофон олдида санъатимни жуда кучли иштиёқ ва ҳавас билан ижро этар эдим. Очиғи, шунга яраша даромад ҳам бўлар эди. Тўйдагилар шўх куйларимга рақсга тушар, ўртага файз кирар эди. Бир хил ҳофизлар шу ютуғимни ҳам кўра олмас эди.

Мен санъатни Оллоҳ берган ҳунарлар ичида энг юксак мартабага эга деб биламан. Чунки бу санъатдан халқ кўп баҳраманд бўлади.

Ҳаёт тақозоси билан биринчи касбим – савдо, яъни тижорат бўлди. Рубоб созимни ҳам, дутор созимни ҳам шу соҳадаги ҳалол меҳнатим орқасидан сотиб олдим. Устозим рубобни ўша даврда машҳур уста раҳматлик Ҳусан акадан олиб берганлар. Дуторимни эса уста Усмон Зуфаровга буюртма асосида ясаттирганлар. Яна шу тижорат ва санъат орқали 18 ёшимда Харьков шаҳрига бориб, Ўзбекистонда ҳеч кимда бўлмаган, Чехославакияда чиққан, калит билан ўт олдириладиган мотороллер олиб келиб минганман. Кўп ишқибозлар уни машинага алмашмоқчи бўлиб уйимга келган. Кўнмаганман.

1973 йили бир марҳум бўлиб кетган шинаванда акамиз «Волга» машинаси сотиб олиш учун Москва шаҳрига бориб

келишга кўндирди. Москвага ҳам, Ленинградга ҳам билет йўқ экан. Ноилож Киевга учдик. Ўрмон ичида жойлашган бозордан янги «Газ – 21 Волга» автомашинасини сотиб олдик.

Қозоғистоннинг Иргиз деган ерида шеригимнинг мазаси қочиб қолди. Уни самолёт орқали Тошкентга учуриб юбордим. Машинани бир киши ҳайдаб келиши жуда хавфли. Поезд орқали етиб олиш мақсадида станцияга келдим. У ерда кетолмай ётган машиналар кўп экан. Айниқса, болали кишилар, ногиронлар неча кундан бери навбат кутиб ётибди.

Мен станция бошлиғига кириб, ўзимни таништирдим-да, Тошкент темир йўли раиси ўринбосари Азиз Одидовга кўнғироқ қилиб, улаб беришини сўрадим. У кишига вазиятни тушунтирдим. Бошлиқ билан гаплашиб, захирадаги вагонларни ҳам ишга солиб, одамларни юклари билан тез жўнатишни буюрди-лар. Бошлиқ менинг олдимга келиб:

– Биринчи сени жўнатаман, – деди.

– Йўқ, охирида кетаман, – дедим.

Бу одамларнинг миннатдорликларини кўрсангиз эди. Азиз ака туфайли мен ҳам кўп савобга қолдим.

## Сафарда орттирган дўстларим

Алматилик уч рус ака-ука билан бир вагонда келдик. Улар саёҳатдан қайтишаётган экан. Ака-укалар билан тўғри бизнинг уйга келдик. Улар икки кун меҳмонимиз бўлиб, мenden миннатдорлигини Фирдавсхонга билдириб, бизни Алматида кутишларини айтишди. Улардан кетма-кет хатлар, телеграммалар келиб турди. Эру хотин кенжа қизимиз Гулмира билан 1975 йили Алматига бориб, ака-укаларни топдик.

Улар Или дарёси томон отланаётган экан. Бизни кўриб, овни йиғиштирмақчи бўлишди. Мен овни жуда яхши кўраман. Шунинг учун ҳаммамиз Или дарёси бўйига бордик. Мен ўша «Волга» машинамнинг багажига қўра, кабоб сихлари, ўтину кўмиргача юклаб борган эдим. Улар аёллари билан ўз «Жигули»сида боришди. Хуллас, ўн кун ўша ерда қолиб кетдик.

Менинг у ердаги «лавозим»им дам олувчиларни овқат билан таъминлаш эди. Бутун маҳоратимни ишга солиб юбордим. Балиқ ҳамда тустовуқ гўшtidан ўндан ортиқ таом тайёрлаб бердим. Балиқ кабоби, тустовуқ кабоби, балиқ шўрва, дуд-

ланган балиқ, димлама, қовурма балиқ, балиқ қийма, тустовуқ қийма, балиқ оши, тустовуқ оши ва бошқалар. Ака-укалар менга шунақанги ҳайрон қолишиб, Фирдавсхонга: «Қаердан бунақа эр топгансан? Билмаган нарсаси йўқ экан. Бу эринг катта ресторан очса бўлар экан, бунақа эрни жуда ҳурмат қилгин», – деб, хурсанд бўлиб қолишди ва бизни жуда яхши кайфият билан кузатишди. Фирдавсхон ҳам ҳайратда қолди:

– Ўзбек таомларини қотирасиз десам, Европа овқатларига ҳам устаси фаранг экансиз. Буларни қаердан ўргангансиз?..

– Менга Оллоҳ иноят этган, – дедим.

## Олим акам

Олим акам тўғриларида бир дoston ёзса бўладиган олижаноб, камтарин, камбағалпарвар инсон эдилар. Уларга ҳавас қилиб юрган эдим. 1970 йили Оллоҳ бизга ўғил берди. Олим акамдан ўғлимнинг исмини Олим қўйишга фотиҳа олдим. Оллоҳга минг карра шукр, Олимжонимиз олижаноб, ҳаммага ғамхўр, вафодор, маҳалла-қўйда обрўга эга, уч фарзанднинг отаси бўлиб юрибди. Оллоҳни қалби билан яхши кўради. Иймон-эътиқодли. Ундан розиман.

## Бир қозонда икки хил ош

Олим акам ошни жуда яхши кўрар эдилар. Бир куни бир ярим кило девзира гуручини қўлимга тутқазиб, чойхонада ош тайёрлаб туришимни айтдилар. Ошга гуручни солиб турган эдим, бирдан кўпчилик бўлиб келиб қолишди.

– Болам, буёғи чатоқ бўлиб қолди-ку, одам кўпайиб кетди, энди нима қиламиз? – деб қолдилар.

– Сиз бориб бемалол ўртоқларингиз билан гаплашиб ўтиринг, буёғи яхши бўлади, – дедим. Каллани ишлатиш керак эди. Олдимиздаги магазиндан 1 килоси 80 тийинли жайдари гуруч олиб келдим. Девзирани чала пишириб туриб, уни қозоннинг бир ёқ ярмига йиғиштириб, ўчоқнинг тагидаги оловнинг ярмини, яъни девзиранинг тагидаги қисмини ўчириб, ўртага пишиқ ғишт қўйиб, икки қисмга бўлдим. Ўчоқнинг ярмидаги оловни кучайтириб, жайдари гуручни қозонга солдим.

Жайдари гуруч ҳам етилиб қолганидан кейин, ўчоқнинг тагидаги ғиштни олиб ташлаб, фақат ёнаётган оловни қолдирдим. Икки гуруч бир хилда етилгандан сўнг, олдин сопол товоқ билан, кейин эса тоғора билан ёпиб, оловни буткул паслатиб, дамлаб қўйдим. Бир қозонда икки хил ош пишди. Иккита товоқда девзира, битта катта товоқда жайдари гуручдан таёрланган ош суздим. Девзира ошни Фарғона водийсидан келган меҳмонлар, жайдари ошни тошкентлик меҳмонлар олдиға қўйдим.

Олим акам мендан шунақанги хурсанд бўлдиларки...

Рости, ошпазлик иккинчи касбим десам бўлади.

## Тишим остида асраган миллий мусиқам

Консерваторияда ўқиётган давримда, миллий мусиқага эркинлик йўқ эди. Домлаларимизнинг тутган йўли ўзларига маъқул эди. Лекин ўзингиз ўйлаб кўринг: миллий чолғу асбобларсиз халқимизни хурсанд қилиш мумкинми? Йўқ! Миллий куйлар, улардаги нола-қочириқлар билан санъатни элга манзур қилиш мумкин. Буни кўплар тушунар эди. Лекин ҳеч ким юрак ютиб бу ҳақиқатни очиқ айтолмасди, ҳамма ўзини четга олар эди.

Ўзбек мусиқий асбобларини реконструкция қилиш ва бутун умр оркестрда ўтириб, шу реконструкция қилинган асбоблар билан Ғарб мусиқаларини чалиш керак эди. Ахир, биз ўзбек халқининг нон-тузини едикми, энди миллий асбобларимизда мумтоз куйларимизни чалиб, уни оқлашимиз керак эмасмиди? Бекиниб, консерваторияда ўз севган миллий созим – дуторимда нолалар қилиб, берилиб чалаётганимда, ўша консерватория раҳбари орқамдан келиб, қулоғимни шунақанги бураганки, эсласам, ҳали ҳам қулоғим оғриётганга ўхшаб кетаверади.

– Сен қаерда ўқиётганингни биласанми? Бу чалаётган асбобинг консерваториямизда ишлатилмайди-ку? Бу нолалар нимаси? Нима бало, отарга тайёрланяпсанми? – деб дўқ қилиб кетди. – Нола сизнинг назарингизда нима? Бу ортиқча товуш, – деб уқтирди.

Мен ҳам бўш келмай.

– Бу нолани сиз умуман тушунмайсиз, чунки сизда ўзбекнинг қалби, юраги йўқ, – дедим.

– Сен бундан кейин бу даргоҳда ўқимайсан, мен сенга йўл бермайман, – деди.

1971 йил биринчи февралда Ўзбекистон бўйича биринчи

халқ чолғу асбоблари танлови эълон қилинди. Бунинг шартига кўра, уч асбобда, яъни дутор прима, дутор секунда, дутор альтда ҳар хил миллат куйларини чалиш керак эди. Рус, Европа ва ўзбек куйлари мўлжалланган эди. Менга ёққани – созанда хоҳлаган асарни ўз ихтиёри билан чалиши ҳам мумкин эди. Мен учинчи – ихтиёрий куй чалишни танладим. Бу куйнинг номи «Кўнгил гулдастаси» эди. Биринчи бор ўзим атайлаб дуторга мослаб басталаган уч қисмли асарим шу эди. Бу асарни ўрнимдан туриб чалиб юбордим. Бу асар ўзимга чин кўнгилдан ёққани учун шинавандаларга жуда маъқул тушди. Қарсақнинг кети узилмасди. Бу хурсандчилик умр бўйи эсимдан чиқмаса керак. Лауреат бўлиш учун 25 балл тўплаш лозим эди. Мен 21,5 ярим балл олиб, рағбатлантирувчи диплом билан тақдирландим.

Ҳалиги консерватория раҳбари икки дўсти билан бирга мендан бошлаб ўчини олди. Танлов тамом бўлгандан кейин, Тошкентнинг ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳайъат аъзолари ва устозларга ош қилиб бериш менга юклатилган эди. Бу ишончни оқлаш учун бор маҳоратимни ишлатиб, ошни ўйнатвордим. Ҳаммага маъқул бўлибди, шекилли, мени йўқлаб қолишди. Ҳайъат аъзолари олдига борсам, бояги раҳбар бу ерда ҳайъат раиси:

- Наҳотки, шу ошни сен дамлаган бўлсанг? – деди.
- Сизга ёқдимми? – деб сўрасам:
- Ҳаммага ёқди, – деди.

Шу ерда юракнинг тубида ётган аламим эсга тушиб, ундан бошлаб ўчимни олдим.

– Ош – ўзбек миллий таомларидан, уни ошпаз қалби билан тайёрлайди, бунда реконструкция йўқ. Гуруч ўрнига гречка солинг, қани, нима бўлар экан? – дегандим, ҳамма кулиб юборди.

Раҳбар шахс қўллаб-қуватлаганлар танловда яхши баллар олиб, лауреат бўлишди. Чунки улар Европа усулидаги созандалар эди. Ҳозир улардан кўплари санъатдан бошқа соҳаларга ўтиб кетган, чунки улар мусиқада хато йўлдан юриб, алданишди, бундайлар на ўзи ва на халқига фойда келтирди.

Агар мен ҳам ўшаларнинг йўлидан юриб, прима, секунда, альт дутор курсини битириб чиққанимда, бутун жаҳонга таниқли Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Мукаррама Турғунбоева, халқ ҳурмат қилган лирик хонанда Фахриддин Умаров ва бошқа таниқли санъаткорлар мени ёнига чақирармиди? Албатта, йўқ.

## Шахсий ғоя

Ҳар бир инсонда ўзининг шахсий ғояси бўлиши керак. Келажакка интилиб яшаш лозим, ҳеч қачон иккиланмаслик зарур. Иккиланган инсон ҳаётда кўп қоқилади. Ўйлаган ниятига етолмасдан, бошқа кўчаларга кириб кетади. Оқибат эса аён: у нафақат оиласига, жамиятга, халқига хизмат қилишдан ҳам маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

Ҳаётимда ҳеч қачон орқага қайтмаганман. Бир оддий мисол. Уйимиз ўрнига кинотеатр қурилгандан кейин бошқа ер олиб, ҳовли қурдим, деган эдим. У 3,5 сотих эди. Вақтлар ўтиб, шу жойда нотинчлик пайдо бўлди. Катта-катта бой оилаларнинг фарзандлари ёмон кўчаларга кириб, ўғрилик ва бошқа ёмон ишларга қўл уришди. Мен: "Фарзандларим шуларга қўшилиб қолмасин", деган ўй билан бошқа жойга кўчишни мўлжал қилиб қўйдим. Назарбек қишлоғи томонга бориб, иккита бригада боғчаларида ашула раҳбари бўлиб ишлай бошладим. Икки йил ўтгандан кейин шу ердаги ўқитувчиларга уй қуриш учун жой берилиб, менга ҳам 6 сотих ер ажратилди. Уйни қура бошладим. Олдинги ҳовлимни сотиб, пулини янги иморатга ишлатдим. Ҳовлимизни сотиб олган одамнинг ҳам пули тўлиқ эмас экан. Келишиб, кам-камдан узиб турадиган бўлди, кўндим, бир-биримизга имконият туғдириб бердик.

Фирдавсхон билан ҳам келишиб олдим:

– Болаларни сиз тарбиялайсиз, қолган оғир ишларни ўзим амаллайман, – дедим.

Консерваторияда ўқиш, филармонияда, боғчаларда ишлаш, концертлар, телевидение, пластинка ёзиш ва кинолар учун мусиқа чалиб бериш, буёғи тўйлар дегандек, яна қурилиш қилиш, усталарга материаллар топиб келиш, ош-овқатидан хабардор бўлиб туриш онсон эмас эди, ҳамасининг урдасидан чиқдим.

Инсонда хоҳиш бўлса, ҳар қандай қийинчиликни енгиш учун йўл топади. Ҳаммага маълумки, 1980 йил 11 декабрида телевидение орқали «Зита ва Гита» ҳинд фильми берилган вақтда Тошкентда ер қимирлаб, маркази Назарбекда бўлди. Иморатимнинг 80 фоизи битган эди. Мен Фарғонада «Чимён» санаториясида даволанаётган эдим. У ердан келиб, болаларимнинг олдига бормасдан, тўппа-тўғри Назарбекда

қурилаётган иморатга етиб келдим. Не кўз билан кўрайки, иморат ер билан яксон бўлган эди. Шунда ич-ичимдан шунақанги йиғи келдики, ўзимни ушлаб тура олмадим. Ёнимда ҳеч ким йўқ еди, йиғлаб-йиғлаб, атрофимга қарадим. Бошқаларнинг уйи ҳам шу аҳволда, демак, бу кўпчиликка келган мусибат экан. Бўлар иш бўлди. Энди буёғини ўйлаш керак. Ғишт ва бошқа материалларнинг яхшисини ажратиб, устини салафан билан ёпиб қўйдим. Бошқатдан, пухтароқ қилиб қуришга киришдим. Шунда ҳалқнинг бир мақоли эсимга тушди: «Иморат қилсанг, ўлишингни ўйлама».

### **«Сув, тупроқ, самоннинг ҳужжати йўқ!»**

Ўша даврни эсласангиз, бир машина ғиштни топиб олиб келгунча, кетингиздан қанча текширувчилар келар эди. Яна бир мақолимиз бор: «Ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри тутма!» Шунга амал қилиб, мен ҳаётимда қаердан қанақа даромад қилганимнинг имкон қадар ҳужжат, маълумотнома, квитанцияларини йиғиб юрар эдим. Олдинги ҳовлимни сотгандаги пулимни, телевидение, пластинка ёзишдан, кинолардан олган гонорарларимни, бошқа даромадларим ҳақидаги қоғозларни тўплаб юрар эдим. Ўзим қийналиб, зўрға қурилиш қилаётган вақтимда, бу текширувчилар ҳар куни келавериш жонга тегди.

– Очиғини айтинг, ниманинг ҳужжати йўқ? – деб сўрашди.

– Ҳужжати йўқ материалларни айтсам, мени авф этасизларми? – дедим. Келган комиссия аъзоларидан бири ўзини таништириб, терговчилигини айтди-да:

– Ана бу эркакча гап бўлди. Ахир, биз давлат ходимимиз, биз ҳам ишхонага бориб, ҳисобот беришимиз керак. Айтинг, нималарнинг ҳужжати йўқ? – деди,

– Майли, ёзиб олинг, дедим. Биринчи – сувники, иккинчи – тупроқники, учинчи сомонники йўқ. Қолган ҳаммасига ҳужжат бор. Ҳатто миҳга ҳам ҳужжат бор, мана, – деб, 10 қути ҳар хил миҳнинг ҳам ҳужжатини кўрсатдим.

– Бундан иш чиқмас экан, – деб ҳаммаси орқага қайтиб кетди.

## «Қишлоқми – қишлоқча яшайман...»

1983 йил кузида қайта қурилган ҳовлига кўчиб келдик. Қишлоқда яшашнинг ҳам ўз муаммоси бўлар экан. 1984 йил баҳорида жамоа хўжалиги раёсатидан вакиллар милиция ходимлари билан бирга келиб, бизнинг ипак қурти боқиб беришимизни, акс ҳолда, уйимизни бузиб ташлашларини айтиб, дўқ уришди. Олиб, қутисини кўрсам, майда-майда чивинга ўхшаган бир ҳовуч жонивор экан.

– Бор-йўғи шуми? – дедим. Олиб қолиб, боқдик. Дунёда ҳамма қийинчиликни кўрдим, лекин бу қурт боқиш жуда азоб экан. Аста-секин бунга ҳам кўниқиб кетдик, қуртга муҳаббат ҳам ошди. Ҳаммасига ном қўйиб чиқай десам, дунёдаги ном етмас экан. Натижа ёмон бўлмади, сифати ҳам яхши бўлди. Кейинги йили ҳам боқдик, у ҳам яхши бўлди. 1986 йили беш ёш боласи бор қўшнимизга ҳам қурт боқишни мажбурлашди. Раҳмим келиб, унинг қутисини ҳам олиб, олий сифат билан пилла топширдик. Рўпарамизда бир ташландиқ участка ери бор эди. Эгаси билан келишиб, шу 6 сотихли ерни сотиб олиб, уй қурдим. Меҳнатларимизга ачинмайман: ўғлимиз шу ҳовлида оиласи билан яшаяпти.

## Радио мактаби

1976 йили радиодан вакиллар келиб, мени Дони Зокиров раҳбарлигидаги халқ чолғу асбоблари оркестрига дуторчи-созанда қилиб олиб кетишди. Бу ерда кўп устозлар билан танишдим. Маҳмуд Юнусов, Зокиржон Обидов, Ғанижон Тошматов ва ўнлаб забардаст ҳофизу созандалар билан мулоқотда бўлдим, бирга ишладим, билмаганларимни улардан ўргандим.

1980 йилдан бошлаб шундай улуғ бастакор ва дирижёр Дони Зокиров тагига атайлаб сув қуйишди, қариб қолди, ўрнига ёш Тельман Ҳасановни қўйиш керак, деб кучли ҳаракатга тушишди. Дони Зокиров касалга чалиниб қолдилар, ўринларига Тельман Ҳасанов қўйилди.

Биринчи кундан пультага чиққан Тельман Ҳасанов:

– Мен пультага чиқишим билан, ҳаммаларингиз ўринларингиздан туринглар, – деди.

– Бу ҳарбий оркестр эмас-ку, – дедим.



– Шунақа маҳмадоначилик қилсанг, ишдан кетасан, – деб қолди. Ишимиз орқага кетди. Оркестр созандалари уч гуруҳга бўлинди. Жамоада ҳар хил йўллар билан пул йиғиш бошланиб кетди. Пул ундириш мақсадида тўйга борадиган созандау ҳофизларнинг йўли тўсилди, бошлиқ билан «тил» топишган одамларнинг ошиғи олчи бўлди. Ҳатто унвонлар олиб бериш ваъдаси билан айримларнинг олдиндан пулларини олиб қўйди.

Жамоамиздан бир созанданинг хотини тўсатдан вафот этди. Унинг ортиқча даромади йўқ эди. Мен ўрнимдан туриб:

– Келинглр, дўстимизга ёрдам берайлик, савоб бўлади, – дедим. Биринчи бўлиб 10 сўм бердим. Сўнг 60 кишидан анча пул йиғилди, баҳоли қудрат беришди, яхшигина пул йиғилди. Раҳбар:

– Йиғилган пулни менга беринглр, мен ўзим топшираман, – деб бор пулни олиб қўйди. Касаба уюшмасидан ҳам 100 сўм олиб, конверт ичига фақат 50 сўм солиб, ҳалиги хотини қазо қилган созандага берибди. Охири бу қалбаки ишларининг миси чиқиб қолди. Жамоамиз созандаси Қобил Усмонов санъаткор одам эмасми:

– Қачонгача бунақа қаллобликка чидаймиз? Бирлашиб, тепага хат ёзамиз, – деди.

– Иккинчи бўлиб мен қўл қўйдим. Жами 13 имзо йиғилди. Тепадан келганлар Тельман Ҳасанов кирдикорларини текшириш ўрнига, 13 кишидан қарийб ярмини аттестация қилиб, ишдан хайдашди. Ичимизга сотқин одам кириб олиб, фақат тепадагилар фойдасига ишлади. Кейинчалик бу сотқин «мукофот»ига катта лавозимни эгаллади. Имзо чекканлардан яна бири унвон олиб қолиб, ўйиндан чиқди, хуллас, бир ўзим қолиб кетдим.

Тепадагилардан Тельман Ҳасановнинг таниши мени қабулига таклиф қилди:

– Сиз яхши созанда, истеъдодли дуторчи экансиз, сизга яқин кунларда унвон берамиз. Фақат сиздан илтимос, анави фикрингиздан қайтинг, – деди. Мен унга:

– Инсонда битта ғоя бўлади, мен сотқин эмасман, содиқман, умримнинг охиригача сенлардан унвон олмайман. Марҳумни ерга қўйишганда ўша одамнинг қанақа одамлиги сўралади, унвони бор-йўқлиги эмас, – дедим. Унда-бунда сўзларни бир-бирига қофиялаштириб, шеърга ўхшаш бир нималар тўқиб ташлайдиган одатим бор эди. Бу ерда ҳам шундай қилдим:

Эй, Мирсодиқ, не керак унвон,  
Ишларингдан эл рози – қувон.

1987 йил 4 декабрида ўша хат бўйича мени Ўзбекистон Олий Совети Президиумига таклиф қилишди. Қабулга кирсам, русчалаб гапиришимни, чунки Москва вакили ўтирганини айтишди.

– Мен ўзбек тилида гапираман, чунки Ўзбекистон раҳбариятининг олдига қиряпман. Шахсий мурувват сўраб қираётганим ҳам йўқ. Узимизнинг ички сиримиз бошқаларга тарқамасин учун ҳам ўзбек тилида гапиришим керак, – дедим. Кўнишмади, норози бўлиб чиқиб кетдим. Ҳозир ҳам кўлимда Олий Совет Президиумига чақирилганим тўғрисида ҳужжат бор.

Йўлимни пичоқ билан тўсиб чиққан одам ҳам бўлди:

– Сени ўлдираман, – деди

– Қўлингдан келмайди, менга қарши одамларнинг исмларини қариндошларимга тарқатганман, барибир, иш очилади, – деб уқтирдим.

Охири бир кўп нарсани биладиган одамдан маслаҳат сўраган эдим, бунинг йўли бор гапни бирон таниш орқали Москвага етказиш эканини уқтирди. Тошкент аэропортида ишлайдиган одамим хатни Москвага – керакли жойга ташлаб келди. Орадан кўп ўтмай Москвадан вакиллар келиб, текширув бошланиб кетди. Энди менинг кўлим баланд келди. Асабларим чарчаб, касалхонанинг неврология бўлимида ётган эдим. Тепадагилар ҳам, радиодаги айрим раҳбарлар ҳам мени йўқлаб қолишди. Кўп одамлар қамаладиган бўлиб қолди. Шунда устозим мени кўргани касалхонага келдилар. Бўлган вазиятни айтиб бердим.

– Болам, сен мард бўлсанг, қаматма. Вақти келганда Оллоҳ уларга жазо беради. Шогирдим бўлсанг, ҳеч кимни қаматма. Лекин сен ҳақсан, тутаётган йўлинг тўғри, аммо битта нарсани унутмагин: уларнинг фарзандлари бор, аёллари бор. Уларда айб йўқ-ку. Бу дунё-да фақат яхшилик қилиб қолгин, менинг маслаҳатим – шу, – дедилар.

Тепадаги Тельман Ҳасановнинг ҳимоячисига телефон қилиб:

– Менинг олдимга келиб кетинг, мен шу касалхонада ётибман. Фақат менга бирон нарса кўтариб келманг, – дедим. Тезда келди.

– Сиз улуғ одамсиз, бу оддий касалхонада ётманг, мен сизни бошқа яхши жойларга ётқизиб қўяман, тезда шифо топасиз, – деди.

– Илтифотингиз учун раҳмат, мен сизни бошқа масалада чақирдим. Сиздан олдин устозим келиб, менга йўл-йўриқ ўргатиб, насиҳат қилиб кетдилар. Бунақанги олижаноб инсон дунёда йўқ. Мен уларнинг содиқ шогирдлариман. Агар сиз мени тўғри тушунсангиз, мен ҳам сизга ёмонликни асло рово кўрмайман, – дедим.

– Айтинг тилагингизни, нима қилгин десангиз, мен тайёрман, – деди.

– Биринчи Ҳасановни радиокомитетдан йўқотасиз, ўр-нига мен ўзим яхши ҳалол дирижёрни олиб келаман. Иккинчиси, хоразмлик малагингизни кетказасиз. Учинчи илтимосим, ўзингиз ҳам бошқа ишга ўтасиз. Шунда мен сизларни қаматмайман, – дедим. Бир-биримизга қўл беришиб, хайрлашдик. Радиокомитетда катта ўзгаришлар бўлди. Янги дирижёр келди. Оркестримиз ишлари ҳам олдинга силжиди.

### **«РАФ»им – рафрафим**

1989 йили тамбурчи Қаҳрамон деган укамиз менга «Известия» газетасини кўрсатиб:

– Содиқ ака, Ригага борасизми? Эълон ёзибди. «РАФ» сотаётган экан. Агар ким олмоқчи бўлса, кўп болали экани ҳақида маълумотнома ва 30 минг сўмга чек, ишлайдиган жойидан маълумотнома ва тавсиянома, тураржойидан маълумотнома керак, – деган эди, ҳужжатларни тўғрилаб, бир ўртоғим билан Ригага бориб, «РАФ» олиб келдик. Кейин билсам, Тошкентда биринчи бўлиб «РАФ» автобуси олиб келган мен эканман, ҳали ҳеч ким бунақа автобусга рақам олмаган экан.

Зангиота тумани ДАН идорасига борсам, Акрам ака деган бошлиғи:

– Қайси юрак билан 30 минг сўмлик автобусни олиб келдингиз? Одамлар «Жигули» олса, бировларнинг номига расмийлаштиради, – дедилар.

– Менга ишонинг, ҳамма даромадим тўғрисида ҳужжатларим бор. Ким хоҳласа, текшираверсин, – дедим.

– Бўпти, сиздек довурак одамга рақам берсам, бердим-да, –

дедилар. Тирикчилик йўлини топиб олдим. Бир куни айланма йўлдан Назарбекка кетаётган эдим. Бир эски «РАФ» автобуси бузилиб қолган экан. Менинг «РАФ»имни кўриб, хурсанд бўлиб кетишди. Йўловчилар 10 киши экан. Чимкентга олиб бориб қўйдим. Автостанцияда йўловчилар мендан сўрамасдан машинага чиқиб олишди. Чимкентга бориб-келиш билан бензиндан ташқари 100 сўм ишладим. У вақтда 100 сўмга битта катта қўй берар эди. Бир йўловчи:

– Агар сиз ҳар куни эрталаб соат 5.00 да Тошкент автостанциясига чиқсангиз, машинангиз тўладиган йўловчи бўлади. Чунки бир хил шофёрлар кечқурун ичади, эрталаб туришга қийналади, – деди. Эртасига эрталаб 4.30 да автостанцияда бўлдим, ҳақиқатан, йўловчилар кўп бўлар экан. Шу билан менинг киракашлик фаолиятим бошланиб кетди. Тошкентга эрталаб 9.00 га етиб келиб, бемалол радиокомитетга ишга улгурар эдим. Кечқурун соат бир-иккиларда тўйдан келсам ҳам, тўртда туриб, йўлга чиқар эдим.

### **Меҳнатнинг айби йўқ**

1990 йили ишдан бўшадим. Биринчидан, радиодаги майдачуйда можаролардан қутулган эдим. Энди болаларимни оёққа қўйиш, уй-жойли қилиш, қизларимни узатиш режалари бор эди. Меҳнатга ўрганган одам ҳеч тиниб-тинчиб ўтиролмас экан.

300 килолик ола-була сигир боқдим. Қунига уч маҳал соғилади, ҳар соққанда 10 литрдан сут оламиз. Жониворни ҳеч тўйғазиб бўлмайди, жуда хўрон эди. Сигир соғишни ҳам ўрганиб олдим. 4 – 5 та бир ёшга етган буқачани сотиб олиб, боқдим. Етилганидан кейин, ёнимиздаги мол сўядиган кушхоналарга олиб бориб, сўйиб топширар эдим. Давлатга гўшт топширилгани тўғрисида маълумотнома олиб, Олой бозоридаги махсус магазиндан қизларим ва ўғилларимга тўйга атаб кийим-кечак, пойабзаллар олар эдим. Чорсу бозорининг ичида бир танишим бир қоп хорижий ем берган эди. Таркибида 10 та витамин бор экан. Боқётган ҳамма молларимга эмас, фақат биттасига бердим. Семириб, тикма бўлиб кетди. Назарбек мол бозорига олиб бордим, эски қассоблар молни ўраб олишди:

– Нега кушхонага олиб бормадингиз, биздан хафа бўлдингизми? – дейишди.

– Йўқ, бу ноёб мол, шунинг учун бозорга олиб келдим, – дедим.

– Бунинг сири бор, мана. Сизлар мўлжал қилинглари-чи, шундан қанча гўшт чиқади? Улар қўллари билан текшириб, 150 кг чамалашди. Бозор ичида энг тўғри топадиган мутахассисни чақиринди. У 160 кг чиқишини айтди.

– Сиз ҳам тополмадингиз, – десам, мендан хафа бўлиб:

– Биз бу хунар билан 30 йилдан бери шуғулланамиз, сизга бу дуторми? – деди. Шунда мен:

– Ҳозир кушхонага элиб сўямиз, агар 200 кг дан озгина кам чиқса, килосини 3 сўм 80 тийиндан бераман. Агар 200 кг дан озгина ортиқ чиқса, 4 сўм 20 тийиндан оласиз, келишдикми? – дедим. Уч-тўрт киши бўлишиб машинага юклаб, кушхонага олиб келиб, сўйдик, 202 кг чиқди. Ҳамма қассоблар ҳайрон қолиб, менга тан беришди. Кейин уларга ноёб ем берганимни айтдим. Молни бақувват қилиб, вазнига камида 20 – 30 фоиз оғирлик қўшишини айтдим.

Инсон меҳнат қилса, ҳамма нарсани ўрганар экан. Хуллас, касбимга яна битта касб қўшилди.

### Оталик бурчи

1991 йили ўғлим Миролимни ёнимга чақириб, уйлантиришимни айтдим.

– Йўқ, дада, мен сизга ўхшаб, ўзим меҳнат қилиб, маблағ топиб, кейин уйланмоқчиман, – деди.

– Болам, менинг бошимда отам йўқ эди, ҳозир эса уйлантириш учун барча имкониятим бор, йўқ демагин, – деб сўрадим.

– Бўлмасам, бир шартим бор: исломий тўй қилиб берасиз, яъни дастурхонга спиртли ичимлик қўймайсиз. Келин топиш ихтиёри сизларда бўлсин, – деди. Шунақанги хурсанд бўлиб кетдимки... Агар аксини айтганда, нима бўлар эди?

Келин топишимиз ҳам қийин бўлмади. Фирдавсхонни чақириб:

– Яхши кийимларингизни кийиб чиқинг, – дедим. Кийимларини кийиб чиқдилар. Машинага ўтиргандан кейин қаерга бораётганимизни сўрадилар. Совчиликка бораётганимизни билиб:

– Жуда ғалати одатларингиз бор-а, маслаҳатлашмайсиз ҳам, ундан кейин ҳозир кундуз куни бўлса, қизнинг ота-онаси уйда борми-йўқми? – дедилар.

Эшикнинг тугмасини босишим билан, қизнинг отаси эшикни очиб, хурсандлик билан бизни уйга таклиф қилдилар. Дастурхон тайёр экан. Гапни даб-дурустан бошладим

– Султонмуроджон, сиз билан икки мартаба тижорат иши қилдик, тўғрими?

– Тўғри.

– Ишқилиб, мендан рози бўлдингизми?

– Ҳа, албатта, жуда рози бўлган эдим.

– Энди бир-биримизни обдон синадик, тўғрими?

– Тўғри.

– Энди яна бир катта тижорат қиламиз, менга ҳам ёмон бўлмайди, сизга ҳам.

Одатимга кўра, шеър тўқиб ташладим:

Биз қиламиз катта тижорат,  
Чекилмас бирор хижолат.

– Ҳўш, эштайлик, қанақа тижорат экан?

– Одамни бунақа қистаманг-да, уни дарров айтиб бўлмайди, бир пиёла чой қуйинг, мен ҳам нафасимни ростлаб олай, – дейишимни биламан, Фирдавсхон қизларига совчиликка келганимизни айтдилар-қўйдилар.

– Бизларни ташвишга солиб қўйдингиз, мебель масаласи қийин экан, – дедилар.

– Мен шуни сизларга айтгани келдим, ҳеч нарсага овора бўлманглар, ҳамма гарнитурларини олиб келиб, келин тушадиган уйга жойлаб қўйдим.

Тўй ҳам файзли бўлди. Бошловчи Фаражулло акамиз уни шунақанги мамнуният билан очиб, мустақиллигимиз шарофати билан исломий, яъни ичкиликсиз тўй ўтказиш бошланганлигини таъкидладилар. Тўйда кўшиқни Фахриддин Умаров бошлаб бердилар ва бошқа санъаткорлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди.

### Ўғлим, қизим...

Ўғлим тарбияли йигит, тўғрининг тўғриси, покиза, ҳали бир пиёла пиво ҳам ичгани ёки бир дона сигарет тутатгани йўқ. Ҳақорат нималигини билмайди, қалби – Оллоҳ билан.

Маҳаллада обрў-эътиборга эга, ҳурматга сазовор. Чақалок кўрганлар болаларининг қулоғига азон айттиришади, муҳтож оилалардан моддий ва маънавий ёрдамини аямайди. Лекин қилган яхшилигини ҳеч кимга миннат қилмайди. Иймон-эътиқоди мустаҳкам. Санъатдан ҳам хабари бор, дутор чалиб, хониш қилади. Меҳнаткаш, мол боқади, уйларини саранжом қилиб, ҳовлисини гуллар билан безайди. Оиласи мустаҳкам.

Бир-бирига муҳаббати сўлмасин,  
Юзга кирсин, поймонаси тўлмасин.

### **Ўқишнинг кечи йўқ**

1973 йили консерваториянинг 4- курсида ўқиётган давримда янгилик бўлди. Шарқ факультети очилди. Миллий дуторда мумтоз куйларни ўргатиш учун таниқли бастакор-созанда Фахриддин Содиқов таклиф қилинди. Биринчи бўлиб менга ва тамбурчи дўстим Равшан Омоновга мумтоз куйларни ўрганиш насиб этди. Биринчи қалдирғочлар биз эдик. 1974 йили ўқишни аъло баҳоларга тугатдик.

Шу йили тўртинчи фарзандим Гулмира дунёга келди. 1978 йили эса кенжа фарзандим Миромил туғилди.

### **Ишқибозлик**

Ёшлигимдан транспортга ишқибоз бўлганим учун шу Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг кечки бўлимига ўқишга кирдим. Кўп дўстлар орттирдим. Бу ерда ҳам санъатим кўл келди. 1984 йили муҳандис механик касбига эга бўлдим. Менга «артист-автомобилист» деб ном ҳам қўйиб қўйишган эди.

Бу қисқа ҳаётда кўп ҳунарларни эгаллаш ҳеч зарар бўлмас экан, кўп нафи тегар экан. Қаерда бўлмай, нима иш қилмай, дуторим менга малҳам бўлди, чарчаганларимда ёки, ҳатто касалхоналарга даволаниш учун борганимда ҳам қўлимдан тушмас эди. Оғир ётган, юра олмайдиган беморларнинг хоналарига кириб, дутор чалиб бериб, уларнинг кўнглини олар эдим. Битта ўзим концертлар ташкил қилиб берар эдим. Санаторияларга

борганимда ҳам одамларнинг дуосини олишга ҳаракат қилар эдим.

Менинг меҳнатимни, санъатимни, оила тебратишимни билиб, кузатиб юрадиганлар кўп эди. Бир куни бир шинавандам мендан:

– Шунча ишга қандай улгурасиз? – деб сўраб қолди. Шеър тўқидим:

*Менда бўлмас ҳеч тиним.  
Битганича то куним.*

Кимки ёшлигидан ҳалол меҳнат қилса, келажақда фарзандларига ибрат бўлади. Беш фарзандимга тўғри йўл кўрсатдим, иссиқ-совуққа бардош беришни ўргатдим. Сабрнинг туб ҳаётий маъносини тушунтирдим. Биз фарзандларимиз билан фахрланамиз. Бу дунёда яхши ният қилиб, яхши оилалардан ибрат олиб, ҳалол меҳнат билан эзгу мақсадга интилиб яшаган, албатта, ниятига етади. Ота-она фарзандларига ўзи чинакам ўрнак бўлиши керак. Шундагина фарзандларингизда меҳнатларингиз маҳсулини кўрасиз.

Бу ўринда, айтишим керакки, устозим Ғулом Қўчқоров оилаларига ҳавас қилиб яшаб, кам бўлмадим. Болаларимнинг ҳаммасига бир кўз билан қарадим. Дунёда энг ширин нарса ҳалол меҳнат кетидан келган ризқ эканини уқтирдим. Сен ўғилсан, сен қизсан деб ажратмадим, узатганимда ҳам, уйлантирганимда ҳам бир хил тўй қилдим. Ҳаммаси уйлик-жойлик. Ишончим комил, мендан кейин улар мол-дунё талашмайди.

Республикамиз мустақил бўлгандан кейин санъаткорларимизга эътибор кучайди. Ахир, ҳофиз, созанда ҳамма замонда ҳам керак. Имкониятлар яратилди, унвонлар кўпайди. Менинг назаримда, санъатимиз ривожда давлат эътибори сабаб бўлди. Санъат эса республикамиз обрўйига обрў қўшди. Айниқса, пойтахтимиз марказида консерватория қурилиши шахсан мени бағоят қувонтирди. Бу даргоҳда, жумладан, менинг дутор учун яратган асарларимни ёшларимиз завқ-шавқ билан ўрганишади. Консерваторияда «Кўнгил гулдастаси» деган китобим тақдимоти ўтказилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга миннатдорлик билдираман.



## Тухмат балоси

Мустақиллик шарофати билан бизда ҳам бозор муносабатлари бошланиб кетди. 1992 йили бир яқин қариндошим мен бирга ишлашни таклиф этиб қолди. Тошкентда очилган олди-сотди биржасида унга ёрдамчи бўлдим. Даромадимизни ўртада бўлишадиган бўлдик. Мен бу қариндошимни жуда ҳурмат қилардим. Ишларимиз бошланиб кетди, ҳам ёрдамчи, ҳам ҳайдовчисиман. Шеригимнинг менга кўнгли тўғри эмаслигини сезиб қолдим. Орада бир фирмада телевизор сотилаётган экан, укасига ёқиб қолгани учун 20 дона телевизорга нақд пул бериб, олиб келишни буюрди. Фирмадан 20 та телевизор олиб келиб, укасининг магазинига топширдим. Фирмадагилар бошқа маркасини қутига солиб берган экан. Қайтадан фирмага топшириб, пулни қайтариб олиб келишни буюришди. Фирмага олиб бориб, пулни қайтариб олиб келиб, укасига топширдим. Мен жуда чарчаган эдим, қорним ҳам оч эди.

– Пулни ўзларингиз санаб олинглар, мабодо, кам ёки кўп чиқса, айтарсизлар, – деб уйга кетдим. Бир ҳафтагача камомад тўғрисида гап бўлгани йўқ эди. Бир куни шеригимни ишга олиб келиш мақсадида борсам, уйдан чиқиб, менга ўқрайиб:

– Сенинг қўлинг эгри экан, пулдан кам чиқди, – деб қолди.

– Бўлмаган гап, – десам, қулоғимнинг тагига бир шапалоқ тушириб қолди. Ҳаётимда ҳамма нарсани кўрдим-у, лекин тухмат ёмон бўлар экан. Унга чидаб бўлмас экан. Шу кундан мазам қочиб, оёғим қақшаб оғришни бошлади. Элда: «Хурсанд бўлганингда ҳам мозорга бор, ғамга ботганингда ҳам», деган нақл бор. Мозорга бориб, ўзимга далда бердим. Асабийлашиш кучайиб, оғриқ оёқдан қўлга ўтди.

Аҳмаджон деган танишимизнинг фирмаси билан шартнома асосида олди-берди қилган эдик. Каттагина фойда кўришимиз лозим эди. Шеригим, ваъдага мувофиқ, ярмини менга бериши шарт эди. Аҳмаджон мени учратиб қолиб, 1 миллион 200 минг сўм соф фойдани ўтказиб берганини айтди. Демак, мени даф қилишдан мақсад шу фойдадан маҳрум қилиш экан. Шеригимнинг гапига ишониб, беш ой кетида хизматини қилиб юриб, ўз маблағларимдан ҳам ажралиб қолдим. Инфляция еб қўйди. Битта машинада қолдим.

Ўғлим билан машина бозорига бориб, машиналар олди-сотдиси билан шуғулланиб кетдик. Илоҳим, яхши дўстлар ўлмасин. Худога минг бор шукр, машиналарини ишониб бизга ташлаб кетишади: «Сотиб қўярсиз», деб. Ишимиз юришиб кетди. Мен машина сотиб оламан, болаларим кам-кўстини тўғрилаб беради, халқни рози қилиб сотамиз. Орада одамлар уйларини сотиб бериш ёки ҳовли олиб беришимни илтимос қилиб, илинжида мени йўқлаб келишадиган бўлди.

Олти-етти йил шу ишлар билан машғул бўлиб, кетма-кет болаларимнинг тўйларини ҳам қилиб, уларга уй-жой ҳам тўғрилаб бердим.

1999 йили қўшнимизникидан олов чиқиб, қайта қурилган уйимиз ёниб кетди. Яхши ҳамки, рўпарасига иморат солган эканман, шу жонимизга ора кирди. Ўша уйга кўчиб ўтиб, учинчи маротаба қайта уй қуришни бошлаб юбордик. Дарвоқе, уйим ёнганда менга хиёнат қилган шеригим укаси билан келиб, ёнғинни томоша қилиб кетишди. Бир сўмлик ҳам ёрдам беришмади. Ёшлигимдан Оллоҳдан берса, ҳалолидан беришини сўраганман. Иморатни сиқилмасдан, завқ-шавқ билан кўрдим. Олдингисидан ҳам чиройли чиқди.

1999 йили яхши ният билан Фирдавсхон билан Маккага Ҳаж амалини бажариш учун бориб келдик. Оёғим шишиб кетганига қарамай, ҳамма амалларни тўлиқ бажардим. Маккада турган меҳмонхонамизда ўчоқ ва қозон бор экан. «Ана, менга тағин иш топилди», – деб, пастга тушиб, мағазиндан ошнинг харажатини қилиб келдим. 30 кишига мўлжаллаб ош дамладим. Қўқонлик дўстлар билан бир гуруҳ эдик. Ўзбекона ошхўрлик қилдик.

Келаси йили Қўқонга бордик. Биродарлар кутиб олишди. Меҳмондўстликлар бошланиб кетди. Бир ҳафта қолдик. Қумга ҳам олиб боришди.

### **Ҳар кимга ҳам яхши келин буюрсин**

2001 йили тағин Маккага боришни қўмсаб қолдик. Бу гал Умрага – қадр кечасига бордик. Олдин борганимизда ҳам Оллоҳдан сўрайдиган ниятимиз бор эди. Тошкентга келганимизда ниятимиз мустажоб бўлган эди. Иккинчи боришимизда Оллоҳдан кичкина ўғлимизга мос, Оллоҳни танийдиган, исло-

мий келин беришини сўрамоқчи эдик. Самолётга чиқсак, яқин укахонларимиздан бири қизи билан Умрага кетаётган экан. Укамиз билан ҳамроҳ бўлдик. Фикру хаёлим қизларида эди. Фирдавсхон ҳам шу фикрда эканлар. Маккага борганимизда шу укамиз билан бир хонада туриш насиб қилиб қолди; ниятимизни Икромжонга айтдим, келин топганимни ҳам билдирдим. Кимлигини сўраган эдилар:

– Сизнинг қизингиз Наргизахон, – деб жавоб бердим.

Тошкентга келганимизда, икки ёш бир-бирларини кўришди. Бир-бирига маъқул бўлди. Ҳозир бу икки ёшдан Миродил деган набирамиз бор. Оллоҳ рози бўлсин. Наргиза келинимиз худди ўзимиз орзу қилганимиздек эканлар: покиза, мулойим, одобли, ширинсўз, жонкуяр, қалби тоза. Илоҳим, ҳаммага ҳам шундай келин-куёвлар насиб қилсин.

Ўзим бахтли куёв бўлганман. Қайнотам ва қайнонам олижаноб инсонлар эди. Умуман, оила аъзолари одобли, меҳнаткаш, ҳаётда бир нарсага интилиб яшайдиган кишилар эди. Тўйдан кейин Тожиддин ҳожи қори доданинг уйларига биринчи бор қадам қўйганимда, улар мени ҳурмат билан қарши олиб, унинг тўрига ўтирғизиб, шу жой ҳамма вақт келганимда меники эканини уқтирдилар.

– Додажон, мен сиздан юқорига ўтирмайман, – десам:

– Болам, куёвларни пайғамбарлар ҳам сийлаган, – деб уқтирдилар.

– Ахир, менга ота меҳрини кўриш насиб қилмади, Оллоҳга шукр, мен энди бахтиёрман, сиздай табаррук отага куёв, яъни ўғил бўлдим. Бундан кейин ўғил сифатида нима хизматингиз бўлса, ҳаммасига тайёрман, – дедим. Кўзларига ёш олиб:

– Барака топинг, қўша қаринглар, – деб дуо қилдилар. Кейин менинг падари бузрукворим ким бўлганларини сўрадилар. Улар ўта меҳнаткаш одам, иморат устаси, маҳалланинг оқсоқоли бўлганларини, етимпарвар бўлиб, фийсабиллоҳ камбағалларга ёрдам бериб, уйларини таъмирлаб, танчалар ясаб берганларини айтдим. Исмлари Миркомил қори бўлиб, маҳаллада катта обрўга сазовор эканлар. Санъатни жуда севавар эканлар. Уйимизга Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Сўфихоновлар ва аскиячилар ташриф буюришар экан.

## Хотиралар, хотиралар...

Кўкчадаги уйимиз ичкари ва ташқари ҳовлига бўлинар эди. Ташқари ҳовлида катта айвон бўлиб, ёнидан анҳор суви оқиб ўтар эди. Анҳор қирғоғида чиройли супа ясалган, меҳмонлар шу супа устида ўтиришган. Санъаткорлар тез-тез келиб, худди байрамдек базм бўлиб турган экан. Ҳалимлар, сумалаклар, ошлар, ҳатто қовун сайллари қилиб, халқни йиғиб турган эканлар. Раҳматлик отамнинг кўп хислатлари менга ўтган, деб ўйлайман. Қизиқчилик қобилиятлари, шеър тўқишлари, пазандаликлари, меҳмон кутишни яхши кўришлари, иморат устаси эканлари менда бор.

Ота тарафдан бобом Миродил муфти бўлган эканлар. Улар ҳам адолатли, камбағалпарвар, ўша замоннинг олди инсонларидан бўлганлар. Шу сабабли энг кичик набирамга – Миродим ўғлимнинг фарзандига Миродил деб бобомнинг исмларини қўйдим.

Отамнинг олдинги оилаларидан бир фарзанд бўлиб, исмлари Нодир эди. Нодир акам отам қуриб кетган кўп иморатларни сотиб юбориб, бизга ҳеч ёрдамлари тегмаган. Фақат ўзларининг маишатларини ўйлаб иш тутганлар. Лекин тери соҳасида профессор эдилар. Тошкентда хотин, бола-чақаларини ташлаб, Чимкентга кетиб, ўша ерда уйланиб, бола-чақа қилиб кетган эдилар.

Болалик чоғимда Нодир акам мени бир маротаба жуда хурсанд қилганлар, ҳеч эсимдан чиқмайди. Ҳайит куни менга битта шар (пуфак) олиб берганлар. У вақтда менинг хурсандчилигимни кўрсангиз эди. Чунки менга ҳеч ким нарса олиб бериб, хурсанд қилган эмасди-да. «РАФ» автобусимни Чимкентга ҳайдаганимда, автостанцияга чиқиб, мен билан гаплашар эдилар. Тошкентдан у-бу нарса керак бўлса, олиб бориб берар эдим.

Бизнинг Чимкентда учрашганимизни Тошкентга қатнайдиغان киракашлар кўришган эди. Бир куни, аниқ биламан, Қозоғистон мустақиллигининг бир йиллик куни эди. Чимкентдан «РАФ» ҳайдовчи танишларим уйимга келиб, акам оғирлашиб қолганларини, тезда боришимни айтди. Ўғлим Миродим билан етиб бордим. Афсуски, акам оламдан кўз юмган эканлар. Бешолти қўшнилари нима қилишларини билмай турган экан. Мен улардан акамнинг хотини ва фарзандини топишни сўрадим.

Улар акамни ташлаб, кўп қаватли уйга чиқиб кетишган экан. Уларни топиб, ўғилларига:

– Болам, орангиздан нима ўтган бўлса ҳам, акам сенинг отанг бўлади. Шунинг учун менинг маслаҳатим: сизларникига олиб келиб, ювамиз, тезда гўрков топиб, шу бугун кўмамиз. Агар шу ишга сен қўшилмасанг, бутун умр ўзингни кечирмайсан. Агар йўқ десанг, мен Тошкентга олиб кетиб, ўзим кўмаман, – дедим. У рози бўлди. Байрам куни бўлгани учун гўрковларнинг ҳаммаси маст эди. Қўшнилари ишга солиб, гўр ҳам қаздирдик. Майитни шомда чиқардик. Ҳаммаси бўлиб саккиз ёки тўққиз киши дафн маросимида иштирок этди. Қабристонга қадам қўйишим билан шунақанги йиғи келдики, додлаб юбордим. Жигар жигар экан. Ўғлим Миролим фотиҳаларни ўқиб турди. Дафндан акамнинг уйларига келиб, фотиҳа ўқилди. Нодир ўғилларига:

– Мана шу уй – сенга, «Победа» машиналари ҳам сенга, – дедим. Ўғиллари:

– Машинани сиз ола қолинг, – деди.

– Йўқ, менга ҳеч нарса керак эмас, – дедим.

Эртаси пешин вақтигача бўлиб, Тошкентга қайтдик. Акамнинг биринчи оилалари – Карима келинойимнинг уйларига бориб, акамизни кўмиб келганимизни айтдим. Улар бир йиғлаб олиб:

– Баракалла, Мирсодиқ, отангизнинг руҳлари шод бўлади, – дедилар.

Уйимда бир худойи қилдим.

### **«Ақл билан меҳнат омон бўлса...»**

Ғафур Ғуломнинг «Ҳасан кайфий» деган машҳур ҳикояси бор. Унинг қаҳрамони ҳаётнинг ҳеч бир муаммосидан қўрқмайди. Чунки жуда зўр бир шиори бор: «Ақл билан меҳнат омон бўлса, уёғи бир гап бўлар...»

Биласиз, тижоратдан ҳам хабарим бор, гастроль сафарига чиққанда ҳаётда керак бўладиган яхши нарсаларни менга буюртма қилган одамлардан олдин пулларини олиб, почта орқали эгаларига юборар эдим. Ҳамма ишга улгурар эдим. Мен ёш бўлганим учун устоз санъаткорларга хизмат қилишни ўрнига қўяр эдим. Эрта туриб, вагондаги тўнкаларни ёқар, чойларни қайнатиб, ҳатто вагонларни ювиб чиқар эдим. Ғулом

Абдурахмонов, Аюб Қодиров, Фулом Қўчқоров, Саид Алиев, Муҳаббат Мусаева, Сайфи Жалил ва бошқаларнинг хизматида бўлганман. Мен учун буларга хизмат қилиш ҳам қарз, ҳам фарз эди. Собиқ Иттифоқ бўйлаб бормаган жойимиз кам қолган.

Бир гал қайнонамга гастролдан бир чиройли ҳасса олиб келиб бердим, шунақанги хурсанд бўлиб, дуо қилдиларки...

Сибирдек узоқ манзилга бориб, ўзимиздан борган аскарларга концерт қўйиб келиб, вагонларимизда ётдик. Эрталаб ўрнимдан турсам, вагон ойналари яхлаган. Вагонимиз ҳеч ким кўринмайдиган тайганинг ўрмон орасига олиб бориб қўйилган экан. Концертдан чарчаб келгандан кейин уйқу қаттиқ бўлади, вагонимизнинг тақур-туқури ҳам билинмайди. Ойнани артиб, атрофга қарасам, ҳаммаёқни оппоқ қор қоплаган, худди кинода кўргандек. Дарахтларнинг шохлари қор билан қопланган, эгилиб ётибди; ҳеч қанақа из ҳам йўқ, изғирин шамол ҳукм сурар эди, холос. Эрталаб нонушта қилишга нонимиз ҳам қолмаган. Лекин ош қилишга етарли масаллиқ бор эди: қотган гўшт, сабзи, пиёз, гуруч ва бошқалар тап-тайёр экан. Фикримга ош қилиш келиб қолди. Эски тўнимни кийиб, шарф билан ўраниб, бошимга иссиқ кубанка кийиб, темир ўчоқ ва қозон-товоқларни тайёрлаб олдим. Ўтин эса ҳамма вақт вагоннинг тепасида куришиб қўйилар эди. Ошга керак бўладиган ҳамма масаллиқни тўғраб, тайёрлаб, вагоннинг эшигини очаман десам, очилмайди. Яхлаб қолган экан, бир амаллаб очдим, зиналар ҳам қорга тўлган эди. Раҳбаримиз:

– Содиқ, ош қилмай қўя қол, тагин яхлаб қолмагин, – дедилар.

– Яхламаслик йўлини биламан, – дедим. Қорга оёқ қўйсам, чўкиб кетдим. Қўлимдаги капгир билан йўл очдим. Вагондан уч қадамча нарида қорни кураб ташлаб, ўчоқни ўрнатдим, қозоннинг атрофида юрадиган жой қилдим. Агар энгашсам, мени ҳеч ким кўрмайди. Оловнинг иссиғи билан сақландим. Пиёз, гўшт, сабзи қовурилгандан кейин соламан десам, сув йўқ. Нима қилиш керак? Атрофда қор бисёр, капгир билан қорни олиб, қозонга солдим. Вагондагилар гуручни ювиб, ивитиб беришди. 5 кило гуруч солдим, то ош пишгунга қадар оловнинг тагини ўчирмадим. Дамлаётганимда ҳам қозон тагида олов, кам бўлса ҳам, бор эди. Ош пишиши билан вагон олдига бориб, капгир билан вагонга урдим. Икки ёрдамчи тушиб, қозонни зўрға кўтариб, вагонга олиб чиқишди. Мен темир

ўчоқни кўтариб, ўз жойига қўйдим. 9 та купедан идиш-товоқ олиб келиб, қозонни очдим. Вагон ош ҳидига тўлиб кетди. Ошим жуда ўхшабди. Ҳаммининг дуосига қолдим.

### Қайнотам – отам, қайнонам – онам

Раҳматлик дирижёримиз Дони Зокиров жуда ҳаётни тушунадиган, меҳрибон, инсонгарчиликни ўрнига қўядиган устоз эдилар. Шунинг учун тўғриси айтиб жавоб сўрасангиз, ишдан жавоб берар эдилар. Мен фақат ҳар жума куни соат 12 дан кейин қайнотамни намозга олиб бориш мақсадида жавоб сўрардим. Қайнотам билан ота-боладай бўлиб кетдим. Уларнинг ҳовлиларида ҳар хил навли тоқлар бор эди. Отам ўзлари парвариш қилар. набиралари Жалололдин ёрдамлашар эди. Уйларига борганимда, қайнотам энг ширин узумлар билан меҳмон қилар, қайнонам эса энг яхши кўрган нок, олма ва бошқа тансиқ мевалардан мен учун олиб қўярдилар.

Фирдавсхон билан орамиздан қора мушук ўтиб қолган кунлар бўлган. Ўшанда араз қилиб, қайнотамнинг уйларига бориб, ётиб келар эдим. Бир ўзим борсам, қайнотам дарров сезар эдилар.

– Бизникига келиб, яхши қилибсиз, ўзим уни уришиб қўяман, – дердилар. Қайнонам ҳам мени жуда ҳурмат қилар эдилар. Қаерга хоҳласалар, олиб бориб келар эдим. Ёз пайти эди. Болаларимни Роҳат кўлига олиб бормоқчи эдим.

– Мени ҳам олиб боринг, – деб қолдилар.

– Жоним билан, – дедим. Улар ҳам машинага чиқдилар.

Қарасам, қайнонам четга чиқиб, ўтириб олиб, юзларини беркитиб турибдилар. Одамларнинг эркак, аёл аралаш ярим яланғоч чўмилиши ёқмаган.

– Ҳа, ойижон, нега бекиниб олдингиз, – десам:

– Шу ёшга келиб, бунақанги масхарабозларни энди кўришим. Ҳаммаси қип-яланғоч-ку, уятсизлар, – деб хафа бўлиб ўтирибдилар.

– Ойи, майли, сиз уларга қарамай қўя қолинг, иккимиз овқат қиламиз, гўшти майдалаб, кабобга тайёрлаб беринг, мен кўмирни ёқаман, – деб, овқатга овора бўлиб кетдик. Ўша нохуш вазиятни юмшатдим. Ҳар йили ёз кунлари оиламиз билан уч-тўрт марта дам олишга чиқар эдик. Болаларимни, ҳатто келинларимни ҳам ишлатмас эдим. Қозон-ўчоқни ўз зиммамга олар

эдим. Чунки мен учун овқат тайёрлаш ҳам завқ, ҳам ҳақиқий дам эди. Фикру ёдим фақат хуштаъм таом тайёрлаш билан бўлиб, ҳаётдаги ғам-ташвишлар эсдан чиқиб кетарди. Шу кунларга етиб келганимдан Оллоҳга шукрона айтардим. Ҳар бир дам олишимизни кинокамерада тасвирга туширар эдик.

Қайнота ва қайнонам исломни қалбларига жойлаган инсонлар эдилар. Ёшликлариди қайнотам Бухорода мадрасада таҳсил олган эканлар. Қироатлари ширин ва таъсирли бўлгани учун Бухоро ҳукмдори – Амир Олимхон у кишига зар тўн ёпган экан. Ҳозирги давргача ўша зар чопон сақланади. Музейлардан ходимлар келиб кўриб, катта баҳо бериб, музейга топширишга ундашган, лекин берилмаган. Ҳозир бизнинг авлодимизда ким уйланмоқчи бўлса, куёвлик даврида шу зар чопон уч кун муҳлатга унга берилади. Ҳозир ҳам янгидек турибди. Қайнотам суҳбатларида кўп бор Макка тўғрисида, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳу ва саллам қабрларини зиёрат қилишнинг савоби ҳақида гапирганлар. Ҳажни орзу қилар эдилар. Афсус, бу ниятларига ета олмасдан, 96 ёшларида вафот этиб кетдилар.

Фирдавсхон менга:

– Адаси, отам раҳматли сизни ўз ўғлидай кўрар эдилар. Шуларнинг қабрларига тош қўйсангиз, чиройли қилиб ўрасангиз, бўлармиди? – деб илтимос қилар эдилар. Лекин тирклик чоғларида: «Мен ўтганимдан кейин қабримга ҳеч нарса қўйманглар», – деган сўзларини ўз қулоғим билан кўп эшитганман. Раҳматлик қайнотам доно инсон эдилар. Илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин.

Қайнотамнинг жанозалари ўз уйларида – Қошиқчи маҳалласида бўлган. Жанозани шогирдлари Зиёвуддин қори ака ўқиганлар. Шогирдларига муҳаббатлари кучли бўлгани учун бир набираларининг исмини Зиёвуддин деб қўйганлар. Қайнотамнинг дўстлари Оллоҳни қалбан танийдиган ихлосмандлар эди. Улкан уламо Алихонтўра Соғуний билан қадрдон эдилар. Кейинчалик куда бўлишган, ўғиллари – божам. Мавлуда опамизнинг хўжайинлари Аҳмадиёр ака – иқтисод фанлари доктори, профессор. Бу киши – ҳақиқий одоб эгаси: ота тарбиясини олган, покиза, ҳалол, тўғрисиўз, камтар, охиратни ўйлайдиган инсон. У киши билан фахрланаман. Шуларга ўхшашга ҳаракат қиламан. Оллоҳ у кишидан рози бўлсин.

Ҳаётимда бола-чақамни ўқитиб, шуларни уйли-жойли



қиламан деб, меҳнат билан тўғри йўл топишни ўзимга режа қилиб олиб, елиб-югуриб, ҳаракат қилиб юравериб, соғлиғимга эътибор бермай қўйибман. Тўғриси, овқат еб-емасдан юравериб, ошқозон касалига дучор бўлган эдим. Алихонтўра Соғуний домланинг Оллоҳ берган ҳунарларидан бири табиблик эди. Тарихдан биласиз, Абу Али ибн Синонинг китобларини таржима қилганлар. Қанақа дардга нима даво бўлишини билар эдилар. Бордим:

– Уч кундан кейин келинг, – дедилар. Шишада суюқ дори тайёрлаб қўйилган экан. Наҳорда ва ётаётганда оч қоринга ичиб юрдим. Оллоҳга шукр, тузалиб кетдим. Шу кунгача ошқозонимдан шикоят қилмайман. Илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин.

Иккинчи маротаба Маккага 2001 йили лайлат ул-қадр кечасида Фирдавсхон билан борганимда, қайнотам ва қайнонам руҳлари шод бўлсин деб уларни ҳам хожи бадал қилишга эришдим. Ўзим шу ниятим рўёбга чиққанига чин қалбимдан хурсанд бўлдим. Илоҳим, қайнотам ва қайнонамнинг ёшларига етиб юриш бизларга ҳам насиб этсин.

### **Ота-она – биринчи муаллим**

Фарзандингизга мактаб таълим-тарбия беради, албатта. Лекин ҳар оиланинг боласи ҳар хил даражадаги одам бўлиб чиқади. Нега?

Чунки болалар учун биринчи муаллим – ота-она.

Фарзандларим билан суҳбатларда инсоннинг умри қисқа, ҳар бир дақиқа ғанимат эканини уқтириб, фақат оилага, давлатга, халққа нафларинг тегсин, деб ҳаётга йўлланма берман. Ўзимнинг ёшлиқдан қийинчилик кўриб ўсганим, ҳалол меҳнатим билан кун кўрганимни айтиб, уларнинг бориға шукр қилиб, сабр-бардош билан мушкулотларни енгишга, аммо асло тушқунликка тушмасликка ундайман.

Ҳар ойда бир маротаба қариндош аёллар йиғилиб, галма-галдан хонадонларда маърифий суҳбат қуришади. Китоблар ўқишади. Шу учрашувнинг навбати ёлғизгина опам Мўътабархонга келган эди. Барака топкур Миролим ўғлим барчага баробар бўлиб, опамга худди ўғилдай кўмаклашиб, уларни уринтирмасдан, ҳамма ташвишларини бўйнига олиб, ўз

қўли билан таомлар тайёрлаб, «Ёсин» сурасини таловат қилиб берди. Йиғламаган одам қолмади. «Қондан қонга ўтар экан-да. Худди боболарининг қироатига ўхшаб кетди. Оллоҳ сенга ҳам юктирибди, сени ўстирган ота-онангга раҳмат, барака топ, болам». – дейишди. Опам яшаган уй жуда хароб ҳолда эди. Энди кўрганлар худди янги иморатда ўтиргандай хурсанд бўлиб кетишади. Шу иморатни ҳам Миролим бошқатдан таъмирлаб берди. Келган меҳмонлар: «Илоҳим, бизнинг фарзандларимиз ҳам Миролимга ўхшасин!» – деб дуо қилишяпти.

### **Бувимни театрга олиб тушганим**

Бир гал бувим билан «Бой ила хизматчи» томошасига бордик. Бувим раҳматли:

– Ҳозир чиққан Жамила йўқ бўлиб қолди, қаёққа кетди? – деб сўраб қолдилар. Шўхлигим тутди, ҳазил қилдим:

– Ҳалиги кўшнимиз Фаттоҳ полвон борлар-ку, ўшаларникига чиқиб кетди, – дедим.

– Вой, ўлсин, шунинг учун ҳар куни Фаттоҳ полвоннинг уйида жанжал-тўполон бўлар экан-да, – дедилар. Бой ота Жамиланинг кўлини ушлаганида:

– Вой, балога йўлиққур, чол бўлмаёй ўл, уятсиз, бемаза, – деб бақир-чақир қилиб, қарғашга тушиб кетдилар. Томошабинлар кулиб юборишди. Охири:

– Содик, тур ўрнингдан, менга бунақанги майнавозчилик керак эмас, – деб, томошани чала қолдириб, уйга кетишга мажбур қилдилар. Фаттоҳ полвоннинг уйлари олдидан ўтаётган эдик:

– Э, қариб қуюлмаган Фаттоҳ, уйинг куйсин, – деб қўйдилар. Умрларида бир маротаба театрга тушган содда Зоҳида бувим шу киши эдилар. Жойлари жаннатда бўлсин.

### **Дадам ҳақида эшитганларим**

Отам Миркомил қори қизиқчиरोқ эканлар, бир пасда одамларни кулдириб юрадиган одатлари бор экан. Даврага киришлари билан, одамларнинг хохлаб кулиб юборгани эшитилар экан. Бувам дадамни чақириб:

– Дарров нима дея қолдингки. оғайнилари қулиб юборишди? – деб сўраганлар.

Дадам уста пазанда бўлиб, ош, айниқса, мошкичирини «юрғизиб» юборар эканлар. Улфатлари мошкичирини соғинишганда дадамга навбат беришар экан. Шу базмларда ҳофизлар ўз санъатларини ким ўзарга намойиш қилишар экан. Ашулалар орасида аскиялар ҳам бўлиб турар экан. Ҳақиқий ашулачилар ўшанда қўлларида фақат ликопча ёки дутор-танбур чертиб айтишар экан. Ташқари ҳовлимизга ҳам халойиқ йиғилиб кетиб, бўш жой қолмас, эшитувчилар ерга ўтиришар, онда-сонда шинавандалар ҳофизларга ҳиммат қилиб, пул ё қийиқча берар экан. Ҳофизларнинг ашулалари узоқ-узоқларга эшитилиб, одамлар йиғилиб келаверар экан. Раҳматли Учқун Ғаниев ҳам Кўкча маҳалласида истиқомат қилганлар. Уларнинг уйига ҳам кўшиқ товушлари эшитилар, Учқун ака келиб, рақсга тушиб кетаверар эканлар. Шинавандаларнинг ҳам завқ-шавқи ичига сиғмай, рақсларга тушиб кетишар, учрашувдан хурсанд бўлиб, ўз юмушларига тарқаб кетишар экан.

1975 йили Миролим ўғлимнинг қўлини ҳалоллаш мақсадида тўй бошлаб қўйган эдим. Бувам ва отамнинг яқинларини тўйга айтиш мақсадида Каллахона маҳалласига бордим. Мен қидирганларнинг кўплари маҳалла чойхонасида улфат ошида йиғилишиб ўтирган эканлар. Улфатбоши раҳматли мени танимаган улфатларига таништириб, Миродил муфтийнинг набирасию Миркомил қорининг фарзанди эканимни айтди.

– Буванг билан отамнинг руҳи шод бўлиши учун сен ҳам шу улфатга қўшиласан, – дейишди. Ҳозирги кунгача шу улфатнинг аъзосиман. Шоқосим, Шоолим, Шоакбар Шожалиловлар билан улфат бўлиш менга насиб қилди. Ҳозир Шариф Юсупов домла – улфатбоши, профессор, халқ назарига тушган олим. Санъаткорлардан Зокиржон Султонов ва Мулла Тўйчи ҳофизнинг фарзандлари Абдулқосим Тўйчиевлар бор. Улфатимиз 12 кишидан иборат.

Отам Миркомил қори 1948 йили тўсатдан вафот этганлар. Ўзимни таниб, озгина имконият пайдо бўлиб, отам, бувам ким эканини англаб етганимдан кейин Кўкчадаги Шайх Зайниддин масжидига, Иброҳим отанинг ёнларига бордим. У киши раҳматли гўрковлар бошлиғи эдилар. Отамни шулар дафн қилган эканлар. Улардан қабрларини сўрадим. Қабр устига тош қўймоқчи бўлдим.

– Баракалла, болам, отанг раҳматли олижаноб инсон эдилар. Савобли ишларни жуда кўп қилардилар. Агар озгина вақтлари бўлса, бекорга кеткизмасдан, ойна яшигини кўтариб, фийсабиллоҳ қўшнилари ойналарини қўйиб берар эдилар, ишончим комилки, жаннатий эдилар. Энди сенга тўғриси айтсам, қабрлар вақти келиб ўзгариб туради, яъни бошқа мурдалар қўйилади, бўлмаса, жой етишмайди. Кейин тош қўйиш исломда жоиз эмас. Отангни сен дилиннга олибсан, имкониятинг бўлса, ҳар йили бир маротаба бўлса ҳам, оз одам йиғиб бўлса ҳам, ота-буванг номига худойи қилгин, бунинг савоби катта, ота-бувангнинг руҳи шод бўлади, – дедилар.

Шу кунгача рўзанинг биринчи куни ота-онам, бувам руҳлари шод бўлсин деб худойи қиламан. Худойиларимизга улуғ уламолар, отамнинг дўстлари, қариндошлар, катта-катта имом домлалар келишган. Айниқса, қайнотам Тожиддин қори, устозим Ғулом Қўчқоровлар, албатта, бўлар эдилар. Худога шукр, энди Миролим ўғлимнинг ўзи тиловат қиляпти. Оллоҳ рози бўлсин.

1999 йили биринчи бор Макка зиёратида ота-онам руҳлари шод бўлсин деб уларни ҳожи бадал қилишга эришдим. Отам раҳматли энди Мирқомил ҳожи қори, онам Қутби ҳожи мартабасига эга бўлишди. Ўзи менинг фамилиям Миродилов бўлиши керак эди. Уруш даврида, яъни 1944 йили туғилганим учун шу вақтда отам Ангренга бир мавсумга кўмир конига ишлаш учун кетган эканлар. Шу сабабли онамнинг фамилияларига ўтиб қолган эканман.

Онамнинг оталари жуда катта ишбилармон бўлган, ун чиқарадиган шахсий тегирмонга эга бойваччалардан бўлган эканлар. Онамни оталари жуда яхши кўриб, шу тегирмонга елкаларида кўтариб олиб борар эканлар.

Оллоҳнинг қудратини қарангки, отамга ҳар томонлама ўхшаб кетар эканман. Ҳатто Ангренга борганликларини қаранг. 1997 йилдан бери ҳар ҳафта жуфти ҳалолиму болаларим, набираларим билан Ангренга бориб турамиз. Ангреннинг баланд тоғлари орасида далабоғимиз ва уйимиз бор. Боғимиз жуда чиройли, 15 сотих, меванинг деярли ҳамма турларидан бор, қулупнай, малина, олча, гилос, ўрик, олма, нок, ёнғоқ, беҳи, ноёб катта арча, аблипиха дарахтлари ҳам мавжуд. Уч қаватли Европа усулида ишланган уйимиз бор. Ҳатто қиш фаслида борса бўладиган, олов ёқиш имкониятларига эга.

2004 йилнинг декабрида божам Аҳмадиёр ва аёллари

Мавлуда опа, қайниларим, фарзандларим, набираларим, аёлим билан дам олгани бордик. Қор 1,5 метрлар қалинликда эди. Ҳаво мусаффо, қор бўлгани билан жуда совуқ эмас, амаллаб далабоққа йўл очиб, етиб келдик. Каменни ёқиб, атрофида ҳаммамиз ўтирдик. Аҳмадиёр божам бир соат оталари Алихонтўра Соғуний тарихларини баён қилдилар. Сўхбатимиз фойдали ва мароқли ўтди. Ҳаммамиз хурсандлик билан уйлариб қайтдик.

Эсимдан чиқай дебди, далабоқ ёнида бир яқин овчи дўстим бор эди. Бу келганимизда ҳам жуда кўп какликлар тутиб қўйган экан. Мен бу какликлардан ҳар хил қуюқ-сууқ таомлар тайёрлаб, яқинларим, қариндошларимдан раҳматлар эшитишга сазовор бўлдим. Ҳамма мамнун бўлди.

### Отам «таништирган» дўстим

Мени бир нарса қийнаб юрар эди. Отамнинг лоақал, бирор-та расмлари йўқ эди. Сўрамаган қариндошларим, қидирмаган ерим қолмади. Бир куни Фирдавсхон отамнинг ҳарбий билетларини топиб олганларини айтдилар. Ичини очсак, расмлари йўқ эди. Ангрен шаҳридан берилган экан. Шу куниёқ Ангренга бориб, ҳарбий комиссариат бошлиғига учрадим. Роса овора бўлиб қидиришди, лекин топилмади. Хафа бўлиб қайтдим. Эртасига улфатлар билан ўтиришимиз бор эди. Улфатларимга ҳарбий билет топилганини, бироқ расм йўқлигини айтдим.

Улфатлардан Сотволди акамиз:

– Ҳеч хафа бўлманг, расмни чизиб берадиган мутахассис рассом Ортиқали Қозоқов укамиз бор. Фақат отангизни кўрган билган одамлар бўлса, бас, – дедилар. Улфатимизда амманнинг ўғиллари, яъни Фаражулло акамиз бор эдилар. Улар сўзимизга қўшилиб:

– “Яхши ўғил тоғасига ўхшайди”, деганларидек, менинг кўзларим худди раҳматли отангизнинг кўзларига ўхшар эди, буни кўпчиликдан эшитганман, тузилишлари шундоқина кўзим олдида, – деб мени хурсанд қилдилар.

Сотволди акам Фаражулло акамиз билан мени Ортиқали Қозоқов ҳузурларига олиб бориб, бизни таништирдилар. Рассом Фаражулло акамиз билан уч-тўрт маротаба учрашиб, бир ой деганда падари бузрукворимнинг сиймолари туши-

рилган катта суратни менинг 60 ёшлик таваллуд тўйим кунига тухфа қилдилар.

Шу кундан бошлаб Ортиқали билан ака-ука тутиндим, бир-биримизни кўрмасдан тура олмаймиз. Қалби пок, кўнгли оқ йигит экан. Миллатимизнинг етук, обрўли рассомларидан, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академиясининг биринчи Олтин медали соҳиби. Камтар, одобли оила бошлиғи, ҳақиқий инсон. Соғинганимда ёнларига борсам, у кишини фақат иш устида, изланишда кўраман. Бу хусусиятлари менга жуда ҳам ёқади. Ахир, ҳар соҳа эгаси ўзи устида такрор ва такрор изланишда бўлиши керак-да. Акс ҳолда, ўзига зарар қилади.

Айрим санъаткорлар тўрт-беш ашулани ўрганиб олиб, «куним ўтяпти-ку» деб, тезда халқ назаридан қолиб кетади. Кўп домла-имомлар билан ҳам мулоқотда бўламан, маърузаларини эшитаман, айрим домла-имомлар ўз устида ишламайди, эски маърузалар билан чекланиб қолишади. Натижада халқ чин қалбдан маъруза қиладиган домлалар масжидига боради. Тўғри-да, инсоннинг ҳар дақиқаси ғанимат, бирор фурсатни бой бермаслик керак. Имомнинг маърузасидан таъсирланиб, инсон ўз хатоларини тузата бориши керак. Ҳар жума намозидан сўнг оилам билан домланинг қилган маърузасининг мазмун-моҳиятини айтиб бераман.

### **Маъруза маънили бўлса...**

Менинг ажойиб укахоним, таниқли санъаткор, тарихчи профессор Ҳожиакбар Ҳамидовнинг набираларига қилган маросимида – ақиқасида Қобилжон қорининг маърузалари менга шундай таъсир қилдики, инсонинг инсонга ғанимат экани, оқибатли бўлиш лозимлиги, одам бир-бирини кечириши, уч кундан ортиқ аразлашмаслик, тез ярашиб олиш тўғрисида гапирдилар. Мен ўзимни тута олмадим. Ўрнимдан туриб:

– Халойиқ, мени кечирасизлар, Қобил қорининг маърузалари менга жуда таъсир қилди. Шу ерда бор бир ҳожи акамиз билан ўртаמידан бир пайтлар қора мушук ўтган эди. Сизларнинг гувоҳликларингизда шулардан мен кечирим сўрайман, – дедим-да, ҳожи аканинг олдиларига бориб, уларни кучоқладим. Ҳамма чапак чалиб юборди.

Айрим домла-имомлар маърузани қанча чўзсам, ўзимга яхши бўлади деб ўйласалар керак. Бу нотўғри. Инсонларнинг вақти жуда ғанимат. Маърузаларда муддаони гапириш керак. Яна баъзи домлалар намоз ўқимайдиган инсонларга жуда қўпол тарзда муомала қилишади. Иложи бўлса, тутиб олиб урса-да. Менинг назаримда, бу – нотўғри усул. Ширин сўзлар билан, мисоллар келтириб, инсоннинг қулфи калитини очиш мумкин.

Дарвоқе, рассом укам тўғрисидаги гапим чала қолиб кетмасин. Ортиқали уйимизга тез-тез ташриф буюриб турадилар. Чизган янги асарлари тўғрисида баҳс юритамиз. Дуторларда куй чалиб бериб, укамнинг кўнглини олишга ҳаракат қиламан. Улар, айниқса, мумтоз куйлар мухлиси эканликларини сезганман. Ора-орада: «Яшанг! Офарин! Умрингиз узоқ бўлсин!» – деб кўнглимни кўтариб кўядилар. Ҳақиқий санъаткорга бундан ортиқ олқиш йўқ. Ортиқали уйимизга бир келганларида кўзлари аёлим Фирдавхон ва менинг Маккада тушган расмимизга тушиб қолди.

– Ҳожи ака, шу суратни менга берсангиз, менинг бир ниятим бор, – дедилар. Мен уларга ўзимнинг 2006 йилнинг 16 мартида консерваториянинг кичик залида бўладиган ижодий кечам ҳамда дутор учун асарларим йиғиндиси – «Кўнгил гулдастаси» деган китобим тақдимотига таклифнома берган эдим.

– Шундай хурсандчиликка мен қуруқ боролмайман, – деб суратимизни олиб кетдилар.

## Тақдиримдан розиман

Менинг Фирдавхон билан биринчи бор танишишимга Фахриддин Умаров сабаб бўлганлар. Шайхонтохурда концерт зали бор эди. 1963 йили бир гал иккинчи бўлимда Фахриддин Умаров концертида мен дутор, Убай ака доирада жўр бўлар эдилар. Ўша даврларда Фахриддин ака 37 ёшга кирган, жуда ҳам чиройли, келишган, товушлари мунгли, жарангдор, авжлари фалакка чиқиб кетар эди. Мухлислари шунақа кўп эдики, концертларида кетма-кет гуллар тақдим қилишар, аёллар ўтирган жойидан туриб, ўйнаб кетишар эди. Шу даврда «Эй, муҳаббат», «Сабо этсанг», «Онам дерман», ота тўғрисидаги ашулалари авжига чиққан эди. Қўшиқлар орасидаги танаф-

фусларда Фахриддин акам дуторга микрофон тутар, менинг ҳам завқимга завқ қўшилиб, берилиб чертар, ўзимга ҳам ча-лишим ёқар эди. Чапакларга чапаклар уланар эди. Санъаткор учун бундан ортиқ хурсандчилик бўлмаса керак.

Шундай концертлардан бирида Гулшан Ҳасанованинг ён-ларида бир қизга кўзим тушди. Бирга келишган экан. Одатда, концертдан кейин ҳар гал, албатта, Фахриддин акани кузатиб, машиналарига ўтқазиб, хайрлашар эдим. Мухлислар ўраб олар, айниқса, аёллар кўп бўлар, иложи борица яқин келиш-ни, савол-жавоб қилишни яхши кўришар эди. Фахриддин ака ўзларини жуда эҳтиёт қилар, концертда терлаган бўлганлари учун тезроқ машиналарига ўтириб, кетар эдилар. Уларни ку-затиб бўлганимдан кейин Гулшан билан ҳалиги қизни кўриб қолдим. Концертнинг яхши ўтганини айтиб, яқин кунда тагин қачон концерт бўлишини мендан сўрашди.

– Агар менга рухсат берсангизлар, сизларни уйлариңизга кузатиб қўйсам қачон яна концерт бўладиган бўлса, уйиңизга чиптани ўзим олиб бориб бераман, – дедим. Гулшан:

– Мен бошқа жойга бормоқчи эдим, агар сиз рози бўлсангиз, дугонам Фирдавсхонни кузатиб қўйсангиз, яхши бўлар эди. – дедилар.

Уйлари узоқда эмас экан, яъни Лабзақда турар эканлар. Биз суҳбатлашиб кетдик. Биринчи шундан бошланган. Фирдавсхон институтда инглиз тилидан таҳсил олар эканлар. Ўқишларига ҳам тез-тез борадиган бўлдим. Қачон қайси аудиторияда бўлишларини билар эдим.

Лекин кийим кийишни қотирар эдим. Бир чўнтагимда икки хил дастрўмол: биттаси хитойи қоғозга ўралган турарди, ик-кинчиси фойдаланишга мўлжалланган эди. Туфлимни артишга ҳам икки хил духоба хитойи қоғозга ўралган турар, пайпоғимга қистириб олиб юрар эдим. Онам раҳматли:

– Болам, бир кунда неча маротаба кийим алмаштирасан? – дердилар.

– Онажон, ахир, мен шундай Ўзбекистонимизда якка-яго-на бўлган лирик хонанда Фахриддин Умаровнинг дуторчиси бўлсам, кийим ҳам шунга яраша бўлиши керак-да, – дер эдим. Устозим Ғулом ака ҳам менга шундай таълим берар эдилар:

– Болам, жуссанг сал кичкинароқ, лекин кийим кийишнинг ҳам санъати бор. Тўйларда, концертларда, телевидение-да, учрашувларда сендан яхши ҳидлар келиб туриши керак.



Эркакларга ҳам аталган атирлар бор. Хуллас, озода бўлиб юргин, – деб уқтирардилар.

– Айниқса, тўйларда, бировларнинг уйларида бўлганингда дастурхон атрофида одоб сақлаб ўтириш ҳам даркор. Албатта, санъаткорларга атаб уй эгаси дастурхон безатади, ҳар хил ичимликлар қўяди. Шунақа жойларга таклиф қилинадиган бўлсанг, иложи бориचा уйингдан қорнингни тўйғазиб борганинг маъкул. Катта одамлар орасида, обрўли санъаткорлар олдида ёш йигит дастурхонга қўл чўзаверса, хунук бўлади, – деганлари ҳали ҳам ёдимда. Ҳозиргача шу маслаҳатларига амал қиламан.

Фирдавсхон 1964 йили институтдан пахтага, Сирдарёнинг Боёвут туманига кетдилар. Оз вақт ўтгандан кейин онамдан рухсат сўраб, уларни кўргани Боёвутга бордим. Шунда онам раҳматлининг айтган сўзлари умримнинг охиригача эсимдан чиқмайди:

– Болам, мен сени Худога топширганман, қаерда ким билан бўлмагин, Содик деган исмингни оқлагин. Отанг раҳматлик: «Шу боламдан роҳат кўрасан, боши катта, ақли бутун», – дердилар.

Дуоларини олиб, йўлга тушдим. Боёвутга эсон-омон етиб бордим. Талабалар ҳали даладан қайтмаган экан. Бир оғир оёқли аёл pista, қурут сотаётган экан. Ёнига бориб:

– Кечирасиз, яқин одамим пахта теришга келган эди. Шуни меҳмон қилиш учун бир хонадон йўқмикан, бир ош қилиб берсам, хизматлари ҳақини тўлар эдим, – дедим.

– Ош қилишни биласизми? – деб сўради аёл ҳайрон қолиб,

– Ўзбек таомларнинг ҳаммасини биламан, менга қозон-ўчоқ бўлса, бас. Ҳамма маҳсулотни Тошкентдан олиб келганман, – дедим.

– Ундай бўладиган бўлса, менинг уйимга кира қолинг.

– Мабодо, поччам келиб қолиб, хижолатчилик бўлмайдимми?

– Поччангиз тушунган одам, қарийб ҳамманинг ҳовлисида талаба бор. Бир марта ёрдамчиларни уйига таклиф қилсак, нима бўлибди, – деб, мени бошлаб кириб, қозон-ўчоқни кўрсатдилар-да:

– Мен тирикчилигимга борайин, ҳозир талабалар келиб қолишади, – дедилар.

– Сизга хизмат бўлмаса, Фирдавсхон деган қизни огоҳлантириб қўйсангиз. Ўзларига яқин дугоналарини таклиф қилсинлар, – деб уқтирдим. Бир соат ўтар-ўтмас қизлар

шовқин-сурон қилиб келиб қолди. Тўрт-беш дугоналари билан келган Фирдавсхон жуда хурсанд бўлиб кетдилар. Уй эгаси ҳам таклиф қилинди. Ош шундай ўхшабдики, ҳамма мамнун бўлди. Айниқса, уй эгаси:

– Фирдавсхон, жуда бахтли қиз экансиз, бунақанги ошни умримда емаганман. Поччангиз сув қайнатсалар, тагини олдирадилар, – дедилар. Шунда Фирдавсхон мақтаниб кетдилар:

– Билмайдиган овқатлари йўқ, – деб.

Мен уй эгасига миннатдорлик билдириб, уйимизнинг манзилни бериб келган эдим.

Гап орасида Фахриддин Умаровнинг дуторчиси эканим ҳақида ҳам сўз борган эди. Оллоҳнинг қудрати билан ўша уй эгаси бир куни Фахриддин деган ўғилчаларини кўтариб, уйимизга келиб қолдилар. Бир кун меҳмон бўлганларидан кейин:

– Энди менинг илтимосимни бажарсангиз, Фахриддин аканинг вақтларига қараб, хоҳлаган кунларида тўй қиламан, шу кишини боришга кўндириб берсангиз. Бир боқиб қўйган буқамиз бор, тўн ҳам атаганмиз, – дедилар. Ҳофизнинг уйларига бориб, вазиятни тушунтирдим.

– Йўқ, бормайман, гап-сўзга қоламан. Инсон ўз обрўйини, ҳурматини сақлаши керак. Биринчидан, тўйни хотин киши билан гаплашиб бўлмайди. Иккинчидан, битта ҳўкиз деб тўйга бормайман. Ҳозир одамларга ишонч йўқ, майда-чуйда гап-сўз бўлиши аниқ. Бориб айт, мен боролмайман, – дедилар. Келиб, ҳофиз айтган ҳамма гапларни етказдим. Дарров кўзларига ёш олиб, йиғлаб юбордилар.

– Бошқа хоҳлаган ашулачингизни айтинг, мен гаплашиб келаман, – дедим.

– Бошқа ҳеч кимнинг менга кераги йўқ. Тўйни ашулачисиз ўтказаман, – деб, хафа бўлиб кетдилар.

Менинг фикримча, ҳофиз тўғри қилдилар. Улар ҳамма вақт ўзларининг эҳтиётларини қилиб юришга мажбур эдилар. Чунки Фахриддин Умаровга бир чил берсам, деб юрган одамлар йўқ эмасди.

## Устозим

Катта хўжайинлар баъзан ҳофиздан сўрамасдан қариндошларининг тўйига ваъда бериб юборар эди. Ўзим гувоҳиман, ма-

даният вазири бир жойга ваъда қилиб қўйибдилар. Ваҳоланки, ўша кунга вазир ўринбосари ҳам бировга сўз бериб қўйган экан. Ахир, ҳофиз ҳафтада бир-икки кун соғлиғига эътибор бериши керак, кейин товуш қурғур ҳам ҳамма вақт бир хил турмайди. Инсон товуши бу карнай эмас-ку, ҳўллаб чалиб юборсанг. Ўзларини сақлаб юрганлари учун ҳам Фахриддин Умаров умрининг охиригача овозларини йўқотмадилар.

Ўшанда ҳофиз сиқилиб, нима қилишларини билмай қолдилар.

– Мирсодиқ, сендан ҳам гоҳ-гоҳида тўғри маслаҳат чиқади, менинг ўрнимда бўлганингда нима қилар эдинг? – деб сўрадилар.

– Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, биринчи вазир айтган тўйга бориб, шароитга қараб, тўрт-беш ашулани айтиб, кейин иккинчи тўйга борган бўлар эдим, – дедим. Шундай қилдик. Биринчи тўйда бир жуфт қўшиқ айтилди. Ҳофизнинг мазалари қочиб қолди. Иккинчи тўйга бора олмадик. Вазир ўринбосари филармонияда шунақанги жанжал бошладики, охири ҳофиз касал бўлиб, ётиб қолдилар. Қандай қилсаки, Фахриддин акага айб тўнкаб, аламини олса. Шунинг учун ҳофиз ўзларини кўп тўйлардан сақлар эдилар.

1969 йили бир байрамда собиқ хоккей саройида Фахриддин Умаровнинг катта концертлари бўлди. Мухлислар жуда кўп, жой етишмайди. Менга меҳмон келиши керак эди. Шу сабабли асосий эшик олдига бордим. Бир ўн етти-ўн саккизга кирган, бошида гилам дўппи, кийимлари ўзига ярашган, жуда ҳам чиройли қиз мени ёнига чақириб:

– Сиз ҳофизнинг ёнларида ишлайсиз, биламан, сиздан бир нарса сўрасам. Тўғрисини айтсам, мен Фахриддин Умаровни севаман, хаёлим фақат уларда бўлиб қолди, ёнларига боришга ийманаман ёки қўрқмасдан бораверайми? – деб сўради.

– Агар ёнларига борсангиз, ургандан баттар қиладилар, обрўйингиз уч пул бўлади. Менинг билганим – шу. Сизга айтадиган бошқа гапим йўқ, – деб, келадиган одамимни қидириб кетдим. Концертимиз жуда катта олқишлар билан ўтди. Артистлар чиқадиغان қўшимча эшик олдига борган эдик, ҳалиги қиз ҳофиз ёнларига келиб, ўз ҳасратини айтаётган экан. Шунақанги шармандасини чиқардиларки:

– Ахир, менинг набирамдан ҳам кичкинасан-ку? Уялмасдан менинг олдимга келдингми, беҳаё. Бор, сенга ўргатган усто-

зингга бориб айтгин, бунақа ҳаром иш қилишга вақтлари йўқ экан, дегин, – деб машиналарига ўтириб кетдилар.

– Менинг гапимга кирганингизда, бунақанги шарманда бўлмас эдингиз, – дедим, ёнидан ўтиб кетаётиб ҳалиги қизга.

– Муҳаббат тўғрисида ашулалар айтиб, ўзлари бўйсунмас эканлар-да, – деди.

– Сиздақа қизлар тиқилиб ётибди, инсоннинг муҳаббати эса битта бўлади. Ким бу нозик тўйғуни суиистеъмом қилса, оқибати ёмон бўлади, – дедим.

Бунақанги ҳодисалар кўп бўлган, ўзим гувоҳман. Халқ орасида ҳар хил миш-мишлар юради. Ишонинг, ёнларида 20 йил бирга ишладим, гастролларда бирга бўлдим. Бўш вақт топилди дегунча:

– Содиқ, дуторингни ол, озгина машқ қиламиз, янги нарсаларни эшитмасак, бўлмайди, – дердилар. Ҳатто концертлардан тўйлардан кейин чарчаган ҳолларида ҳам бироз қолиб, репетиция қилган вақтларимиз кўп бўлган. Ўз устларида соатлаб ишлар эдилар.

Мен эркакларга нисбатан аёлларнинг ёмони кўп деб биламан. Бир йили Ўзбекистон бўйлаб кўшиқчи поезд гастроли ташкил бўлди. Истироҳат боғларида, ҳатто ўйингоҳларда концертлар бериб, жуда катта олқишларга сазовор бўлганларининг гувоҳиман. Мухлислар шунақанги кўпки. халқ тўлқинга ўхшайди, уйларнинг томлари лиқ тўла одам, халқ азоб чекиб бўлса ҳам, ҳофизни эшитишга интилганини ўз кўзим билан кўрганман. Шундай қийинчиликлар кўзига кўринмасдан, бир ёш аёл қаерда, қайси шаҳарда концерт бўлмасин, биринчи қатордан жой олиб, қўлида ҳамма вақт гул билан саҳнага отилиб чиқар, ўзини идора қилолмас эди. Охири, бир куни чи-долмасдан ёрилди. Наманган меҳмонхонасидан чиқиб кетаётган эдик, йўлларини тўсиб:

– Ахир, сизда инсоф борми? Менинг айбим сизни севишимми? Ҳеч ҳам менга эътибор бермайсиз, – деб қолди. Шунда ҳофиз:

– Синглим, ақлингизни еб қўйибсиз, бориб ўзингизни ўқитиб ташланг. Мен сизнинг исмингизни ҳам билмайман, худди мен билан олдиндан учрашгандай гапиреётибсиз. Буни эшитаётган халқ нима дейди, бундан кейин кўзимга кўринманг, – деб, ўраб олган халқ орасида ўша аёлни изза қилиб кетдилар.

Тагин бир мисол. Одилжон деган санъаткор укамиз, яъни Дилором Қаюмованинг турмуш ўртоқлари ўғил тўйи бошлаб, Фахриддин акани таклиф қилиб кетишди. Мендан:

– Мирсодиқ, сен нима дейсан, борсаммикан ё йўқми? – деб сўрадилар. Дилором Қаюмованинг «Олтин сандиқ» ашуласи айни машҳур бўлган пайтлар. Келажаги порлоқ, яқин кунларда унвонларга эга бўладиган. Бундан ташқари, Одилжон – обрўли йигит, Фахриддин аканинг мухлиси. Бориш кераклигини айтдим. Бордик. Тўй қўйлиқ томонда ҳовлида эди. Халқшунақанги кўпки, ҳатто ўтиришга жой қолмаган. Санъаткорларнинг кўплигини айтмайсизми. Фахриддин ака билан борганларга жой топилди. Халқ бизларни гулдурос қарсақлар билан кутиб олди. Тўй бошланганидан сўнг Фахриддин акани ўртага таклиф қилишди. Албатта, тўйга туҳфа билан борган эдилар. Одилжонни ўртага таклиф қилиб, совғаларини бердилар, базмни «Эй, муҳаббат» билан бошладилар. Ўртага биринчи бўлиб бир чиройли аёл кўлида дўппию қийиқча билан тушди. Дўппини Фахриддин акага кийгизиб, қийиқчани белларига бойлайман деб, у кишини маҳкам кучоқлаб олиб, анча вақтгача кўйиб юбормади. Роса хуштаклар, чапаклар бўлди. Фахриддин ака аёлнинг кучоғидан зўрға чиқиб олдилар. Ҳурмат юзасидан кетма-кет тўртта қўшиқ айтганларидан сўнг торларини менга бериб:

– Энди кетамиз, – дедилар. Одилжон билан Дилоромхон ҳурмат қилиб, эшиккача кузатиб қўйишди. Ҳалиги аёл йўлимизни тўсиб:

– Эртага «Дўстлик» меҳмонхонасининг фалон хонасида сизни кутаман, – деган эди, унинг ҳам бошлаб шармандасини чиқариб кетдилар:

– Сен ўша ўргатган устозинг билан меҳмонхонада учрашавер, мени илинтира олмайсизлар...

Ҳақиқатан ҳам, ҳофиз жуда эҳтиёт бўлар эдилар. Чунки у кишини кўролмайдиганлар йўқ эмас эди. Ҳатто чойни, овқатни ҳар кимнинг кўлидан ичиш-ейишда эҳтиёткор эдилар. Фахриддин ака билан йигирма йил мобайнида бирга ишлаб, бирор мартаба – на тўйда, на уйда ичкилик ичганларини кўрмаганман. Санъаткорнинг бундай ўзини сақлаши, эртани уйлаши ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. Чунки мен буни жуда яхши биламан. Ичмаса, қўшиқ айтолмайдиган ҳофиз саҳнага ҳам ичкилик ичиб чиқиб, санъатини намоиш қилган ҳофизларнинг бир нечаси билан бирга ишлаганман.

Жуманазар Бекжонов жуда яхши одам эдилар, хушмуомала, бошқаларнинг ҳам хурматини ўрнига қўядиган ҳофиз эдилар. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Қорақалпоғистонда сахнага чиқаётиб, чўнтагимга иккита 100 грамлик ароқ солиб қўйдилар. Одатларини билишар экан. Раҳбарлардан бири ёнларига келиб, бу оддий концерт эмаслигини, ичкилик ичмасликларини таъкидлаб, ҳатто оғизларини ҳидлаб ҳам кўрди. Сахнага чиқиб кетаётганимизда мендан ҳалиги нарсани олиб, икковини кетмакет ичиб юбордилар. Товушлари шунақанги жарангдор бўлиб, ҳатто сўзларида ҳам янглишмасдан жуда катта олқишларга сазовор бўлганларига ўзим гувоҳман. Мухлислар қайта-қайта сахнага таклиф қилишди. Менга қараб:

– Жўра, агар ичмаганимда, товуш бунақа чиқмасди, – дегандилар.

### Комилжон устоз

Машхур ҳофизимиз – Хоразм булбули раҳматли Комилжон Отаниёзов мени «болам», деб суяр эдилар.

1966 йили 23 июнда биринчи фарзандимиз туғилганида филармонияда кўпчилик мени ўраб олиб, табриклаётган эди. Комилжон ака кириб келиб:

– Менинг боламини нега ўраб олдингизлар? – деганларида:

– Болангиз болали бўлибди, – дейишди. Шунда мени қучоқлаб табриклаб, суюнчига иккита 25 сўмлик берганлар.

Хоразмда бирга оркестр билан концерт қўйгани борганимизда биринчи бўлимда оркестр чиқар, иккинчи бўлимда Комилжон ака ҳамда ёнларида мен бўлар эдим. Шундай катта санъаткорда ҳам улуғ камтарлик, чинакам одамийлик мижассам эди. Менга «Алиқамбар» куйини дуторда чалишни ўргатганлар. Илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин.

Комилжон ака қаерда концерт бермасинлар, концертдан кейинги меҳмондорчилик даврасида овқатдан сўнг тагин бизни кутиб олганларга қўшимча концерт қилиб бериларди. Бир гал қишлоқда – сув тўла ҳовуз бўйида тунадик. Катта-катта чивинлари бор экан. Одатда, чивин оёққа ёпишади, чақади. Мен оёқни чақмайдиган йўлини билар эдим: оёгингизга газета ўраб, устидан пайпоғингизни кийиб олсангиз, чивин оёгингизга яқинлашмайди. Комилжон ака:

– Болам, сени пашша чақмаяптими? – деб сўраб қолдилар: Хоразмликлар чивинни «пашша» дейишар экан.

– Ҳозир сизнинг оёғингизни ҳам чақмайди, – дедим. Газета келтириб, пайпоқларини ечиб, газетани ўраб, тагин пайпоқларини кийдириб қўйдим.

– Шу ёшга кириб, шу нарсани билмаган эканман, – деб, мендан хурсанд бўлдилар. Қолган шериклар ҳам газета қидириб қолди. Бу – ҳеч эсимдан чиқмайдиган хотира.

## Мукаррама опам

Кўкчамаҳалласида истиқомат қилаётган вақтимда, яъни 1965 йили сентябрь ойининг охирларида яқин кўшнимиз – Ўзбекистон грампластинкага ёзиш заводи директори Нажмиддин ака Ҳабибуллаев Хужаста исмли қизларини узатаётган эдилар. Бу хонадонга кўп санъаткорлар келишини билиб, кундуз кундан бошлаб алоҳида қозонда ош дамлаб қўйган эдим. Ҳақиқатан ҳам, жуда кўп санъаткор келди. Кўп санъаткорларни уйимизга таклиф қилиб, қўлимдан келганича уларни кутдим. Кечаси соат 12 ларда Мукаррама Турғунбоева ўзларининг қизлари ва созандалари билан тўйга келиб қолдилар. Ҳаммаёқ тақа-тақ эди. Улар концертни тамомлаб келишган. Шунда опамнинг олдларига бориб, уйимизга таклиф қилдим.

– Болам, биз кўпчилик, сени қийнаб қўймаймизми? – дедилар.

– Йўқ, ошим ҳаммангизга етади, – дедим. Кўкчадаги уйимиздан катта анҳор ўтган эди. Ўша сув бўйига жой қилиб, ҳаммани чиройли кутиб олдик. Мукаррама опамга шунда икки маротаба қойил қолганман. Димоқ-финоқ йўқ, оддий, камтар, манманликни билмайдиган опа эдилар. Бутун дунёни, жаҳонни кўрган Мукаррама опа оддий бир созанданинг уйига кириб, хурсанд бўлиб чиқиб кетиб, мени дуо қилганлар.

Биринчи менинг қойил қолганимни айтай. 1965 йили, яъни уйланишимга яқин вақт қолган эди. Август ойлари, тўйларнинг кети узилмайдиган вақт. Бир дутор шинавандаси мени уйига – базмга таклиф қилган эди. Кеч соат саккизларда тўйга етиб бордим. Борсам, тўйхонада жуда одам кўп, аммо қўшиқчи йўқ, ўртада микрофон бор экан. Шунда Мукаррама опа:

– Ана, менинг болам келди. Дуторингни тайёрлаб, микро-

фон олдига кел, болам, тўйни бошлаймиз. – дедилар. Уч қисмга бўлинадиган дуторимни тайёрлаб, «Танавор»ни авжидан бошлаб чалиб юбордим. Раҳматли Мукаррама опа шунақанги рақсга тушдиларки, тўйга файз кириб кетди. Опага олқиш ёғилди-ку. Ўйин орасида опа тўй эгасини ўртага тортдилар, у ўз яқинларини ўйинга таклиф қилди. Сўнг тушган пуллару газмолларни катта бир тугунга тугдилар. Шу орада кетмакет ҳофизлар кела бошлади ва уларни ҳам ўртага таклиф қилишди. Ҳалиги ўралган тугунни опам менинг олдимга олиб келиб қўйдилар.

– Энди, болам, сенга кўп раҳмат, энди мен кетишим керак, – дедилар. Мен тугунни олиб, опага олиб чиқиб беришим керак деб ўйлаб, олдиларига яқинлашсам:

– Болам, бу – сенинг насибанг, менга ҳеч нарса керак эмас, майли, тўйдан эсдалик, – деб бир кийим атласни олдилар.

– Мана, қолгани – сеники, яхшиликларга ишлатгин, – дедилар ва машинага ўтириб, хайрлашиб кетдилар. Мен жуда хижолатда қолдим. Уйимга бориб, газмолларни ва пулларни тахлаб, эртасига филармонияга олиб келдим. «Баҳор» ансамбли ҳам шу ерда биринчи қаватда ишлар эди. Ёнларига бориб:

– Кечаги нарсаларни олиб келдим, – десам:

– Кеча мени тушунмадингми, болам? Мен рози бўлдим, иккинчидан, сен келмаганингда, бу пуллар йўқ эди. Сенинг насибанг экан, – деб олмадилар. Ҳақиқатан ҳам, тўйларга борганларида шунақанги вазият бўлиб қолса, опа ҳеч нарса олмай, созанда ёки ўйинчиларга тарқатиб берар эканлар.

Опа айтганларидай, ўша менга берган нарсаларнинг ҳаммаси уйланиш тўйимга насиб қилди. Мукаррама опани Оллоҳ раҳмат қилсин.

### **Карнай-сурнайсиз тўй тўйми?..**

Инсон ҳаётида ҳар хил воқеаларга дуч келар экан. Абдуқодир Юсупов, яъни филармониянинг ўша даврдаги солисти, ашулчиси билан ёз фаслида, тўйларнинг қизгин палласида Юнусобод маҳалласининг четида никоҳ тўйида қатнашдик. Куёв томонидан келин хонадонига бориб, куёвни «Тўйлар муборак» ашуласи билан кутиб олиш керак эди. Келиннинг уйи



қишлоққа туташ ерда бўлгани учун катта дарвозаси бор экан. Бизларга эшик олдидаги айвонга жой қилиб қўйишган экан.

Абдуқодир акам фотиҳадан сўнг 3 – 4 ашула айтиб, келин томонидаги меҳмонларни мамнун қилиб турган эдилар. Бирдан: «Куёвжўралар келишяпти», – деб қолишди. Келиннинг онаси югуриб чиқиб, кўча томонга қаради. Куёвжўралар кўринишди, лекин карнай-сурнай йўқ эди. Дарвозани бекитиб, куёв томонга қараб:

– Мен қизимни бева бошим билан катта қилдим, карнай-сурнай бўлмаса, тўй ҳам йўқ, – деб қолди. Биз ҳам ўрнимиздан туриб, куёвни ашула билан қарши олмоқчи эдик. Келиннинг онаси бизларни ҳам тўхтатиб қўйди. Шунда калламга бир фикр келди.

– Абдуқодир ака, сизлар ўтириб туринглар, мен карнайчи-сурнайчи топиб келаман, – дедим. Куёвжўралар олдига чопиб бориб, битта енгил машина сўраб, унга ўтириб, тезда шаҳарга қараб йўл олдим. Ниятнинг поклигини қарангки, бошқа бир катта кўчага чиқдик. Ният қилиб турган эдим, бошқа куёвжўралар юк машинаси устида карнай-сурнай чалиб келаётганини кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. Машина олдига чиқиб, йўлини тўсиб, куёвжўралардан илтимос қилдим:

– 10 дақиқа вақтларингизни аямасангизлар, – деб бор вазиятни тушунтирдим. Рози бўлишди. Тўйхонада карнай-сурнай садолари янграб кетди, дарвоза очилди. Келиннинг онаси хурсандлигидан йиглаб юборди. Тўйга файз кириб, ўйнамаган одам қолмади. Энг муҳими: тўй бузилмади. Шунда менинг ҳушёрлигим асқотди.

## Санъаткор виждони

Санъаткорлар орасида виждонли, оқибатли, инсофлилари кўп. Шулардан бири – Абдулҳамид Султонов. Уларнинг ўзларига яраша мухлислари кўп эди. Тўйларга, базмларга фийсабиллоҳ хизматлар қилиб берар, бошқа бир хил ашулачиларга ўхшаб меҳнат ҳақини олдиндан гаплашиб олмас эдилар. Мабодо, тўй чиройли ўтиб, насибага яраша ул-бул нарса тушиб қолса, ўзларини эмас, аввал бизларни – созандаларни хурсанд қилар эдилар. Маҳаллаларида кўни-қўшнилари тўй қилиб қолса, ашулалари билан меҳмонларни хурсанд қиладилар. Шунинг

учун ҳозир ҳам ҳамма жойда бир хил ҳурматга сазовор бўлиб юрибдилар. Яқинда оламдан ўтдилар. Оллох раҳмат қилсин.

Таваккал Қодиров билан ҳам кўп концертларда, тўйларда бирга бўлиш насиб этган. Қўллари очиқ, созандаларнинг ҳурмати жойига қўяр эдилар. Таваккал ака қўшиқларини тасмаларга ёзиб олишаётганда зиёфатнинг кети узилмас эди. Агар кеч қолиб кетсак, машиналарида уйларимизга ҳам элтиб қўяр эдилар. Бир куни кинотасмаларга ёзишга кетган меҳнатимиз учун пул бераётган эди.

Мен ҳазиллашиб:

– Менга кўпроқ беринглар, – деган эдим, сабабини сўраб қолдилар.

– Мен ҳозир уй қуряпман, шунга кўпроқ керак, – дедим. Шу-шу, Таваккал ака ҳар кўрганларида:

– Мирсодиқ, участка битдими? – деб сўраб қўяр эдилар. Худо раҳмат қилсин уларни.

Раҳматли ҳофизимиз Умаржон Отаев билан ҳам телевидение концертларига, тасмаларга ёзишга ҳамда тўйларга кўп борар эдик. Айниқса, Самарқандда, Ургутда Умар акамизнинг мухлислари кўп бўлар эди. Тўйларда аъло даражада кутиб олишар, яхши хизматлар кўрсатишар эди. Топган даромадини йўл-йўлакай масжидларга, камбағалларга тарқатиб келар эдилар. Қўллари очиқ эди. Оллох раҳмат қилсин.

## Профессор хонанда

Санъаткорлар ичида ўз обрўсини, ҳурмати жойига сақлайдиган, ўқимишли, ҳозирги вақтда тарих фанлари доктори, профессор, ҳалқ ҳурмати сазовор бўлган укамиз Ҳожиакбар Ҳамидовни қанча мақтасанг, арзийди. Маҳалламизда ҳам катта обрўга эга. Фахриддин Умаров орқали Ҳожиакбар билан танишганман. Устозимизнинг ҳақиқий шогирдлари. Ҳамма вақт устозни йўқлаб туради, нима ишлари бўлса, жон-дили билан бажаради. Оиласида ҳам жонкуяр ота, болалари тарбияли ва ўз йўлини топган, улардан 8 неvara кўришди. Ҳаммага ибратли оила, атрофдагилар ҳавас қилишади.

Хонаси келганда бир нарсани айтиб ўтай. Ҳожиакбар бир вақтлари менинг олдимга келиб:

– Бир маслаҳатингиз керак бўлиб қолди. Биласиз, биз Чилонзорда кооператив уйда истиқомат қиламиз. Шу

Чилонзорнинг бир четида 3 – 4 сотихли эски ҳовли бор экан. Шуни олмоқчи эдим. Мақсадимиз – кўп қаватли уйдан чиқиб, ҳовлига эга бўлиш. Нима қилай, сиз нима маслаҳат берасиз? – деб сўради.

– Бу фикрингизга қўшилмайман. Уй эски деяпсиз, уни бузиб, бошқатдан қуриш керак. Бузиб, бошқатдан қуриш учун катта маблағ зарур. Бу – биринчидан. Иккинчидан, сиз узоқни ўйлаб иш тутинг. Биламан, сизнинг улфатларингиз, ўртоқларингиз кўп, келажакда қудаларингиз бўлади. Сизга камида 8 – 10 сотихли жой керак. Менинг ишончим комил, Худо хоҳласа, сизнинг келажакингиз порлоқ бўлади. Чунки ота-онангиз, қолаверса, устозингиз Фахриддин Умаровнинг дуоларини олиб келяпсиз. Халқ ҳурматидасиз. Менинг маслаҳатим – шу, – дедим. Ҳожиакбар:

– Ҳамма гапларингиз тўғри. Энди, Содиқ ака, мен ҳам имконимга қараяпман-да, – дедилар.

– Бу томонини ўйламанг, мен кўлимдан келганича сизга ёрдам бераман ва бу ишингизга ўзим бош бўлиб тураман. Ундан ташқари, хайрли ишни бошлагансиз, Худо ўзи етказди. Меҳнат қилинса, иморатингиз битиб кетади. Худо хоҳласа, бир тўй қилганингизда ҳамма чарчоқларингиз чиқиб кетиб, кейин менга раҳмат айтасиз. Роҳат қилиш учун меҳнат қилиш кераклигини ўзингиз яхши биласиз.

– Бўлди, менга тушунтира олдингиз. Сизга ишонаман, менга шундай жой топинг. Сизни камида 30 йилдан бери биламан: ҳаётга интилиб яшашингиз, оила тутишингизни, оилангизга содиқ эканингизни. Қўлингизни очиб, мени бир дуо қилинг, мен ҳам сизга ўхшаб юрай, – дедилар.

Менинг Ҳожиакбарга муҳаббатим яна ҳам ошди. Туғишган ака-укалардек қучоқлашдик. Илоҳим, бу укамнинг умри узун бўлсин. Иморатга жой ҳам топилди. Барака топгур Ҳожиакбар меҳнатни севар экан, болалари ҳам ёнига кириб, астойдил меҳнат қилишди, ниҳоят, қурилиш ҳам битди. 8 сотихли ҳовли-жой, 2 сотих қўшимча мол-ҳол боқадиган ҳамда катта ариқ ўтадиган жойи ҳам бор. Ҳожиакбарнинг аёллари Саломатхон жуда чаққон, ниҳоятда пазанда, ҳатто тандирда сомсаю нонлар ёпиб, оила аъзоларию меҳмонларни қувонтириб турадилар. Фахриддин исмли бош фарзандларини уйлантириш тўйида Ҳожиакбарнинг ёнига келиб:

– Кўрдингизми меҳнатнинг роҳатини? Мен шундай натижа кутган эдим, – дедим.

## Ҳеч қачон иккиланмаслик керак!

Илоҳим, ким ҳақиқий меҳнат қилса, шундай роҳатини кўрсин. Ҳақиқий меҳнат оши жуда ширин бўлади. Ҳар бир инсон ўз йўлини тўғри танлаши керак. Ўз нияти, орзу-ҳавасига етиш учун пухта-пишиқ режа тузиб, поғонама-поғона кўтарилиб, кўзлаган мақсадларига етиб юриши керак. Қийинчиликларга чидаб, сабр қилиб, интилиб яшаш лозим. Ҳеч қачон иккиланмаслик керак. Ҳаётда учрайдиган тўсиқларни енгиб ўтиб, ҳаракат қилавериш керак. Оллоҳга шукр, мен ҳар хил синовлардан меҳнатим, ишончим, ақлим билан эсон-омон ўтдим. Кўп яқин дўстларим, ўртоқларимни биламан, шу қийинчиликларга бардош беролмасдан, ўз орзу-ниятларига етолмасдан ҳаётдан таслим бўлган, оилалари бузилиб кетган, фарзандларини идора қила олмаган. Келажакка олдиндан тайёрланмаганлар, натижада ҳаётлари лутча чиққан.

Ёшлигимда – кучим, имкониятим бор вақтида кўп ўртоқларим ўзи билган, юрган йўлларга мени ҳам тортмоқчи бўлди.

– Қанақанги одамсан сен, Мирсодиқ, ўйнаб қолмайсанми? Ҳамма имкониятинг бўлса, ахир, ёшликда маза қилмайсанми? Ёшлик даври қайтиб келмайди-ку, – дейишди.

– Агар шу йўл сизларга маъқул бўладиган бўлса, сиз шу йўлдан юра қолинглар. Менинг танлаган ўз йўлим бор. Роҳатланиш – келажакда, – деб йўлдан адашмадим. Ўйлаган ҳамма ниятларимга етдим.

Шу тутган йўлимнинг тўғрилигини болаларимга, набираларимга қайта-қайта уқтираман. Уларни ҳам фақат шундай йўлдан юришга ундайман. Шу тариқа фарзандларим йўлини очиб бердим. Уларга ҳалоллик, поклик, фақат меҳнат билан ўйлаган ниятларига эришишни таъкидлайман.

## Тадбиркорлик замони

Миролим, Миромил ўғилларимни вафли ишлаб чиқадиган цех очишга ундадим. Ҳозирги кунда ака-ука шу билан машғул. Ёнларида набираларим ҳам иш ўрганмоқда. Бозор иқтисоди бўлгани, хомашё нархи тезда ўзгариб тургани учун ишлари гоҳ ўхшаб, гоҳ ўхшамай қолади. Мен болаларимга тижорат

шунақанги нарса экани, бу ишда изланиш кераклигини айтаман. Чунки тинмай маҳсулот сифатини яхшилаш лозим, яъни харидорларни йўқотиш керак эмас. Маҳсулотингиз яхши бўлиб, кўпроқ ишлаб чиқарсангиз, харидоргир бўлади. Камкамдан қолса ҳам, кўп маҳсулотдан яхши даромад олса бўлади. Уларга шуларни айтиб, ўзим улар ишини текшириб тураман. «Ҳамма нарсанинг ози ширин. Келажакда катта бой бўламан деб ҳаракат қилмаларинг. Бировдан қарз бўлмасанг, тагингда уловинг бўлса, оз-оздан фойда кўриб турсанг, бироз сармоянг бўлса, бас, меҳнатинг, ҳаракатинг шарофати билан тагин Оллоҳ бераверади», – деб уқтираман болаларимга доим.

### Устоз-шогирд

Сўраб-суриштириб, бир тарихий воқеани билиб олдим. Менинг қайнотам Тожиддин қори Бухорода таҳсил олган даврларида Алихонгўра Соғуний билан бирга ўқиган эканлар. Уқишни битиргунга қадар бирга бўлиб, ҳатто Амир Олимхон саройида ҳам бирга бўлишиб, қироатда ўз маҳоратларини намоён қилишган экан. Мавлудахон яъни божамни аёллари билан суҳбатлардан уларнинг оналари бошқа, яъни Робияхон опа бўлганини билиб олдим. Шундан кейин менинг икки қайнонам борлигини билиб қолдим.

Фирдавсхон чақалоқлигида катта қайнонам Пўлатхон кундошларининг боласини боқиб олган эканлар. Шу вақтда Робияхон опа қайнотамнинг уйларида истиқомат қилар эканлар. Қайнотамнинг фарзандлари кам бўлгани учун чақалоқни Пўлатхон онага бериб кетганлар. Қайнотамнинг ҳовлилари жуда катта бўлган. Эчки сути билан болани катта қилишган.

Фирдавсхон билан гаплашиб:

– Шу онангизни топайлик, борди-келди қилайлик. Ахир, шулар бўлмаганда, сиз бу дунёда бўлмасдингиз. Балки армон қилиб юргандирлар, – дедим. Қидириб-қидириб, топдик. Бу икки қизларидан ташқари, икки ўғил фарзандлари ҳам бор экан. Бирлари – Анваржон, иккинчилари – Равшанжон. Ака-укадай иноқлашиб кетдик. Ҳамма тўйларимизда, бошқа кунларимизда ҳам биргамиз. Ўзимиздан кўпайиб кетдик. Қайноғам Омон ака ёнларига қайниларим: Анваржон ва Равшанжонлар

қўшилди. Шуларнинг борлигидан мен жуда фахрланаман.

Менинг энг катта божам – қайнотамнинг биринчи қизларининг турмуш ўртоқлари Назрулла Маннопович Маннопов. Улар Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига катта улуш қўшганлар. Ҳозирги Қибрай туманида жамоа хўжалиги раиси, кейинчалик Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири, Кубада қишлоқ хўжалиги бўйича бош маслаҳатчи, Кубадан қайтганларидан кейин, 1963 йилдан Пахтачилик илмий тадқиқот институти директори вазифаларида ишлаганлар, академик даражасига етганлар. Давлат олдидаги хизматлари учун кўплаб орден-медаллар, фахрий ёрлиқлар олганлар.

Шундай катта лавозимларда ишлаган бўлсалар ҳам, ўта камтар, камбағалпарвар, қўлларида ишлаганларга отадай меҳрибон, барчага баробар инсон бўлганлар. Ҳалол, пешона тери билан топган маблағлари ҳисобига яшаганлар. Ҳеч қачон мансабларини суиистеъмол қилмаганлар. Уйлари ҳам камтарона, оддий, фарзандлари эса шу отадан таълим олган. Ҳаммаларини меҳнатга, ўқишга жалб қилганлар, барча фарзандлари олий маълумотли, турли лавозимларда хизмат қилмоқда. Менинг уйланишимда ҳам Назрулла божам хайрихоҳлик қилиб, қайнотамга туртки бўлган эканлар.

– Майли, қайси соҳада бўлмасин, чаққон, ҳушёр бўлса, бас, оилани эплаб кетади, – деб қайнота-қайнонамга уқтирган эканлар. Олпоҳга шукр, шу авлод олдида юзим ёруғ бўлди. Меҳнатим билан ҳамма ўйлаган ниятларимга етдим.

1951 йили божам раис бўлганларида, Фахриддин Умаров шу жамоа хўжалиги ҳудудида истиқомат қилганлари учун у кишига шароит яратиб бериб, бадиий тўғарак ташкил қилган, ҳофизни унга раҳбар этиб қўйган эканлар. Мен Фахриддин Умаров билан бирга ишласам ҳам, ҳеч божам тўғриларида гап очмагандим. Замона зайли билан божамнинг уйларидаги бир тўйда куёв сифатида олдиндан келиб, хизмат қилиб юрган эдим. Фахриддин ака доирачилари Рустам Убайдуллаев билан келиб қолдилар. Мен уларни дарров кутиб олиб, санъаткорлар учун тайёрлаб қўйилган жойга таклиф қилдим.

– Мирсодиқ, сен бу ерга қандай қилиб келиб қолдинг? – деб сўрадилар. Назрулло Маннопов менинг божам бўлишларини шунда айтдим. Бу тўйда ҳам устозга қўшилиб, ўз санъатимни кўрсатдим. Шу кундан бошлаб Фахриддин аканинг менга эътиборлари янада бошқача бўлди. Ҳофиз божам томонидан

кўрган яхшиликлари, кўрсатган ёрдамларининг ҳаммасини сўзлаб бердилар.

Дунёда яхшилик яхши экан.

### Офат балосидан асрасин

Шу ёшимгача ҳаётимда уч мартаба табиий офатга дуч келдим. Бу офатлар қанчалик қийин бўлмасин, Оллоҳнинг бу синовларига ҳам чидадим. Лекин мен чидай олмаган офат бу тухмат балоси бўлди. Биржада шерик бўлган қариндошим қилган тухмат асорати, мана, ўн тўрт йилдан бери тугамаяпти. Кўрсатмаган шифокор, табиб, изламаган чора қолмади. Ўзимнинг дуторга бағишлаб чиқарган китобим сарварағига менга хиёнат қилган шеригимнинг аёлига юрагимдаги сўзларни ёзиб, уларга тақдим этдим. Унда шундай сўзлар ёзилган эди: «Кимки бу дунёда ҳалоллик билан бола-чақа боқса, топади савоб. Кимки аксини қилиб яшаса, албатта, нариги дунёда беради жавоб».

1990 йилгача юзлаб санъаткор, ҳофизлар билан мулоқотда бўлганимни олдин айтган эдим. Тўйларда ҳам улар билан бирга хизматда бўлганман. Ўша вақтларда ҳеч бирлари билан пул масаласида нари-бери бўлмаганман. Менинг асосий мақсадим ўз санъатимни халққа намойиш этиш, дўстлар, мухлислар орттириш эди. Шундай ҳам бўлди, ниятларимга етдим, обрў қозондим.

Кўкча маҳалласида истиқомат қилган ёшлик чоғимда ёнимиздаги анҳордан уч ёш болани ўлимдан қутқариб, сувдан олиб чиққанман. Ҳатто 1964 йили 12 сентябрда «Совет Ўзбекистони» газетасида мен ҳақимда «Довюрак йигит» деган мақола ҳам чоп этилган. Биринчи сувдан олиб чиққаным ёш бола ўша даврда ном чиқарган Зоҳид палвоннинг набираси эди. Иккинчиси қўшнимиз Акрам аканинг боласи бўлиб, у эндигина қадам ташлашни ўрганаётган эди.

Мен бир тўйга тайёрланиб турган эдим. Онам раҳматлик «Тўйга борсанг, тўйиб бор» ақидасига амал қилиб, суюқ овқат тайёрлаб қўйган эканлар.

– Онажон, кеч қолишим мумкин, – деб, йўлга чиқиб кетаётиб, онам мендан хафа бўлсалар-чи, деб ўйлаб, уйга қайтиб кирдим-да, ярим коса овқатни тезроқ совитиш учун анҳор ёни-

га олиб бориб, сувга косани қўйиб турган эдим, сувнинг нариги бетиде болаларнинг ўйнаб юрганига кўзим тушди. Эндигина бир ёшдан ошган Аббос исмли бола сувга, яъни анҳорга қараб юриб кетди. Қўлимдаги коса ҳам сувга тушиб кетиб, ясанган кийим-пийимим билан ўзимни сувга ташладим. Бироқ бола сувда кўринмас эди. Кийим билан сувда сузиш қийин бўлар экан. Сув оқимининг олди томонига бориб турсам, оёғимга бир нарса ёпишиб олди. Ўзим ҳам кўрқиб кетдим. Энгашиб уни оёғимдан тортиб оламан десам ҳам, ҳеч қўйиб юбормайди. Сувга бошим билан шўнғиб, оёғимни тепага кўтардим. Сувда нафасим қайтиб кетди, хуллас, не азоблар билан бола ёпишган оёғимни тепага қилиб, қирғоқ томон суза бошладим.

Онам бу ҳолатимни кўриб қолиб, Акрам акани бор товушлари билан чақирдилар. Шу тариқа Аббос деган болани тортиб олишди. оғзидан анча сув тушди, ҳаракат қилдиришди. Сўнгра у кўзини очиб, йиғлади.

Аббос катта бўлгач, уйланиш чоғида ўртага тушиб, унга бахт тилаб, бўлган воқеани айтиб бердим. Ҳозир Аббос катта оила эгаси бўлиб, невара ҳам кўрган.

Иккинчи воқеа қишда бўлган. Биз чархпалак ўйнар эдик. Чархпалакни айлантириш учун ундаги яхларни синдираб эдим. Олти-етти ёшли бола чархпалак ўйнаб, муздек сувга тушиб кетиб, типирчилаб ётганини кўрдим. Қўлимга хаскаш тушиб қолган экан, шу билан боланинг кўйлагига хаскашни илиб, бир амаллаб уни тортиб олдим. Кўкариб кетган экан. Агар бироз кеч қолганимда, ўлиб қолиши муқаррар экан. Уни ҳам ҳаракатга келтириб, уйга олиб кириб, танча ёнига ётқиздим. Анча ўзига келиб қолган эди, уйимизга ўша боланинг онаси ва бир саккиз ёшларга кирган бола кириб келди. Она боласини кўтариб олди, йиғлаб, менга миннатдорлик билдирди, дуолар қилди.

Мен кутқариб олган боланинг онасини бошлаб келган бола эса бирга чархпалак учишган жўраси экан; шу ҳодиса содир бўлгандан кейин кўрқиб кетиб, шеригининг онасини бошлаб келибди.



## Санъат гашти

Санъаткор билан ишлашнинг гашти бор. Мен жуда катта-катта, номи диёримизга таркаган ва тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирган устоз санъаткорлар билан ишлаш бахтига муяссар бўлганимни айтган эдим. Шу устозлар билан бўлган кўп воқеалар асло эсимдан чиқмайди. Грампластинкага ёзишларда ҳам кўп устозлар, жумладан, Муҳаммаджон Мирзаев, Фаҳриддин Содиқов, Маҳмуджон Муҳаммедов, Фозил Харратов, Салоҳиддин Тўхтасиновлар билан бирга иштирок этганман. Пластинкага ёзиш, асосан, ярим кечаси, соат 24 лардан кейин бошланар эди. Чунки овоз ёзиш жараёнига трамвайлар товуши халақит берар, то эрталаб трамвайлар юргунига қадар ухламасдан ёзар эдик.

Шу машаққатлар эвазига вақти-соати билан пул олар эдик. Ҳазна Навоий кўчасидаги 30- бинонинг бешинчи қаватида эди. Ҳазначимиз бир уйғур аёли эди. У менга ҳисоб варағига қўл қўйишимни айтди. Менга 110 сўм, Муҳаммаджон Мирзаевга 1100 сўм, яъни уларга 10 баробар кўп ёзилган экан. Мен Ҳазначига ҳазил қилиб:

– Опа, бу гавдага қараб пул ёзганмисиз? – деб турган эдим, орқамда бир одам чуқур-чуқур нафас олаётганини сезиб қолдим. Лекин ўгирилиб қарамадим. Шунда орқадан биров қўлимдан ушлаб олиб:

– Ҳой, бола, агар гавдага қараб пул тўлайдиган бўлса, сен давлатга тўлашинг керак, – деб, мени суриб, ўрнимга ўтиб олди. Қарасам, Муҳаммаджон Мирзаевнинг ўзлари!

Оллоҳга беҳад шукрлар бўлсинки, мамлакатимизда дурторчилик касбини моҳирона эгаллаб, халқимизга хурсандчилик бағишлаган Маҳмуджон Юсупов, Зокиржон Обидов, Сайфиддин Йўлдошев, Абдусамад Илёсов, Ғуломжон Қўчқоров, Фаҳриддин Содиқов, Ориф Қосимовлар билан ҳамкор бўлдим, уларга шогирдлик қилдим. Ҳаммаларини устоз деб биламан. Устозим Турғун Алиматовни шу созандаларнинг саркардаси деб ҳисоблайман. Илоҳим, жойлари жаннатдан бўлсин!

## Ташвишларим

Болалик, ёшлик даврларимизда ҳофиз-ашулачилар сахнада ҳам, катта маросимларда ҳам, ҳатто тўйларда ҳам астойдил хизмат қилар эди. Мақсад халқни мамнун этиш, уни рози қилиш, қолаверса, меҳнатга чорлаш, яшашга умидни кучайтириш эди. Ўша пайтларда товушни кучайтириб берадиган асбоблар йўқ эди. Тарихдан маълумки, ҳатто Катта Фарғона каналини қазийда ҳам санъаткорлар Оллоҳ берган товушлари билан элни хушнуд этишган. Тўй-маросимларда кечкурун базмни ўтказиб, эрталабки наҳор ошига ҳам хизмат қилиб беришар эди.

Ҳозир-чи? Кўплар, иложи бўлса, микрофонни ютвориб, ашула ижро этса. Айтаётган қўшиқлари ҳам олди-қочди, сўзини ҳам, мусиқасини ҳам тушуниб бўлмайди. Уларни эшитаётганлар ғазабланади. Яна қайси йўллар биландир телевидение, радио тасмаларига ёздиришади. Наҳотки, буларни астойдил текширувчи, бу ишларнинг олдини олувчи ташкилот бўлмаса? Мен шу касб вакили сифатида келажак авлодимиз, санъатимиз нима бўлади, деб куйинаман.

Бир тўйда хизмат қилаётган ашулачиларнинг сонини ҳисоблаб кўринг, тўйга келган меҳмонлардан ҳам кўп, узоғи билан 20 – 30 дақиқа бўлиб, икки-уч ашула айтиб, бошқа тўйларга шошилишади. Бу тўй эгасининг манманлиги бўлса керак. Аслида, бир тўйда санъаткорларнинг бир гуруҳи бўлса, бас, шунинг ўзи кифоя қилади. «Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади», деганларидек, сохта ҳофизларни умуман телевидение, радиого яқинлаштирмаслик керак. Ахир, инсоннинг умри қисқа, ҳар бир дақиқа ғанимат, шу ғанимат дақиқаларни сохта санъатга бериб қўйиб бўладими? Бундай юзаки санъатнинг жиловини тортиш вақти келмаганмикан?!

Менимча, мустақил давлатда яшайпмизми, ҳар биримизда шунақанги мустақил фикр бўлиши керак.

Мен ҳозирги бастакорлар, айниқса, ёш бастакорлар ижод қилганда, асосийси, халқимиз талабига мос келадиган, чарчоқни босадиган, инсонларнинг бир-бирига муҳаббатини оширадиган, уларни ҳалол меҳнатга чорлайдиган, фарзандларнинг ота-онага оқибатларини, Ватанга садоқатларини кучайтирадиган, ёшларимизни келажакка интилиб, умид қилиб яшашга ундайдиган, ҳалоллик, покликка даъват қиладиган куй-қўшиқлар яратишларини чин кўнгилдан истар эдим.

Хонандаю созанда учун бош мезон – ҳалқимизнинг талаби. Кўпроқ мумтоз, миллий руҳда тарбияладиган созларимиз бўлмиш дутор, танбурга эътибор берсак. Дутор, танбур – отабоболаримиздан бизга қолган буюк мерос. Илоҳим, ўтган отабоболаримизнинг руҳлари шод бўлсин.

## Юнус Ражабий сабоқлари

Бир мухлисимиз чалган куйимдан хато топдилар.

– Ахир, сиз созанда эмассиз, менинг хатоларимни қаердан билиясиз? – деб сўрасам, қайноталари Рихси Ражабий, яъни академик Юнус Ражабийнинг акалари эканини айтдилар.

Оллоҳга минг шукр, радиода ишлаган вақтимда Юнус Ражабийнинг мақом ансамблларида «Шашмақом»ни радио тасмаларига ёзишга, озгина бўлса ҳам, ўз ҳиссамни қўшдим. Консерваторияда ўқиган вақтимда, устозим Фахриддин Содиқов мени Рихси Ражабий билан таништирганлар, ҳатто бирга тушган рангли расмимиз ҳам бор.

Академик Юнус Ражабийнинг икки фарзандлари билан кўп йиллар мобайнида бирга ишладим. Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий билан катта концертларда, телевизорларда, тўйларда бирга бўлдик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Ражабий билан халқ чолғу асбоблари оркестрида Дони Зокиров бошчилигида ўн беш йил бирга ишладик.

Радиога ишга ўтишимга мамлакатимизда тор чалиш бўйича уста санъаткор сабабчи бўлганлар. У киши менда ижрочилик қобилияти борлигини сезганларидан кейин, Қори Ёқубов номидаги филармониядан илтимос қилиб олиб кетганлар. Бироз радио қошида очилган эстрада ансамблида мен республикада биринчи бўлиб электр дутор чалиб қатнашдим. Сўнг шундай мутахассис топиб, электр дутор ясаттирдим. Дуторимнинг товуши гоҳида ансамблни ҳам босиб кетар эди. Ансамбл жўрлигида «яккахонлик» қилиб, ўзбек миллий куйларини чалиб, катта олқишларга сазовор бўлганман.

## Тижорат ҳалол

Ҳар бир инсон, агар ўзида меҳнатга муҳаббати бўлса, имконият қидиради ва йўл топади. Олти-етти ёшимдан ҳалол меҳнатга ўзимни ундаганман, изланганман.

Ёзининг жазирама иссиқ кунларида қовун-тарвуз фарқ пишади. Одамлар ташналикдан чанқайди, иложи бўлса, муздеккина қовун-тарвуз истеъмол қилишни хоҳлайди. Шу вақтларда ёнимиздаги анҳор атрофига чайла қуриб, бўйра ёки эски палос солиб, ўртасига товоқ билан пичоқ кўйиб қўярдим-да, қовун-тарвузларни қопларга солиб, анҳор сувига ташлаб, совитардим. Ҳамма келиб, шу ердан қовун-тарвуз сотиб оларди.

Қовун-тарвуз пўчоқларини йиғиб, Кўкчанинг Оқилон маҳалласи пастига олиб бориб, молбоқарларга етказиб берардим. Эс-эс биламан, битта катта челак қовун пўчоғи учун икки, бир челак тарвуз пўчоғига эса битта гижда ноннинг пулини олар эдим. Бир кунлик режам тўрт челак пўчоқ етказиш эди.

Чайла атрофларини супуриб, сувлар сепиб қўяр эдим, шунинг учун ҳам менинг чайламга кўп одам келар эди ва раҳматлар айтишарди. Эрта азонда туриб, Кўкчанинг сутқатиқ, сузма-қаймоқ бозорига Назарбекдан от араваларда «Босволди», «Қизил уруғ» қовуни, тарвуз кўп келар эди. Қовун-тарвузларнинг яхшиларини ажратиб, гоҳ нақд пулга, гоҳ қарзга олиб турар эдим. Кўп деҳқонлар мени яхши таниб қолишган эди, эртаси куни қарзларимдан қутулар ва яна қовун-тарвуз олиб, совитиб сотар эдим.

Биламан, ҳозир ундай қизил ширин қовунлар йўқ бўлиб кетганга ўхшайди, ҳатто есангиз, лаб-лабга ёпишиб қолгандай бўларди.

Кўп деҳқонларимиз Кўкча атрофида истиқомат қилишса ҳам. Назарбек қишлоғининг далаларида меҳнат қилар эди. Деҳқончиликда ном чиқарган зотлардан раҳматли Ҳошим Баҳодир деган киши эдилар. Бутун оила аъзолари билан деҳқончилик қилиб, шон-шуҳратга сазовор бўлган эдилар. Ҳозир ўғиллари Қобил ҳожи ота касбини тўлиқ эгаллаганлар. Шулар билан бирга Маккага оилавий бўлиб Ҳаж сафарларига бориш насиб қилди.

Иккинчи мен биладиган деҳқон раҳматли Алишер ака бўлиб, у кишининг қовун, тарвуз, қовоқ сотиш маҳорати жуда зўр эди.

Одамларнинг қўлига қовун-тарвуз, қовоқ тиқиб, пулни эртага олиш шарти билан сотиб юборар эдилар.

Бир қизиқ иш бўлган. Бозоримизга бир қозоқ миллатига мансуб бўлган дўстимиз катта-катта тарвузлар туширган эди. Кўкча маҳалласида яшовчи кўп болали Қўчқор ака келиб, тарвуз эгасига:

– Битта тарвузни бир қўлтиғимга, иккинчисини иккинчи қўлтиғимга қистириб, бошимга ҳам бир тарвуз қўясан. Хув анави кўприкни кўряпсанми? Агар шу кўприқдан тарвузларни туширмасдан ўтиб кетсам, орқамга қарамай, пулингни бермай кетавераман. Мабодо, қўлимдан ёки бошимдан тарвуз тушиб қолса, у ҳолда тарвузининг пулини икки баробар қилиб тўлайман, – деди. Тарвуз эгаси уч-тўрт одамни гувоҳ қилиб, рози бўлди, Қўчқор ака айтгандай қилиб, тарвузларни қўллар орасига жойлаштириб, бошларига ҳам жуда катта тарвузни қўйди. Сўнг кўприк олдиғача қозоқ деҳқон орқаларидан борди. Мен ҳам қизиқиб, бирга боравердим. Қўчқор ака кўприқдан бемалол ўтиб, ярим километр олисдаги дала уйларига ҳам етиб олдилар, оёқлари билан эшикни тепиб очиб, уйларига кириб кетганларининг гувоҳи бўлганман. Аслида эса, Қўчқор ака иморат устаси бўлиб, тўйларда бошларига қовун, тарвуз, ҳеч бўлмаса, қовоқ қўйиб, рақсга тушадиган одам эдилар. Ун бир нафар фарзанди бор эди.

Мен пўчоқ йиғишдан ташқари, қовун-тарвуз сотиш йўлларини яхши билиб олдим. Деҳқонлар ишончини қозондим, шу сабабли улар билан ҳам дўстлашиб кетдим. Кўпчилик олиб келган ҳосилини менга ишониб топшириб, ўзлари далага шошилишар эди.

### **Меҳнаткашга меҳнат қаҳатми?..**

Ёшлигидан ким меҳнатга бош эгса, қариган чоғида ҳам иш-лашдан бош тортмайди. Ёшим улғайиб қолганда Оҳангарон тоғлари орасидаги катта далабоғим менга ҳозир жуда асқатмоқда. Мевалари мўл-кўл бўлиб, узиб улгурмайман. Шу ерлик ёш болаларни меваларни териб беришга жалб қилганман. Уларнинг ота-оналари ҳам мендан хурсанд. Биринчидан, уларни яхши меҳмон қиламан, мазали таомлар пишириб бераман. Иккинчидан, дафтар-китоб пулларини ўз меҳнатлари эвазига

олишади. Ана шунда китоб-дафтарларининг қадрига етишади. Зерикиб қолишса, дутор чалиб, ўйнатаман. Хуллас, ҳамма хурсанд.

Далабоғдаги кўшнилариимнинг кўплари қариб қолган, бозорга тушиб, етилган ҳосилларини олиб бориш учун уларнинг имкониятлари, транспорт воситалари йўқ. Қўлимдан келганича уларга кўмаклашаман, манзилларига олиб бориб қўяман.

2004 йили далабоғимда шунақанги ҳосил мўл бўлдики, болаларимга ташийвериб, улгурмай қолдим. Бозорга бориб, уч литрлик банка ва қопқоқлар, қопқоқ ёпадиган асбоблар олиб келиб, қулупнай ва малиналардан йигирма банкадан ортиқ мураббо ёпиб, Тошкентга – уйимга олиб бордим. Фирдавсхон:

– Қилмаган битта мана шу ишингиз қолган эди, шуни ҳам қилибсиз, – деб қўйдилар. «Қимирлаган қир ошади», дейишади-ку, ахир.

### Санъат йўли машаққатлари

Ҳалқимиз қадимдан санъатни жуда севади, ҳаётини усиз тасаввур ҳам қила олмайди, ғамгин пайтида ҳам, шодон кунларида ҳам санъатга мурожаат қилади. Лекин айрим одамлар санъаткор ҳаёти, унинг турмуш тарзи доимо хурсандчиликдан иборат, қаерга борса, иззат-ҳурматда, жойи хонадон тўрида бўлади, уларга жуда маза бўлса керак, деган юзаки фикрда ҳам юришади. Қолаверса, ундайлар санъаткор ҳақиқий касб соҳиби бўлганини, эл эътиборига тушганига қадар ўзига яраша қийинчиликларни, заҳматли меҳнатни, ўзига хос қарама-қаршиликларни, турли зиддиятларни бошидан кечиришини тасаввур ҳам қилмаса керак.

Шахсан мен ҳам, кўпчилик санъаткорлар қатори, худди юқорида таърифланган қийин ҳаёт йўлини босиб ўтдим. Санъатнинг мураккаб тўсиқларига, ҳатто кутилмаган табиий офатларга бир неча марта дуч келганманки, уларнинг баъзиларини ҳеч эсдан чиқариб бўлмайди. Кейинги йилларда етишиб чиқаётган ёш санъаткорларга ибрат бўлсин деган маънода ҳеч ёдимиздан чиқмайдиган бир воқеани эслаб ўтмоқчиман.

Ўзбекистон давлат филармониясининг халқ чолғу оркестрида созанда бўлиб ишлаб юрган пайтим, 1969 йил филармониянинг яккахон хонандаси, халқимизнинг сеvimли ҳофизи Фахриддин

Умаров гуруҳида Сурхондарё вилоятига гастрол сафарига бордик. Кечкурун концертни тугатиб, тунда меҳмонхонага қайтаётганимизда, шундай кучли шамол кўтарилдики, унинг даҳшатини ҳозир эсласам, ҳали ҳам ҳаммамиз қандай тирик қолганимизга ишонмайман. Негаки бизнинг махсус автобусимиз санъаткорлар тўла бўлишига қарамай, худди гугурт қутичадай икки ёнга йиқиладиган даражада кескин тебраниб борарди.

Автобус ичида эса концертнинг иккинчи бўлимида қатнашган санъаткорлар: Фахриддин Умаров, Зайнаб Полвонова, Муҳаббат Мусаева, Убай Хўжаев, афғон рубобчиси Умаржон Ҳамидов ва бошқалар бор эдик. Автобусимиз чироғи ёруғида шундай ҳолатларнинг гувоҳи бўлдикки, бу тўфон дарахтларни, симёғочларни ағдариб, турли томонга улоқтирар, уларнинг баъзилари бизнинг автобусимизга ҳам келиб урилар, еру кўкни қалин чанг-тўзон қоплаган эди.

Яқиндагина ҳарбий хизматдан қайтган автобус ҳайдовчиси ниҳоятда довжурлик ва моҳирлик билан машинани бошқариб, ҳеч ерда тўхтамасликка ҳаракат қилиб борарди. Биз ҳаммамиз шундай аҳволга, яъни ваҳимали ҳолатга тушдикки, гўё бу фожиадан қутулишнинг ҳеч иложи йўқ ва ҳаммамиз шу ерда, шу офат туфайли ҳалок бўладигандек эдик. Ҳатто бир-биримиздан рози-ризолик тилаб, астойдил видолашдик ҳам. Шуниси аниқ эсимдаки, мен ҳайдовчининг ўнг томонида, Турғун Авазов эса чап томонида туриб олиб, бараварига вазиятни кузатиб, унга йўлни кўрсатиб борардик.

Бир неча марта автобус ён томонга ағдарилиб кетишига сал қолди. Фахриддин Умаровнинг:

– Дўстларим, бу ҳолатдан қутулиб қололмаймиз, шекилли. Назаримда, умримиз йўли шу ерда тугаганга ўхшайди. Шунинг учун мен сизлар билан хайрлашаман, яхши-ёмон гаплар ўтган бўлса, бир-биримиздан рози бўлайлик, энди алvido, – деган сўзлари ҳамон эсимда.

Шу даҳшатли ўлим офати ичида бир соатдан ортиқ юридик. Ҳайдовчи автобусни охири қандайдир бир бетондан қурилган катта қўрғонга олиб кирди ва биз шу ерда ўлимдан қутулиб қолдик, кун ёришгунча шу ерда жон сақладик. Эрталаб тўфон тўхтаган эди. Кейин билсак, бу тўфон Сурхондарёга Афғонистон томондан эсар экан, шунинг учун уни «афғон шамоли» деб аташар экан. Эрталаб бир-биримизнинг ран-

гу рўйимизни кўриб, танимай қолдик. Юзларимиз қоп-қора, сочларимиз, кийимларимиз, қулоқларимиз қум билан тўлган, умуман, ҳаммамиз қараб бўлмайдиган аҳволга тушган эдик. Автобуснинг эса бутун жойи қолмаган: ҳаммаёғи ҳар нарсалар тегиб пачақланган, ойналари синган эди. Шундай бўлса-да, тирик қолганимиздан хурсандлигимизнинг чеки йўқ эди, бир-биримиз билан кучоқлашиб, беихтиёр йиғлардик.

2006 йил март ойида стационарда даволанаётган Фахриддин Умаровни ҳам санъаткор, ҳам тарихчи олим укамиз Ҳожиакбар Ҳамидов билан кўргани бориб, анча суҳбатлашиб ўтирдик, бирга юрган дамларимизни эсладик. 2006 йили 1 сентябрда Фахриддин ака табаррук 80 ёшга тўлдилар. Мен у кишига:

– Сиз ҳали, Худо хоҳласа, 100 ёшдан кўп умр кўрасиз, чунки ўтган йиллар давомида неча миллионлаб одамларга турли шароитларда хизмат қилиб, уларнинг қалбларини ром этдингиз, дуоларини олдингиз. Эсингиздами, гастролда қанча-қанча қийинчиликларга дуч келдик? – дедим. Шунда Фахриддин аканинг ўзлари ўша афғон шамолини эсладилар. Шунда мен:

– Ушанда ҳамма билан «алвидо», деб хайрлашганингиз эсингиздами? – дедим. У киши:

– Албатта, эсимда, ҳамма нарса худди кечагидек кўз олдимда турибди Ахир, 45 тонналик бульдозерни тўфон суриб кетаётганини кўрган ҳар қандай одам хайрлашмай иложи йўқ эди-да. Ахир, Сурхондарё вилояти газетасида автобусимиз ҳайдовчисининг довжураклиги ҳақида мақола ҳам эълон қилинган эди-ку, – дедилар.

Ҳа, санъат йўлидаги ўзига хос, кутилмаган машаққатлардан бири шу воқеа эди.

Орадан бир неча йил ўтди. Бош фарзандларимиз: Хуршидахон, Миролимларга менинг санъатга бўлган қизиқишларим ўтган бўлса керак, улар ҳам астойдил шу соҳага қизиқди. Ҳар иккисиди кўпчиликка маъқул тушадиган ёқимли овоз ҳам бор. Лекин мен бошимдан кечирган қийинчиликлар уларнинг бошига тушмасин, деган мақсадда уларнинг бу йўлдан боришларига кескин қарши бўлганман. Улар бошқа соҳаларни танлаб кетишди. Балки менинг бу ишим нотўғри бўлгандир. Лекин, шуниси аниқки, мен ҳам барча ота-оналар каби фарзандларимнинг турли нохуш ҳолатларни бошидан кечиришларини хоҳламагандим.



## Шинаванда санъаткор

«Санъат – халқниқидир», деган нақл барчамизга аён. Ҳамма касб вакиллари давлатимизга, халқимизга ўз соҳасида ҳалол меҳнат билан хизмат қилиб, рўзғор тебратади. Одамларнинг бир қисми ишдан бўш пайтларида гап-гаштаклар, улфатчиликлар уюштиради. Бу удум ё қадрият қадимдан миллатимизга хос. Ана шундай улфатчиликлар, ўтиришлар доимо санъаткорлар, хонанда ёки созандалар иштирокида ўтади, улар даврага файз киритади.

Турли ҳунар эгалари: заргарлар, бешикчилар, дурадгорлар, қассоблар, кўнчилар (тери ошловчилар), дўкондорлар, савдогарлар, ижодкорлар, олимлар, шифокорлар ва бошқаларнинг улфатчиликларида баъзан яқка дутор билан, баъзан ҳофизашулачилар ёнларида бўлиб хизмат қилганим ҳам мен учун катта ҳаёт мактаби бўлган.

Менда шундай хусусият борки, бу шинавандалар даврасида дутор чалиб, уларнинг кўнглини олишдан ташқари, айримларининг иш жойларига, устахоналарига ҳам бориб, суҳбатлашиб турардим, уларнинг касбига, ҳунарига, соҳаларига мослаб қизиқ-қизиқ латифалар, ҳангомалар, воқеаларни гапириб бериб, димоқларини чоғ этардим. Шунинг учун ҳам уларнинг кўпчилиги менинг фақат созим учун эмас, балки қизиқарли суҳбатим, қофияли сўзларим, ҳозиржавоблигим ва очик юзлигим учун ҳам таклиф қилишарди ва буни тез-тез ўзимга ҳам айтиб туришарди. Кўпчиликлари билан шу қадар қадрдон бўлиб кетган эдимки, ҳатто вақтим бемалолроқ пайтларда улфатчилик, йиғилиш бўладиган куни сал эртароқ бориб, ширин овқатлар тайёрлашларига ҳам қўшилиб ёрдамлашар, дастурхонларни тузашларида ҳам иштирок эта олар эдим. Чунки бундай тадбирларни, суҳбатларни ўзим ҳаддан зиёд хуш кўрар эдим.

Шаҳримизнинг Кўкча даҳасидаги Оқилон маҳалласидагилар турли ҳунарлар билан машғуллиги билан машҳур. Ўрни келганда шуни эсламоқчиманки, раҳматли ҳунарманд-кўнчи Долибой ака улар орасида етук устоз бўлиб, кўпчилик уларни танир эди. Уларнинг хонадонларида жуда кўп марта бўлганман. Уста кўнчи Қўчқор ака ҳам дутор куйларини жуда яхши кўрар эдилар. Улар шу даражада мени ўзларига яқин олар эдиларки,

ҳатто улфатчиликка тайёрланадиган нориннинг гўшту хамирларини тўғрашни ҳам менга юклаб қўяр эдилар.

Ҳар бир ҳунар, касб эгаларининг ўз соҳалари юзасидан ўзига хос сир-асрорлари, камчилик ва ютуқлари ҳақида ўзларининг гаплари бўлади. Уни ҳамманинг олдида ҳам гапиришавермайди. Лекин уларнинг ҳеч қайсилари сирларини беркитишмас, менга ўзларига ишонгандай ишонишар, бемалол суҳбатлашиб ўтиришар эди. Чунки улар менинг феъл-атворимда гап ташиш йўқлиги, эшитган гапларимни ўша ерда қолдириб кетишимни ҳам яхши билишар ва кўп синовлардан ўтган эдим.

Менинг мақсадим уларга янада яқинроқ бўлиш, созим билан уларнинг кўнглини олиш, суҳбатларининг ўзимга фойдали томонларини ўрганиб, ўзлаштириб бориш, менга тааллуқли бўлмаган томонларига аралашмаслик эди. Бу эсдаликларни ёдга олишдан мурод ана шу ҳунарсанд кишилар йигирма йиллар мобайнида мени мунтазам ўз қаторларида олиб юришган, улардан кўп нарса ўрганганман.

Афсуслар бўлсинки, уларнинг кўпчилиги раҳматли бўлиб кетишди, жойлари жаннатда бўлсин. Бу улфатларнинг фарзандлари билан эса ҳозиргача учрашиб турамиз. Улар ҳам мен тўй қилсам, хизматда бўлишади. Уларнинг бу садоқатли муносабатларини кўпинча ўзимнинг ҳам уларга кўп йиллик самимий муносабатим ҳосиласи деб биламан.

## Шукрона

Яратганга доимо беадад шукрлар бўлсинки, ҳаётда яхши ниётларимга етиб яшаяпман. Яқинда набирамни турмушга узатиш тўйининг таклифномасига қуйидаги юрак сўзларимни ёздирдим:

Келса, шукр, яхшилар уйга,  
Осмонларга етарди бошим.  
Файз киритиб тантана-тўйга,  
Дўст-биродар, қон-қариндошим.

Ниятимки, дил дилдан қонар,  
Бўлмайлик ҳеч бемаҳал йироқ.  
Сизни кўрсам, қалбим қувонар,  
Гўё дилда ёнгандек чироқ.

Хуллас, машхур санъаткорлардан бири бошчилигида бир кишлоққа бордик. У пайтларда тўйларда микрофонда айтиш эндигина русум бўлиб келаётган эди. Шуниси муҳимки, номи чиққан хонанда тўйда ўзини толиқтириб қўймасликнинг чорасини кўриб юриши керак. Чунки кетма-кет, ҳар куни халқ хизматида боришга тўғри келса, овозини эҳтиёт қилмаслиги унга панд бериб қўйиши мумкин.

Уша куни мени тўйга олиб кетган хонанда қандайдир хатога йўл қўйганми, бир-икки қўшиқни аранг айтди-ю, овози бутунлай бўғилиб қолди. Тумонат одам йиғилган. Тўй эгаси хонандадан масъулиятсизлиги учун жуда қаттиқ хафа бўлиб, фиғони фалакка чиқди. Чунки бу ҳолат халқ олдида тўй эгаси учун катта шармандалик ҳисобланарди. Сабаби анча аввал шу хонанданинг тўйга келишини халққа эълон ҳам қилиб қўйган эди.

Шунда тўй эгасининг кўзи менга тушиб, сўнг олдимга келиб:

– «Дилхирож»ни биласизми? – деди. Мен билишимни айтдим. У шу куйни чалиб беришимни илтимос қилди. Мен доирачи дўстимизни ёнимга чақириб, микрофонни баланд қилиб ёқтириб қўйдим-да, бор ҳунаримни ишга солиб, куйни завқ билан чала бошладим. Ҳеч кутилмаган бир ажойиб ҳолат юз бердики, тўй эгасининг ўзи рақсга тушиб кетди. Очиқ айтиш керак: у жуда берилиб ўйнади. Биз янада завқ билан чала бошладик. Шундан сўнггина тўйда кўтаринки руҳ пайдо бўлди. Келган меҳмонлар, ёру дўстлар, қариндош-уруғлар, аввало, тўй эгасининг ҳурмати, қолаверса, унинг бузилган кайфиятини кўтариш учун ҳаммалари бирин-кетин ўйинга туша бошлади. Тўйчининг ёнига унинг аёли, кейин яқин дўстлари ҳам қўшилиб кетди. Биз куйга шўх куйларни улаб, чалишни давом этирдик. Бу ҳолат салкам икки соат давом этди десам, муболаға бўлмайди.

Очиғини айтсам, шунча йиллар халқ хизматида бўлиб, бунчалик ҳиммат кўрсатилганини кўрмаган эдик. Бирозлик танаффусда тўй эгаси менинг ёнимга йиғилган барча пулларни ташлаб:

– Болам, булар – сенинг ҳалол насибанг, ҳофизингга бундан ҳеч нарса бермагин. Агар хоҳласанг, сени алоҳида машинада ўйинггача олиб бориб қўяман. Сен бугун ҳофизни жуда катта хатардан қутқардинг, унинг бошига тушиши мумкин бўлган ташвишга сен қалқон бўлдинг, – деб халқ олдида баланд овоз билан айтди.

Мен тўйнинг эгасига раҳмат айтдим:

– Мен булар билан бирга келганман, бирга қайтаман. Сиз айтгандай қилсам, номардлик бўлади, – дедим. Бизни кузатиб қўйишди.

## Номардлик

Энди буёғини эшитинг.

Ўша тўйдан шаҳарга қайтганимизда, хонанда мени Хадра майдонида туширар экан, қўлимга хизматларим эвазига 25 сўм пул берди.

– Яна керак бўлсанг, топиб олармиз. Бу 25 сўмга 250 та тандир нон беради. Бизга «рахмат» дегин, – деб кетди.

Ўшанда энг алам қилгани менга қилган хизматларим. уни ниҳоятда хавфли вазиятдан қутқарганим эвазига ўзимга тушган маблағдан 100 дан бирини ҳам бермагани эди, қолаверса, ярим кечада, лоақал, уйимга элтиб қўйишга ҳам арзитмади. Бу ҳолатдан дилим қанчалик ранжигани ўзимгагина аён.

Воқеа баёнининг бошида айтилганидек, бу хонанданинг кейинги аҳволдан яқиндан хабардорман. Уни бирор тўйга ҳам, бошқа хизматга ҳам йўқламай қўйишганига анча бўлиб қолган. Оилавий турмуши ҳам ачинарли. Фарзандлари ҳам отасига бўйсунмайди. Бу – хонанданинг аъмолига яраша бу дунёда кўраётгани. Ҳали охираат ҳам бор-ку! У ерда қанақа жавоб берар экан?..

Бошқа касб вакиллари ичида ҳам беш қўлини оғзига тикадиганларнинг ҳол-аҳволини кўриб юрибмиз. Ҳеч кимга бундай кунни раво кўрмайман. Ҳаммамизга Оллоҳ инсоф берсин. «Бу дунёда ҳамма нарсанинг ози ширин», дейдилар. Халқимизда шундай нақл бор: «Кам е, кам гапир, кам ухла!»

Бу гап бежиз айтилмаган.

## Созанда дардлари

Халқ орасида эл эътиборидаги кўшиқчи санъаткорларга бўлган ҳурмат билан унинг ёнидаги созандаларга бўлган ҳурмат даражаси анча фарқ қилади. Шундай бўлиши табиий. Хонанда қўлида сози. Оллоҳ берган ёқимли овози ҳамда

тингловчига маъқул кўшиқлари билан катта ҳурмат қозонади. Лекин кўпчилик эътибор бермайдики, хонанданинг овозини, куйини янада бойитиб, тўлдириб, жозибали қилиб турганлар ҳам, аслида, унинг ёнидаги созандалар.

Хоҳ концерт, хоҳ тўй-ҳашам, хоҳ радио-телевидение чиқишларида, хоҳ студия ёзувларида бўлсин, созандалар – кўшиқчига асосий қанот бўладиган куч ва таянч. Бу кўпчиликка аён.

Демак, созанда ҳам кўшиқчи ёнида ундан кам меҳнат қилмайди, масъулият ҳис этади, ижронинг бошидан то кўшиқ тугагунча у ҳавотирда туради. Хонанда кўшиғини тугатиб, халқ олқишига сазовор бўлар экан, мусиқачи-созандалар ҳам бир-бирларига қараб, маъноли, ҳорғин жилмайиб, ичларида «хайрият-ей», деб қўйишади.

Ҳожиакбар Ҳамидов ўзларининг илмий ишларини санъат тарихига бағишлаганлар. Суҳбатларимизда санъатимиз тарихи бир неча мингйилликларга бориб тақалишини гапирар эканлар, уларнинг ишонч билан айтишича, илк санъат намуналари пайдо бўлган даврларда ҳам аввал кўшиқ эмас, балки овоз, товуш, куй, кейинчалик овоз чақирувчи созлар пайдо бўлган. Масалан, ҳайвон териларини тортиб, барабанлар ясашган. Бундан тўрт-тўрт ярим минг йиллар аввал қамишдан, ҳайвон суюқларидан най сози ясалган. Ашула эса биров кейинроқ пайдо бўлган диний ва бошқа маросимларда айтила бошланган.

Бу фикрларни билдиришимнинг боиси шуки, ҳозир ҳам айрим кўшиқчиларда атрофидаги созандаларга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш, менсимаслик, паст назар билан қараш ҳоллари учрайди.

Дуторчи-созанда сифатида халқимизнинг бир неча ўнлаб сеvimли санъаткорлари ёнида тўй-ҳашамларда, концертларда, радио-телевидение ёзувларида иштирок этганман. Жумладан, марҳум санъаткорлардан Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Комилжон Отаниёзов, Қувондиқ Искандаров, Жуманазар Бекжонов, Таваккал Қодиров, Меҳри Абдуллаева, Умар Отаев, Бахтиёр Йўлдошев, Муроджон Аҳмедов, Жўрахон Раҳимовлар ёнида, Фахриддин Умаров, ҳозирда ҳаёт Саодат Қобулова, Абдуҳамид Султонов, Хайрулла Лутфуллаев, Фуломжон Ёқубов ёнларида кўп бора дутор чалишимга тўғри

келган. Айниқса, халқимизнинг хушовоз хонандаси Фахриддин Умаровнинг шогирдлари Ҳожиакбар Ҳамидов билан кўпроқ вақт бирга хизматларда бўлганман. Шунинг ҳозиргача хурсанд бўлиб айтаманки, ҳар сафар улар менга, менинг камтарона хизматимга ҳам моддий ҳақ тўлаб, ҳам маънавий томондан миннатдорлик билдириб келадилар.

Аввал шунинг таъкидлашим жоизки, ким ва қайси ҳофиз маблағ масаласини биринчи ўринга қўйса ёки атрофидаги ҳамкасбларини, яъни созанда шерикларини, қолаверса, шу гуруҳ таркибидаги микрофончи, раққоса ва ҳайдовчилар меҳнатини менсимаса, етарли даражада қадрламаса, вақти келиб уларнинг ҳам обрўси, ҳам оилавий, ҳам иқтисодий аҳволи ниҳоятда ачинарли ҳолга тушиб қолганига кўп гувоҳ бўлдим.

### Валянинг кўз ёшлари

Мактаб-интернатнинг рус синфида Валя Королёва деган қиз ўқир эди. Бир синф кейин эди. Унинг ҳеч кими йўқ, уни ҳеч ким сўраб келмас эди. Бошқа болаларнинг кимларидир гоҳ-гоҳида келиб, топган нарсаларини бериб кетар эди. Бу ҳолни мен сезиб қолиб, унга раҳмим келди. Ҳар шанба уйга қайтиб, меҳнатим билан топган даромадимдан Валяга ёрдам бериб турадиган бўлдим. У бундан хурсанд бўлиб, мени ўзининг химоячиси, ёрдамчиси, акасидай тутиб юрди.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтиб, у менга яқин бўлиб қолди. Керак бўлса, шимларимни ювиб, дазмоллаб берар, хуллас, бир-биримизга қадрдон эдик. Мен рус тилини яхши ўрганиб олиш мақсадида улар дарс тайёрлайдиган хонага кириб ўтирар эдим. Валянинг тарбиячиси жуда олижаноб аёл эди, ҳамма нарсани тўғри тушунтирар. керак бўлса, ўзи ҳам рус тилидан ёрдам берар эди.

6- синфда ўқиётган вақтимда темир кароватларни иккинчи қаватга олиб чиқиш керак бўлди. Бир ўзим 5 – 6 кароватни биттадан олиб чиқдим. Орадан икки-уч кун ўтгандан кейин, тагин қайтадан чуррам тушди. Интернатдан ТошМИ касалхонасига олиб бориб, операцияга ётқизишди. Мен операция

бўлганимдан уйдагиларнинг хабари йўқ эди. Фақат олдимга тарбиячимиз Пиримқул Назаров келиб турар эдилар.

Бир куни Валя Пиримқул акадан менинг қаерда ва қайси палатада ётганимни сўраб, шанба куни менга ўзига ажратилган иккита тухум билан иккита пирожнийни олиб келибди. Уни кўриб, кўзларимга ёш олдим. У эса мени юпатиб:

– Тез кунда тузалиб кетасан. доктордан сўрадим, – деди.

Шундан кейин унга эътиборим янада ошди. Интернатдан шанба куни уйга кетиб, душанба куни дарсга етиб келар эдик. Борадиган жойи бўлмагани учун Валя интернатда қолар эди. Икки куннинг ўтиши мен учун узоқ туюлар эди. Интернатдан гоҳ-гоҳ театрларга, циркка, истироҳат боғларига олиб боришар эди. Ўзим емасам ҳам, Валяга музқаймоқ ёки шокалад олиб берар эдим. У ўзида йўқ хурсанд бўлар, менга миннатдорлик билдирар эди. Хуллас, иккимиз яқин дўст бўлиб қолдик. Еттинчи синфни битириш олдидан Валяга ўз ҳаётини режамни – мусиқа билим юртига киришимни, келажақда созанда бўлиш орзусида эканимни айтдим. Гапимни тўхтатиб:

– Мен нима қиламан? Сенсиз бу ерда ўқиёлмайман, – деди. Мен унга:

– Сен олижаноб қизсан. сенинг келажагинг – олдинда. Шу интернатнинг 8- синфини битиргин. Ўзинг яхши кўрган бирор ҳунарни эгаллагин, келажақда ўзинг ёқтирган бирор йигит насиб қилиб қолар, бу дунёда ҳеч ким ёлғиз қолмайди. – дедим. У кўзига дарров ёш олди:

– Мен сенга ишонган эдим. – деди.

– Кечирасан, мен сенга ҳеч нарса ваъда қилмаган эдим. Ўзинг яхшилаб ўйлаб кўргин, сен рус бўлсанг, бизнинг урф-одатларимиз бошқа-бошқа. Кейин мендан онамнинг умидлари катта. уларнинг олдиларида менинг фарзандлик бурчим бор. Биэни деб турмушга чиқмаганлар, акам. опам ва мендан умидворлар. Менинг ишончим комил, сен ҳам ўз йўлингни топиб кетасан. Агар имконият қилсам, менга омад кулиб боқса, сенга ҳам ёрдам беришим мумкин. Мендан ранжима, тақдир билан ўйнашиб бўлмайди, – дедим. Лекин ўзимнинг ҳам ичимдан бир нарса узилиб кетаётгандай бўлди.

Мусиқа билим юртига аъло баҳо билан кириб олдим. Бироз ишим юришгандай бўлди. Лекин ҳаёлим интернатда қолди.

Менда қанақадир ҳис-туйғу пайдо бўлди. Қарангки, мени интернатга чақириб қолишди. У ерда мусиқа раҳбари ўрни бўшаган экан ва ҳафтада икки мартаба икки соатдан вақт ажратиб беришди, менга 40 сўм ойлик маош тўлайдиган бўлишди. Тўғарак ишини бошлаб юбордим, ёмон бўлмади.

Узоқ-узоқдан Валяни кўриб қолар эдим. Лекин олдига бориб, гаплашишга журъат эта олмасдим. Бир йил тўғаракда ишладим. Валя интернатдан қаергадир кетиб қолди, фақат виньеткадаги расми қолди, холос.

Йиллар ўтиб, бир куни кўчада кетаётганимда, Валянинг дугонаси Галия Шапашниковани кўриб қолдим, болалари билан айланиб юрган экан. Бир-биримиз билан кўришиб, гаплашиб кетдик. Болалиқдаги дўстлик бошқача бўлар экан. Валяни сўрадим. У Чуқурсойдаги ўйинчоқ фабрикасида бироз ишлаганини, кейин қайсидир шаҳарга кетиб қолганини айтди.

– Лекин, Содик, сени жуда яхши кўрар эди. Тўғаракка келиб кетганингдан кейин, ётоқхонага бориб, ётволиб роса йиғлар эди, – деди.

– Галия, – дедим, – мен тўғри иш қилдим. Бошқа иложим йўқ эди. У ҳам, мен ҳам бахтсиз бўлар эдик. Мана, ҳозир, Худога шукр, беш нафар болам бор. Яхши авлоднинг қизини олдим. Ҳаётим ўйлаганимдай. Онаминг ҳам кўнгилларини олдим. Мендан хурсанд бўлиб, рози бўлиб оламдан ўтдилар. Мабодо, Валя сенга хат ёзса ёки у ҳақда бирор хабар бўлиб қолса, менга билдир, балки унга ёрдамим керак бўлиб қолар, – деб, телефон рақамимни Галияга бердим.

Шу вақтгача ҳеч қанақа хабар йўқ. Бахтли бўлиб кетганини эшитсам ҳам, майли эди...

### **Қирқ йиллик қарзим**

2006 йилнинг 23 майида ўзим ўқиган интернатнинг ташкил этилганига 50 йил тўлди. Мен биринчи битирувчилариданман. Шу даргоҳ мени тарбиялаган, ўқитган, одам қилган.

Шу кун ўз ҳисобимдан интернат жамоаси, тарбияланувчилари, меҳмонлари учун ош қилиб бердим. Санъаткорлар ке-



либ, хизмат кўрсатди. Интернат ҳаваскорлари ҳам чиқишлари билан ҳаммани хушнуд этишди.

Шу куни ҳам интернат ташкил бўлган (1956), ҳам мен уйланган (1965) кун эди.

Менга сўз берилганда, етимликдаги бир армонимни ушалтирдим. Ҳеч кимга билдирмай Фирдавсхонга бир тилло узук олиб қўйган эдим.

Сўз орасида Фирдавсхонни даврага чақирдим:

– Қўлим калталиқ қилиб, никоҳ тўйида Фрдавсхонга узук совға қилолмаган эдим, шу қарзимни 41 йилдан кейин узсам, рухсат берсангизлар, – деб, узукни тақиб қўйдим.

### **Мактабим – онам**

Менинг мактаб-интернатда ўқиб чиққан биринчи қалдирғочлардан эканимни биласиз. Ҳақиқатан, 1956 йил 4 декабрдан шу мактабнинг 4- синфига келиб ўқиб, хунар ўрганиб, 1960 йили еттинчи синфни битириб, мусиқа билим юртига кетган эдим. Мана, шунга ҳам роса 50 йил тўлди. Худога шукр, ҳамма ўйлаган, режалаштирган орзу-ниятимга етдим.

Мана, 2006 йили 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоялаш куни ҳамда мактаб-интернатимизнинг 50 йиллик тўйи мос келиб қолди. Шундан мен хурсандлигимдан келажак авлодимиз, болаларимиз, қизларимизга ёрқин йўл тилаган ҳолда, мактаб-интернатимизга ҳамма фарзандларим ва набираларимни олиб бориб, шукрона сифатида ош қилиб бериб, интернат болалари билан ўз фарзанду набираларимни таништирган бўлдим. Шу масканда ўқиб, шундай даражага етишганимни гапириб бериб, шогирдларим билан концертлар уюштириб, келажак авлодларимизнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдим. Халқим олдида ёруғ юз билан ўз бурчимни бажариш ва Оллоҳ олдида қарзимдан қутулиш учун шу ишга қўл урганимдан хурсандман.

Мактаб-интернатга кириб борар эканмиз, қаршимизга мактаб директори чиқди. Кейин биргаликда биз ўқиган пайтдаги директоримиз Ғаффор Рашидович Рашидов, шу масканда бизларга таълим-тарбия берган, лекин оламдан ўтган Пиримқул Назаров ҳамда Усмон Ниёзов ва бошқалар ҳақларига тило-

ват қилдик. Интернатимиз ҳақиқий байрам либосига кирди. Ўқувчилар бизни жуда хурсандлик билан қарши олди. Улар байрам учун махсус тайёрланган концерт қўйиб беришди.

Сўзга чиққан мактаб директори Нигора Рашидовна Каримова бизни болаларга таништириб, менинг шу интернат биринчи қалдирғочларидан эканимни айтди, хизматларимни, шогирдларимни санаган бўлди. Мен ўзим, оилам, болаларим ва наби-раларимни интернат болалари билан таништириб, ҳақиқатан, ўқиб, ҳунар эгаллаб, шундай кунларга етишганимни айтдим ҳамда улар ҳам ҳозирдан севган ҳунари сирларини эгаллашга интилса, келажакда бизларга ўхшаб ўйлаган ниятларига ети-шишини, келажак ютуғи яхши ўқиш ва тиришиш, вақтни бой бермасдан шунга интилиш кераклигини таъкидладим.

Кейин сўз навбати Ўзбекистон Республикаси санъат ар-боби Ортиқали Қозоқовга берилди. У киши, жумладан, қуйидагиларни гапирдилар:

– Ёшлик ҳою ҳавасдан иборат. Ёшларнинг қайси бири касб эгаси бўлишга қизиқиши кўпроқ боланинг улғайиш жараёнида қандай кишилар билан учрашишига боғлиқ. Бу жиҳатдан уч-рашувимиз қаҳрамони Мирсодиқ акага кўплар ҳавас қилиб, санъат йўлини танлаши шубҳасиз. Ҳақиқатан, у киши – эл севган санъаткор, бу инсонга ҳавас қилса арзийди. Зеро, у киши шу масканда тарбия топиб, эл-юрт назаридаги севимли санъаткорга айланди. Бунда уларнинг меҳнаткашликлари, ўз касбларини севишлари асосий омил бўлган. Мирсодиқ ака – саховатпеша, кўнгли очиқ, болаларни эъзозловчи камтарин инсон. Ораларингиздан санъатга меҳр қўйган болалар етишиб чиқишига умид қиламиз. Мен сизларни одобли, ўқимишли, эл-юрт хизматига доим тайёр, комил инсон бўлиб етишишингизда муваффақиятлар тилайман...

Тадбирда адабиётшунос олим Сутонмурод Олим ҳам сўзга чиқиб, мусиқанинг миллий маънавиятимиздаги ўрни, Менинг дуторчиликка қўшган ҳиссам ҳақида сўзлади.

Табрик сўзларидан сўнг интернат болалари ва меҳмонларга ош тортилди. Шогирдларим дутор учун яратган куйларимдан намуналар чалиб, ҳаммани хушнуд этишди. Куйлар болалар рақсига уланиб кетди. Дастур охирида интернат директори бизларга миннатдорлик билдириб:

– Биз тарбиялаётган болалар ҳам сизларга ўхшаб, юрти-  
мизга, халқимизга хизмат қиладиган инсонлар бўлиб камолга  
етишига умид қиламиз, – деди.

### **Абадийлик**

Дунё – бола билан ширин. Инсон зурриёти билан абадий.

Бир замонлар бу гаплар менга баландпарвоз бўлиб туюлар  
эди.

Лекин...

Шу китобим якунланиб, чоп этилиши арафасида 2007 йил  
20 феврал куни катта қизим Хуршидахон биринчи неvara, мен  
эса қиз неварамдан биринчи эvara кўрдим. Ўғил! Отини нек  
ниятлар билан Нурмухаммад деб қўйдик. Умри билан берган  
бўлсин!..

! -

# **ХАЁТ УНВОНИ**

## Халқимиз саломатлигини кўзлаб

Мустақил Ўзбекистонимизнинг тобора ривожланиб бораётганини кўриб, қувонасан киши. Осмонўпар биноларию оромбахш чаманзорлари, масжид-сайроғхларию ёш авлод учун барпо этилган ўқув масканлари – барчаси бизники ва келажак авлод учундир.

Йиллар мобайнида анча қийинчиликларни бошдан кечирдим. Ҳаётим мобайнида кўпгина муаммоларга дуч келдим, оғир кунларим бўлди. Шу кунларимдан сабоқ олиб, қийинчиликларни енгиб яшадим.

Яратган эгамга тасаннолар бўлсин. Аждодларимнинг асрий орзуси – Ватанимнинг мустақил бўлганига шукроналар айтаман. Келинг, шундай кунларнинг шукрини қилиб яшайлик.

Халқимизнинг тинч-тотув, бахтиёр яшаётганининг яна бир исботини ширин ўтаётган тўйларимизнинг кўпайганида кўраман. Ҳамюртларимизнинг тўйлар тараддуди билан бозор-ўчарда харажат қилиб юганини кўриб қувонасан. Бу эса юртимиз осмони тинч эканининг аломати.

Халқимиз – қўли очик, меҳмондўст халқ. Баъзилар тўй бошлаганда, қарз бўлса ҳам, обрў орттирай деб дастурхонни ҳаддан зиёд тўкин қилиб юборадилар. Бу борада ҳамма нарсанинг ҳам меъёрда бўлгани маъқул. Увол, исрофгарчилик деган нарсалар ҳам бор, ахир. Яна бир томони, «Беш қўл баробар эмас». Халқимиз орасида қўли калтароқ, имконият даражалари кўтармайдиганлари бор эканини унутмаслик лозим.

Айримлар мазали чиқсин деб тўй ошларига от ёғи қўштиради. Менимча, бу нотўғри. Чунки яхши ният билан қилинган ош кўпчиликнинг эски касалликларини кўзғатиб, саломатлигига салбий таъсир этиши мумкин.

## Ишбилармон Сулаймон ота

Тошкентдаги Оқилон маҳалласида раҳматли отамнинг қалин дўстлари Сулаймон ота яшар эдилар. Иккинчи жаҳон урушидан олдин тери ва мўйна соҳасида моҳир ҳунарманд,

ишбилармон, ўта қўллари очиқ киши сифатида танилган эдилар. У кишининг отам билан дўст бўлганларини раҳматли Фаражулло акам сўзлаб берган эдилар. У киши уйимизга тез-тез келар, отам билан ҳамсуҳбат бўлар эканлар. Санъат ихлосманди бўлган бу инсон санъаткорларни ўзгача ҳурмат билан қадрлашлари ҳақида ҳам эшитганман.

Сулаймон отанинг уйларида ҳар куни катта қозон осилиб, мискин, бева-бечораларга таом, егуликлар улашилар экан. Савобли ишни элнинг кўзига эмас, Яратганнинг наздида қилишни кўнглига туккан бу саховатпеша инсон қийналган оила фарзандларига ўз ҳунарларини ўргатиб, оила тебратишларида кўмаклашар эканлар. Қўни-қўшни ва қариндош-уруғлар орасида кўплаб шогирдлар орттирган эканлар.

Замоннинг зайли билан Сулаймон отанинг фарзандлари Юсуфжон билан мен ҳам дўстлашиб қолдим. Мана, қирқ йилдирки улар билан ака-укадекмиз. Юсуфжон ҳам ота касбини давом эттириб, халқимизга анча нафи тегяпти. Ўзлари ҳам худди оталари каби қўллари очиқ, муруватпеша инсон.

Сулаймон ота билан мени ўғиллари таништирдилар.

Ота менинг Кўкчадаги Миркомил аканинг ўғли эканимни эшитиб, ўринларидан туриб кетдилар. Бағирларига босиб: «Дўстимнинг фарзандини кўрганимдан ниҳоятда қувониб кетдим, отангизни кўргандай бўлдим, бағрим тўлди», – дедилар.

Юсуфжон менинг дуторчи эканимни отасига айтдилар.

«Мен миллий созларимиздан дутор билан танбурни жуда яхши кўраман», – дегунларича, Юсуфжон машинадан дуторимни келтирди.

Дуторни қўлга олиб, «Чўли Ироқ» куйини бошладим.

Сулаймон ота бошларини қуйи эганча тебраниб, куйни мароқ билан тингладилар, сўнгра:

– Баракалла, болам, Кўкчадаги ҳовлимизда, анҳор бўйидаги айвонларингизда ўтириб тинглагандай ҳузур қилдим. маҳоратингизга қойил, – дедилар.

Юсуфжон:

– Содиқ ака ўзлари ҳам дутор учун талай куйлар яратганлар, – деб қолдилар.

Куй кетидан куй уланди. Шу куни эл ардоғидаги санъаткор бўлиш ҳиссини ростмана туйдим.

## Жамбулдаги воқеа

1976 йилнинг кузида раҳматли Фахриддин Умаров билан Жамбулга тўйга боришга тўғри келиб қолди. Бизни кутиб олган меҳмонлар боғ ўртасида ясатилган сўрига ўтқазиди.

Тепамиздаги олмалар фарқ пишган. Кўзни қувнатиб, гўё «мени узсанг-чи», деётгандай. Фахриддин ака олмаларга тикилар эканлар:

– Мирсодиқ, шу дарахтга чиқиб, уч-тўрт олма узиб тушсанг-чи, – деб қолдилар.

– Ҳофиз, кўрсатинг, айнан қайси олмани кўнглингиз тусайди, дарахтга чиқмаёқ кўлингизга шу олмани олиб бераман, – дедим.

Фахриддин ака даврадагиларга қараб:

– Бу Мирсодиқ аравани қуруқ олиб қочишни жуда яхши кўради-да, – дедилар.

Сўнгра тепароқда илиниб турган қизил олмани кўрсатдилар.

«Яратган эгам, ўзинг уялтирма», дедим-да, ерга тушган олмалардан бирини олиб, ҳофиз кўрсатган олмани мўлжалга олдим. Сўнгра эпчиллик билан олмани ушлаб олиб, ҳофизга бердим.

– Ҳув анави олмани ҳам уриб туширсангиз, қойил қолардик, – дейишди даврадагилар. Унисини ҳам уриб туширдим.

Даврадагилар чапак чалиб юборишди.

Фахриддин ака:

– Тағин манави олмани ҳам уриб тушира олсанг, бугунги тўйдан оладиган насибангга қўшиб бераман, – дедилар.

– Менга Оллоҳ берганидан ортиғи керак эмас, бу тасодифан юз берди, балки омаддир, омад эса ҳар доим ҳам юз тутавермайди, – деб жавоб қилдим.

## Санъаткорларга зулм ўтказиб бўлмайти

1963 йили Филармония халқ чолғу асбоблар оркестрида дуторчи бўлиб ишлаётганимда, Белорусия, Украина ва Қозоғистонга гастрол сафарига боришим маълум бўлди. Ииққан маблағимга Харьков шаҳридан битта «Чезета» мото-

роллери олиб келганимни олдин айтган эдим. У вақтда бозор Чуқурсойда жойлашган эди. Шунини сотиб, келажак учун керак бўладиган нарсаларни олиб келишни мўлжаллаган эдим. Бозорга «Чезета» мотороллерини олиб киришим биланоқ, харидорлар мени ўраб олишди. Бозорда бундай мотороллер битта эди. Харидорлар кўлимдан ушлаб уёққа-буёққа тортишар эди. Уларнинг орасидан бир келишган, хушбичим йигит мени четга олиб бориб:

– Бу мотороллери менга сотасиз, сизга айтган пулингизни бераман, – деди.

– Менга қаранг, таннархидан ортиғи керак эмас, йўл харажатини тўласангиз. бўлди. Мени савдогарга чиқариб. бўйнимга бирор нарсани илиб кўйишмасин. Кейин, ўзингизни таништиринг, қайси соҳада ишлайсиз? Агар тўғриси айтмасангиз, сизга молимни сотмайман, – деб туриб олдим.

Шу пайт таниш бир харидор исминини айтиб чақириб қолди. Бояги йигит ҳам исминини билиб олиб:

– Бўлмаса, Содик ака, гап бундай. Сиз Камолов Собир деган инсон ҳақида эшитганмисиз? У киши менинг отам бўладилар, катта лавозим эгаси, – деди.

– Йўқ, эшитмаган эканман.

– Келинг, бу ерда гаплашмаганимиз маъқул, яхшиси, уйимизга борайлик. Пулни нақд оласиз, шу баҳона сизни ота-онам билан ҳам таништириб кўяман, – деди.

Харидорнинг уйига бордик.

Бизни уй бекаси эшикни очиб кутиб олди. Менга қараб тикилиб турди-да:

– Болам, бу йигитни қаердадир кўрганман, – дедилар.

– Ҳа, онажон, бу киши – Содик ака, Фахриддин Умаровнинг ёнларида дутор чаладилар. Телевидение орқали яқинда ўзларининг ҳам яқка созандалик ижодларини кўргандик, кўрсатувни Насиба Қамбарова олиб борган эди, – деб таништирди.

– Ҳа, эсимга тушди. Аммо дуторни ҳам қойил қилиб чаласиз, – деб кўшимча қилди уй бекаси. – Тоҳиржон, бу кишини хонадонимизга олиб келиб яхши иш қилибсан, яқинда туғилган кунинг, ўзларининг санъатлари билан бизни хушнуд этар эканлар-да, шундайми? – деб менга қарадилар.

– Дутор чалиш қочмайди. Уч кундан кейин гастрол сафарига боришим керак. Мотороллери заруриятдан бозорга олиб



чиққандим... – деб турганимда, эшикдан ўрта бўйли, салобатли, келишган бир эркак кириб келди. Аёллари мени у киши билан таништирдилар-да:

– Хўжайин, ўғлингиз бу кишининг мотороллерини олмоқчи экан, – деб қўшиб қўйдилар. Собир аканинг ўзлари «Чезета» мотороллерини кўриб:

– Бунақасини мен ҳам биринчи марта кўриб турибман, – дедилар.

– Ҳа, дадажон, Содик ака Харьковдан олиб келган эканлар, кўриб ишқибоз бўлиб қолдим, олиб берарсиз деган умидда уларни уйга бошлаб келдим, – деди ўғиллари.

– Майли, онаси, Содикжонга пулини бериб юбор. – деб ўзлари ичкари уйга кириб кетдилар.

Аёллари бир пачка уч сўмлик, яъни 300 сўм бериб:

– Қолганини эртага олиб кетасиз, – деб мени жўнатиб юбордилар.

Эртасига келсам, янганинг шашти паст. Менга қараб:

– Содик, сен савдогармисан? Ахир, берган матоҳингнинг па-спортига «520 сўм» деб ёзиб қўйибди-ку, – дедилар.

– Опажон, менга бориб-келишим билан 600 сўмга тушган, бозорда бундан ҳам ортиқ нархга сотган бўлардим. Ўғлингиз қўярда-қўймай мени бу ерга олиб келди, – дедим.

– Агар қамалиб кетишни хоҳламасанг, бу ердан туёгингни шиқиллата қол! – дедилар.

Кўчага чиқиб, нима қиларимни билмай ҳафа бўлиб турсам, кўзим дарвоза ёнида турган янги машинага тушди. Собир ака уйда эканликларини, ҳайдовчи у кишини кутаётганини сездим. Орадан бироз вақт ўтиб Собир ака машинага чиқдилар. Олдларига келиб, салом бердим. Таклифлари билан мен ҳам машинага ўтирдим. Бироз юрганимиздан кейин, Собир акадан холи гаплашиб олишимизни илтимос қилдим. Ҳайдовчи бизни ёлғиз қолдирди.

– Болам, сенга айтсам, хотиним – балонинг ўзи, пешонам шўр экан. Ҳамма нарсани сенга айтиб берай, ҳали сен ёшсан. Иложи борича, келинойингнинг кўзига кўринма, сени тинч қўймайди. Ҳатто иш жойингга ҳам бориб, обрўйингга путур етказиши мумкин. Хуллас, мени тушундинг, бор гапим – шу, – дедилар.

– Ўзим жуда қийинчилик билан отасиз катта бўлганман, онам касалманд аёл эдилар. Ўн битта боладан икки фарзанд

қолганмиз. Шу мотороллерни пешона терим билан, ҳалол меҳнатим эвазига олганман, – десам:

– Сенга битта яхшилик қилай, манави 100 сўм пулни ол. Лекин уйимдагилар билмасин, иккимиз ҳам балога қоламиз, у аёл эмас, офат, – деб, мени қолдириб кетдилар.

Замоннинг зайлини қарангки, «Тоғ-тоғ билан учрашмайди, аммо одам-одам билан учрашади» деган гапга ўзим ҳам амин бўлдим.

Мен Ялтадаги «Ўзбекистон» санаториясида Собир ака, хотини ва Тоҳир билан учрашиб қолганимни олдинги саҳифаларда ёзган эдим. Тоҳирни кўриб, тўғриси, танимай қолдим. Умуман, ранг-рўйи кетиб қолган, аҳволи яхши эмас эди.

Санаторияда барчага баробар ўйнаб-кулиб хизмат қилиб юрдим. Собир аканинг оилаларига ҳам яхши муносабатда бўлдим. Уларга ҳам турли таомлар пишириб бердим, дутор чалдим.

Санъаткор халқи шундай: унинг санъати – халқники, қаерда бўлмасин, одамлар улардан ширин куй, яхши ҳангома, яхши қўшиқ кутадилар.

Шундай хизматлар қилиб юрган пайтимда, Собир аканинг аёллари:

– Содиқжон, бу ерга келишингизга ким ёрдам берди? – деб сўрадилар.

– Оллоҳ ёрдам берди. Ўз пешона терим билан пул топиб, бу ерда бир неча марта дам олиб кетганман. «Ҳалол меҳнатнинг оши ширин», «Волга» машинасига ҳам эга бўлдим. Бола-чақам мендан рози. Бу дунёнинг лаззати шу эмасми, келиноий? – дедим.

Бошларини қуйи солиб, гапларимни эшитиб турган Собир ака:

– Тўғриси айтинг, Содиқжон, бизларни ўшанда қарғаганми-дингиз? – деб сўрадилар.

– Қўйинг бу гапларни, ўтган ишга саловат, – деб гапни чўзмадим.

Эшитишимга қараганда, улар санаториядан қайтганларидан кейин, Тоҳир оламдан ўтибди. Фарзанд доғида ота-она ҳам фоний дунёдан рихлат қилишибди.

Жойлари жаннатда бўлсин.

## Ҳеч ким ётиб қолмасин

Инсон ёши улғайган сари ёшлиқдагига нисбатан қуввати орқага кетиши аниқ. Унча-мунча ортиқча гаплар ҳам ёқмай қоларкан.

Шундай ҳолатлар менга ҳам етиб келди. Бунинг устига, кўп йиллардан бери қийнаб келаётган касалим хуружи кундан-кунга авж олмоқда.

Мени асло нолияпти ёки тушкунликка тушяпти деб ўйламанг. Оллоҳга беадад шукурки, ёшлиқдан келажагим обод бўлишига умид билан интилиб яшадим ва шу кунларга етдим ҳам.

Ёшлиқдан меҳнатга бўлган ғайратим, шижоатим орқасидан фарзандларимга ҳалол луқма тутишга ҳаракат қилдим. Умринг меҳнатда ўтгач ҳеч осуда яшашга кўниколмас экансан. Баъзи биродарларим ҳолатимни кўриб: «Қўйинг, етар, қачонгача меҳнат қиласиз? Болаларингиз катта бўлди, ҳаммаси ишбилармон, роҳатини кўриб, дам олсангиз бўлмайдимми?» – дейишади.

Менинг эса уларга айтар гапим шу: «Мен меҳнат билан туғилдим, меҳнат билан кетаман. Токи танамда юриш-туришим учун етарли кучим бор экан, мен ҳаракатимни тўхтатмайман».

Илоҳим, барчамизга ўзинг сабр бер.

Олтмиш беш ёшимда катта иморатни бузиб, қайтадан тикладим. Бундай ишларни қилиш учун инсонда ҳафсала, иштиёқ, интилиш, меҳнатга бўлган муҳаббат, Яратганнинг мададига ишонч керак. Менинг бу ҳаракатларим зора келажақда фарзандларим учун ўрнак бўлса дейман.

«Ҳа деган – туяга мадад». Барака топгур қўшнилари, қариндош-уруғларим бошлаётган улкан ишимни кўриб, далда бериб туришди. Янги иморатимнинг кундан-кунга маҳалламизга чирой бераётганини кўриб, раҳматлар айтишди. Яхши ният, бир оғиз ширин сўз ҳам инсонга қувват бахш этади. Саккиз ой ичида иморатим битди. «Қимирлаган қир ошади», деб шуни айтсалар керак.

Бу ҳаётимдаги тўққизинчи иморатим бўлди.

Дарахтларнинг куртагида униб етдим,  
Яқинларим соғинчида куйиб ўтдим.

Баҳор, фақат сен қалбимни эркаладинг,  
Қуёш суйган сумалақдай эриб кетдим.

Ёлгон-яшиқ дўстларимдан тўйиб кетдим,  
Кўзда балқиб ёшим оқмас, тўлиб кетдим.  
Баҳор, фақат сен қалбимни эркаладинг,  
Дардларимни оқар сувга айтиб кетдим.

Камалакнинг рангисимон турфа олам,  
Орзуларим осмон қадар, етмас кўлим.  
Баҳор, фақат сен қалбимни эркаладинг,  
Сенда ёлғиз яшар умид, сенда кўнглим

Менга ҳамроҳ, тиним бермас армон-алам,  
Тутқазади кўлларимга дардли қалам.  
Баҳор, фақат сен қалбимни эркаладинг,  
Пойларимга тўшаб майин майса гилам.

Осмон ёрқин, адашаман йўлларимдан,  
Афсус айтиб, сўнг кечаман ўйларимдан.  
Баҳор, фақат сен қалбимни эркаладинг,  
Шабодада ўйнаб-ўпиб бўйларимдан.

Дарахтларнинг куртагида униб етдим  
Номинг қалбга эрка ёрдай ўйиб битдим.  
Баҳор, фақат сен қалбимни эркаладинг,  
Суйган фаслим, сендан ризо бўлиб кетдим.

*(Шаҳноза Абдурахмонова)*

### **Қўшнимнинг илтимоси**

Ҳовлимизга чамаси 200 қадам келадиган, кўча бурчагидаги олти сотихли уй эгаси – ҳаётда қийналган бева аёл уйимизга бир неча бор чиқиб, мени сўрабдилар. Ниҳоят, у аёл билан учрашдим.

Сухбат чоғида аёл:

– Фарзандларим улғайиб қолишди. Икки қизим, бир ўғлим бор. Уларни уйли-жойли қилишим керак. Ундан ташқари,

туғишган укамни ҳам уйлантиришим керак. Аммо қўлимда бирор нарсага етарли маблағим йўқ. Ҳайлай-ҳайлай, сиздан маслаҳат олгани чиқдим. Маҳалламиздагиларнинг сиз ҳақингизда фикрлари жуда яхши. Мен ҳам сизни кўпни кўрган, меҳнатнинг қадрига етадиган, диёнатли киши деб биламан. Сизларнинг оилангизни кўриб, жуда ҳавасим келади. Умуман, оилангиз – ибратли оилалар қаторида. Фарзандларим сизнинг фарзандларингизга ўхшадини умид қиламан.

Ўзингизга маълум, ота-онам вафот этиб кетишган. Тақдир экан, ўзимнинг ҳам, укамнинг ҳам турмушимиз бўлмади. Боқувчим йўқ, уйимиз эса, кўриб турганингиздек, харобага айланиб қолган. Таъмирлаш учун маблағим йўқ. Сотувга қўйсам, нарҳини жуда ерга уришяпти. Аёл бошим билан нима қиларимни билмай, бошим қотди, сиздан маслаҳат сўраб олдингизга чиқдим, – деди йиғлаб.

– Ҳа, синглим, дарҳақиқат, сизга қийин бўлибди. Менга уч-тўрт кун муҳлат беринг. Яхшилаб ўйлаб кўрай, бир тўғри фикрга келармиз, – дедим.

Аёлим Фирдавсхонга маслаҳат солдим:

– Агар шу аёлнинг мушкулини осон қилсам, катта савоб иш қилган бўлар эдик, сиз нима дейсиз, онаси?

– Иложи бўлса, шу жойни инсофли, тушунадиган танишларингизга сотиб беринг, – деди аёлим, менинг фикримни маъқуллаб.

– Биласизми, ҳар жойнинг ўз баҳоси бор, ундан ортиғига со-толмайсиз. Ундан ташқари, харидорлар ҳозирги вақтда иморатга сарф бўладиган харажатларнинг нарҳи баландлигини ҳам инобатга олиб иш тутадилар. Усталарнинг ҳам еб-ичишига яхши қараш керак. Шунда иш ҳам унумли бўлади. Шу кунгача бир неча бор иморатлар солдик, ўзингиз олдимда ҳамроҳ бўлдингиз, бу машаққатли кунлар ўзингизга маълум. Бундай оғир меҳнатга ҳамма ҳам қўл уравермайди. Кўпчилик харидорлар қурилган уйларнинг арзонга тушишини билиб, тайёрини сотиб олишга қизиқади.

Агар сиз мени қўллаб-қувватласангиз, шу ҳовлини ўзим сотиб олсам, иморатнинг айрим жойларини бузиб ташлаб, қайтадан пойдевор қуриб, янгилаб олар эдик.

– Менга қаранг, бу – жуда катта иш, ўзингизни ҳам бундоқ ўйланг-да? Соғлигингизни тиклаш ўрнига, яна ўзингизни меҳнатга урасизми?

– Гапингиз жуда тўғри, лекин мен ўз касаллигим гирдобига тушиб қолишим керак эмас, ўринга михланиб қолишим мумкин. Мен меҳнатим билан касалликни енгаман. Менинг фикримни билсангиз, Оллоҳ ниятга ярашасини беради. Мен яхши ният билан шу ишларни бошлар эканман, фарзандларим, набираларимга ўрнак бўлади.

– Айтгандай, болаларингиз, набираларингиз – ҳаммалари ўз ишлари билан банд-ку, уларнинг сизга қандай нафлари тегиши мумкин?

– Мен уларни бу ишга жалб қилмоқчи эмасман, ўзлари бошлаган ишларига путур етиши мумкин. Фақат сиздан усталарнинг ош-овқатига ўзингиз бош бўлиб туришингизни сўрайман. Ёнингизда икки келинимиз ҳам бор, сизга ҳар ишда кўмаклашадилар. Сизнинг розилигингиз билан шу аёлнинг мушқулини осон қилишга қарор қилдим.

– Энди, Фирдавсхон, менга оқ фотиҳа беринг, ахир. сиз ҳам табаррук зотсиз, дуоингиз мустажоб бўлади.

Хуллас, ишга киришдим. Уй эгасининг олдида чиқдим-да:

– Қани, синглим, режаларингизни айтинг, ҳовлини сотгач, пулни нималарга сарфламоқчисиз? – деб сўрадим.

– Чилонзордан ўзимизга уч хонали, укамга бир хонали кватир-тира олиш, қолган пулни эса икки қизимнинг тўйига ишлатиш мўлжалим бор.

– Укангизнинг ўғли бор-ку. Уларга камида икки хонали кватир-тира керак. Жиянингиз ҳам бир кун келиб катта бўлади.

Бир иш қилишдан аввал, ҳар тарафини пухта ўйлаб кўриш керак. Менинг маслаҳатимга кирсангиз, сизга ёрдам қиламан. Ҳамма ўз манфаатини ўйлаб иш қилса, савоб, диёнат, оқибат каби тушунчалар ҳаётда эмас, китоблардагина битиладиган сўзлар бўлиб қолади.

Тўғриси айтсам, саломатлигим орқага қайтаётган бир пайтда менга бундай ташвишларнинг кераги йўқ. Аммо аҳволингизни ўйлаб: «Сизни балки Яратганнинг ўзи менга рўбарў қилдимикан, хом сут эмган бандамиз, билиб-билмай қилган гуноҳларим Оллоҳга аён, шу ишларимнинг савобидан келажакдаги захирамга замин яратармиканман», деб ҳам ўйлаб қолдим.

Бошимдан кўп кунлар ўтди, неча йиллар тижорат йўлида пулимни сарфлаб, маблағ орттириш йўлларини ўргандим. Неча ойлаб машаққат чекиб иморат қуриш – бу ҳам бир жасорат.

Бу ҳаётимда қурган тўққизинчи иморатим бўлади. Асосий, ҳақиқий, охирги абадий, яъни ўнинчи иморатимга боришимни ўйлаган ҳолда бу ишга қўл урмоқчиман.

Синглим, ҳовлингиз учун, сизнинг барча муаммоларингизни ўйлаб, сизни танг аҳволдан чиқариш учун етарли пул бераман. Бу пулни беришдан аввал, келгусида уларни нималарга сарфлаш режаларини ҳам айтаман.

Сизга, айтганингиздек, уч хонали, укангизга, мен айтгандек, икки хонали квартира олишда кўмаклашаман. Қолган пулингиз икки қизингизни узатиш учун бемалол етадиган маблағ бўлади. Шунингдек, келгуси турмушингизга ҳам етарли яхшигина пул қолади.

Иккимиз розилик шартномасига имзо чекдик. Ишонч пулини ҳам ўша ернинг ўзида бериб, эртасига уй бозорига нарх-навони билгани бордим. У ерда ёшлиқдаги ўртоғим – Кўкчадаги маҳалладошимни учратиб қолдим. У ҳам ҳовли олиш мақсадида уй-жой бўйича даллол билан гаплашиб турган экан. Ўртоғим билан кўришгач, даллолга масалани тушунтирдим. Кейин бирга бориб, уйни кўрдик.

– Уй яхши жойда экан, кўча юзи, тепалик. Лекин ҳақиқий ҳовли қиламан десангиз, анча меҳнати бор. Қимматликка бироз қиммат, лекин иморатингизни бузиб, кўча деворларни пойдеворидан қайтадан тикласангиз, келажақда ажойиб жой бўлади, – деди уй-жой маслаҳатчиси.

Кечга бориб бояги бозорда кўрган ўртоғим ўғли билан уйимизга кириб келишди.

– Содик ака, сизнинг ҳалиги кўрсатган уйингиз менга ёқди, шу олган пулингиз устига қўшимча берсам, нима дейсиз? – деб қолди.

– Биродар, мен бу жойни сотиш мақсадида эмас, катта фарзандим, яъни Хуршидахонга мўлжаллаган эдим. Худога шукур, ҳамма фарзандларимни уйли-жойли қилдим, фақат қизим кўп қаватли уйда туради, шуни ўйлаб юрган эдим дедим.

Уйни нотариал идора орқали ўз номимга расмийлаштирдим. 2009 йил 1 мартдан иморатни қайтадан бошлаб юбордим. Оллоҳ менга мадад берди. Олдиндан нима қилиш кераклигини режа қилиб қўйган едим. Уч ой ичида энг оғир ишларни бажариб, кейин пардоз-андоз ишларига қўл урдим.

Мени таниганлар: «Ҳаётим дутори» деган китобингизни ўқиб чиқиб, баъзи ишларингизга ишонқирамай иккиланган эдик.

Мана, энди ўз кўзимиз билан шу ёшингизда, соғлигингизга қарамай, шундай катта ишни бошлаб юборганингизга, шижоатингизга қойил қолдик, – дейишди.

Ҳозирги кунда хоҳишинг бўлса, бас. Собиқ Иттифоқ даврида бир машина оддий тупроқ учун қанча вақтингиз, қоғозбозлик, асаббузарлик деганларидек, каттадан-катта муаммоларга дуч келиб, не-не машақатлар билан иморат солардингиз. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришди, бозор иқтисодиётига ўтдик, нимани истасанг, барчаси муҳайё. Тадбиркор, ишбилармонларимиз барака топсинлар. Қурилиш бозорларига шундай борсангиз, хоҳлаган нарсангизни бемалол харид қилишингиз мумкин. Бу ҳам халқимизнинг келажагини, осойишталигини ўйлаб яратилган имкониятдир. Шу сабабли ҳам иморатим тез орада – 8 ой деганда тамом битказилди.

Катта фарзандим Хуршидахоннинг Шерзод исмли ўғли, Нодира исмли қизи бор. Чиройли ҳовлида тўй қилиб яшашни ҳамма ҳам орзу қилади. Дам олиш куни фарзандларимни янги ҳовлига тўплаб, уйнинг калитини шу қизимга топширдим.

Ичкари ҳовлига кириб боришимиз билан, қизим мени кучоқлаб олиб:

– Бу уймас, жаннатнинг ўзи бўлибди-ку. Бундай эртақлардагидек иморатни тушимда ҳам орзу қилмаган эдим. Қандай қилиб бундай кўркам уйни барпо этдингиз, дадажон? – деб сўради.

– Ҳар бир ишни барчанинг розилиги билан бошла, савдода ҳалол бўл, усталарнинг кўнглини ол, уларнинг меҳнатларини қадрла, ишингнинг натижаси, унуми ҳам шунга яраша бўлади, болам, – дедим.

Фарзандимнинг қувончини кўрсангиз эди.

### **Санъаткор номига доғ туширмайлик!**

Халқ орасида кўп юрсангиз, санъаткорлар қалбаки хизмат қилаётгани ҳақида кўп эшитасиз. Ахир, халқни алдаб бўлмайди. Ҳофизлар ўз кўшиқларида ҳақиқатни куйлар эканлар, ҳозирги ривожланиб борган техника воситаларидан фойдаланиб, номигагина оғиз қимирлатиб, бир кунда кўплаб тўй хизматларига бирровга келиб-кетадилар. Ҳозир тўйларимизда фалончи келди, писмадончи келди деб, тўйнинг доврўғини, уй



эгасининг обрўсини кўтариш удум бўлиб қолди. Баъзан у тўй-бу тўйдан чарчаб қолган ҳофизларимиз кўшиқ матни қаерда-ю, оғизда нимани куйлаётганини билмай, тингловчиларнинг хафсалаларини ҳам пир қилиб қўйишади. Ахир, улар ўз кўшиқ-куйлари билан халқнинг кўнглини олай деб тўйхонага ташриф буюрадилар, масхарабозлик учун эмас-ку. Санъатнинг нонини топиб ейиш – жуда мушкул иш. Санъаткорларимиз бу йўлда бироз чуқурроқ фикр юритсалар, яхши бўларди.

Фирдавсхон кўшни маҳалладаги келин саломга чиқиб, хафа бўлиб уйга кириб келди:

– Дадаси, бу санъаткорларнинг хатти-ҳаракатини кўриб, тўйдан қочиб чиқдим. «Бу санъаткорман деб келган аёлларнинг табиий товуши бормикан», дея ўйлаб қолдим. Бошдан-оёқ фақат фонограмма. Шундай экан, уй эгаси ҳам буларни эл кўзига кўғирчоқдек ўйнатиб қўймай, ёзув тасмаларидан фойдаланиб кўя қолса бўлмасмиди? Келган меҳмонларнинг санъаткорларга ғашлари келиб қараётганини уй эгаси ҳам пайқади, чоғи, кетаётганларида бу ҳофизчалар уй эгасидан пулни тортиб олгандек бўлишди. Албатта, бундай хизматни кутмаган уй эгаси норози бўлади-да.

Уларнинг касрига элга сидқидилдан хизмат қилувчи ҳақиқий санъаткорларнинг ҳам номига доғ тушяпти, – деб бўлган воқеани сўзлаб берди.

Пешона теримиз билан топган пулимизни кимларга едираётганимизни билиб қўяйлик. Ҳар бир нарсанинг уволи борлигини унутмайлик.

## **«Боғбон» фильмининг менга таъсири**

Телевизор экранда берилган «Боғбон» ҳинд фильми менда катта таассурот қолдирди. Уни кўриб, мен ўз ҳаётимда бўлган воқеаларни ёзиб, янглишмаган эканман, деган хулосага келдим.

Бу китобим билан келажакда зурриётларимга, қолаверса, халқимизга, Ватанимизга заррача бўлса ҳам нафим тегади деган умиддаман.

Чунки мен фақат ҳаётимда юз берган воқеаларни батафсил, ҳеч қандай уйдурмасиз, борича ёздим.

Халқ орасида ўсиб-улғайдим, одамлардан кўп нарса

ўргандим. Ҳаётимда ибратли, фойдали жиҳатларга амал қилдим, бу тўғри йўлни фарзандларимга ҳам уқтирдим. Оллоҳга шукур, меҳнатим зое кетмади. Фарзанд ва набира-ларим ўйлаганимдай ҳаётда тобланди, меҳнатсевар бўлиб улғайди.

«Боғбон» фильмида ҳатто отасининг нафақасидан умид-вор бўлиб яшаётган фарзандлар ҳаёти акс эттирилган. Мен ўз хоҳишим билан Хуршидахон қизим ва набирам Шерзодга тай-ёр қуриб битказилган иморат совға қилмоқчи бўлдим. Лекин улар бу уйни олишмади:

«Насиб қилса, ўз меҳнатимиз орқасидан биз ҳам уй-жой кураимиз. Ахир, шу ёшгача ҳар бир нарсага меҳнатингиз эва-зига эришдингиз. Биз сизнинг фарзандларингиз, сизнинг йўлингиздан юришни хоҳлаймиз», – дейишди. Энди фарзанд-ларим билан ҳинд киносидаги қаҳрамонлар ўртасида қанча та-фовут борлигига ўзингиз баҳо беринг.

Худо хоҳласа, мендан кейин фарзандларим мол-дунё талашмайди. Худога шукур, тириклик чоғимда бунга амин бўлдим. Улардан Оллоҳ рози бўлсин!

## **Бир кулишайлик**

### **Шунақаси ҳам бўлар экан**

Мендан ёши каттароқ, кўп йиллик бир улфатим билан кўчада учрашиб қолдим. Салом-алиқдан кейин узр сўрашга тушдим:

– Акажон, бандалик экан-да, келинойимдан ажралиб қолибсиз, Оллоҳ сизга сабр берсин. Ишларим шундай кўпайиб кетдики, уйингизга бориб, фотиҳа ўқишга ҳам улгура олмадим.

– Биламан, сен уйим, бола-чақам деб елиб-югурасан, фарзанларингга содиқ ота бўлай деб сидқидилдан меҳнат қиласан. Лекин фотиҳа ўқишга боролмадим, деб хафа бўлма, иккинчи келинойингга ҳам қўшиб фотиҳа ўқиб келарсан, – деб қолдилар.

– Ие, келинойимларнинг таги мўлми, ачинмай гапиришин-гизга қараганда? – дедим.

– Шариатимизга кўра, тўрттагача олса ҳам бўлади-ку, им-кониятим борида буларни кўпайтириб қўйгандим. Сен бўлсанг

уйим-жойим деб, битта хотин билан умрингни ўтказяпсан, – дедилар.

Мен ҳам бўш келмадим.

– Акажон! «Арзон шўрва татимайди», деганларидай, тўртта нимжон, ўлимтик хотинни олиб кўпайтиргандан кўра, майда-чуйда қилиб ўтирмасдан, менга ўхшаб битта соғлом, бақувват, дўмбоқ аёл олсангиз бўлмасмиди? Мана мен шундай бақувватини олиб, у билан қирқ беш йилдан бери иноқ яшаб келяпман. Қўни-қўшниларимиз оиламизга ҳавас қилишади, – дедим.

### Фисабиллоҳ хизматлар

Аммамнинг катта келинлари ҳаётларида қайнота ва қайноналарининг дуосини олиб, ҳамма қариндошлар олдида мақтаса арзийдиган даражада ҳурматга сазовор келин эдилар. Мен ҳам уларни жуда ҳурмат қилар эдим. Аммо турмуш ўртоқлари шундай инсоннинг қадрига етамасдан, ўз манфаатини кўзлаб, фарзандларини ҳам унутиб, бор қийинчиликларни аёлларига ташлаб, бошқа юртларга кетиб қолди. Барака топгур қайни укалари Абдужалил ҳамма оғирликларни ўз бўйнига олди. Жиянларини ишга жалб этди, кейинчалик уларни узатиб, уйлантирди, ҳатто уй-жой ҳам қилиб берди.

Ахир, Абдужалилнинг ҳам ўз оиласи, бола-чақаси бор, уларнинг ҳам ташвишини қилиши керак.

Хуллас, келинойим уйларини тиниб-тинчимаган фарзандларига бериб, ўзлари уй-жойсиз қолдилар.

Соғлиқлари ёмонлашиб, касалхонада даволанаётган чоғларида палатадош бемор аёл билан дўстлашиб қолибдилар. Келинойим ҳаётларини у аёлга сўзлаб берибдилар. У аёл:

– Худо хоҳласа, сиз ватанли бўласиз, бу дунёда шундай саховатли инсонлар борки, бунга ўзингиз ҳам шоҳид бўласиз, – деб хурсанд қилган экан.

Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг, бир инсон касалхонага келиб, ҳамма қийинчиликлардан воқиф бўлиб кетибди. Орадан бир ой ўтгандан кейин эса шу инсон яна келиб, икки хонали уйнинг ҳужжатларини бериб кетибди.

Келинойим хурсандлигидан ичларига сиғмай:

– Укажон, мен кимни дуо қилай? Жуда бўлмаса, исмларини

айтинг, ҳар ибодатимда уларнинг ҳақларига дуо бағишлай, – десалар, ўша киши:

– У киши шундай камтар инсонки, уларнинг қалби – Оллоҳ билан. Намозларингизда шу инсон учун деб дуо бағишланг, у бандага савоби етиб боради, – деб хайрлашиб кетиб қолибди...

Мен бу хурсандчилик хабаридан воқиф бўлганимдан кейин, кўзимга ёш олиб, бу саховатли инсон шаънига: «Илоҳим, умрлари узоқ бўлсин, ҳаётларида барча ўйлаган орзу-ниятларига етишсинлар», – деб дуо қилиб қўйдим.

Ҳа, дўстлар! Юртимизда шундай олижаноб, саховатли инсонлар боридан шахсан мен жуда ҳам мамнунман. Илоҳим, уларнинг сафи кўпайсин. Агар кўпайса, албатта, Юртбошимиз орзу қилганларидек, ривожланган давлатлар сафига қўшиламиз. Тадбиркорларимиз етим-есир, мискин, бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзишса, Ватанимиз тезда равнақ топиб, бошқа давлатларга ўрناق бўладиган даражаларга кўтариламиз, иншооллоҳ.

### **Эл манфаатини кўзлаган инсонлар...**

Дунёда шундай инсонлар борки, улар борлиги учун юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, халқимиз тотув яшамоқда, деб ҳисоблайман. Яхши инсонлар ҳақида қанча ёзсак оз. Чунки бундай инсонлар ўз манфаатларидан кўра, ўзганинг дардини англашга ҳаракат қиладилар. Бошқаларга ёрдам қўлини чўзади, шу савобли ишлари кетидан обрў-эътибор қозонади, шунга яраша Оллоҳ ҳам ажрини беради.

Турғун ака Бегматов – ўз халқи манфаатларини илгари қўйган ана шундай олижаноб кишилардан бири. Назарбекдаги қишлоқнинг (Хасково) директори бўла туриб, жуда содда, камтарин инсон. Айниқса, кам таъминланган оилаларга астойдил эътибор бериб, амалда уларга сидқидилдан ёрдам кўрсатиб, шу тоифа меҳнаткаш инсонларнинг ҳурматини қозонган раҳбарлардан деб биламан. Турғун ака билан биринчи та-нишувим Юнусобод даҳасида жойлашган 27- сонли улгуржи хўжалик моллари дўкони директори Мақсуд аканинг туғилган кунларида бўлган эди.

Ўшанда у кишининг санъатга бўлган иштиёқлари зўрлигини сезганман. Мендан дуторда куйлар чалиб беришимни илтимос

қилганлар. Шу базмда ўзим суйган шўх куйларимдан бирини чалиб юборган эдим, Турғун ака ўзлари рақсга тушиб. куйга шундай мос ҳаракатлар билан ўйнадиларки, тўғриси, мен ҳайратда қолдим.

Менинг ҳам кайфиятим аъло даражага кўтарилиб кетди. Чунки халқимиз – юрагида ўти бор халқ, санъатни чин қалбидан яхши кўради. Ҳақиқий санъаткорларни қадрлайди.

Рақс навбати ўтиришимиз сабабчиси Мақсуд акага келди. Уларнинг қайси куйга ўйнашларини яхши биламан. Мен билан шу даврада ўтирган Умар Отаевнинг кулоқларига шивирлаб «Фидо» кўшиғини айтиб беришларини илтимос қилдим. Дуторни кўлга олдим-да. куйини авжидан бошлаб чертиб-чертиб, Умар акани кўшиқ айтишга ундадим. Давра шундай қизиқ кетдики, атрофдагилар бизларга жўр бўлиб, усулга мослаб қарсак чалишди. Мақсуд ака шундай рақсга тушдиларки, ҳамманинг кўнгли чоғ бўлиб, руҳлари кўтарилиб кетди.

Умар аканинг ҳам завқларига завқ кўшилиб, кўшиқларни бир-бирига улаб кетдилар, шу ўтиришда ўйнамаган ҳеч ким қолмади.

Тўғриси айтсам, мени таажжубга солган бир нарсани сизлар билан бўлишим бор. Шундай юқори лавозимларга эга бўла туриб, димоғи кўтарилмай, ўзини барча билан тенг кўрадиган инсонлар ҳам борлигидан қувондим. уларга ҳавасим келади. Мен ҳам улардан ибрат олиб, камтарона яшашни афзал кўраман, менинг ҳам кимларгадир нафим тегса, деб орзу қиламан.

Яхшиям, ораимизда инсофли, виждонли, халқпарвар инсонлар борки, улар туфайли юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Илоҳим, юртимизда шундай инсонлар кўпайсин. Биз ҳам уларга эргашайлик. Мақсуд ака мени жуда ҳурмат қилар эдилар. У киши санъатга ашаддий ишқибоз эдилар. Санъатсиз яшашни тасаввур ҳам қилолмасдилар. Шунинг учун менга:

– Дўсту биродарларимиз билан гап ўйнасак, сиз ҳам қўшилсангиз, ҳар ўтиришимизга ўзингиз билган ҳофизларимизни таклиф қилсангиз, – деб қолдилар.

Мен розилигимни билдирдим. Биринчи ўтиришимизга раҳматли Жаҳонгир Қосимовни таклиф қилдим. Саккиз кишидан иборат сафимиз кейинчалик кенгая борди. Ҳар гапимизда янги-янги санъаткорларни таклиф қилдик. Абдуҳамид Султонов, ака-ука Фуломжон ва Абдуллажон Фафуровлар,

Жўра Раҳимов, Бахтиёр Йўлдошев, ака-ука Ваҳобовлар, Абдуқодир Юнусов, Фахриддин Умаров, Ҳасан Ражабий, Умар Отаевлар келди. Ҳар сафар ўтиришимиз якунида Умар Отаев «Фидо» кўшиғини куйлар, улфатлар рақсга тушиб, гулдурос қарсақлар янграр эди.

Улфатимизга ҳақиқий ихлосмандлар йиғилишган эди. Гапимизда ичкиликка ружу қўйган кимсалар топилмасди. Улфатлар орасида тўй, тадбирлар қилингудек бўлса, барча беминнат хизматда бўлар эди.

1975 йили катта ўғлим Миролимнинг қўлини ҳалоллаш мақсадида тўй қилдим. Базм кечасини аммамнинг ўғиллари Фаражилло ака очиб бердилар. Биринчи кўшиқни Фахриддин ака, раҳматли онамнинг илтимосларига кўра, «Онам дерман» кўшиғи билан бошлаганлар. Кейин Мақсуд аканинг илтимосларига биноан «Фидо» кўшиғи янгради. Оллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин, Мақсуд ака ўринларидан туриб, ўйинга тушиб кетган эдилар. Ўшанда устоз микрофон олдига келиб:

– Мирсодиқ, ўзинг кичкина бўлсанг ҳам, улфатларинг зўр, ажойиб одамлар экан, – деб гапирганлар.

Мақсуд ака умрларининг охиригача инсонларга фақат яхшилик қилиб, дўсту биродарлари оғирини енгиллатишга уриниб яшадилар.

Бир куни иш жойларида у киши билан суҳбатлашиб ўтирган чоғимда, эшиқдан бир отахон кириб келдилар. Мақсуд ака дарров ўринларидан туриб, отани қарши олдилар. Дуодан сўнг, уларга иссиқ чой узатиб:

– Хуш кўрдик, отахон, бизга қандай хизмат? – деб сўрадилар.

– Болам, бултур қиш фаслида уйимизни иситадиган «АГВ – 120» ёрилиб кетган эди. Болаларимга айтсам, улар ҳеч ердан бу матоҳни топа олмаяптилар. Мана, куз ҳам кириб келди, – дедилар.

– Отахон, мен сизни тушундим, сиз сўраган нарса бўлса, албатта, ҳозирнинг ўзидаёқ машинага ортиб, уйингизга элтиб берган бўлардик. Лекин сиз ҳавотир олманг, топишга ҳаракат қиламиз. Яшаш манзилингизни қолдириб кетинг, муаммонгизни ҳал этишга ўзим ёрдам бераман. Сиз энди овора бўлиб келиб юрманг, кўчалар лой, ёшингиз улуғ экан, қийналиб қолманг дейман.

– Барака топ, болам, сендақа хушмуомала, халқпарвар раҳбарларни ҳеч кўрмагандим. Мартабанг бундан-да баланд

бўлсин, дунё тургунча тур, сени катта қилган ота-онангга минг раҳмат! – дея дуо қилдилар.

Мақсуд ака ўз ҳайдовчиларидан отахонни уйларига элтиб қўйишни сўрадилар.

Мақсуд ака сабабли Турғун ака Бегматов билан танишганимни айтгандим.

У киши мендан фарзандларига дутор сирларидан сабоқ беришимни сўрадилар. Ҳафтада бир уйларига бориб, болаларига устозлик қилдим. Болалар дутор чалишни ўргандилар, оиладагилар мендан миннатдор бўлишди. Турғун ака билан ҳам дўстлашиб кетдик. У киши уйимга машина юборар, тушки овқат пайти даладагиларга дутор чалиб берардим.

Меҳнаткаш одамларга яхши кайфият, ширин сўз, дўстона муносабат керак. Буйруқбозлик билан яхши натижага эришиш мушкул. Дилозорликнинг оқибати ҳам ёмон.

Турғун ака мени иккинчи ва учинчи бригададаги болалар боғчасига ашула ўқитувчиси вазифасига ишга қабул қилдилар.

Боғчадаги болалар билан ишимиз ёмон бўлмади. Улар билан туман марказидаги концертларда иштирок этиб, яхши ютуқларга эга бўлдик. Орадан икки йил ўтиб, хўжалиқдаги ўқитувчиларга олти сотихдан ер берилди. Жумладан, мен ҳам ер олиб, иморат бошлаб юбордим. Уйимиз битай деб қолганда, менга чақирув қоғози келди. Хўжалиқ идорасига бордим.

40 ёшлар чамасидаги терговчи йигит:

– Сиз ер участкасини Турғун акадан сотиб олган экансиз, тўғриси шу қоғозга ёзиб беринг. Сизга ҳеч нарса бўлмайди. Бизга, асосан, совхоз директори керак. Сизга айтсам, йигирмадан ортиқ киши Турғун акага пул берганлари ҳақида ёзиб берди. Қамалишни хоҳламасангиз, дарров ёзиб, қўл қўйинг, – деб қолди.

– Менга қаранг, ўртоқ терговчи! Сиз мени ёш бола қилмоқчимисиз? Ахир, қандай қилиб бўлмаган нарсани ёзаман. Сизнинг дўқ-пўпсангиздан кўрқиб, бегуноҳ кишига тухмат қиламанми? Мен сиз ўйлаган одамлардан эмасман.

Шуни ҳам айтиб қўя қолай. Менинг маълумотим сизникидан кам эмас. Хоҳласангиз, дипломларимни ҳам кўрсатаман. Қўлингиздан эса ҳеч нарса келмайди. Чунки ҳақиқат, барибир, қарор топади. Яхшиси, менинг вақтимни олманг! Йўқса, ўзингизга ёмон бўлади, – деб, повесткамга имзо чекишини сўрадим.

Қаранг, дўстлар! Ўз халқига жонини фидо қилиб, ҳамманинг ҳурматиغا сазовор бўлган шундай кишилар устидан ҳам маломат тошини ёғдирувчи ғаламис, ҳасадгўй инсонлар бор экан. Аммо ундай инсонлар ниятига эриша олмадилар.

Совхоз ишчилари ўз раҳбарларини тиш-тирноқлари билан ҳимоя қилишди. Замоннинг зўридан қўрқмай, оқни оқ дейдиган кишилар ҳамиша жамиятимизда топилади.

Ҳозир Турғун ака нафақада бўлсалар-да, ҳеч меҳнатдан тинмайдилар. Улар билан оилавий борди-келдимиз бор. Уларга ўзимнинг иккинчи китобимни тақдим этдим. Ўзлари ўқиб чиқиб, набира, қариндош-яқинларига ҳам берганларини эшитиб, хурсанд бўлдим.

Мен Турғун ака, Мақсуд акадай саховатпеша, дилкаш, ҳақиқатгўй, меҳнатсевар инсонлар билан дўстлашганимдан, улар билан бир пиёла чой устида ҳамсуҳбат бўлганимдан фахрланаман.

### **«Кўр ҳассасини бир марта йўқотади»**

Ҳаётимда қаллоб инсонларни ҳам кўрганман, эшитганман. Масалан, бозорларда тарозидан, литрдан, метрдан урганлар кўплигини биласиз.

Аммо иморат сотихидан уриб қолган одамни эшитганмисиз? Бўлмаса, эшитинг. Ўзимни алдаган бир ҳожи тўғрисида баён қилмоқчиман.

У киши билан 2001 йили Ҳажга бориб, ҳатто бир хонада яшаганмиз. Машина бозорида биргаликда тирикчилик қилганмиз. Бир куни ўғлим билан бирга янги «Нексия»ни сотишибди. Даромадларини ўзаро бўлишиб олишибди. Ўғлим хурсанд бўлиб келиб:

– Анҳори бор салқин жойга бориб, ўз қўлим билан ош дамлаб берсам, – деди.

Боламизнинг райини қайтармадик. Эртасига Қибрай томон бориб, ҳовлисидан сув ўтган хонадонга жойлашдик. Кун иссиқ эди. Сув устидаги катта сўрида роҳат қилиб ўтирган вақтимиз, ўғлимизга шерик бўлган ўша ҳожи қўнғироқ қилиб қолди. Харидорлар айниб қолган эмиш. Ўғлим:

– Иш битган эди-ку, нега бунақа деяпсиз? – деб сўради.

– Машина олди ойнасига ёпиштирилган рақам ёзилган



қоғозни олиб қўйган эдим, жаҳли чиқиб: «Тўғриси, сиз менга ёқмай қолдингиз», – деб, машинани қайтариб берди, – деб жавоб қилди.

Бундан хабар топиб:

– Болам, бугун кечқурун бўлса ҳам, пулини олиб бориб бер, – дедим. Шундай қилди...

Афсуски, кўр ҳассасини бир марта йўқотмас экан. Кейинчалик шу ҳожидан уй сотиб олдик. Бизни ҳовли уч сотихлик деб алдади. Иккию чорак сотих экан. Кўчадаги гараж ҳам режага киритилганини айтган эди. Бу ҳам ёлғон чиқди. Пулини сўмда тўлайдиган бўлдик. Ҳожи телефонда дарров доллар курсини билиб олиб, қанча сўм бўлишини айтди. Келишилган пулнинг ярмини айтган жойга келтирганимизда:

– Мени кечиринглар, ҳали сизларга доллар курсини кам айтиб қўйган эканман, ҳозир икки соат ичида кўтарилибди, – деб қолди.

Ичимда: «Яна найранг бошланди», дедим. Пулни бермасдан қайтиб кетиш керак деган фикр туғилди. Ўғлимга айтсам, кўнмади:

– Паст одамга паст кетмайлик, ҳожи биздан рози бўлиб қолсин. «Ҳар ишни розилик билан қилгин», деб ўзингиз ўргатгансиз, – деди-да, масалани ҳал қилди.

Эртаси бизларга кетма-кет қўнғироқ қилиб, қолган ярим пулни талаб қилди.

– Ахир, укажон, қонун-қоида деган нарсалар бор. ҳали бу уйда яшаётган бўлсангиз, уйни аввал расмийлаштириш ишларини бошлайлик, – десам, орага биродарларимизни солди. Охирги пулигача бердик.

Ҳовлини таъмирлаб, сотувга қўйдик. Ҳовлини сотишга яна бир бошқа ҳожи сабабчи бўлди. Кетган харажатлардан ташқари фойдани у киши билан бўлишдик. Инсонларнинг фикри-ниятидан қандай бўлишидан қатъи назар, уларнинг розилигини олдик. Ажрини бу дунёда кўриш насиб этди. Ҳар хил алдам йўллар билан пул топадиган инсонларга ачинаман, холос. Улар ҳам икки дунё ажридан умид қилишармикан-а?..

Бу воқеадан кейин ўғлим Миролимнинг ҳам иморат қуришга, таъмирлашга ҳаваси ошди.

2008 йили мен Назарбек санаториясида дам олаётганимда, ўғлим ўз ихтиёри билан Алгоритмда жойлашган уйнинг 1-қаватидаги 4 хонали уйни сотиб олибди. 1 сотих ҳовлиси ҳам

бор. Аввалдан бизга таниш бўлган яхши, ишончли усталарни ишга жалб қилиб, таъмирлашни бошлаб юборибди. Бир йўла шу ерга яқин яшовчи опаси Хуршидахоннинг ҳам уйига уста туширибди. Кетидан опа-сингиллари Шаҳноза ва Гулмираларнинг уйини таъмирдан чиқартирибди. Кичкина ўғлим Миромилнинг иши кўпайиб кетиб, уй ишларига улгурмаётгани учун унга ёрдам кўлини чўзиб, бизнинг уйларимизни ҳам тартибга келтириб берди. Охири ўзига эътибор бериб, орзу қилган ҳамма ниётларига бирин-кетин сабр билан эришиб келмоқда.

### Қадами қутлуғ келди

Ёзнинг иссиқ кунларининг бирида далабоғимизга Миролимнинг биродарлари ва менинг бир гуруҳ ёр-дўстларимизни чорладик. Уларнинг орасида Миролимнинг ҳаж сафарига эллик-боши бўлган Ғайбулла қори ва Алишер ҳожилар ҳам бор эди. Бир пайт Ғайбулла қорининг қўл телефонига кўнғироқ бўлди. Телефон қилган киши халқимизнинг суюкли хонандаси Шерали Жўраев эканлар. Меҳмондорчилик қизиби, барчанинг хурсандчилиги, кулгу овозлари эшитилган чоғи, Шерали Жўраев:

– Ғайбулла қори, қаердасиз? – деб сўрадилар.

– Мен жаннатдаман, – жавоб қилдилар Ғайбулла қори.

– Жаннат қаерда экан?

– Халқимизга ўз санъатлари билан хизмат қилиб келган Фахриддин Умаровнинг ёндошлари, дуторчилари Мирсодиқ ҳожи отанинг далабоғларидамиз. Сиз ҳам келинг, – дедилар.

Мен телефон гўшагини қўлимга олиб:

– Ассалому алайкум, укажоним Шерали. Юртимизга кўп йил хизмат қиласиз хали, Сизни бу дунёга келтирган ота-онангизга балли. Инсон яшайди, яшамайди йироқ. Худо хоҳласа, сизнинг хонадонингизни ёқиб турадиган бордир чироқ. Шунча гапдан сўнг, далабоғимизга бир қиё боқ, – деб уларни ҳам далабоғимизга таклиф қилдим.

Бир соатлар ўтди, чамаси, Шерали укамиз ҳам даврамизга қўшилдилар. Менга тўн кийдириб, санъатдаги хизматимиз ҳақида кўп яхши гапларни айтиб, тилақларини билдирдилар.

Орадан кўп ҳам ўтмай, Алишер ҳожига набирали бўлганлари ҳақидаги хушxabар келди.

– Шерали ука, энди қўшиқ айтиб бермасангиз, бўлмайти, қадамингиз қутлуғ келди, – дедим.

– Майли, ҳожи ака, туғилган чақалоққа атаб бир дуо қилинг, кейин сиз айтганингиздек бўлади, – дедилар.

Юрагимдаги бор ниятларимни ошкор қилдим. Ҳаммамиз чақалоққа узоқ умр тилаб турганимизда, Миролим ҳам ўз ниятини билдириб:

– Шу туғилган чақалоқ ақиқасига Шерали акам боришлари насиб қилсин, – деб кўшиб кўйди.

Дарров Шералининг тор созлари келтирилиб, кўшиқ бошланиб кетди. Ёнларида дуторда Ғайбулла ака жўр бўлиб турдилар, бир кўшиқ иккинчисига уланди. Далабоғимиз атрофида кўшиқ тингловчи шинавандалар жуда кўпайди. Мен уларни ҳам супага таклиф қилдим. Иккинчи кўшиқ навбати келганда дуторда мен жўр бўлдим. Кўшиқ ҳаммага манзур бўлди. Якунида эшитувчилар қарсақ чалиб юборишди. Кўшиқ янграётган вақтда икки йигитнинг завқ билан тинглаётганини сезган Шерали Жўраев уларга:

– Мен сизларга кўшиқ пайтида назар ташлаб туриб, ҳақиқий шинаванда эканлигингизга иқрор бўлдим. Келинлар, яқиндан танишиб олайлик, – дедилар.

– Биз шу ерлик – дукентликмиз. Электр қуввати билан халқимизни таъминлаймиз, – дейишди.

– Бўлмаса, укалар, бу ҳожи акамизнинг далабоғларида электр токи йўқ экан. Бу киши халқимизга жуда кўп йил ўз соҳаларида хизмат қилган. Электр қуввати улаб беринлар бу кишига, – дедилар.

– Шерали ака, насиб қилса, уч кун ичида сиз айтган нарсаларни бажарамиз, – дейишди. Мана, ҳозир камина ҳам электр нуридан баҳрамандмиз. «Яхшидан шарофат», деганлари шу бўлса керак.

## Яхшилар ёди

Ҳаётим мобайнида айрим мудҳиш ҳолатларни ўз кўзим билан кўрдимки, ҳатто бировлар буни афсона деб ўйлашлари мумкин. Бироқ бу – бўлган воқеалар.

Ҳаммамиз бу дунёда меҳмонмиз, охир бир кун борадиган жойимиз аниқ, бундан ташқари, мусулмон халқининг фарзандимиз. Бас, шундай экан, тириклик вақтимизда атрофга қараб, кўзимизни очиб яшайлик. Албатта, келажагимизни, биздан

қоладиган авлодларимизни ўйлаб яшайлик. Акс ҳолда, инсоннинг фожеалар гирдобиди қолиши ҳеч гап эмас.

«Оталар сўзи – ақлнинг кўзи», – дейди халқ. Кишининг ёши ўтгани сайин хулосалари қуюқлашиб боради. Орамизда «Саллани олиб келгин», – деса, каллани олиб келадиган инсонлар йўқ эмас.

Ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз. Хатодан холи эмасмиз. Тириклик давримизда ўртамиздаги оқибатимизни йўқотмайлик. Ҳар бир қилаётган ишимизда узоқни ўйлаб яшайлик.

Маълумки, Шўро қатағони йилларида кўп зиёлиларимиз, ишнинг кўзини биладиган тадбиркорларимиз, оддий қилиб айтганда, бойларимиз қулоқ қилинди, қатл этилди ёки домдараксиз бўлиб кетишди. Душманларимиз халқимизни қул қилиш, малайга айлантириш пайида бўлди. Бойликларимизга эга чиқди. Халқимиз орасидан доно кишилар етишувига қарши тиш-тирноқлари билан курашди. Келажакимизни фаровон қилиш йўлларига тўсқинлик қилинди. Бош кўтариб чиққанларни қатл қилди ё қамасди. Келажакимиз, истиқлолимиз учун курашиб, шаҳид кетганларни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин.

Ватанимиз мустақил бўлди, ҳаётимиз тубдан ўзгарди. Ўз бойликларимизга ўзимиз эгаллик қиляпмиз. Энг муҳими, мустақил фикримизни баён қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлдик. Шу ҳуқуқдан фойдаланиб, ушбу китобимни ёздим.

1956 йил 4 декабр, яъни мактаб-интернатга борганимга қадар Кўкча даҳасидаги Навоий номидаги 40- ўрта мактабнинг 4- синфигача ўқиганимни ва бу мактабда ўқиб, келажакда ўз йўлларини топиб элга танилган, шон-шухратга эга бўлган кўпгина дўстларим ҳақида сизларга сўзлашни лозим деб топдим.

Уларнинг бири республикамызда кўплаб фантастик китоблари чоп этилган, марҳум синфдошим Ҳожиакбар Шайховдир.

Ҳожиакбар болалар орасида хулқи, одоби ва аъло ўқиши билан ажралиб турар эди. Яна бир марҳум синфдошим Дилмурод эди. У ёшлигидан: «Мен катта бўлсам, шифокор бўламан», – деб ҳаракат қилиб интилар эди. Дилмурод ҳам ўйлаган ниятига етиб, болалар шифокори кандидатлигини ёқлаб, профессор даражасига кўтарилди. Шу соҳада илмий-оммабоп китоблари нашр этилди.

Синфдошим Шаҳобова Маъмураҳон ҳам ўзи кўзлаган ниятла-

рига етиб, эл олдида, оиласи олдида катта муваффақиятларга эришди. Бизлар билан ўқиган синфдошим, ҳозирда злу юртга таниқли ёзувчи Тоҳир Малик ўз ижодлари билан халқимизга катта нафлари тегмоқда. Ҳозир ҳам изланишда. Илоҳим, умрлари узоқ бўлсин. Унинг акаси Баҳодир Маликов ҳам республикамызда катта натижаларга эришиб, мамлакатимизнинг ривож топишида маълум ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Уларнинг ота-оналари билан яқин таниш бўлганман. Раҳматли Малик ака шу мактабда бухгалтер (ҳисобчи) бўлиб ишлаганлар.

Мен 1960 йил 3 – 4 ой шу мактабда мусиқа дарсидан ўқитувчилик қилиб, Малик аканинг меҳнаткаш қўлларидан маош олиш шарафига эришганман. Малик аканинг аёллари ҳам шу мактабда фаррош бўлиб ишлар эдилар. Уларни Оллоҳ раҳматиға олган бўлсин.

1963 йили мусиқа билим юртида ўқиётган даврларимда келажакда машҳур бўлиб юртга танилган санъаткорлар билан ўқиш насиб этган. Жумладан, улардан бири Отажон Худойшукуровдир. Унинг овози ва қўшиқлари бошқа санъаткорларникидан ажралиб турар эди. Товуши бақувват ва кучли бўлиб, авжи жуда баланд ва авжларни хоҳлаган вақтгача ушлаб туриш қобилиятиға эға эди. Ўзингизға маълумки, хоразмлик ва қорақалпоқлар дўстларини «жўра» деб аташади. Улар менға мурожаат қилиб, Тошкентдаги тўйларға мени ҳам таклиф қилинг деб илтимос қилди. Шу кезларда менинг дўстим, марҳум бастакор, ўз асарлари билан танилган Мирсодиқ Тожиевнинг яқин одами базм қилиб бермоқчилигини ва шу тўйға кимни таклиф қилиш мумкинлигини сўраб қолди. Мен Отажон Худойшукуровни тавсия қилдим ва тўрт киши бўлиб шу базмда хизмат қилиб, халқ орасида шунақанги олқишларға сазовор бўлдикки, у вақтларда умуман микрофон йўқ эди. Лекин ўзининг жарангли товуши билан ҳаммани маҳлиё қилган ва шу базмнинг ўзида иккита шинаванда мен орқали Отажонни тўйларига таклиф қилган эди.

Тез кунларда Тошкентдаги тўйларда ҳам обрў қозонди ва элға танилди. Келажакда Отажон билан телевидение, радио ва пластинка тасмаларига ёзиш жараёнларида биргалашиб қатнашиш насиб қилган. Жўрамни Оллоҳ раҳматиға олган бўлсин.

## Оқсоқолимиз

Ёшлигимда Кўкча даҳасидаги маҳалладошларим етимлигимни билиб, бошимни силаб, ўз ёрдамларини аяшмасди. Онам раҳматли касалхонада ётганларида, мен орқали онамларга турли ноз-неъматлар бериб юборишар эди.

Маҳалламиз оқсоқоли Ғулом Қодиров ўта оқибатли инсон эдилар. Қобил акам пахта теримида бўлган кезлари, Мўътабар опам билан уйда ёлғиз қолганимизда, у кишининг кундалик овқатимиздан хабар олиб турганлари, ҳатто китоб-дафтарлар олиб берганлари бир умр ёдимдан чиқмайди.

Умуман, Ғулом ака маҳалламиздаги барча бева-бечораларга ёрдам қўлларини чўзган, етим-есирларнинг бошини силаган инсон эдилар. Ғулом аканинг дафн маросимида кўчаларига одам сиғмай кетди, йиғламаган киши қолмади. Ана шундай ҳақиқий инсон бўлган маҳалла оқсоқолини ўша даврда кўрдим. Баъзан уларни айрим ҳозирги оқсоқоллар билан таққослайман. Шундайлари ҳам борки, иложи бўлса, бутун маҳаллани шахсий қилиб, эгаллаб олса. Сотилган уйлардан тушган катта-катта ширинкомаларни ютиб юборади-ю, ҳеч нима кўрмагандай бўлиб юраверади. Ахир, ҳар ишнинг жавоби бор-ку...

Тўймайдиган инсон умрининг охригача тўймас экан. Шуни айтса керак: «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деб.

Албатта, «Беш қўл баробар эмас», деганларидек. тўғри ишлайдиган маҳалла оқсақоллари, фидойилари ҳам кўп.

Кўкча тери заводи атрофидаги бир маҳалла оқсоқоли ўзининг ҳисоботида бир йил ичида нечта участка сотиб, ундан олган ширинкомасини кимга ва нимага ишлатганини ҳар сўмигача айтиб берибди. Шу мажлисда иштирок этган қудамдан буларни эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Охиратни ўйлаган оқсоқол экан. Барака топсин, илоҳим, бола-чақасининг роҳатини кўрсин.

«Бу дунё – қайтар дунё. Ким нима экса, шуни ўради». Мен ёшлигимдан кўп нарсаларнинг гувоҳи бўлиб келганман. Ҳаётимда бировнинг ҳақиға хиёнат қилиб, ўзининг шахсий манфаатини ўйлаб зарар етказганларнинг охирини кўриб турибман. Шулардан ўзимга хулоса чиқараман. «Қари билганни пари билмас», дейди доно халқимиз.

Бу ҳаётдан олинган жуда тўғри гап экан. Устозим:

– Болам, агар менинг шогирдим бўлсанг, ҳеч кимнинг бурни-

ни қонатма, – деган эдилар. Яхшиям, уларнинг гапларига қулоқ солган эканман. Мана, ўз кўзим билан кўриб турибман. Оллоҳ барчамизнинг қилмишимиздан хабардор экан, уларнинг ажри-ни тотиш, албатта, насиб этади.

## Ўғри

1976 йил охирларида соғлиғимни тиклаш мақсадида Фарғонанинг «Чимён» санаториясига отланган эдим. Бундан хабар топган улфатларимдан бири Олим ака:

– Санаторияга кетишинг олдидан қўлингдан бир ош еб қолайлик, – дедилар. Мен рози бўлдим. Улфатлар орасида ножўя ҳаракатларини ташламаган бир киши ҳам бор эди. Уни ошда кўриб, кўнглим бироз ғаш бўлди, гўё кетганимдан кейин ўша киши бир ёмон иш қилиб қўядигандек эди хаёлимда. Ўзига ҳам айтмоқчи бўлдим, лекин журъат этолмадим. Бировнинг дилини ножўя гап билан оғритиб қўйишдан ўзимни тийдим. Оллоҳ ёмонликдан асраш учун ўзи дилимга солди, аммо ички овозимга қулоқ тутмадим ва оқибатда бундан афсусландим.

Санаторияга борганимнинг иккинчи куни хонамнинг эшиги тақиллаб қолди.

Эшикнинг у томонидан «Эргашев сизмисиз?» деган товуш эшитилди. Мен ҳовлиққанча устимга чопонимни илдим-да, эшикка отилиб чиқдим.

Қаршимда новча бўйли, сочлари жингалак, қирра бурун, келишган, 28 ёшлар чамаси йигит турарди. Унинг фамилиясини ҳам, мени йўқлашдан мақсадини ҳам суриштирмай:

– Тўғриси айтинг, уйимда ҳеч ким шикаст кўрмадими? – дедим шошилганча.

Маъноли кўзлари билан саволомуз тикилар экан, мени хотиржам қилиш мақсадида қалбаки жилмайиб қўйди-да:

– Хавотир олманг, ҳозир ҳаммасини ўзингиз билиб оласиз, – деди.

Марғилон станциясига борганимизда, Тошкент темир йўл вокзали раҳбар ўринбосари Олим ака Одиллов билан телефон орқали гаплаштиришни ваъда қилди.

Марғилонга етиб боргунча «Илоҳим, уйимдагиларнинг барчалари соғ-омон бўлсинлар», – дея Яратганга илтижо қилиб

борардим. Шу кетишда кўз олдимдан бирма-бир ҳар бир оила аъзоларим ўтарди. Ичимдан нималар ўтаётгани ўзимга ва Оллоҳга аён эди. Ҳеч бир бандани бундай ҳолатга солмасин. Сониялар, дақиқаларнинг ўтиши бирам қийин эдики...

Ниҳоят, Олим ака билан уландим:

– Болам, ҳафа бўлмагин, кетган кунинг кечаси уйингга ўғри тушган. Уйингдагиларнинг ҳаммалари соғ-омон, фақат анча-мунча нарсаларинг ўғриланган, холос, – дедилар.

Олим акага уйимга кирган ўғрининг исмини айтиб бердим. Гумоним тўғри бўлиб чиққанди. Аммо...

Вагонда Тошкентга қайтгунга қадар мижжа қоқмадим. Уйга келсам, болаларим ва онаси йиғлаб юборишди.

Ҳамма воқеа мен ўйлагандай бўлиб чиқди. Ўғрилиқ содир бўлганидан хабар топиб, уйдагилар судда ишлайдиган қўшни амакимизниқига милицияга қўнғироқ қилгани чиқибдилар. Милиция ходимлари дарров ит чақиртиришибди. Ит, ҳақиқатан, ўша мен гумон қилган ўғрини кийинган ҳолда ётган жойидан тишлаб, ташқарига олиб чиқибди.

Бош ўғрининг ёрдамчилари шу маҳалланинг болалари экан. Буларнинг раҳнамози пулдор бўлиб, катта пул эвазига бошқа бир сохта ўғрини менинг уйимга бир терговчи аёл билан юборишди. Мен сохта ўғридан уйимдан нима ўғрилаганини сўрадим. У иккита гилам ва бошқа нарсаларни айтди. Мен гиламларнинг ҳажми ва тусини сўрадим. Ўғри дудуқланиб қолди. Гиламнинг ҳажмини ҳатто аёлим ҳам билмас эди. Чунки бу гиламларни қизларимга атаб ўзим сотиб олган эдим. Сохта ўғрини бошлаб келган терговчи аёлнинг боглаб шармандасини чиқардим.

Ана шунда прокуратура, милициянинг айрим ходимлари нималарга қодир эканини билдим. Менинг порахўр, харомхўрларга нисбатан нафратим ошган эди. Онам раҳматли:

– Жон болам, бу ишни кавлаштирма! Сен ёлғизсан, улар ҳамма ишга қодир. Фарзанд доғини кўравериб, адоий тамом бўлганман. Сенга бирор нарса бўлса, энди чидай олмайман, – дедилар.

Онамнинг шу гапларидан кейин бу маҳалладан бошқа жойга кўчишга қарор қилдим.

Тор қалбимга кенг дунё  
Қилди торлик, шоҳ жаҳон.



Бу дунёнинг ташвиши  
Бошга тушди, онажон.  
Қабринг узра майсалар  
Менга дуо айтади.  
Сен тиккан юмшоқ болиш  
Бошгинамга ботади.  
Оламни кўрар кўзим  
Сўқир экан, нур жаҳон.  
Кўксимга босган гулим  
Тикан бўлди, онажон.  
Тошдан бўлган тош йўлак  
Кўксимга тошлар отди.  
Тақдир ўйнаган ҳазил  
Қувончимни йўқотди.  
Қоплаб булут осмонни,  
Зулмат этди, ҳур жаҳон.  
Олиб бағрига сени,  
Ер тўймади, онажон.  
Ташвишлардан ғўр бўлдим,  
Ташвиши кўп, зўр жаҳон.  
Сенсиз кўп дардга тўлдим,  
Ҳамдард бўлгин, онажон.

*(Шаҳноза Абдурахмонова)*

Кўрғонча кўчасидаги ҳовлимиз шинамгина бўлиб, иморатни жуда дид ва астойдил меҳр билан кўтарган эдим. Уйимнинг ичида яшаш учун ҳамма имкониятлар бор эди.

Тўғриси, ўғри тушганидан сўнг бу уйимдан совудим. Назарбек қишлоғига кетганимдан хабарингиз бор. Энди сир сақламайман. Шу кичкина, қутичадай иморатимни эллик минг сўмга сотиб, пулларини бўлиб-бўлиб олишни харидор билан келишиб қўйдим. Бу фикрим унга ҳам маъқул бўлди. Чунки янги уй эгаси савдо пулларини айлантириш ҳисобини ҳам олган одам эди. Агар пулларнинг ҳаммасини олсам, ўғри у ерга ҳам бориши мумкин эди.

Кўрғонча кўчасидаги собиқ уйим ўзимга жуда қулай, ҳовлим ўртасида ҳовузи бўлиб, атрофига гуллар экилганди. Хуллас, шу ҳовлида ҳамма орзу-ниятларимга етиш ниятим бор эди.

Лекин бу ердан кетишга қатъий қарор қилдим. Тўғрироғи, мажбур бўлдим. Бу ерда қолсак, ҳамма орзу-ниятларим пучга чиқишига амин бўлдим. Ахир, менинг Оллохдан ўзга ҳимоячим йўқ эди. Болаларимнинг келажагини ҳам ўйладим. Уларнинг ҳам мен каби ҳақиқий меҳнатга ўрганишларини истадим. Майли, қийинчиликлар орқада қолиб, бир кун биз ҳам юзага чиқармиз деган умидда, била туриб, машаққатли ҳаётга қадам қўйдим.

Мақсадим йўлида анча қийналдим, бир сўз билан айтганда, қоврилдим десам ҳам бўлади. Лекин танлаган йўлим тўғри эканига ўзим ишонар эдим.

Биргина ёмоннинг қилган иши бутун оиламиз, ёш гўдақларимиз билан бизни саргардон қилди.

Юқорида айтганим – шундай нобоп, нопок инсонларга қарата гапим – шу!

Етар энди, кўнгил кўчаси,  
Хўп адашдинг. йўл билмайман деб.  
Етакладинг паст-баландларга,  
Кўнглим шуни тусайди-да деб.  
Ортга боқиш недир – билмадинг.  
Виждон амрин писанд қилмадинг.  
Орзуларда чўмилдинг, чоғи,  
Ҳақиқатга назар солмадинг.  
Қувонтирар сени ёлғонлар,  
Овунтирар ширин туғёнлар.  
Адашдинг-у, йўлдан қайтмадинг,  
Қалб амрига қулоқ солмадинг.  
Етар энди, кўнгил кўчаси,  
Энди ортга қайтишинг керак!  
Ўзлигингни буткул йўқотмай,  
Этагингни қоқишинг керак!

*(Шаҳноза Абдурахмонова)*

Бошимдан ўтганларни сизга баён қилиб, зериктириб қўймадимми?

## Ҳазилга ҳазил

Филармония оркестрида созанда-дуюрчи бўлиб ишлаётган давримда, оркестрларимизнинг концертлар ташкил қилувчи маъмурияти бўлиб, у ҳар ойда 13 та концерт ташкил қилиши шарт эди. Бу концерт ҳар қандай об-ҳавода ҳам қолдирилмасди. Агар битта концерт кам бўлиб қолса, маошимизнинг 70 фоизини олар эдик.

Концерт ташкилотчисининг лақаби «Раж» эди. Машҳур актёр ва режиссёр, «Дайди» фильмида бош ролни ижро этган Раж Капурни экран орқали ҳаммамиз таниймиз. Бизнинг Ражимиз шу фильмдаги ашулани маромида, бошлаб ижро этарди. Концертларда халқ шу ашулани қайта-қайта талаб қилар эди. Шу туфайли маъмуримиз «Раж» лақабига эга бўлган. Ражнинг ўзи жуда қитмир, ҳазилкаш одам эди.

Июль ойининг охирига жазирама кунларининг бирида Роҳат кўлида концерт ташкил қилиниши, созандалар қора костюм ва галстук билан, дирижёрлар қора фракда чиқишини айтиб: «Москва телестудиясидан келиб, бизнинг концертимизни пойтахтда кўрсатади», – деб ҳаммамизни алдаб кийинтирган.

Дирижёрларимиз ҳам, содда Саид Алиев ҳам ишониб, рози бўлишган. Кун иссиғидан сувда чўмилаётганларнинг нафаслари қайтаётган бир пайтда, бизнинг аҳволимизни кўрсангиз эди, сўз билан таърифлаб бўлмайди. Сув бўлиб, қора терга ботганмиз, қўлларимиз ҳаракатга келмайди. Хуллас, минг азобларда концертни тамомладик. Раж ўзида йўқ хурсанд:

– Сенларни боладимми? Бундан баттар бўлинглар, – деб кулиб юборди.

Мен шунда: «Вақти келиб бу Ражни болайман», деб ўйлаб қўйдим. Қаранг, шу кун ҳам етиб келди.

Ҳар куни эрталабки соат 10 да ишимиз бошланар эди. Ҳар доимгидек, 45 дақиқа меҳнатдан сўнг, 15 дақиқа танаффус қилар эдик. Танаффус пайтида иккинчи қаватдан пастга тушаётган маҳалим, зинанинг тагида турган русларнинг черковидаги каби кўнғироққа кўзим тушди. Унга 3 метрча келадиган янги арқон боғлаб қўйилган экан. Кўнғироқ олдида бордим-да, арқонни ушлаб туриб, бир тортган эдим, шунақанги жарангладики...

Филармониянинг залида Москва шаҳридан келган оперетто жамоасининг спектакли қўйилаётган экан. Кун иссиқ бўлгани

учун концерт залининг эшиклари ланг очик бўлиб, қўнғироқ чалинганида саҳнага монах либосини кийган қизлар чиқишлари керак экан. Мен мўлжалдан олдин қўнғироқни чалиб юборганимда, кийинган-кийинмаган қизлар саҳнага югуриб чиқишиб, роса кулги бўлди. Спектакл директори югуриб чиқиб, мени ушлаб олди.

– Сен нима қилиб қўйдинг. Спектаклни буздинг-ку, бу ишинг учун сенга жазо бераман! – деб ўдағайлади.

Айб менда бўлгани учун минг маротаба узр сўраб, зўрға қутилиб қолдим. Кетай деб тургандим, филармониянинг кўча эшиги очилиб, мен томон Раж кела бошлади. Қўлида папкаси.

Мен Ражга қараб:

– Хўжайин ҳам ишга 1 соат кеч қоладими? – десам, у:

– Кеча тўйда бўлдим, ухлаб қолибман. Ҳозир 2 сўм бериб, таксида келдим, – деб қолди.

Мен унга:

– 2 сўмлик иш бор. – дедим.

– Қанақа иш? – деб сўради.

– Мана бу қўнғироқни бир чалсанг, мендан икки сўм оласан, – деб жавоб қилдим.

– Олдин пулни бер. агар қўнғироқни чалмасам, номард бўлай. Пулни олдиндан берсанг, қўнғироқни икки маротаба чаламан, – деди.

Пулни бериб:

– Арқонни тезроқ торт, тамом бўлиб қолади, – дедим.

У арқонни қўлига ўраб туриб, бор кучи билан тортди, кетидан иккинчи маротаба тортаётган эди ҳамки, спектаклнинг директори икки-уч одам билан югуриб чиқиб, Ражнинг оёқ-қўлини ерга текказмай, филармония директорининг хонасига олиб кириб кетишди. Ярим соатдан сўнг Раж бир ҳолатда чиқди. Шахсий варақасига ёзиш шарти билан ҳайфсан бериладиган, спектаклни бузгани учун маошининг 25 фоизи жаримага тўланадиган бўлибди. Шу-шу, Раж бизга олдингидай қўпол ҳазил қилмайдиган бўлди.

### **Санъатнинг нонини ейиш осон эмас**

Ишхонамиздаги Т. Х. аталмиш шахс ўндан ортиқ жиноий ишлар қилиб, жазодан қутилиб қолди. Т. Х. ни мақом ансам-

блига, шундай устоз санъаткор Ориф Алимахсумов ўрнига раҳбар этиб тайинлашди. Мақом ансамблидаги ҳофиз ва со-зандалар бундан хафа бўлишди. Чунки уларнинг ҳам тинчлиги бузилиб, ишлари орқага кета бошлади. Шунда менга созанда А. Исмоилов:

– Бу қанақаси? Эгри Т. Х. мақомга раҳбар бўлолмайди, ахир, унинг ўзи мақомни билмайди-ку, – деб қолди. Мен уни тинчлантириб:

– Тағин озгина чиданглар, яқинда, албатта, сизлардан кетади, ҳақиқат охири қарор топади, – деб тасалли бердим. Эртасига, ҳақиқатан ҳам, ишдан қочиб қолибди ва жамоага А. Исмоилов раҳбар бўлди. Аста-секин мақом ансамблидаги ишлар ҳам жой-жойига туша бошлади. Келажакда катта ютуқларга эришилди.

А. Исмоилов тўғрисида гап очилгандан кейин, тағин бир муҳим масала ҳақида тўхталмоқчиман. Укаларимиздан бири, ҳозирги вақтда таниқли ҳофизимиз Ғуломжон Ёқубов билан Кўкчада катта бўлганмиз. Устозимиз ҳам бир одам – Ғуломжон Қўчқоров эдилар. Ғуломжоннинг ёнига созанда А. Исмоилов қўшилганидан кейин, униг обрўси янада ортди. Мухлислари янада кўпайди. Ҳофизга яхши созанда қўшилишини катта омад деб тушунаман. Ахир, А. Исмоиловнинг олижаноб инсон, уста созанда эканини халқ яхши билади. Яхши созанда ҳофизга мадад берибгина қолмай, ҳатто ўзининг серқирра нолалари билан қўшиққа завқ-шавқ бағишлайди. Ҳофиз қочирим пардаларни ўз товушида қайтариб, товушини, ижро усуллари-ни ривожлантириб боради.

Ҳофизнинг созандаларсиз ижросини беҳосил дарахтга ўхшатаман. Унинг фақат сояси бор. Мевали дарахтни халқимиз эъзозлайди. Мусиқа билан айтилган қўшиқ инсонларнинг қалбида дарахт каби куртак очади.

Бу билан бўлажак ҳофизларимизга ёнингиздаги созанданинг қадрига етинг, эъзозланг, демоқчиман.

Республикамизда устоз созанда Қаҳрамон Дадаевни танимаган киши бўлмаса керак. Ҳофизлар ўртасида, халқимиз орасида обрў-эътиборга эга бўлган инсон. Назаримда, Қаҳрамон ака иштирокидаги ижро – ҳофиз учун шараф.

Санъатнинг нонини ейиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бунга катта сабр, матонат, чидам, масъулият керак. Келажакда оила қуриш, бола-чақа орттириш, уларни ҳаётга тайёрлашни

ўйлаб иш тутиш лозим. Ҳаётда шу жиҳатларни ўйламасдан, умрнинг туб моҳиятига етмасдан иш тутган санъаткорларнинг тақдири кўпинча фожеа билан тугаганига гувоҳман.

Уйимиз билан бир девор қўшни уйда истиқомат қилувчи раҳматли аммам бўлардилар. Поччамиз каттақўрғонлик савдогар бўлиб, у кишининг уйларига ёру дўстлари, баъзан савдогар аёллар ҳам келиб туришар эди.

Бизнинг уйимизда дутор сādолари янграб, Хуршида қизим ашула айтиб берар, куй ва қўшиқ садолари баралла янграр эди. Уйимиздан таралаётган бу навони эшитган аммамининг меҳмонлари ҳам бизникига чиқишиб, санъатимиздан баҳраманд бўлар эдилар.

Айниқса, Турдихон исмли аёлнинг санъат соҳасига иштиёқлари баланд бўлиб, қизлари Гулбаҳорнинг яхши рақсга тушиши ҳақида кўп гапирардилар. Бир куни қизлари Гулбаҳорни бизникига олиб келдилар-да:

– Мана, қизимни ўзингиз дутор чалиб бир ўйнатиб кўринг. Ўзингиз қандай хулосага келасиз? – дедилар.

Ёш қиз бўлгани учун шўх куйдан бошладим. Шунақанги қобилияти бор эканки, ўзим ҳам, оила аъзоларимиз ҳам пол қолдик. Кейин эса оғир, вазмин куй бошладим, ҳақиқатан ҳам, онаси мақтаганича бор экан.

Онасига мен ўз таассуротларимни баён қилдим. Туғма истеъдоди бор эканини айтиб, келажакда яхши оила қуриб, ўйинкулги билан ҳаёт кечирсин, деб ният билдирдим.

Онаси қизининг раққоса бўлиш нияти борлиги, шу соҳада ўқимоқчи эканини ва мендан таниқли раққосаларга уни бириктириб қўйишимни сўради. Мен Гулбаҳорнинг онасига ўз ҳаётимда кўрган-билганларимни гапириб, бу соҳадан кетмагани маъқуллигини айтдим. Шунда қизи Гулбаҳор йиғлаб юборди. Онаси ҳам мени ўз ҳолимга қўймай:

– Шу иш сизнинг қўлингиздан келади, Тошкентда сиздан бошқа ёрдам берадиган кишимиз йўқ, – деб оёғини тираб туриб олди. Мен онасига бу иш қўлимдан келиши мумкинлигини, бу билан уларга яхшилик қилган бўлмаслигимни ва келажакда бу иши учун она ҳам пушаймон бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирдим.

– Нима бўлса, пешонамиздан кўрамиз, – деб қизи ҳам гапимизга қўшилди.

– Бўлмаса, икки қулоғингиз билан яхшилаб эшитиб қўйинг,

кейинчалик оқибати ёмон бўлса, мендан ўпкалаб юрманглар, – дедим. Улар рози бўлишди. Шундай қилиб, менинг бошчилигимда Тошкентдаги Хореография билим юртига бориб. Қундуз Миркаримовага учрашдик. Опа менга:

– Мирсодиқ, хафа бўлманглар, ўқишга ўрин тўлиб бўлган, бу йил ололмаيمان, – дедилар. Мен опага илтимос қилиб:

– Жуда бўлмаса, қизимизнинг рақсини бир кўриб қўйинг. Булар менга ишониб, атайин Каттақўрғондан келишган, – дедим.

– Майли, болам, ўзинг дуторда бир шўх куйни чалиб бер, – дедилар.

Шунда ўзим басталаган «Чаққон ўйна» куйини чалиб бердим. Қизимиз рақси билан Қундуз опани ҳам ҳайрон қолдирди.

– Барака топ, қизим, – деб, юбордилар опа. Хуллас, Гулбаҳорни ўқишда олиб қолишди.

Бунақанги ёш, чаққон, айниқса, чиройли раққосаларнинг дарров харидори, ашулачилари топилиб қолади. Шундай ҳам бўлди. Гулбаҳор қизимиз юртимизда аста-секин танилиб келаётган бир ашулачининг кўлига тушиб қолган, кейинчалик қизни ўзи никоҳлаб олиш шарти билан йўлдан уриб қўйган экан. Ашулачи билан ораларида низо чиқиб, қиз ўз жонига қасд қилиб, сирка ичиб қўйиб, 1- шаҳар шифохонасида ётганидан хабар топдим.

Аммам раҳматли уйларига чақириб:

– Онаси етиб келгунга қадар сен бориб хабар ол, балки улбул ёрдам керакдир, – деб илтимос қилдилар.

– Дарров йўлга тушдим. Ётоқхонасига кирганимда, мени кўриб, йиғлаб юборди. Сирканинг асорати оғзидан билиниб турар, товуши ҳам чиқмай қолганди. Безовталаниб ётар, икки кўли эса қорнида. Шунда ҳомиладор эканини сездим. Энди уни уришиб, сўкишнинг фойдаси йўқ эди. Таниш шифокорларга мурожаат қилиб, керакли дори-дармонларни етказиб бердим.

Гулбаҳор аста-секин оёққа турди. Ҳайрият, сирка ичига кам кетган экан.

Хуллас, қизни онасига топширдим.

– Тезда Тошкентдан олиб кетинг, бу сафар ҳам ўжарлик қилманг, энди нима бўлса, пешонангиздан, – деб Каттақўрғонга жўнатиб юбордим.

У ерда Гулбаҳор қиз фарзанд кўриб, фарзандини онасига ташлаб, ўзи ёмон йўлларга кириб кетиб, охири вафот этганини эшитдим.

Кўришганимизда, онаси:

– Агар ўшанда сизнинг гапингизга кирганимда, ҳозир қизим тирик бўларди, – деб хўнграб йиғлаб юборди.

– Менга қаранг, энди йиғидан фойда йўқ. Буёғига набирангизга ҳушёр бўлинг, ўқитиб, ўстириб, тенгини топиб узатсангиз, ана ўшанда қилган хатойингизни ювган бўласиз, – дедим.

Турдихон ая айтганларимни қилиб, набираларини вояга етаказиб, узатишга улгурдилар.

Мана, азизлар, мен бир ҳақиқатни айтдим. Санъат нонини татиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Ниятим: ҳамманинг фарзанди ота-онасининг розилиги билан яшасин. Хулқи-одоби билан барчага ўрнак бўлсин. Шундай ўғил-қизларим борлигидан Оллоҳга беадад шукрлар айтаман. Уларнинг хурсандчиликларини кўриб, узоқ-узоқ яшагимиз келади. Қани эди, набира ва абираларимизнинг тўйларини кўриш бахти ҳам насиб қилса. Инсоннинг орзу-ниятлари чегара билмайди. Мен ота-онамнинг меҳрига тўйганим йўқ. Фарзандларимиз, набира ва абираларимиз дийдоримизга тўйиб-тўйиб яшасин деган умидлар билан умр кечиряпмиз.

Баъзан чуқур хаёлларга чўмиб кетаман: «Нолима! – дейман ўзимга-ўзим. – Қанчадан-қанча орзу-ниятларингга етдинг, ўнлаб тўй-томошалар кўрдинг, гарчи буёғига сенинг умринг етмаса ҳам, шукур қил, орқангда номингни тилга олувчи зурриётларинг бор». Болаларимиз барака топсин, улар ҳам бизларга ўхшаб пиру бадавлат бўлиб юрсин, деб ният қиламан.

2007 йилнинг бошланиши бизнинг хонадонимизга анча қувонч олиб келди. 25 январь куни Миромил ўғлим Солиҳа исмли қиз фарзандли бўлди. 20 февралда Хуршидахон қизим набирали бўлди, биз эса биринчи абира кўрдик.

2008 йил 8 августда аёлим Фирдавсхон 63 ёшни қарши олдилар.

### **Хурсандчилик улашиб...**

Фарзандларим санъатни қалбидан севади. Шунинг учун ҳар йили далабоғимизда оилавий санъат байрами уюштирамиз. Ўғлим Миролим ва қизим Хуршида бу ерда тўйиб-тўйиб хониш қилиб, бизларни қувонтирадилар. Болаларим ва набираларим рақсга тушиб, сира чарчашмайди.



Далабоғимиз атрофи тоғ билан ўралгани учун, қўшиқларнинг садоси тоғларга урилиб қайтади. Аста-секин далабоғимиз атрофида яшовчи қўшнилари тўпланишиб, хурсандчилигимизга шерик бўлишади. Улар ҳам кўтаринки кайфият улашганимиздан миннатдор бўлиб, раҳматлар айтишади.

Атайин ният қилиб, дўлана дарахтига Тошкентдан беланчаклар келтириб илиб қўйганман. Кичкина набираларим мириқиб ухлаб, тоза ҳаводан нафас олишади. У ерда менинг қўлимдан капгир тушмайди.

Далабоғимиз ёнбағрида Янгиобод маркази мавжуд. Бу ерда ҳам уч хонали уйимиз бор. Уйимиз қаршисида спортчилар мажмуаси бўлиб, у ерда, асосан, республика миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақалари бўйича Ватанимиз байроғини дунёнинг турли бурчакларида кўтариб, шон-шарафларга эришадиган ёшлар машқ қилишади. Улар билан ҳам ота-боладек бўлиб кетганмиз. Бир куни бир тўда болалар олдимга келиб салом бердилар-да:

– Амакижон, бугун дўстимиз Қодирнинг туғилган куни, сиз ўзингиз уни алоҳида ёнингизга чақириб, дуо қилинг, – деб сўрашди. – Биз уни қандай қилиб хурсанд қилиш йўлини ўйлаяпмиз, – деб қўшимча қилишди.

Мен уларга:

– Сизларнинг ҳар икки ниятингизни амалга оширишда ёрдам беришим мумкин, – деб айтдим.

Улар хурсанд ҳолда:

– Қандай қилиб? – деб сўрашди. Мен уларга:

– Кеч соат 8 да ҳамма дўстларингизни бошлаб, уйимиз қаршисига келинглари, – дедим.

Юқорида айтганимдек, ўзимиз билан товуш кучайтиргич асбоблар олиб келгандик. Спортчи болалар уйимиз қаршисида тўпланишди. Мен 3 қаватли уйимизнинг балконида туриб, микрофони қўлимга олдим-да, Қодиржонни туғилган куни билан қутлаб, дуо қилдим. Шунингдек, Қодиржон ва унинг дўстлари учун концерт намойиш этишимизни билдирдим. Қизим Хуршида бошловчилик қилди. Ўзи ҳам мириқиб-мириқиб қўшиқлар куйладик, ўйнамаган ҳеч ким қолмади.

– Бу болалар ота-онаси бағридан йироқда бўлиб, уларни соғинишган, – деб, ўғлим Миролимдан «Она» ҳақидаги қўшиқни айтиб беришини сўрадим. Шунда болалар қарсақ чақиб юборишди.

Завқланиб кетган ўғлим микрофонни олди-да, хониш қила бошлади. Болаларнинг кўзларида соғинч ёшлари милтиллагандай бўлди. Ҳушёр қизим Хуршидахон кайфиятни кўтариш мақсадида Миролимдан бир шўх кўшиқ куйлашини сўради. Ўзи ҳам учинчи қаватдан тушиб, болалар билан рақсга тушиб кетди.

Болаларнинг шодлигини кўрсангиз эди...

Савобни ихтиёр этган киши, ҳар қандай шароитда ҳам, кўлидан келган бор имконияти билан нияти томон интилаверади. Баъзилар айтишади: «Пули бор, имкони бор савоб қиладида», – деб, лекин улар адашадилар. Менинг насиҳатим: «Оч кишига бир бурда нон тутишга имкониятнинг йўқ экан. ундан, ҳеч бўлмаса, ширин сўзингни аяма, бу ҳам кўлингдан келмаса, унинг учун сабр ва барака сўра, агар бу ҳам кўлингдан келмаса, ёмонлик қилма!»

Хуллас, болаларим ўз санъатлари билан барчани хушнуд этдилар. Атрофга йиғилган спортчи болалар ва шу ердаги дам олувчилар бизлардан тез-тез келиб туришимизни сўраб қолишди.

Мен уларга:

– Энди, болаларим, қарс икки кўлдан чиқади, тўғрими? Сизлар ҳам спортдаги ютуқларингиз билан юртимиз шарафини ҳимоя қилинг, – дедим.

### Давлатим – онам

Тушларимга суяниб қолдим,  
Тушларимда яшай бошладим.  
Кўзларимни юмганим ҳамон,  
Фақат сизни, сизни ўйладим.  
Рўёларда куйди юрагим,  
Қуш қанотдан ажралган каби.  
Талпинади вужудим нихтаб,  
Номингизни эслаган сарим.  
Тушларимга суяниб қолдим,  
Тушларимда яшай бошладим.  
Тушларимда сақлайсиз сукут,  
Менга боқиб, бир дам куласиз.  
Гоҳ турасиз узоқ термулиб,  
Қанот қоқмай учиб кетасиз.

Тушларимда бераман савол,  
Саволларим ғамгин, дарди бор.  
Кўрган куним номи бахт бўлса,  
Бахт неъматни бунча зиёнкор?  
Сизсиз бошим урилса тошга,  
Сиз айтган бахт менга не даркор?  
Бир кун тушда дуо қилибсиз,  
Мен-ла узоқ суҳбат қурибсиз.  
Сочларимни силаб, эркалаб,  
Юзларимдан аста ўпибсиз.  
Кулмадингиз ўзгалар каби.  
Ҳолдан тойган ҳолимни кўриб.  
Юпатдингиз лом-мим демасдан,  
Ёйиқ сочим бир тутам ўриб.  
Тонгда эса ўзга ғам билан  
Ўзга кунни қарши оламан.  
Гоҳ қоқилиб, интилиб олға,  
Хатолардан сабоқ оламан.  
Ўтар куним турли, ранг-баранг,  
Баъзан бунга чидайман аранг.  
Ота-она ўлмоқлик – мерос,  
Тақдир экан, илож йўқ, аттанг.  
Тушларимга суяниб қолдим,  
Тушларимда яшай бошладим.

*(Шаҳноза Абдураҳмонова)*

Қанча яшашимиз яратганга аён. Ниятимиз: келажакда бизларнинг яхши томонларимизни эслашсин. Ўзидан яхши из қолдирган инсон ўлмайди. Унинг исми кишиларнинг қалбида яхши амаллари орқали авлоддан-авлодга ўтиб яшайверади.

Инсонга ҳаётда яхши келин-куёв насиб этиши ҳам бир олий неъмат. Келин-куёвни эъзозлаш – ота-онанинг бурчи. Шунингдек, ота-оналар ҳам фарзандлари учун ўрناк бўладиган даражада ибрат намунаси бўлишлари керак. Кўп қўни-қўшнилар, дўстлар, қариндош-уруғлар келин ёки куёв танлашда бизларга мурожаат қиладиган бўлиб қолишди. Шундай кезларда уларнинг ишончига кириб, эл олдида юзимиз ёруф бўлганидан қувонаман.

Оиламиздаги келин ва куёвларимиз бир-бировларига меҳрибон, аҳил ҳаёт кечиради. Аёлим Фирдавсхон – мўътабар

инсонларнинг фарзанди. Мен уларни ҳурмат қилиб, эъзозлайман. Фарзандларимдан ҳам оналарини ҳамиша ҳурмат қилишларини талаб қиламан. Далабоғимизга бориб келганимда, ўз қўлим билан гуллар териб, уларни ясашиб, гулдаста қилиб. Фирдавсхонга тухфа этаман.

Бу ҳолатни фарзандларим ҳам кўриб туришади. Менинг назаримда, бу болаларим учун ҳам тарбиявий аҳамиятга эга деб биламан. Ўзим гулларни жуда ҳам севаман, гул совға қилиб, одамларнинг руҳини кўтаришдан завқланаман. Гулларни, табиатни ва шу каби гўзалликларни севадиган киши қўлидан ёмонлик келмайди, деб ўйлайман. Чунки бу неъматларда Оллоҳнинг анча яширин сир-асрорлари борки. буни яқинларингизга гул тутганингизда, уларнинг кўзларида кўрасиз.

Мен келинларимни ҳовлимда очилган гулларга қиёслайман. Бежирим либосларда турмуш ўртоқлари билан аҳил ҳаёт кечиришларини ўйлаган ҳолда, ўзларига меъёрида оро билан қарашларини сўрайман. Набираларим эса мисоли гунча дегим келади.

Онам раҳматли ниҳоятда тозаликни севадиган аёллардан эди. Уйларни озода тутар, уйимизга меҳмонлар ташриф буюрса, дарҳол оёқ-кийимларини ювиб, артиб қўяр эдилар.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Баҳор фасли эди. Хонадонимизга раҳматли Жўраҳон Раҳимов келиб, кўрсатув олди бироз машқ қилиб, қайтиб кетаётганларида, оёқ кийимларининг артиб-суртилганини кўриб, ким бу ишни қилганини сўрадилар. Онам шунда:

– Ҳарҳолда, сизларни эл танийди, кўчада намуна бўлиб юришларингиз керак, – дедилар. Шунда Жўраҳоннинг кўзларига ёш келди:

– Раҳмат, онажон, менинг ҳам онам тирик бўлганларида эди, – дедилар. Сўнгра менга қараб:

– Мирсодиқ, сиз бахтлисиз, чунки онангиз борлар, – дедилар.

Орадан йиллар ўтди, ёшлик даврим қанчалик қийинчиликлар билан ўтганига қарамай, онамнинг ҳаётликларининг ўзи бор давлатим эканини англадим.

Онам раҳматли синиқ, дарз кетган идишларни ахлатга улоқтирар эдилар. Мен ҳам шундай қиламан. Чунки дарзларда кўплаб микроблар тўпланиб қолади.

## Куёв танлаш ҳуқуқи

Ҳар кимга ҳам яхши келин-куёв танлаш ҳуқуқи насиб этсин. Бир куни улфатларимдан бири олдимга маслаҳат сўраб келди.

– Содиқ ака, хонадонимизга қизимизни сўраб совчилар келишяпти. Кўзимизнинг қорачиғи, Оллоҳ бергани шу биттагина қизимиз бор. Баъзи танишларим орасида қизини турмушга бериб, оиласи бузилиб кетганларини кўриб турибман. Бундай воқеаларни эшитиб, ҳамма нарсадан ҳадиксираб қолдик.

Сиз кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, кўпчилик билан мулоқотда бўлгансиз. Маҳалладан суриштирганимиз билан, баъзилар ё гуноҳидан кўрқиб, баъзилар эса билиб-билмай бировлар ҳақида тўғри-нотўғри фикрлар билдиришлари ҳам мумкин. Шунинг учун, сиздан илтимос, куёв билан ўзингиз юзма-юз учрашиб, хулқ-атвори, бир сўз билан айтганда, одобини билиб, синаб берсангиз, – деб илтимос қилди.

Шундай қилдим. Дўстимиз билан куёвнинг иш жойига бордик. Салом-алиқдан сўнг, куёв билан холи қолдиришларини сўрадим. Уни машинамга ўтқазиб, ўзимни таништириб, гапни очикчасига бошладим:

– Сиз билан суҳбат қуришимдан мақсад, айрим саволларимга жавоб олмоқчиман. Албатта, куёв қилмоқчи бўлган инсон ўз фарзандининг бахтини, келажагини ўйлайди. Ахир, турмуш қуриш – нозик масала. Тақдир билан ўйнашиб бўлмайди, – дедим.

– Нима саволларингиз бўлса, сўрайверинг, – деди у ҳам.

Уйланишдан асосий мақсадини билиб олиш учун савол берганимда, у:

– Оила қуриб, ота-онанинг розилиги билан яшаш, кўни-кўшни, қолаверса, маҳалламиз аҳли олдида ибратли куёв бўлиб, келажакда қайнота ва қайнонамнинг ҳам хизматларида бўлиш, ота-онамнинг орзуларини амалга ошириш, – деб жавоб берди.

Биринчи саволимга қониқарли жавоб олдим. Кейин улфатлари ҳақида сўрадим.

– Албатта, ўқишни бирга тамомлаган дўстларим орасидаги келажакка интилиб, ўзи учун тўғри йўлни танлаган, ота-онасини ҳурмат қиладиган, ўзгаларнинг ва меҳнатнинг қадрига етadиган болалардан иборат улфатларим бор.

– Шу ерда кичкина бир савол берсам майлими? Улфатларингиз билан учрашганда, ичимлик-ичкилик дегандай...

– Йўқ, лекин бир-икки дўстларимиз ўзлари билан олиб келишар эди, улардан аста-секин ажралганмиз.

– Табиатни севасизми? – дедим дабдурустан.

– Мен гулларни севаман. Худо хоҳласа, ҳовлимни гуллар билан тўлдириб, чаманзорга айлантирмоқчиман.

– Қайси гулларни кўпроқ яхши кўрасиз?

– Тўғриси, қизил атиргул билан райҳоннинг ҳиди хуш ёқади.

– Охирги саволим: келиннинг оиласи бой-бадавлат бўлишини хоҳлайсизми? Ёки бу борада бошқа фикрингиз борми?

– Менга келиннинг ақлан бой бўлиши, одобли ва фаросатли бўлиши муҳим. Ота-онамни ҳурмат қилса, менга шунинг ўзи кифоя. Билмаганини онамнинг ўзлари ўргатадилар, – деди.

– Жавобларингиз менга ёқди. Энди битта чекиб олсак ҳам бўларди. Бўлса, бир дона узатиб юборинг, – дедим кутилмаганда.

– Узр, мен чекмайман...

Бўлажак куёв имтиҳондан аъло баҳога ўтди. Юз-кўзидан йигитнинг гаплари чин, самимий экани сезилиб турарди. Шундай қилиб, тўйлари ҳам бўлиб ўтди. Ҳозир улар аҳил ва тотув ҳаёт кечиришмоқда.

Яқинларимиз, дўсту биродарларимиз Фирдавсхон ва менадан келин-куёв топишда, совчиликка боришда ҳамроҳ бўлишимизни сўрашади.

Борган жойларимиз бахтини кўриб, бизлар ҳам чексиз қувонамиз, чунки уларнинг тақдир йўлларида, бахту омадларида бизнинг ҳам улушимиз бор.

## Ҳушёрлик

Ҳар бир инсон ҳаётида ҳушёр бўлиб, ўз насибасини териб юриши керак. Акс ҳолда, оғзингизда чайнаб турган ошингизни ҳам олиб қўйишади.

Ўғилларим ва мен автомашиналар савдоси билан шуғулланган вақтларим бу каби ишларнинг кўп марталаб гувоҳи бўлганман. Бурунги вақтларда бировнинг савдосига бошқа савдогарлар сира аралашмас эди. Ҳозирги кунда ҳар бир сотувчининг ўз ёрдамчилари (югурдаги) бўлади. Энди ха-

ридор билан келишиб турган вақтингизда, узоқдан имлаб, харидорни ўз моли томон ундайди. Шу қилган фирромликларига яраша хўжайинлари уларни рағбатлантиради, пул беради.

Бир бозор куни ўғлимга:

– Болам, анча тажрибанг ошиб қолди, энди ўзинг қидириб, насибаси қоладиган автомашина топгин, – дедим.

У ўзи топган «Нексия» автомашинасини менга келиб айтди. Нархи ҳам ёмон эмас эди. Ҳатто бозорда машина савдосининг пири бўлган киши билан маслаҳатлашиб, бу машинадан яхши даромад олиш мумкинлигини билиб келгани ҳақида ҳам қўшимча қилди.

– Ие, автомашина савдосининг пири ким экан? – дедим таажжубланиб. Ўғлим С. исмли одамни тилга олди.

– Роса одамидан маслаҳат олибсан-ку. Кўнглим сезиб турибди, аллақачон машинани унинг ўзи олиб кетаётгандир? – дедим койиниб.

Борсак, айтганимдек ҳолат. С. машина эгасини кўндириб, дарвоза эшиги ёнида кутиб турган экан. Мен ҳам машинага ўтириб олдим ва эгасига биринчи харидор ўғлим экани, у С. дан маслаҳат сўрагани ва мен келгунимга қадар, С. фирромлик билан пайдо бўлганини тушунтирдим. Сотувчи мард одам экан:

– Бўлди, машинамни, албатта, сизга сотаман, – деди ва С. дарвозани ушлаганича қолди. Хуллас, шу автомашинадан яхши даромад кўрдик.

– Кўрдингми, болам, ҳамма вақт ҳушёр бўлгин, бўлмаса, оғзингдаги ошингни ҳам олиб қўядиганлар бор, – дедим.

Шу-шу, катта ўғлим машиналарини ўзи топиб, ўзи сотишни ўрганиб олди. Бир куни саккиз минг км юрган «Нексия» русумли машинани бозорга олиб чиқдик. Икки ўғлим бир иш билан бозордан ташқарига кетишди, мен шу ерда машиналарга қараб турадиган бўлдим. Чунки вақтдан фойдаланиб, айрим нокас рақобатчилар автомашина балонларига мих суқиб кетиши мумкин. Шунинг учун бир одам машиналарини қўриқлаб туриши керак.

Бозорда бошқаларнинг молини сотиб берувчи чаққонлар ҳам топилади. Шулардан бири менинг ёнимга келиб, мана шу «Нексия»га харидор борлигини айтиб, калитни сўради.

– Ҳозир иш пишади, – деб, сотиладиган машинани миниб кетди. Орадан 15 – 20 дақиқа ўтгач, бир харидор билан келиб, савдони пиширди ва нотариусга боришга кўндирди.

Шу вақт ўғлим Миролим укаси билан келиб қолди.

Мен машина сотилгани, энди расмийлаштириб келиш лозимлигини айтдим. Болам дарров машинанинг спидометрига қараб:

– Дада, машинага ким тегди? Орқага қайтарибди-ку! – деди. Харидор ҳайрон бўлиб қолди.

– Акажон, мен сизни алдашни хоҳламайман, машина саккиз минг километр юрган эди. Сизга машинани тавсия қилган одам спидометрига қўл урибди, орқага қайтарибди. Шунинг учун машинани олмасангиз, мен хафа бўлмайман, – деди.

– Барака топинг, ука, ҳалол инсон экансиз. Агар саккиз минг км юрган бўлса ҳам, барибир, шу машинани сотиб оламан. Юринг нотариусга, – деди. Шунингдек, фарзандларимнинг ҳалол савдосини кўриб: “Менинг ҳам фарзандларим сизларга ўхшасин”, – деб ният қилди.

Меҳнат қилишга болалиқдан ўргатсангиз, туртки бўлсангиз, улар йўлини топиб кетади. Ҳеч ким тўғри йўлдан адашмасин деб ният қиламан.

## Кимларнинг авлодимиз?

Инсон бу дунёда яшаб, ўзидан кейинги авлодларга намуна бўладиган из қолдирмоғи лозим деб биламан. Бу борада бо-жамнинг оталари Алихонтўра Соғунийнинг ибратли ҳаётлари, машаққатда ўтказган кунларини эшитиб, беихтиёр ғурурга тўламан.

Бу улуғ инсон ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли Соғуний (1885 – 1976) давлат арбоби, ҳарбий саркарда, олим ва табиб бўлганлар. Ҳозирги Қирғизистон Республикаси ҳудудидаги Тўқмон (қадимги номи Болосағун. «Соғуний» тахаллуси – шунга ишора) шаҳрида туғилганлар. Насл-насаблари – Андижон ўзбекларидан. Макка, Мадина ва Бухоро мадрасаларида билим олганлар. Маҳаллий халқнинг чор ҳукумати сиёсатига қарши чиқиб (1914 йил), кўзғолонларда (1916 йил) фаол иштирок этганлар. Совет ҳокимияти йилларида иккинчи бор муҳожирликка кетгунча (1930 йил) беш марта қатағон қилинганлар. Хитой тасарруфидаги Шарқий Туркистонда тўрт йил сиёсий маҳбус сифатида оғир турма азобларини бошидан кечирганлар.



1944 – 1946 йиллардаги Шарқий Туркистонда миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилганлар. Шу инқилоб натижасида мустақил Шарқий Туркистон Жумҳуриятининг биринчи Президенти бўлганлар. Кейин СССРга зўравонлик билан олиб кетилганлар.

У киши умрларининг сўнги 30 йилини Тошкент шаҳрида ўтказганлар. Мустақиллик курашчиси, Туркистон ўлкасини озод, ҳур диёр сифатида кўришни қалбдан истаган бу буюк инсоннинг юраги 91 ёшида уришдан тўхтади (1976 йил). Аллоҳ у зотни раҳматига олган бўлсин. Алихонтўра ўзларидан катта илмий мерос қолдириб кетганлар.

Соғуний, аввало, ислом дини соҳасида йирик олим бўлганлар. У кишининг «Тарихи Муҳаммадий» асари аввал 1991 йили, кейин 1997 йили чоп этилди. Бундан ташқари, у киши – «Асос ул-ислом» («Ислом асослари»), «Туркистон қайғуси» ва «Шифо ул-илол» («Касалликлар давоси») асарларининг ҳам муаллифи. Олим Амир Темурнинг «Тузуқлар», Аҳмад Донишнинг «Наводир ул-вақое», Ҳерман Вамберининг «Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи» ва Дарвиш Али Чангийнинг «Муסיқа» каби асарларини таржима қилганлар. «Девони Соғуний» номида шеърий тўплам ҳам тузганлар.

Мен шундай мутафаккир олим, табиб ва давлат арбоби, ҳарбий саркарда, халқпарвар, камтарин инсоннинг ўғиллари билан божа бўлганимдан жуда мағрурланаман, улардан ибрат олиб яшашга интиламан. Уларнинг ҳаётида кечирган оғир кунлари бизларга сабоқ бўлиши лозим. Улардан фақат олдинга интилиб яшаш, умид қилиш, сабр-тоқат, матонатни ўрганиш мумкин. Бу эса кишини яшашга ундайди.

Шундай улуғ инсонларни эслаб турган вақтимда, Шаҳнозахон қизимиз набира кўрибди. Бу – бизнинг иккинчи эварамиз. Унга Шоҳина деб исм кўйдик. Ҳаммага ҳам шундай бахтли, шодиёна кунларни кўриш насиб этсин. Бу ҳам Оллоҳнинг бир марҳамати деб биламан. Мўътабар 63 ёшимизда 15 набира, 2 эварага бош бўлишдан ортиқ олий неъмат бўлмаса керак.

## **Савоби жория**

Инсон тиригида амалга оширган эзгу, савоб иши ўлимидан кейин ҳам мудом бошқаларга нафи тегиб турса, бундай савоб савоби жория, яъни оқиб турадиган савоб дейилади.

Доимо биздан олдин ўтган олижаноб инсонларни эслаганимда, уларнинг тириклик чоғларида халққа берган ёрдамларини, кўприк, мадраса, илм маскани ва масжидлар қуриб, ўзларидан яхши из қолдириб кетганларини ўйлаб, улардан ўрнак олгим келади.

Ангрен билан Янгиобод қишлоғи ўртасидаги Дукент тоғи ёнбағрида жойлашган «Қорашбой ота» масжиди 1826 – 1827 йилларда барпо этилган. Масжид учун кетган сарф-харажатларни шу инсоннинг ўзи кўтаргани учун масжид «Қорашбой ота» номи билан аталган. Бу масжид қарийб 150 йилдан бери халқимизга хизмат қилиб келяпти. Масжидга узоқ-яқин манзилга отланган йўловчилар ҳам кириб, намоз ўқиб олиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Оллоҳ у кишидан рози бўлсин. Ҳар намозимиз якунида бу зотнинг ҳақларига дуо қиламиз.

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш байрами муносабати билан, Янгиободда ўзим катта қозонда ош дамлаб, шу ерликларни таклиф этаман. Чунки бу ёруғ дунёда ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз, бир-биримизга ғаниматмиз.

2006 йили ёзги дам олиш мавсумида, кеч соат 6 ларда далабоғ томон кета туриб, бир кекса отахон, кампири, келини ва икки набираси билан тоғ томон кўтарилиб бораётганларини кўрдим.

Машинамни улар томон бурдим. Олдиларида тўхтаб:

– Отахон, қаерга йўл олдингиз? Манзилингизга элиб қўяман, ҳадемай кеч тушиб қолади, қийналиб қоласизлар, – дедим.

– Тўғриси айтсам, борадиган жойимиз йўқ. Бултур ҳам шу ерга келиб, очиқ ҳавода бир кун қолиб, соф ҳаводан ютиниб нафас олиб кетган эдик. Шу ғанимат кунимизни эслаб, яна оиламиз билан келяпмиз, – дедилар.

– Жуда соз иш бўлибди. Унда, юринглар мен билан, бизнинг далабоғимизда қоласизлар, – дедим.

– Қандай бўлар экан, сизни безовта қилиб қўямиз-да, – дейишди.

Хижолат бўлмасликларини айтиб, далабоғимизга бошлаб бордим. “Агар жойимиз ёқиб қолса, неча кун бўлса ҳам, дам олишингиз мумкин”, – дедим.

Отахон далабоғимизни айланиб:

– Бу ер жаннатмакон жойлар экан, – дедилар.

– Бемалол, ўзингизни ўз уйингиздагидай ҳис қилиб дам олишингиз мумкин. Бу жойлар кимлардан қолиб, бизларнинг ихтиёримизга ўтган. Бизлардан ҳам бир кун қолиб кетади. Шунинг учун сизлар ҳам шу ердан баҳраманд бўлинглар, – деб, қаерда нима нарсалар туришини кўрсатиб, ўзим Янгиободдаги уйимга кетдим.

Эртасига пешиндан сўнг хабар олай, балки уларга заруриятли бирор нарса керакдир деб борсам, ҳаммаёқни чиннидай қилиб, ҳатто ҳовлини бегона ўтлардан ҳам тозалаб қўйишибди.

Далабоғимизга мисли бир файз кириб келибди. Мени кўриб хурсанд бўлишди. Тушлиқдан сўнг Тошкентга қайтиш ниятларини айтишди. Бирга тушлиқ қилдик. Миннатдорлик билдириб, дуолар ўқишди. Уларни ўзим Ангренгача кузатиб қўйдим. Далабоғимиздаги қулупнайлардан ҳам бериб юбордим. Июнь ойининг ўрталарига бориб, одатда, Тошкентда қулупнай тугайди. Бу ерда эса энди пиша бошлаган бўлади.

Илоҳим, доимо йўлимизда шундай қалби пок, меҳнаткаш, тўғри инсонлар билан учрашиш насиб этсин.

### **Мен ўзимни таништирдим**

Инсон ўзини чалғитиб, кўнглини кўтариб юрмаса, сиқилиб, эски ташвишлари, ғамлари ёдига тушиб, соғлиғига ҳам путур етиб қолиши ҳеч гап эмас. Инсонларга яхши кайфият улашиш – бу ҳам яхши фазилат.

Шунинг учун одамларга ўзимнинг бошимдан ўтказган қизиқ-қизиқ ҳангомаларни айтиб, уларнинг ҳам кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиб юраман.

Кунлардан бир куни «Жигули» русумли автомашинамда еттита уй иситгич радиатор олиб келаётган эдим. Хадрадан ўтаётганимда, қулоғимга ИПХ ходимининг ҳуштаги эшитилгандай бўлди. У мен учун чалинганини сира пайқамабман. «Чорсу» бекати олдидан ўтаётганимда, йўл қоидасини назорат қилиб турган бошқа бир ИПХ ходими машинамни тўхтатиб, чест бериб, ўзини «Катта лейтенант Кенжаев» деб таништирди. Мен ҳам унга қўл узатиб, «Эргашев» деб ўзимни таништирдим. У бироз ўйланиб қолди-да, кейин:

– Кимлари бўласиз? – деб сўради.

– Бу вазиятда мен ўз амакимнинг номларини сотсам, уят бўлади, – дедим.

– Биз ҳам билиб қўяйлик, балки бир-биримизга керак бўлиб қолишимиз мумкин, – деди.

– Бўлмаса, билиб қўйинг: жиянлари бўламан, – деб жавоб қилдим. Шунда у бояги тўхтамай ўтганим сабабли машинам рақамини узатган аввалги ИПХ ходимига уланиб:

– Тезда ёнимга кел, иш чиқиб қолди, – деб чақиртирди. Бир зумда бояги ИПХ ходими ёнимизга етиб келди.

– Сенга тўхтамай ўтган бу йигит Қудрат Эргашевнинг номи-ни сотиб, «жияни бўламан» деяпти. Бунинг бир адабини бериб қўйиш керак. – деб текширишга тушиб кетди.

– Кечирасиз, Қудрат Эргашев ким? Мен уларни танимайман, – десам:

– Наҳотки, ички ишлар вазирини танимасанг? Бўлмаса, қайси Эргашевнинг жиянисан? – деб сўрашди.

– Мен Шокиржон Эргашевнинг жияниман. Хоҳласангиз, текшириб кўришингиз мумкин, – дедим.

– Шокиржон Эргашев деганинг ким ўзи? – дейишди.

– Суф сизларга, Ўзбекистондаги ягона радио қошидаги мақом ансамблининг яккахон ҳофизи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шокиржон Эргашевни танимайдиган одамлар билан гаплашиб, вақтимни бекорга ўтказиб ўтирибман-а. Сизлар билан гаплашишнинг ўрни йўқ экан, – деб кетиб қолдим.

Кейинчалик, ички ишлар, хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларига концерт қўйиб берганимизда, бир неча бор шу ҳодисани айтиб бериб кулдирганман.

## Устоз эъзози

Ҳаётимда чин қалбидан устозининг ҳурматини жойига қўйиб ардоқлайдиган, қолаверса, отаси қаторида кўриб, унга фарзанд каби хизмат қиладиган шогирдлар борлигининг гувоҳи бўлдим. Шундай шогирдлардан бири – тарихчи олим, эл ҳурматини қозонган хонанда, ҳурматли Ҳожиакбар Ҳамидов бўладилар. Тўғриси айтсам, устозни эъзозлаш, ардоқлашни, мендан ёши кичикроқ бўлса ҳам, укамиз Ҳожиакбардан ибрат олиб, ўз устозим Ғуломжон Қўчқоровни ҳам аввалгидан кўпроқ

муҳаббат билан ардоқлашга ҳаракат қиладиган бўлдим десам, муболаға бўлмайди.

Ҳожиакбар Ҳамидов устоз деб ардоқлаган лирик ҳофиз – ўз даврида деярли ягона бўлган Фахриддин Умаровнинг мухлис ва шинавандалари миллионлаб эди. Кўплар яхши ният билан тўйларида шу ҳофиз иштирок этишини исташарди. Ўзини ҳурмат қилган ҳофиз обрўси, соғлиғини кўзлаган ҳолда иш тутади. Буни тушунган шогирд Ҳожиакбар устозини қўллаб-қувватлашга, у кишини чарчатмасликка ҳаракат қилиб, уларнинг ҳар қандай хизматларига тайёр турарди. Ваҳоланки, Ҳожиакбарнинг ҳам ўзига яраша минг-минглаб мухлислари, шинавандалари бор. Ҳатто кўпчилик у кишининг бўш вақтига мослаб тўй кунини белгиларди. Шундай бўлса-да, у доимо устози ёнида бўлишга ҳаракат қиларди.

Бу йигит билан яқин бўлганим учун кўплаб мухлислар уни мен орқали тантаналарга таклиф қилишган ҳоллари кўп бўлган. Биринчидан, унинг ўзига хос овози, санъатини ҳурмат қилишса, иккинчидан, унинг берган ваъдаси устидан, албатта, чиқишини, шунингдек, ўз устозига камдан-кам шогирдларда учрайдиган даражадаги садоқатини, қолаверса, меҳнат ҳақи масаласида ҳам кишиларнинг моддий аҳволини инобатга олиб, уларга ён босишини яхши биламан. Менинг назаримда, шу фазилатлари орқали ҳам катта ҳурматга лойиқ бўлганлар. У инсон оиласига ўта меҳрибон, яхши ота ҳамда яхши бобо. Мана, салкам 40 йилдан бери элнинг хизматида, эътибори ва эъзозида бўлиб келмоқдалар.

Кейинги йилларда етишиб чиқаётган кўплаб санъаткор йигит-қизларимиз ўз ижоди ва ҳаёт йўлларида ана шундай инсонлардан ўрнак олишса, ёмон бўлмасди.

«Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар», деган гап бекорга айтилмаган. Ўзбек мумтоз қўшиқчилиги ривожига муносиб ҳисса қўшган раҳматли Асқар Убайдуллаев ўз даврида Фахриддин Умаровга ҳам устозлик қилган. Замон зайли билан Асқар Убайдуллаевнинг фарзандлари Рустамжон Убайдуллаев ҳам Фахриддин Умаровнинг ҳақиқий, оқибатли шогирдларидан бўлиб етишиб чиқди. Мен уни покиза, чарчоқ билмайдиган, ўзини қийинчиликлардан олиб қочмайдиган вафодор шогирдларидан дегим келади. Инсонни сафарда кўпроқ синаса бўлади, дейдилар. Рустамжон укамиз билан санъат туфайли бормаган туман ва шаҳарлар кам қолган. Асосий

мақсадимиз санъатимизни халққа намоиш этиш, мухлислар орттириб, уларнинг олқишларига сазовор бўлиб юриш эди. Шу туфайли Фахриддин аканинг гапларидан чиқмасдан, у кишига мадад бўлиб юридик. Ширин овоз соҳиби бўлган Рустамжон устозга қўшилиб хониш қилиб, керак бўлса, қўшиқнинг авжида ҳам доимо жўровоз бўлиб келарди.

Устозимизнинг севимли шогирдларидан яна бири Абдулҳамид Султонов эди. Улар ҳам устоз йўлларида юриб, халқнинг олқишига сазовор бўлдилар. Катта концертларда, телевидение орқали чиқишлар ва тўйларда у киши билан ҳамроҳ бўлганмиз. Улардан Оллоҳ рози бўлсин.

Ҳатто қўшни Тожикистон хонандалари: Жўрабек Набиев, Жўрабек Муродовлар Фахриддин акани устоз деб ардоқлаб, гастролларга бориб қолганимизда, эртаю кеч биздан хабардор бўлиб туришарди.

Айниқса, Жўрабек Муродов устозни эъзозлашни ўрнига қўярди. Тожикистонга гастрол сафарига борганларимизда шунинг гувоҳи бўлдимки, халқ артисти деган юксак унвоннинг соҳиби Жўрабек Муродовнинг шахсан ўзи «Чайка» русумли автомашинасида бизни аэропортда кутиб олиб, меҳмонхонага, концертларга олиб борар ва гастрол охригача ёнимизда бўлишга ҳаракат қиларди.

### **«Яхши ният – ярим мол»**

Ҳар қандай ҳақиқий, ҳалол, пок меҳнат ўз маҳсулини кўрсатади. Катта ўғлим Миролим 2006 йил декабр ойида онаси билан Ҳаж сафарига йўл олиб, 2007 йил 6 январда ҳожи бўлиб қайтишди. Мен учун бу дунёдаги энг катта орзу-умидларимдан бири эди.

Яхши ният қилиб, ўшанга астойдил ҳаракат қилсангиз, Оллоҳ қабул қилар экан. Уч қизимни ҳам Маккага, яъни қадр кечасига олиб бориб, зиёрат қилиб келишини олдимга мақсад қилиб қўйдим.

2007 йил сентябр-октябр ойларига тўғри келган рўза вақтида бу ниятларимиз ҳам амалга ошди. Шундай улуғ, табаррук кунларда борган эканмизки, ким шу йили, шу вақтда Умрага борган бўлса, ҳожи билан баробар бўлар экан. Оллоҳнинг ризолигида барча амалларни бажариш шарафига муяссар бўлдик.

Қилган ибодатларимизни Яратганнинг ўзи даргоҳида қабул қилган бўлсин.

Тошкент аэропортида бизларни қудалар, фарзандларим ва набираларимиз хурсандлик билан кутиб олишди. Машинани катта ўғлим Миролим бошқарар экан, шаҳарни айланиб, Назарбекдаги маҳалламизга кириб бораётганимизда, кўчаларга қўшимча асфальт ётқизишиб, таъмирланганини кўриб, жуда хурсанд бўлиб кетдим. Кейин билсам, менинг ҳар йили қиладиган ишимни ўғлим бажариб қўйибди.

Ҳамманинг ҳам фарзандлари ўз Ватанини севадиган комил инсон бўлиб вояга етсин, деб ният қилдим. Бундай фарзандларнинг Ватан равнақиға ҳиссаси қўшилиб бораверсин.

Мана, Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсат натижасида тадбиркорликка кенг йўл очиш, тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятиға халал бераётган тўсиқларни бартараф этиш, давлат дастуриға кўра, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятиға аралашуви кескин қисқартирилиши масалаларига алоҳида урғу берилганлиги айни муддао бўлди. Ҳар йилнинг ўзига яраша номланиши ва шу орқали юртимизда ҳеч бир соҳа борасида оқсоқланиб қолишға йўл қўймаслик чоралари кўрилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бу юртимизнинг дунё миқёсидаги ривожланиш даражасида олдинға силжиши қулай ва тўғри йўл, деб биламан. Ахир, изланаётган фарзандлар кимнинг боласи, қайси давлатнинг фуқароси? Ўзимизники эмасми? Дунё миқёсида энг ривожланган давлатларнинг йўлини тутиб, изланувчиларға фақат имкониятлар бериш, ҳатто бошланғич сармойани шакллантиришға кредитлар ажратиш, ёш авлоднинг биздан ҳам бахтлироқ яшашлари борасида уларға очиб берилаётган имкониятлар, билим масканлари, спорт иншоотлари, давр талабидаги соғломлаштириш клиникалари, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бунинг яққол далилидир.

Ҳукуматимиз томонидан кам таъминланган, ногирон ҳамда ижтимоий ҳимояға муҳтож оилаларға кўрсатилаётган ёрдам ҳам халқимизнинг яхши яшаш ҳуқуқиға эға эканини амалда ифодаловчи яққол мисолдир.

Фарзандларим – тадбиркор. Базан уларнинг ишиға халақит қиладиган, қўлларида қалбаки ҳужжатлар билан тек-

шир-текширлар уюштириб, турли баҳоналарни рўқач қилиб, порахўрликни ўзларига касб қилиб олган кимсалар ҳам топилади. Аммо ишингизда ҳалол бўлсангиз, ўз ҳуқуқингизни яхши билган ҳолда иш тутсангиз, албатта, барча орзу-ниятларингизга эришасиз.

## Яхшилик унутилмайди

Эрта баҳор кунларининг бирида далабоғимиз томон ўтадиган йўлни ёмғир жаласи ювиб кетди. Йўл бузилгани учун, боққа бошқа, яъни касалхона томон борадиган кўприк орқали боришимга тўғри келди. Бу кўприк ўта тор бўлиб, ундан фақат «Тико» машинасигина ўтиши мумкин эди. Шу кўприқдан ўтаётган вақтимда, кўприк ўртасида атлас кўйлак кийган бир ёш аёл ўзини сувга ташламоқчи бўлиб турганини пайқаб қолдим.

Аёлнинг ёнида 3 – 4 ёшлардаги боласи ҳам бор эди. Бола кўрқувданми ёки онасининг мудҳиш ниятини сезганми, уввос солиб йиғлар, гоҳи-гоҳида онасининг этагидан тортар эди.

Мен аста-секин машинани улар томонга яқинлаштирдим. Аёлнинг кўйлагидан маҳкам ушлаб, қўйиб юбормасликка ҳаракат қила туриб, дедим:

– Сизга айтадиган муҳим гапим бор!

Аёл эса менга қараб:

– Амаки, мени қўйиб юборинг, мен яшашни истамайман, бардошим қолмади, бундай яшаш жонимга тегди, – деб тирчиллаб, қўлимдан чиқиб кетишга ҳаракат қилар, боласи эса менинг оёғимга ёпишиб олиб, «онамни қутқариб беринг», дегандай жовдирарди.

Очиғи, менинг ўзим ҳам бундай кутилмаган ҳодисадан таҳликага тушиб қолгандим. Аёлга қараб:

– Бир дақиқа менинг гапимни эшитинг! Қилаётган ишингиз ҳеч бир мантиққа тўғри келмайди. Оллоҳдан қўрқинг! Катта гуноҳ иш қиляпсиз, дўзахга тушасиз. Менинг гапимга кулоқ солинг, балки ёрдамим тегиб қолар, – деб, бир амаллаб онаболани машинага ўтказдим. Аёл ва боласи йиғидан тўхтаб, ўзига келгунча вақт бердим. Сўнгра ўз жонига қасд қилмоқчи бўлганининг сабабини сўрадим.

– Амакижон, икки кундан бери очмиз, кўчада ётибмиз. Эрим ичиб олиб, уйдан қувиб юборди, борар жойимиз йўқ. Менинг



қариндош-уруғ, ёру биродарларим йўқ, ўзим ёлғизман. Шунинг учун бу йўлни танлашга мажбур бўлдим. Мени бекор олиб қолдингиз, – деди.

– Фарзандингиз-чи? У тўғрисида ўйламадингизми? Унинг келажаги нима бўлади?

– У ўғил бола, бирор кимса боқиб олар. Мен ўйлаган тақдиримда ҳам, барибир, уни боқа олмайман, имкониятим йўқ, – деб яна йиғлаб юборди.

– Агар мен сизга бошпана топишда ёрдам берсам, бу разил фикрингиздан қайтасизми? – дедим.

– Амакижон, мен бунақа оғзаки куруқ гапларнинг кўпини эшитганман. Қўлингиздан келмайди. Мен ҳеч кимга ишонмайман, – деб туриб олди.

Шунда шу қишлоқлик жуда мурувватпеша ва софдил Рустамжон исмли укамиз эсимга тушиб қолди. Машинани тўғри ўша ёққа ҳайдадим.

Рустамжонга бор воқеаларни сўзлаб бердим.

Рустамжон:

– Менинг синглим – уй-жой ширкати бошлиғи, бирор чорасини ўйлаб кўрармиз, – деди.

Умид билан йўлга тушдик. Синглиси иш жойида экан. Унга ҳам бўлган воқеани батафсил айтиб бердик, вақтинча бўлса ҳам, бошпана топиб беришини сўрадик.

Синглиси:

– Битта икки хонали уй бор. Кечагина бу хонадон эгаси икки йилдан бери коммунал тўловларини тўламагани учун, ўз аризасига биноан хонадонни ширкат ихтиёрига топширди. Агар шу икки йиллик тўловларини тўлаш имконияти бўлса, мен шу аёлга квартирани расмийлаштириб беришим мумкин, – деди.

Рустамжон олдимизда бу пулларни ҳисоблаб чиқди. Ҳар тугул, ёнимдаги пуллар етди. Ҳужжатларни расмийлаштириб, аёлга уй калитини топширишди. Дукент қишлоғида шу йиллари кўп уйлар бўш қолиб, ана шундай ёрдам бериш имкониятлари бўлган эди. Ҳаммамиз хурсанд бўлиб кетдик. Айниқса, ёш аёлнинг қувончи ичига сиғмасди. Аёл бир йиғлар, бир кулар экан, менга қараб:

– Амакижон, бу тушимми ёки ўнгимми? Ҳеч ишонгим келмаяпти, – деди.

– Ана, қизим, катталарнинг гапига қулоқ солиш, сабр-тоқат қилиш керак, – деб турганимда, Рустамжон унга қараб:

– Болангизни боғчага жойлаб қўйишимиз мумкин, келинойингиз боғча мудираси бўлиб ишлайди, – деди. Бир кунда бу ёш аёлнинг муаммолари ҳал бўлди-қолди.

Ҳақиқатан ҳам, Ангрен шаҳрида бир муддат кўп қаватли уйлар бўшаб қолди. Эшик, дераза, ванналарини кўчириб кетишган, шаҳар хувиллаб қолган, ишсиз кишилар кўпайган вақтлар эди. Ўша вақтларда болаларим Тошкентда кичик цехлар очиб, у ерда вафли, конфет, печеньелар ишлаб чиқариб, халқимиз дастурхонига етказиб беришарди. Ангрен шаҳрига тез-тез келганим учун ҳар гал шу маҳсулотлардан машинамга сиққанича олиб келиб, кўлида сармояси, маблағлари йўқ, янги иш бошлаётган кишиларга сотиб бериш учун тарқатиб, пулини янги маҳсулот билан келганимда олиб кетардим. Иш бошловчилар сони ўндан ошиб, кўплари шу тариқа ўз йўллари топиб, менга раҳматлар айтишди. Уларнинг қозони қайнашига сабабчи бўлиб қолганимдан хурсанд бўлиб юрдим. Ахир, ёшлигимда менга ҳам дўкон мудираси Холида опа ва бошқалар ёрдам берган эди-ку. Наҳотки, бу кунларни унутсам «Қайтар дунё», деб шуни айтсалар керак.

### Яхшилик унутилмайди?

Орадан йиллар ўтди. Далабоғимизга Тошкентдан меҳмонлар келадиган бўлиб қолишди. Меҳмонларни яхши кутиб олиш мақсадида қайним билан бозорга йўл олдик. Қайним менга: «Оёгингиз оғрийди, кўп юролмайсиз», – деб кўярда-қўймай машинада қолдириб, ўзи харажат қилгани бозор ичига кириб кетди.

Беҳос йўлнинг у бетидаги «Жигули» машинасига кўзим тушди. Машина ичида ўтирган аёл икки кўлини кўксига қўйиб, алланималарнидир гапирар, қайта-қайта бошини эгиб, менга миннатдорлик билдирарди. Аввалига ҳайрон бўлдим. Кўзим аввалгидай тиниқ кўрмайди, тикилиброқ қарадим-да, кейин танидим.

«Наҳотки, ўша аёл бўлса?» – деб ўйладим. – «Унда нега менинг олдимга келиб, сўрашиб кетмаяпти? Ахир, орамиздаги масофа беш-олти қадам-ку», – деб тургандимда, бозор-ўчар қилиб, машина томонга келаётган ота-болага кўзим тушди. Йигит машинага ўтирар чоғида, аёл мени кўрсатиб, бир нималар деди. Назаримда, мен ҳақимда гапирди.

Йигит олдимга югуриб келиб:

– Илтимос, машинангиздан тушсангиз, сизни бир кучоқласам. Наҳотки, бизнинг оиламизга хаёт бахшида этган одам сиз бўласиз? Сиз ҳақингизда келинингиз кўп гапирарди. Мана, ўзингизни кўриш шарафига ҳам муяссар бўлдим. Сизни учратганимдан бениҳоя хурсандман. Энди гап бундай. Меникига йўл олайлик, азиз меҳмоним бўлинг, бафуржа гаплашиб ўтирамыз.

Ўн йил турмуш қуриб, биринчи оиламдан фарзанд кўрмадим. Шу аёлга уйландим. Фарзанд кўриш арафасидамиз. Шунинг учун аёлимнинг машинадан тушмаслигини сўрагандим, – деди.

Ҳаммасини тушундим. Сабр қилиш бу ерда ҳам иш берди.

– Ҳожи ака, сизни оила аъзоларимга рўпара қилганидан Яратганга шукроналар айтаман. Биз сизни доим дуо қиламыз, сизга ўхшаган саховатпеша инсонлар кўпайишини Яратгандан сўраймиз. Бугун иложингиз йўқ экан, манзилингиз ва телефон рақамингизни қолдиринг, сиз билан ҳали кўп учрашамиз, – деб қолди.

Телефон рақамим ва уй манзилимни бердим.

## Юқоридагига ўхшаш яна бир воқеа

Ангреннинг марказий кўчаларидан кетаётган вақтимда, бир ёшгина ҳомиладор аёл машинани тўхтатиш учун қўл кўтарди. Мен аввалига аёлнинг ой-куни яқинлашиб қолган бўлса, туғруқхонага элтиб қўйишимни сўраса керак, деб ўйладим. Машинани тўхтатишим билан, аёл олд ўриндиққа ўтириб олиб, йиғлай бошлади.

– Амакижон, менга ёрдам беринг, қорним жуда оч, анчадан бери туз тотганим йўқ. Қорнимдаги болам безовталаняпти, – деди.

Дарҳол уни шу атрофдаги ошхонага олиб бориб, овқатлантирдим. Кейин ёшини сўрасам, 16 да экан.

– Бунча ёш турмушга чиқмасанг? – дедим.

– Дунёда номард йигитлар бўлар экан. Тўғриси, алданиб қолдим. «Россияга бориб, пул ишлаб келаман», деб мени ташлаб кетганига, мана, олти ой бўлди. Ҳанузгача ундан дарак йўқ. Хуллас, боши берк кўчага кириб қолдим. Нима қилишимни билмайман. Отам ҳам иш қидириб кетганлар. Онам эса мен-

дан қаттиқ хафа, чунки уларнинг розилигисиз шу ҳолга тушиб қолдим, – деди.

– Менинг гапимга қулоқ сол, ҳозир мен сени онангнинг олди-га олиб бораман. Сизларни яраштириб қўяман. Онангдан менинг олдимда узр сўрайсан. У сени кечиради, – дедим.

Шундай бўлди.

Мен чўнтагимда бор пулимни онасига бердим. Онаси мени дуо қила бошлади. Қилган ишимдан хурсанд бўлиб, уйга қайтиб кетдим.

Муҳтарам ўқувчи! Ҳаммангиз биласизларки, қилган эзгу ишларни ошкор қилиш шарт эмас. Халқимизда «Ўнг қўлинг билан берганингни, чап қўлинг билмасин», деган ажойиб нақл бор. Аммо киши ҳаётида содир бўлган мусибатли ва қийин ҳолатларда сабр эвазига эришиши мумкин бўлган буюк неъмат ажри борлиги ҳақиқат эканини, бошидан кечирганларини ибрат учун ёзса, гуноҳ бўлмаса керак. Сизлар мени тўғри тушунасизлар, деб ўйлайман.

Бандамиз, ҳаммамиз бир кунмас-бир кун

Ҳақиқий дунёга сафар этамиз.

Шундайми, бир-бирни ранжитиб бу кун,

Кўнгилни оғритиб, нима қиламиз?!

## Санъатдаги ғирромликлар

Т. Х. деган кимса забардаст бастакор Дони Зокировнинг ўрнини эгаллаб, кўп нобоп ишлар қилди. Унинг асосий мақсади Ўзбекистон халқ артисти унвонини олиш эди. Аввалига «Марҳабо, талантлар» кўрик-танловида ҳайъат аъзоси бўлиб, кўпчиликка совринли ўрин олиб беришни ваъда қилиб, уни рағбатлантирган шахсларга асосий совринларни сотди. Албатта, у ҳаром пулларни тепадаги ҳимоячилари билан бўлишган. Оқибатда кўплаб чинакам истеъдод эгалари қолиб кетди. Ҳар хил қинғир йўллар билан бўлса ҳам пул топиб, ўзини ҳимоя қилувчи катта лавозим эгалари бўлган шерикларининг томоғини мойлаш усулини ўрганиб олди. Атрофига ўзининг ниятини рўёбга чиқарадиган созандаларни тўплади. Уларга қўрқмасдан унвонлар олиб беришни ҳам ваъда қилди. Дони Зокиров устига бўҳтонлар ёғдирди, юмалоқ хатлар уюш-

тирди. Охири Дони Зокиров ишдан олиниб, ўрнига Т. Х. тайинланди. Бу ноҳақликларга чидай олмай, улуғ бастакор, уста дирижёр, ҳақиқий устоз Дони Зокиров оламдан кўз юмди. Т. Х. ҳатто Дони аканинг дафн маросимига ҳам келмади. Агар мана шу ноҳақлик бўлмаганида эди, Дони Зокиров халқимиз учун ҳали кўп асарлар ёзган бўларди. Чунки у айна ижодий баркамоллик ёшида эди.

Дони Зокиров мусиқалари халқимиз юрагида абадий сақланиб қолади. Шахсан мен Дони акадек устоздан шогирд сифатида жуда миннатдорман. Мени дутор чалишга рағбатлантириб:

– Дуторда жуда кўп очилмаган қирралар бор, келажақда сизлардан кейинги авлодларга бой мерос қолиши керак, – деб уқтирар эдилар.

Илоҳим, бу устозимнинг жойлари жаннатда бўлсин.

Т. Х. даврида оркестримиз учга бўлиниб, тарафма-тараф бўлиб кетди. Ким Т. Х. нинг кўнглини олса, ўшанинг ошиғи олчи эди. Кимни телевизорда чиқаргиси келса, у билан келишиб олиб, чиқараверарди. Радио тасмаларига ёзилиш фақат унинг имзоси билан рўёбга чиқадиغان бўлди. Ашулачилар тўйларга фақат Т. Х. нинг розилиги билан боришадиган бўлиб қолди. Оркестр созандаларининг ойлик маошларидан ҳам чегириб қолиш одат тусига кирди.

Эй, сен, Виждон! Кўзларинг юмуқ,  
Керак чоғинг қайда бўласан?  
Кеч бўлганда кўкрагинг кериб,  
Дилгинамни вайрон этасан.  
Қўрқасанми, нафс йўлинг тўсса?  
Ҳатто исминг айтиб қўймасан.  
Нечун ҳолдан тойган ҳолимда,  
Йиғлоқ қалбим ҳадеб ўртайсан.  
Мен кимлигим била олмадим,  
Гоҳ бадбахтман, гоҳи фаришта.  
Ё сен, виждон, ўз йўлингни тут!  
Ё ташлаб кет нафснинг қошига.

*(Шаҳноза Абдурахмонова)*

## Келинг, бироз кулишайлик

Улфатларимиз ичида Абулқосим Тўйчиев деган бир инсон борлиги ҳақида айтган эдим. Уларнинг қизиқчилик фаолиятларидан бир-иккитасини сизларга айтиб, яхши кайфият улашмоқчиман. Тўйлар қизиган бир вақтда «Кўкча» маҳалласида ўзига тўқ бир оила хатна тўйи базмини бошлаб, кўпгина меҳмонларни тўплаган эди. Ўртани Абулқосим олиб бораётган эдилар. Тўйни очиш рухсати текканидан кейин, Абулқосим ака микрофон томон юрдилар. Микрофончи укамиз аппаратини созлар экан, микрофонни оғзига тутиб: «Бир, бир, бир, бир...» деяётган эди. Абулқосим ака қўлларига микрофонни олиб:

– Болам, бунақада ҳеч биринг икки бўлмайти, – дедилар.

Шунақанги кулги бошландики, шу сўзлари туфайли тўйга файз кириб, барчанинг кайфияти кўтарилди. Тўйни яқунлаш арафасида Абулқосим ака микрофончига:

– Укажон, яна тўйларда учрашиб қолсак, жўрттага бўлса ҳам, аппаратингни бузиб қўйгин, – деган эдилар, гурр этиб яна кулгу кўтарилди.

Шундай тўйларнинг бирида ўртани Абулқосим аканинг укалари Эркин Тўйчиев олиб бораётган эдилар. Раҳматли Фаражилло акамиз Эркин акадан:

– Менинг эшитишимга қараганда, акангизнинг ўзлари ўртани олиб боришлари керак эди. Қани ўзлари? Бу тўйдан ҳам қуюқроқ жойлари чиқиб қолдими? – деб сўраб қолдилар. Раҳматли Эркин ака борини айтдилар:

– Андижонда акамнинг энг яқин дўстлари тўсатдан тўй бошлаб қўйибди. Ҳатто бориш-келиш учун самолёт чипталарини ҳам ташлаб кетибди. Шунинг учун бу тўйни менга ишониб, ўзлари ўша ёққа кетдилар, – дедилар.

Фаражулло акамиз савол ёғдиришни тўхтатмадилар:

– Гапингизга қараганда, Андижонга кетишга қайси, қайтишга қайси самолётга чипта олиб берганларидан ҳам хабардорсиз-а?

– Кетишларига «ЯК» самалоётига, қайтишларига «АН» самолётига, – деб жавоб қилдилар Эркин Тўйчиев.

Фаражулло ака Эркин Тўйчиевнинг шу гапини ушлаб олдику:

– Мен тушундим, акангизнинг ниятлари бир «ЯКАН»лик бўлиш экан-да, тўғрими? – десалар, бирданига қаттиқ кулгу

кўтарилиб кетди. Чунки санъаткорлар «якан» деб пулни айтишарди.

## Миш-мишлар

Раҳматли Фаҳриддин Умаров ҳаётлик чоғларида улар билан кўп маротабалаб суҳбатлашардик. Улар ҳақларида халқ орасида ҳар хил миш-мишлар юрар эди. Суҳбатларимиз чоғида кўп савол бериб, шу гапларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини билиб олар эдим. Бир сафар:

– Сизни итларга қизиқади дейшади, шу гап ростми? – деб сўрадим.

– Итга қизиқишимнинг бошланиши бундай бўлган, – деб устоз гап бошладилар. – Қиш вақтида, ҳозирги Пиллачилик институти орқасида бир яқин дўстим хатна тўйи муносабати билан базм берди. Ўзингиз биласиз, олдин санъаткор базми ўтказиб, эрта наҳорда ош ҳам хизмат қилиши шарт эди. Наҳорги ошни ўтказиб бўлганимиздан кейин, тўй эгаси шу атрофда кўп одамлар йиғилиб, катта ит уриштириш бўлишини айтиб қолди. Мен ҳам қизиқиб, ит уриштирилаётган жойга бордим. Ҳақиқатан ҳам, номи чиққан баҳайбат итни кичкина, сиртлон билан чатишган ит билан уриштирамоқчи бўлиб туришган экан. Мени таниган ит ишқибозлари:

– Фаҳриддин ака, сиз қайси ит томонини оласиз? – дейишган эди, мен иккиланмасдан:

– Шу кичкина ит янчади, – дедим. Кўп одамлар мени мазах қилиб кулгандай бўлишди. Мен бу итни сиртлондан чатиштирилганини, тўртта оёғи оқ рангли бўлиб, тумшуғи ва думининг учи ҳам оқ эканини, жаҳли эса жуда ёмон бўлишини айтиб бердим. Баъзи ит ишқибозлари:

– Ҳозир мақтаётган итингизни шу баҳайбат ит ютиб юбориши мумкин-ку, – дейишганди, уларга қараб:

– Ҳали кўрасиз, айтган гапим тўғри чиқади, – дедим.

Ит уриштириш бошланиб кетди. Олдинига баҳайбат ит биз мўлжаллаган итни роса қийноққа солди. Одамлар бир итларга ва бир менга қараб қўйишар эди. Кичкина итнинг обдон жаҳли чиққач, баҳайбат итнинг нозик жойидан тишлаб олиб, то рақибинграб, хуриб юбормагунча, тишлаган жойини қўйиб юбормади. Шунда баҳайбат итнинг эгаси олишувни тўхтатиш керакли-

гини билдирди. Итнинг оғзига чўп тиқиб, зўрға ажратиб олишди. Мен шу кичкина итнинг томонида бўлганим учун, «Фахриддин аканинг ити ютди», деган гап тарқаб кетган. Бу кичкина ит кейинчалик ҳам кўп итларни қийратган. Вақти келганда ўзи ҳам енгилган. Шунда «Фахриддин аканинг ити ютқазди», деган гап тарқалган.

Шундан сўнг ўзим ҳам сиртлондан чатиштирилган итнинг боласини топиб, боқувчиларга бердим. Бу ит катта бўлиб, кўп итларнинг додини берди. Шундан кейин «ит ишқибози» деган ном чиқарганман. Шу, холос, – дедилар.

Мен у кишидан:

– Итнинг тиши синганда, тилла тиш қўйдирганингиз ростми? – деб сўрадим. Шунда устоз:

– Узинг ўйла, инсонга тилла тиш қўйиш қандай азоб. Итга қандай қилиб тилла тиш қўйиб бўлади?.. Кейин ит жуда ақлли бўлади. Фақат у махлуқ, гапира олмайди, холос. Яхшилик ёки ёмонлик қилган киши бир умр эсида туради. Вақти келганда қасос олиши ҳам мумкин. Итга тилла тиш қўйдирганим қипқизил бўхтон. Одамлар ўзлари ўйлаб топган гап бу, – дедилар.

– Ҳар кимнинг ҳаётда бир нарсага ишқибозлиги (хоббиси) бўлар экан. Мен ёшлигимда бир муддат канораклар, яъни канарейкаларга ишқибоз бўлганман. Гастрол сафарларига борганимда, Болтиқбўйи, Белорусия, Украинадан канарейкаларнинг энг зўр сайрайдиганларини олиб келиб, яхши зотларидан йиққанман. Ҳатто уларни болалатиб, кўпайтирганман. Қушларни очиққа учириб, қорни очганда инларига қайтиб келишга ўргатганман. Агар қушларни яхши парвариш қилмасангиз, улар ҳам қушлар гриппи касалига чалиниб, қирилиб кетар экан. Аквариумда балиқ боқишга ҳам тоза қизиққанман. Бу вақтинчалик ҳаётда ҳамма нарса билан, оз-оздан бўлса ҳам, қизиқиб, ўзингизни чалғитиб юрганингиз яхши деб ўйлайман. Қушлар ва балиқларни боқиш одам асабига кўмак беради, уни узоқ яшашга ундайди деб биламан. Айниқса, гуллар менинг жону дилим. Гулларсиз ҳаётни тасаввур қила олмайман, – дедилар.

Ҳаёт ғанимат экан. Ўзбекистонда умрининг 60 йилини халққа ўз санъати билан хизмат қилган устоз санъаткор Фахриддин Умаров бу дунёдан ўтган бўлсалар ҳам, ўзларидан ўчмас мерос, оқибатли шогирдлар қолдирдилар. Дафн маросимларида ҳам шогирдлари бош-қош бўлиб туришди. Айниқса, биринчи



шогирдлари Ҳожиакбар Ҳамидов, Рустамжон Убайдуллаев, Гуломжон Ёкубов ва бошқа таниқли санъаткорлар тик туришди. Хотира кунларида эса ҳамма Тошкент шаҳрининг «Иқбол» масканига тўпланишиб, у кишининг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида энг яқин дўстларидан раҳматли профессор Шариф Юсупов ва Қобил ҳожилар сўзладилар. Устозимиздан Оллоҳ рози бўлсин.

### **«Қари билганини пари билмайди»**

Ҳаётда кўп нарсани кўрган, кўп нарсага ақли етиб қолган, катта тажрибага эга инсонлар ҳамиша бошқаларга, хусусан, ёшларга ёрдам кўлини чўзишлари, билмаганларини ўргатиб, тўғри йўлга солишлари лозим.

Ҳозирги вақтда ҳовлиларни қават-қават қилиб қуришнинг ҳожати йўқ. Иморатни шинамгина, уй ичларида яшаш учун ҳамма шароитларини яратиб, ошхона ва ҳаммомлари билан, қишда эса ҳовлига чиқмасдан яшашга мўлжаллаб кўтариш лозим. Айниқса, уйга кириш зиналарини баланд қилмаслик керак. Инсон кексайганда баланд зиналар чарчатиб кўяди, кўтарилишда қийинчилик туғдиради.

Бизнинг халқимиз – болажон халқ. Тўй бошлашлари биланоқ, бешик тараддудини ўйлашади. Этак-этак набираю абираларни орзу қилишади. Фарзандларимиз кўз олдимизда бўлишсин деб, кўша-кўша уйлар қуришади. Меҳмондўст халқимиз тўй-ҳашамда барча яқинларини беҳижолат таклиф этиш мақсадида хоналарни ҳашаматли қилишади. Ўзларининг яшашлари учун мўлжаллаб қурган уйларини баъзан тўйхона каби ҳашаматли қилиб юборадиларки, қишнинг аёвсиз совуқ кунларида бу уйларни иситишнинг ўзи осон бўлмайди.

Ҳозирги вақтда деганимнинг боиси шуки, авваллари тўйлар ўтказиш учун стол-стул, идиш-товоқ олиб келиш, ер текислаш, ёмғир ёғиб қолиши мумкин каби ўй-хаёллар билан тўй эгаси анча қийналар, бошидаги минг ташвиши билан, ҳатто тўйнинг қандай ўтганини ҳам билмас эди.

Мустақиллик шарофати билан ишбилармонларимиз тўйхоналар барпо этиб, одамларнинг оғирини енгил қилишмоқда. Илоҳим, ишларига ривож берсин.

Яқинда бир тўйхона қурган укамиз машинамга ўтириб қолди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганимиздан кейин, мен унга ўз миннат-дорлигимни билдирдим.

– Ука, тўйхона қуриб, жуда олижаноб ишга қўл урдингиз. Кўпчиликнинг дуосига қолдингиз, оғирини енгил қилдингиз. Барака топинг. Ука, мен сизга тагин бир нарсани айтиб қўяй. Баъзи бир тушунмайдиган кимсалар тўйхонадан мўмайгина даромад келади деб ўйлайди. Менинг фикримча, даромади жуда катта эмас-ку, аммо савоби кўп. Масалан, қанчадан-қанча ошпаз, стол безатувчи, санъаткор ва бошқаларнинг сиз туфайли қозонлари қайнайди, тирикчилиги ўтади.

Тадбиркор укамиз гапимни тасдиқлади:

– Айтганларингиз тўғри, дарҳақиқат, кўп кишилар бизни пулга кўмилиб юрибди, деб ўйлашади. Ишимизда қанча жавобгарлик, масъулият, ўзига яраша муаммолари, югур-югурлари борлиги ҳақида ўйлашмайди. Ахир, 21 турдан тўловларимиз бор. Масалан, сувдан тортиб, электр, чиқиндилар ва шу кабилар учун тўловларни ўз вақтида тўлаб боришимиз керак. Хуллас, меҳнатимизни қадрлаганингиздан хурсандман. Қани эди, ҳамма ҳам сиздай теран фикрлай билса.

### **Меҳнатнинг айби йўқ**

Ўн тўққиз-йигирма ёшларимда қўшнимиз кўпни кўрган, кекса ишбилармон, проводник бўлиб ном чиқарган Фаттоҳ полвон исмли отамиз менга йўл кўрсатиб:

– Болам, сенга иш ўргатсам, сенинг қўлингдан келади, – дедилар.

– Қанақа иш? – десам:

– Пишиқчилик вақтларида 4 – 5 қутига помидор-бодринг жойлаб, Саратов, Москва бозорларига олиб бориб, сотиб келсанг, насибанга яраша даромад қилиб келишинг мумкин, – дедилар.

Уларнинг маслаҳатлари билан шу иш билан шуғулланиб кўрдим. Ёмон бўлмади.

Шунақа тирикчилик қилиб, Москва шаҳридан Тошкентга қайтаётганимда, Фаттоҳ отамизнинг бош фарзандлари Шукур акани Қозон вокзалида учратиб қолдим. Ўнг қўллари бинт билан ўралган эди. Сўрашиб бўлганимиздан сўнг, мен Тошкентга кетаётганимни, 6- вагонга чипта олганимни айтдим. Шукур ака:

– Шу чиптанг билан менинг вагонимга чиқа қол, бирга кетамиз, – дедилар.

Уларнинг гаплари билан вагонларига чиқиб, бирга Тошкентга қайтдик. Вагонда бир ўзлари, шерик олмасдан проводник вазифасини бажарар эдилар. Поезд юриши билан, қўлларининг оғриги кучайгандан-кучайди. Қўлларига кўз яраси (чипқон) чиққан экан. Шунда:

– Мирсодиқ, бу аҳволда мен вазифамни бажара олмайман, иложи бўлса, менинг ишимни сен бажариб, мушкулимни осон қил. Сенга ҳамма нарсани ўргатиб тураман, – деб илтимос қилдилар. Қўллари шишиб, ёрилиб кетадиган даражада эди. Оғриғига чидай олмай, ҳатто кўзларидан тирқираб ёш оқарди. Мен вазиятни тушуниб, Шукур ака айтган ишларни бекаму кўст бажардим. Йўловчиларга чойшаб, сочиқлар тарақатиб, уларни ҳатто иссиқ чой билан ҳам таъминлаб, бошқа қандай илтимослари бўлса бажардим. Полларни ҳам ҳар куни икки маротаба супуриб, артиб турдим. Вагонда гигиена сақлашга ҳаракат қилдим. Хуллас, икки кеча-кундуз ухламасдан тинимсиз меҳнат қилиб чарчаб турган вақтимда, учинчи куни эрталаб Шукур аканинг қўлдаги яралари ёрилиб, кўзлари очилди. Уларга сал жон киргандай бўлди. Икки ярим кун деганда Тошкент вокзалига эсон-омон етиб келдик. Йўловчиларнинг ҳаммаси хизматимиздан мамнун бўлиб, шикоятсиз уй-уйларига тарқаб кетишди.

Осон бўлсин десанг сўнг савол-жавоб,  
Эринма, оғринма, ҳар кун топ савоб.

## Эътибор

2008 йил апрел ойининг бошида «Назарбек» санаториясида 12 кун даволандим. Ўзим билан «Ҳаётим дутори» номли китобимдан ҳам 4 – 5 та нусха олиб келиб, мени танийдиган шу ерда ишловчи шифокорлар ва хизматчиларга берган эдим. Улар китобни жуда қизиқиб ўқишди. Ҳатто шу ерда дам олувчилар ҳам уни қўлма-қўл қилиб ўқишганига гувоҳ бўлдим. Бир столда овқатланадиган хоразмлик йигит китобимни ўқиб:

– Наҳотки, шундай оғир кунларни бошингиздан ўтказган бўлсангиз? Сиз билан бўлган ҳодисаларни ўқиб, дарҳақиқат,

метин бардошли инсонлар борлигига амин бўлдим. Ёзганларингизнинг бари ҳақиқатми? – деб сўради.

– Гапиниз тўғри, балки бошқалар чидай олмаслиги мумкин эди. Аммо бу ўқиганларингизнинг бари – ҳақиқат. Мен ҳеч нарсани осмондан олиб ёзганим йўқ. Чидадим, ҳақиқатга етишиш учун охиригача курашдим. Бу ерда сабр-тоқат, матонат энгиб чиқди. Мана, ҳозир ҳамма ўйлаган ниятларимга етиб, пири бадавлат бўлиб, болаларим, набираларим ва эвараларим роҳатини кўриб, Фирдавсхон онангиз билан фароғатда яшаймиз. Оллоҳга беҳад шукурлар бўлсин, – дедим. Хоразмлик укамиз:

– Ҳожи ота, агар менга рухсат берсангиз, ҳозир шу ошхонада ўрнимдан туриб, ҳамма дам олувчиларга сизни таништираман, нима дейсиз? Ахир, сизнинг жасоратларингизни, матонатингизни дам олувчилар ҳам билиб қўйсин. Зинҳор йўқ деманг, – деб қолди. Кўнмадим.

– Шуни яхши билиб олинг, ҳаётда ким нима қилса, Оллоҳ ҳаммасини кўриб туради. Ҳар ким аъмолига яраша ажрини олади, – дедим.

Санаторияда тез-тез концертлар ташкил қилиниб, ўйинкулги кечалари ҳам уюштириб турилар эди.

Мен дам олаётган кунларнинг бирида «Қалпоқ» театр студияси келди. Ширинтой Абдуллаева, Раҳмонали Суръатов, Мухтор Ҳалимов ва ширин нафасли ҳофизамиз Зоҳида Умаровалар билан бўлган концерт кечаси жуда катта олқишлар билан, кўтаринки руҳда ўтди. Концерт бошланишидан олдин Зоҳида Умарова:

– Бу дам олувчилар ичида халқимизга ўз санъати билан кўп хизмат қилган азиз санъаткор устозларимиздан Мирсодиқ Эргашев акамиз борлигидан хурсанд бўлдик, – деб мени ўрнимдан турғазиб, барчага таништирди. Ҳаётимда калондимоқ ҳофизларни кўп кўрганман. Уларнинг димоқфиноқлари ҳеч кимга ёқмайди. Аммо «Қалпоқ» театр студияси санъаткорларининг камтарлиги ва самимийлигига қойил қолса бўлади.

Ҳа, мени кўпчилик танийди, лекин асл мақсад мени танимаган инсонларга танитиш эмас, менинг борлигимдан хурсанд эканликларини изҳор қилиб, кўнглимни кўтарган ана шу эътибор қалбимда муқаддас меҳр ила муҳрланиб қолган хотиралардан бири бўлди.

## Вьетнам таассуротлари

Муҳтарам ўқувчи! Бу саҳифаларни Вьетнам пойтахти Ханойда соғлиғимни тиклаш мақсадида шифохонада ётганим-да ёздим.

2008 йил 28 октябрда қайним Анваржон мени Вьетнамнинг пойтахти Ханой шаҳри аэропортида кутиб олиб, ўзи очган «Ўзбекистон» ресторанига олиб келиб, қилган ишларини менга кўрсатди. Икки йил ичида катта муваффақиятларга эришиб, Ханойда кўплаб мартабали инсонлар билан танишиб, тез кунда улар орасида анча ҳурматга лойиқ бўлган экан. Рестораннинг овқатлари миллий таомлардан ташкил топган бўлиб, ҳатто ошпаз юртдошимиз Ҳасанжон исмли йигит шу ерда хизматда экан. У патир нонимиздан тортиб, палов, кабоб, шўрва, чучвара, манти, лағмон, норин, қозон кабобгача тайёрлар экан. Рестораннинг донғи тез орада пойтахтга тарқаб кетибди. Хўрандалар бунақанги сифатли овқатларни истеъмол қилишиб, ҳайратда қолибдилар. Ҳатто пойтахтдаги хорижий элчилардан тортиб, катта шифокор профессорлар ҳам дўстлашиб қолишибди. Бундай катта мартабали инсонларнинг одамгарчилигига қойил қолса бўлади.

2008 йил қайнимнинг бошига кетма-кет икки мусибат тушди. Биринчиси, менинг қайнонам Анваржоннинг оналари оламдан ўтди; иккинчиси, турмуш ўртоқларидан ажраб қолдилар. Шу муносабат билан Тошкентдаги Вьетнам элчиси хотини билан таъзия билдиргани келишиб, худди яқин одамларидан ажраб қолгандай икковлари кўзларига ёш олиб хабар олиб кетишларидан мен ўзимга хулоса чиқариб, одамгарчиликлари худди бизнинг миллатимиз урф-одатларига ўхшаб кетишига иқрор бўлдим. Мени уларнинг ўзларини камтар тутишлари, самимий муносабатлари ҳайратда қолдирди.

29 октябр куни эрталаб марказий шифохонага келдик. Бу ерда бизни Анваржоннинг дўсти, хўрандаси, таниқли профессор кутиб олиб, касалхонанинг шинамгина ётоқхонасига жойлаштирди. Бироздан кейин профессорнинг ўзи уч-тўрт шифокор билан биргаликда мени кўриб, маслаҳат қилишди. Тошкентдан олиб келганим ингилиз тилидаги касаллик варақам менга қўл келди. Менга кулишиб: «Хушёр одам экансан, туза-

либ кетишинга қўлимиздан келганча ёрдам берамиз», – деб шу кундан муолажани бошлаб юборишди. Бу шифохонада беморларни Шарқ табобати усулида даволашар экан. Шифохона ичида ҳар хил ноёб ўсимликлар етиштириладиган махсус жойлари ҳам бор экан. Тўрт кунлик муолажадан сўнг, қўлимдаги ҳассани ташладим, ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Ўн икки кун даволаниб, шифохонадан чиқдим.

Барака топгур қайним билан ресторанда иш юритувчи Ферузахон исмли аёл иссиқ-совуғимдан хабар олиб туришди. Анваржонни худди туғишган укамдай кўраман, омадини берсин. Ўзиям менга ўхшаб тиниб-тинчимайди, меҳнатдан қочмайди, янгилик излайди. Олдига жуда яхши мақсадни қўйибди, ниятига етсин. Бу ердаги дўстлари: профессор, шифокорларнинг бир гуруҳини юртимизга олиб келиб, Шарқ табобати усулида даволайдиган клиника очиш тараддудида турибди. Бу орзусига етишади деган умиддаман. Кимки ўз халқининг манфаатини кўзлар экан, бундай савобнинг охири, адоғи бўлмайди, деб биламан.

7 ноябрда касалхона раҳбариятидан рухсат сўраган ҳолда, қайним билан Ханой марказида жойлашган масжидга жума намозини ўқигани бордик. Иморати эски бўлганидан, бу масжид кўп йиллардан бери юрт хизматида эканига ишонч ҳосил қилдим. Ичкари чиройли, покиза. Тахминан икки юз кишига мўлжалланган. Имом-хатиб аввал Вьетнам, сўнгра инглиз тилида маъруза ўқиди. Намозхонлар кўп миллатга мансуб бўлсада, ҳаммаси исломий эътиқодда эканига гувоҳ бўлдим.

Ханойга етиб келиш олдидан, саккиз соат Банкок аэропортида кутишга тўғри келди. Аэропорт жуда гўзал, кўп қаватли, ҳар бир қаватда меҳмонлар учун шароитлар мавжуд. Ҳатто эркак ва аёлларга мўлжалланган намозхоналар, керакли шароитлар борлиги мени ҳайратда қолдирди.

Вьетнам халқининг меҳнаткаш эканлигини уларнинг юриш-туришидан билиб олсангиз бўлади. Чунки бу мамлакатда бекорга кўчаларда тўпланишиб турган одамларни учратмайсиз. Ҳамма худди чумолидай ғимирлашиб, ўзи етиштирган мева ёки маҳсулотларни халқига етказиб беришга ошиқади. Кўчаларда эса одамлар мотоцикл, мотороллер ва велосипедларда худди тўлқиндай бўлиб қаергадир ошиқишади. Вьетнам ҳудуди унчалар катта эмас. Аҳолиси эса юз миллионга етиб қолган. Шу сабабли ҳар бир квадрат метр ер нархи жуда қиммат. Дўконлари

кичкина-кичкина. Аммо расталарда маҳсулот ёки бошқа молларни чиройли қилиб, бўш жой қолдирмасдан жойлаштиришган. Савдогарлари харидорлар билан жуда хушмуомала. Шунинг учун ҳам давлатлари ривожланиб борапти.

Вьетнам пойтахти Ханойга келганимда, жуссаси мендан ҳам кичикроқ бўлган халқни кўриб, ҳаётимда бўлган айрим ҳангомалар эсимга тушиб кетди. Шуларни сизга баён қилай.

### **«Кичкина деманг бизни...»**

1973 йил янги «Газ – 21» машинасини миниб, ишга йўл олган эдим. Хадрадаги чорраҳада учинчи тезликда машинам лак-лак этиб, айна йўлни назорат қилиб турган Қоровой аканинг олдига борганда тўхтаб қолди. Қоровой ака ёнимга югуриб келиб:

– Вой, машина ичида ҳеч ким йўқ десам, сен – кичкина бола бор эдингми! Нега дадангдан сўрамасдан машинани кўчага олиб чиқдинг? – деб қолди.

– Кечирасиз, отам оламдан ўтиб кетганлар, – дедим. У киши:

– Бўлмаса, машина энангникими? – деди кесатиб.

– Менга қаранг, ҳаддингиздан ошманг, гапингизни ўйлаб гапиринг, – дедим.

– Ҳой, маҳмадона бола, ҳали тилинг ҳам борми? Қани, машинадан тушиб, менга ҳужжатларингни кўрсат-чи, – деди.

Чўнтагимга қўл тиқиб, ҳужжатларимни олаётган вақтимда чўнтагимдан беш сўмлик ерга тушиб кетди. Мендан олдин у энгашиб, пулни ердан олди-да, ўз чўнтагига солиб қўйди.

– Энди ишондим машина ўзингизники эканига. Бу ердан сур энди, – деб, таёғини осмонга кўтариб, менга йўл бермоқчи бўлди. Шунда мен:

– Машинам тўхтаб қолганига беш сўм жарима оласизми? – дедим.

– Ҳа, неча сўм пул олай бўлмаса? – деди, кўзларини ката-катта очиб.

– Сизга бир сўм ҳам етади, – дедим, пинагимни бузмай. Ўйланиб турди-да:

– Майли, бўлмаса, яна тўрт марта ёнимдан тўхтаб ўтарсан. Чўнтакка тушган пул қайтмайди, оқаси. Ундан ташқари, бу пул – биринчи починим. Қани, ҳайда, йўлингдан қолма, – деб, мени жўнатиб юборди.

\* \* \*

Сайлов вақти яқинлашган кезде Кўкчанинг Қўрғонча кўчасидаги ҳовлимизнинг қўнғироғи чалиниб қолди. Эшикни очиб қарасам, нарироқда ёши катта аёл:

– Эй, бола, бор дадангни чақир, – деди.

– Дадам оламдан ўтиб кетганлар, – дедим.

– Бўлмаса, онагни чақир, – деди.

– Кечирасиз, онамлар ҳам йўқлар, – дедим. Бўлмаса, бу хонадонда ким бўласан? – деб сўради.

– Бу хонадондаги аёлнинг эриман, яъни шу оиланинг бошлиғиман, дейишим билан, аёл сизлашга ўтиб:

– Кечирасиз, билмай қолибман, манави сайлов қоғозларини олиб, аёлингиз билан сайловда қатнашинг, – деб, узр сўраб кетди.

\* \* \*

Вьетнам халқининг доҳийси Хо Ши Мин (1890 – 1969) мавзолейи мени ҳайратда қолдирди. Мавзолей шаҳар марказининг энг гўзал, хушманзара жойига қурилган экан. Мевали дарахт ва гулларга бой, ҳатто катта ҳовузларда ажойиб балиқлар, қушларни кўриб, тасаннолар айтдим. Ҳавоси эса ўта софлигига қойил қолдим. Мавзолей ёнига боришдан олдин ҳаммани синчиклаб текширишди. АҚШ фуқароларидан ташқари, ҳамма давлатлардан келган меҳмонлар бемалол мавзолейга ташриф буюриб, Хо Ши Мин жасадини кўришга муяссар бўлар экан.

Хо Ши Мин мавзолейи хиёбонида ўзи яшаган оддий уй мени ҳайратга солди. Тахминимча, хонанинг бўйи 3, эни 2 метрдан ортиқ эмас. Ёнида кичкина овқатланиш жойи бор. Иш юриладиган хонасида бир стол ва бир стулдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Хо Ши Мин уйланмаган, ёлғиз ўтган, ўз ҳаётини халқига бағишлаган. Халқи ўзини унинг фарзанди деб билиб, уни чин қалбдан эъзозлаб, қадрлашар экан.

Ханой шифохонасида жойлашган кунимнинг эртасидан бошлаб тўрт кун мобайнида жала қуйиб, бир қаватли уйлarning томини сув босганини иккинчи қаватдан ўз кўзим билан кўриб турдим. Худди шундай ёғингарчилик бундан ўттиз йил



олдин ҳам бўлган экан. Вьетнам халқи бошига шундай офат ёгса ҳам, ҳеч саросимага тушмади. Бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилди. Улар қанчалик фидойилик кўрсатгани телевизор орқали кўрсатиб турилди. Ана оқибат, ана жасорат, ана Ватанга бўлган муҳаббат! Бундай жасур халқни ҳатто Америка босқинчилари ҳам енга олмаганини шунда тушуниб етдим.

Раҳматли божам, академик Назрулло Манноновнинг бир гаплари эсимга тушиб кетди: «Инсон, агар имконият топса, жаҳон айланиши керак, шунда унинг тушунчаси кенгайиб боради, дунёқараши бошқача бўлади», – деган эдилар. Ҳақиқатан, тўғри айтган эканлар. Инсоннинг ёши улғайган сари, яхши-ёмонни ажрата билиб, яхши томонини ўз ҳаётига татбиқ этса, билганларини ўз фарзандлари, зурриётларига ўргатса, буни олижаноб тарбия деб биламан.

Ханой кўчаларида тиланчи кўрмадим. Ҳатто ичиб маст ҳолда юрганлари ҳам йўқ. Вьетнамликларнинг тиришқоқ, меҳнаткаш эканини сездим. Кўчаларида мотоцикл, велосипед шунчалик кўпки, ҳайрон қоласиз. Ҳар қадамда ўзларининг миллий овқатлари бисёр.

Ханой касалхонасида бир ўзим ётиб, ҳаётимда бўлган кўп воқеалар яна ёдимга тушиб кетди. Айниқса, темир йўлчи Олим ака билан Ялтадаги «Ўзбекистон» санаториясида бўлиб ўтган воқеалар хаёлимдан ўтди.

Бир куни санаторияга янги дам олувчи меҳмонлар келиб қолишди. У киши Қўқоннинг раҳбарларидан, ёшликларидан Олим ака билан Тошкентда институтда бирга ўқишган экан. Бир-бирлари билан қаттиқ қучоқлашиб кўришишди. Ҳол-аҳвол сўрашишгандан кейин:

– Худо хоҳласа, дам олишимиз яхши бўлар экан. Мен ўзим билан бирга ошпазимни ҳам олиб келдим. Эсингизда борми, степендия олган вақтларимизда фақат ош қилар эдик. Ҳали ҳам ошни яхши кўрасизми? Бугун ошпазим бир чўқим ош дамласин. Бу тасодифий учрашувимизни нишонлайлик, – деди қўқонлик меҳмонлар.

– Гап бундоқ, дўстим! Сизлар узоқ йўл босиб келдингизлар, олдин жойлашиб, бироз дам олингизлар. Бугунги ошни менинг ўғлим дамлаб беради, – дедилар Олим ака.

Мен ҳаракатга тушиб кетдим. Қозон тагига олов ёққан вақтимда, меҳмонимизнинг ошпазлари ёнимга келиб:

– Кечирасиз, рухсат берсангиз, овқатни ўзим қилсам. Чунки хўжайин жуда жаҳлдор. Ўхшамай қолса, зарда қилади. Ундан ташқари, биз девзира гуручни истеъмом қиламиз, – деди.

– Мен Олим аканинг гапларини ҳеч икки қилган одам эмасман. Сиз нариги кароватга бориб, дамингизни олиб туринг, ҳатто оловига қарашга ҳам менга ёрдамчи керак эмас. Мендан хафа бўлманг, эртага овқатни ўзингиз тайёрлайсиз, келишдикми? Ҳавотир олманг, бизда ҳам девзира гуручи бор, – деб, меҳмон ошпазни ўчоққа яқинлаштирмадим.

Ошни шунақанги иштиёқ билан тайёрладимки, гуручлар товоқ ичида ўрмалаб кетаётгандай эди. Ошни сопол товоққа сузиб, меҳмон ошпаз қўлига тутқазиб, дастурхонга жўнатдим, ўзим қозонни бир йўла тозалаб, тезда етиб бораман дедим.

– Кўрдингизми, Олим ака, менинг ошпазим олий тоифали ошпазлардан, бекорга ўзим билан олиб келганим йўқ, – деб биринчи луқмани оғзига солиши билан, қўқонлик меҳмон бош тебрата бошлади. Шунда Олим ака:

– Мен бир нарсани тушунмаяпман – ошни ким дамлади? – деб сўраб қолдилар. Меҳмон ошпаз сўз бошлади:

– Мени ўғлингиз қозон яқинига ҳам йўлатмадилар.

Хўжайин таажубда қолди:

– Шу ёш йигитча шунчалар маҳоратга эгами? – деди. Олим ака мақтаниб кетдилар:

– Сизлар бир қозонда ярим девзира, ярим жайдари гуруч билан ош дамлаган одамни кўрганмисизлар? Бўлмаса, танишиб қўйинглар, бу ишни каминанинг тутинган ўғли Мирсодиқ бажарган. Билмаган овқати йўқ. Ўзи камтар, олий тоифали ошпазлик унвонигина йўқ, холос.

Эртасига ҳалиги ошпаз ош дамлади, роса уринди, лекин оши ўхшамади. Учинчи куни биргалашиб мошкичири қилдик, хўрандалар хурсанд бўлиб қолишди. Охирида дуторни келтириб, «Чўли Ироқ» куйини бошладим, кейин куйлар уланиб кетди.

«Синалмаган отнинг сиртидан ўтма», дейди халқимиз. Синалмаган одам билан дўст бўлмоқ ҳам хато. Пул қурғур бир хил одамга шундай азиз бўлар эканки, ҳатто жигарлари ҳам эсидан чиқиб қолар экан. Инсоннинг бахти пул билан ўлчанмайди. Оллоҳга шукр қилиб айтаманки, мен жуда бахтлиман. Кўчаларда, масжидларда, қариндош-уруғларим орасида бошимни тик кўтариб юра оламан. Шу – менинг бойлигим,

бахтим. Зурриётларингизнинг камолини кўриш, уларнинг элга хизмати, орияти билан кўча-кўйда, таниш-билишлар даврасида юришнинг ўзи олам-олам бахт ва қувонч келтиради. Менинг улардан кўнглим тўқ.

«Ватан оиладан, остонадан бошланади», дейдилар. Менинг ниятим Ўзбекистонимнинг ҳар бир оиласида ана шундай жамиятга фойдаси тегадиган, юртини ардоқлайдиган, инсонпарвар, ватанпарвар фарзандлар камол топсин. Келажагимиз болаларимизнинг қўлида экан, уларга тўғри тарбия бермоғимиз, уларнинг ҳар қадамини назорат этиб бормоғимиз лозим. Биласизми, мен нимага қаршиман? Оналар болаларини ташлаб, ўзга юртларда насибасини териб юрибдилар. Болаларнинг тарбияси иккинчи даражада бўлиб қолмаяптими? Ахир, буларнинг охири вой эмасми! Фарзандларнинг тарбиясига, асосан, оналар масъул. Ота – асосий таъминотчи. Энг мушкул оғирликни оталар ўз бўйнига олишлари керак эмасми? Албатта, ота-онанинг вазифасини ҳеч ким тўлиқ адо эта олмайди. Мен буни ўз ҳаётимдан, кўрган-кечирганларимдан олиб айтяпман. Биргина дарахт экиб, унга яхши парвариш қилсангиз, келажақда унумли ҳосил олиш ҳаммага маълум. Шундай экан, ўзимизга тўғри хулоса чиқариб, ҳақ йўлимизни топиб олайлик. Йиллар, асрлар ўтиб, бошқа миллатлар орасида ўзбек халқига нисбатан айтилган меҳмондўст, меҳрибон эл, ватанпарвар миллат деган таърифга лойиқ бўлишда, яна халқимизнинг ижобий сифатларини намоён этишда фарзандларимизга ўрناк бўлишимиз керакки, асло юртимизнинг ўзга юртлар орасида шаъни-шавкати топталмасин. Ҳаётимда кўплаб гастрол сафарларида бўлдим, ўзга юртларда ўзга миллат вакиллари билан кўришдим, дўстлашдим. Ватан соғинчи нима эканини ўзимда ҳис этдим. Ниятим: юрт ободлиги учун муносиб ҳисса кўша оладиган фарзанд тарбиясида бўлайлик!

Ўзбекистон, сен фахрим менинг,  
Меҳридарё, меҳмондўст элим.  
Бағринг узра улғайдим, ундим,  
Она – диёр, қадрдон юртим.  
Мадҳинг куйлаб чарчамас тилим,  
Кўчаларинг, боғларинг сўлим.  
Зар тупроғинг – менга саждагоҳ,  
Сенга таъзим, кўксимда қўлим.

Гўзаллигинг ҳар юртга аён,  
Сенга бўлган ишқим бепаён.  
Ёмон кўздан асрасин сени,  
Юртим, сира кўрмагин зиён.  
Тинчлик бўлсин ўлкамда мудом,  
Ариқларда зилол сув оқсин.  
Ҳеч бир аёл, ҳеч бир боланинг  
Кўзларида армон балқмасин.

*(Шаҳноза Абдурахмонова)*

### Янгилик излаб

1976 йилнинг охирида ўзим ишлаб турган филармониянинг миллий чолғу асбоблари оркестрида Ўзбекистонда танилган созанда Илёс Маллаев мени излаб келиб, радио ва телевидение комитети қошидаги эстрада оркестрида дуторчи бўлиб ишлашга таклиф қилди.

– Ахир, эстрада созлари орасида дутор товуши эшитилмайди-ку, – дедим.

– Мирсодиқ, сиз изланувчан созандасиз. Бунинг ҳам йўлини топасиз. Дуторнинг товушини кучайтириб берадиган уста электриклар бор, шундай қилингики, дуторингизнинг овози оркестрни босиб кетсин. Бу янгилик бўлади. Натижада ўзбек миллий асбоблари бошқа созлардан устун бўлади. Сиз эстрада оркестрига ўтаверинг, ишларингизга биз ҳам кўмак берамиз, – деди.

Менга бу гап жуда маъқул бўлди. Ўзбекистонда энг номи чиққан электриклар билан учрашиб, дуторнинг ҳар томонларига мембрана ўрнатиб синаб кўрдик, охири қопқоқ устига мембрана ўрнатиш менга маъқул бўлди.

Чиндан ҳам, дутор товуши оркестрни босиб кетди. Кейинчалик дутор товушини керак бўлганда баланд ёки паст қилишга ҳам эришдик. Биринчи эстрада оркестри билан чалган куйим «Қори наво» бўлди. Оркестр созандалари ўринларидан туриб, мени қарсақлар билан олқишлашди. Мен учун бу изланиш ўзимга ҳам келажакда катта ютуқларга эришишга ундовчи қадам бўлди. Ҳатто товушни кучайтириб берадиган ихчам мосламалар олиб юриб, концертларда, ўтириш ва тўйларда катта

муваффақиятларга эришдим. Шу мосламалар билан ўзимни дутор шинавандалари орасида синаб кўрдим. Энди тўйларга ҳофизларсиз бир ўзимни ҳам таклиф қиладиган бўлишди. Бу мен учун катта муваффақият эди. Бир куни раҳматли Жўраҳон Раҳимов билан телевизор орқали чиқиб, концертдан кейин Муқимий театрида ишлайдиган гижжакчи моҳир созанда-нинг уйига базмга бориб қолдик. Санъаткорлар жуда кўп эди. Ўртани раҳматли Абулқосим Тўйчиев олиб бораётган эканлар. Ҳофизлар кўп бўлгани учун:

– Биттадан ашула айтасизлар, – деб қолдилар. Жўраҳон Раҳимов ҳам фақат «Райҳон»ни ижро этиб бердилар. Дуторни шундай завқ билан чалдимки, шу тўйга келган бир гуруҳ мез-бонлар мендан якка ўзим дутор чалиб беришимни илтимос қилишди. Абулқосим ака:

– Шунча ҳофиз кутиб турибди, дуторга бало борми? – деб кўнмади.

Мендан илтимос қилганлардан бири Абулқосим акани ёнига чақириб олиб:

– Сиз халқнинг талабини бажаринг, акс ҳолда, кўпчиликни хафа қилиб кўясиз, – деди. Мажбур бўлганларидан менга навбат бердилар. Шунда дуторимга товуш баланд қиладиган мосламаларни ўрнатиб, бор маҳоратим билан куйни бошладим. Илтимос қилганларнинг барчалари ўринларидан туриб, менга миннатдорлик ила ҳиммат қила бошлашди. Шу вақт улардан бири «Дилҳирож» куйини илтимос қилди ва ўзи ўйинга тушиб кетди. Рақсни жуда қотирар экан, тўйхонада ўрнидан турмаган одам қолмади. Ҳеч бунақаси бўлмаган. Абулқосим ака микрофонни кўлига олиб:

– Ўзинг кичкина бўлсанг ҳам, шунча шинаванданг борми? Қойил, эртага ҳам бўшмисан? – деб ҳазил қилиб қўйдилар.

Шу кундан бошлаб мени кўп ҳофизлар ўзлари билан тўйларга боришимни илтимос қилишди.

Асосий мақсадимга эришиб, бир электр дутор кетидан изланганим ўзимга ҳам, ўзгаларга ҳам катта наф келтирди. Ҳозирги кўпчилик электр дутор, танбур чалувчи созандаларга биринчи бўлиб мен йўл кўрсатганимдан мамнунман.

## «Ўзингни эҳтиёт қил, кўшнингни ўғри тутма»

Доно халқимизнинг мақолига амал қилиб, мен ҳам ўзимга мустақкам бўлишга, ҳар бир ишимни пухта бажаришга қарор қилдим.

1991 йил Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгунга қадар ўзимнинг ҳалол меҳнат билан топган даромадларимга қайси йўл билан эришганимни ҳужжатлаштириб, уларни шу кунларга қадар сақлаб юрганимнинг боиси нимада эди деб ўйларсиз.

Кўпчиликка маълумки, Шўро даврида ким орзу-ҳавас қилиб тузукроқ уй-жой қурса, каттароқ тўй-томоша қилса ёки автомашина олса, кўпчиликнинг, айниқса, ўша даврдаги текширув органларининг назарига тезроқ тушар ва улар имкониятдан фойдаланиб, уларнинг йўлларига тузоқ кўяр, айб қидириб, ўзларининг ёвуз мақсадларига етишиш учун бор кучларини сарфлар эдилар. Бу каби разил ниятли кимсалар қанчадан-қанча фуқароларимизни, айниқса, савдо-сотиқ ходимларини айблар, уларни қаматиб, ёстиқларини қуритар, имкон қадар бадном қилар эдилар. Тадбиркорлик йўллари билан даромад қилувчи шахсларнинг имкониятларини чеклаб, текшир-текширлар ўтказар, халқнинг кўнглига таҳлика солар эдилар.

Жумладан, каминанинг ҳам бошига турли ташвишлар ёғдирганлари ҳамон эсимдан чиқмайди. Ҳар бир қилган ишингизга пухта бўлиш, ҳар бир қадамни ўйлаб босиш ўша давр талаби эди. Ҳалол меҳнатнинг нонини ҳам хотиржам тотишининг иложи йўқ эди. Тўғри йўлдамисан, эгри йўлдамисан, ошинга кўз тикдиларми, бас. Ўзларининг қабиҳ ниятлари йўлида бўҳтон, тухмат тошларини, бўлмаган айбловларни бемалол бўйнингга қўйишлари улар учун ҳамирдан қил суғургандек гап эди.

Мен юртимнинг мустақиллик шарофати билан фаровон кунларга эришганимиздан беҳад хурсанд эканимни айтишдан ҳеч ҳам чарчамайман.

Мустақилликка эришдик. Орзу-ҳавасларимизга етишишга барча имкониятлар мавжуд, барча йўллар очиқ. Шундай шукуҳли кунларнинг барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз. Асрлар оша юртимиз тарихи зарварақларига «Бу кунлар ўзбек халқининг ушалган орзуси эди», дея битилишига ишончим комил.

Мен ишонаман! Ҳозир эндигина 20 ёшни қарши олаётган мустақил юртимнинг келажаги обод бўлади. Бу юртда камол

топгувчи менинг зурриётларим шу Ватан тупроғига лойиқ фарзандлар бўлади. Уларнинг яшаб-улғайишлари учун Ватан барча шарт-шароитларни яратди. Ишонаманки, халқимнинг ҳар бир фарзанди Ватанимиз учун сидқидилдан хизмат қилади.

## **2011 йил – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»**

Муҳтарам Президентимизнинг 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилганлари кўпчилик қатори оиламизга ҳам қувонч келтирди ва олдимизга қўйган мақсад йўлимизда руҳлантириб юборди десам, муболаға бўлмайди.

Бир неча йилдан бери мен фарзандларим билан оилавий кичик бизнесимизни йўлга қўйиш, яъни қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган шахсий цех очиш ниятида эдик. Ушбу соҳада, айниқса, кичик ўғлим Миромил дўстлари ва танишлари билан биргаликда бироз бўлса-да шуғулланиб, бирмунча тажрибага эга бўлди. Ҳатто ушбу ишга ёши каттароқ бўлган набираларимизни (жиянларини) ҳам жалб қилиб, уларнинг меҳнат қилишлари ва ҳунар ўрганишларига имконият яратиб беришни мўлжаллаб қўйган эди. Албатта, бундай иш йўлида катта маблағ, меҳнат, шижоат, сабр эвазига кутиладиган ижобий натижа ҳақида фарзандим ва набираларимга тунтириган эдим.

Бу ниятларни амалга ошириш учун, аввало, жой масаласи, қолаверса ишлаб чиқариш учун янги техник ускуналар, жиҳозлар керак эди. Миромил бу масалаларни ҳам ҳал қилди. Ижарага жой топди ва керакли техник жиҳозларни етказиб, уларни ўрнатишга усталар ҳам ёллади. Мана, аста-секин маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. Техника, барибир, техника, албатта, ўз инжиқликлари бўлади; баъзан ўғлим кечалари билан ишга муккасидан кетиб, ўзи ҳам бу ускуналарни таъмирлашга тушиб кетади. Мен аввалдан огоҳлантирган – ана шундай меҳнатнинг машаққатларини тортадиган кунлар ҳам етиб келди. Оллоҳга шукур, ҳар бир ишига сабр билан ёндашаётганига ўзим гувоҳи бўлиб турибман. Ҳозир 20 нафар йигит ва қизлар иш билан таъминлаган. Бунинг ҳам масъулиятини ҳис этган ҳолда, ишлаб чиқаришни пайсалга солишни хаёлига ҳам

келтирмайди. Ўғлимнинг ақлли бола эканидан хурсандман. Ишчилар билан ҳам хушмуомалада. Уларни меҳнатларига яраша рағбатлантириб боради. Ҳар куни икки маҳал иссиқ овқат, иш формалари ҳам жойида. Меҳнат қилишлари учун имкон қадар шарт-шароитлар яратган. Ахир, барча барака ва даромад розилик эвазига эмасми? Мен буни ўз фарзандларимга уқтирганман. Ўзгаларнинг меҳнатини қадрлай билишни ёшлик чоғларидаёқ онгларига сингдириб бордим. Миромил ўз мақсад йўлида изланишдан тўхтамайди.

– Дадажон, шу ишлаб чиқариш цехимиз жойлашган ўзимизники бўлганида эди, ижара учун бериладиган бино пулимиз эвазига ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз нархини арзонроқ қилсак, халқимизга фойда бўлар эди, – деди.

– Болам, гапинга қўшиламан, насиб қилса, сен айтган кунларга ҳам етиб келамиз. Билиб қўй, тепаликка аста-секин чиққан киши қоқилмайди. Халқимизнинг бир гапи: «Шакарнинг ҳам ози ширин», деб бекорга айтилмаган.

Катта ўғлим Миролим ҳам бу цехда икки-уч вазифанинг удасидан чиқади. Биринчиси, ҳисоб-китоб ишлари, иккинчиси, керакли маҳсулотларни етказиб бериб туради. Учинчидан, тайёр маҳсулотларни савдо дўконларига тарқатади.

Янги очилган «Бек-барака» савдо масканида олдиндан олиб қўйган дўконларимиз бор эди. Ҳозир икки қизим ўша ерда тижорат ишларини бошлаб юборишган. Ўғилларим ишлаб чиқарган маҳсулотлар ўз опа-сингиллари қўлига келиб тушади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати жуда яхши, харидорбоп.

Икки набирам: Шерзод ва Фарҳодлар маҳсулотларни Ўрикзор бозоридаги савдогарларга тарқатадилар. Уларнинг ҳам барча билан муомалалари яхши, шу кунга қадар фарзандларим ва зурриётларим орқасидан фақат «Сизларни тарбиялаган отангизга минг раҳмат» деган раҳматномаларни эшитиб келяпмиз. Бизнинг ҳозир олдимизга қўйган мақсадимиз – халқимизга сифатли ва арзон маҳсулотлар етиштириб, уларнинг ҳам қилаётган ишимиздан мамнунлигини кўриш.

Мен болаларимни ёшлиқдан меҳнатга, ҳалолликка ўргатиб, бунинг маҳсулини кўриб турибман, аёлим билан уларни доимо дуо қиламиз. «Меҳнатнинг таги роҳат», деб бекорга айтилмайди.

Мана, азиз юртдошим!



Буларни ёзишимдан мақсад: ҳар бир сидқидилдан қилинган ишнинг натижаси улуғ бўлишини сизлар ҳам англамоғингизни истадим.

2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланиши бизни қувватлантирди, нур устига аъло нур бўлди. Давлат дастурига кўра тадбиркорлар учун яратилган қулайликларни кўриб, шуни англадикки, энди ҳар қандай оғирликлардан чўчимасдан, янада олға қадам ташлаб, астойдил меҳнат қиладиган вақт келди.


### **Савоб ишнинг чегараси бўлмайди**

Инсон савоб иш қилмоқни ният этса, бу ҳимматли мақсадни қаерда бўлса ҳам унутмасдан, имкониятдан келиб чиқиб яхшиликка қўл урса, бу иш савобдан холи бўлмайди. Халқимиз «Қўлингдан бермасанг, йўлингдан бер», деб бекорга айтмайди. Баъзи ўзига тўқ инсонлар ким ўзарга деган фикрлар билан иморатлар қуриш ёки тўй-ҳашамларда ҳаддан зиёд харажатлар қилиб, одамларни йиғиб, гўеки орттирган дунёларини кўз-кўз қиладилар. Ошларга борсангиз, сон-саноксиз зар чопонлар кийдирадилар. Шундай ҳимматларини кам таъминланган оилалар, бева-бечораларга сарфлашса, бундан ортиқ савоб бўлмаса керак. Албатта, ҳар ким ўз тушунчаси, ўз дунёқараши билан яшайди ва ўзгаларга ўзича ҳиммат кўрсатади.


Мен ўзим ҳаддан зиёд қийинчиликларда улғайиб, ҳалол меҳнатим эвазига топган маблағларимни, қаерда бўлмай, шароитга қараб сарфлаш кераклигини, инсонларнинг туруш-турмуш аҳволини кузатган ҳолда, кимга қандай ҳиммат кўрсатмоқлик лозим эканини тушуниб етгандай бўлдим. Шунга кўра, ҳар йили 9 май арафасида Ангрен шаҳрининг Янгиобод қишлоғида ўз тупроғи учун, ўз ҳамқишлоқлари учун меҳнатини аямайдиган укамиз Маҳмуджон билан катта қозон осиб, ўз қўлим билан ош дамлаб, шу ерлик одамларга тарқатишимдан ўзим ҳам мамнунман. Шугина қилган ишимдан ўзимни анча енгил ҳис этгандай бўламан. Ёшлик чоғимда бир бурда нон учун қанчалик қийналганларимни эсимдан чиқарганим йўқ. Бу ернинг одамлари ошни тановул қилиб бўлишиб, ёнимга келиб: «Қўлингиз дард кўрмасин, бу йилги ошингиз ҳам ширин бўлибди, доим саломат бўлинг», деб



Алихон Тўрам  
Соғуний.



Қайнотам Тожддин  
хожи қори.



Миркомил хожи отам.



Қутбинисо хожи онам.



Доирачи Рустам Убайдуллаев (чапда), Фахриддин Умаров (ўртада)  
ва мен. 1974 йил.



Консерваторияда очилган Шарқ мусиқаси кафедрасининг биринчи профессор  
ва ўқитувчилари – (биринчи қатор чапдан) Файзулла Кароматов, Рисқи Ражабий,  
Фахриддин Содиков, Исҳоқ Ражабий ҳамда қалдирғоч талабалари – (иккинчи қаторда  
чапдан) Равшанбек Омонов ва мен.



Шарқ мусиқаси кафедраси прфессор ва ўқитувчилари  
талабалар даврасида. 1947 йил.



Рубобчилар ансамбли пионерлар саройида.  
Тепа қаторда чапдан тўртинчиси мен. 1956 йил.



1989 йили Рига шаҳридан олиб келинган микроавтобусим.



Фахриддин Умаров ва мен. 2006 йил.



Санъаткор улфатларим.



Консерватория профессор ва ўқитувчилари.




Устозим Ғулом Қўчқоров билан  
консерваториядаги учрашув.



Ўзим ўқиган мактаб-интернат 50 йиллигидаги хайрия оши.



Мактаб-интернатдаги хайрия ошда ўзим ва шогирдларим иштирокидаги концерт.



Улфатлар билан чойхонада ош сузиш палласи.



Мақтаб-интернатдаги хайрия ошда ўтганлар ҳақиға дуо қилинаётган пайт.






«Кўнгил гулдастаси» китоби тақдимотида қизим  
Хуршиданинг хониши.



«Кўнгил гулдастаси» китоби тақдимоти. Консерваториянинг домлалари  
менинг асарларимни ижро этмоқда.



«Кўнгил гулдастаси» китоби. Муқовадаги суратда устозим  
Ғулум Қўчқоров билан мен.



«Кўнгил гулдастаси» китобимнинг ички муқоваси.



Ўзим ўқиб чиққан мактаб-интернатда 50 йилдан сўнг.  
2006 йил. Болалар орасида.



Тоғлар орасидаги дала боғим.  
Ангрэн шаҳри Янгиобод қишлоғи.



Ўз хонадонимда қизларим даврасида.



Ўз хонадонимда оила аъзоларим даврасида.



Мақка сафарида фарзандларим билан.



Каъбатуллоҳда ҳожи ота ва  
ҳожи она бўлган кунларимиз.



Умра сафарида.



Онам, опам, акам ва мен. 1951 йил.



Оилам.




Биродарларим билан учрашув.



Миролим хожи ўғлимнинг қирқ ёшлик ақиқасидан  
сўнг устозим ниятлари.



Ҳурматли ҳофизимиз Шерали Жўраев,  
Ғайбулла қори ва мен дала боғимда.



Меҳнат боғим ҳосили.





Фарзандларим тухфаси.



Шиорим

Тўққизинчи иморатимнинг ташқи кўриниши.



Тўққизинчи иморатимнинг ички кўриниши.





Қуда буви Жамила ойи халол лўқма билан 8 болани катта қилиб, аъло даражада тарбиялади.



Миролим ўғлим оиласи билан.



Набирам Фарходжон оиласи, набира келиним  
Мухлисахон билан.




Набирам Шерзоджон келиним Нодирахон билан.



Нодир набира куёвим ва Гулноза набирам  
ва уларнинг болалари.



Ўғлим Миромил оиласи билан.



Нодир набира куёвим ва Нодира набирам.



Илхомжон набира куёвим, Севара ва уларнинг фарзандлари.

2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”







Бош фарзандим Хуршидахонни 45 ёшга тўлганда.



Фирдавусхон ва мен Нодирахон набира келиним ва унинг турмуш ўртоғи Шерзоджон билан.

миннатдорлик билдиришларининг ўзи менга қанчалар завқ бағишлайди. Ҳар кимнинг кўнгли ҳар хил бўлар экан. Бир нотаниш киши ёнимга келиб:

– Ўз кўнглингизча, «жуда катта савоб иш қиляпман», деб ўйлаётгандирсиз? Билиб қўйинг, сизнинг ошингизни ҳар хил миллатлар, ичиб олиб кўчада чўзилиб ётадиган маст-аласлар ҳам еб кетишяпти! Бунисига нима дейсиз? – деб қолди.

– Кечирасиз, акажон! Мен болалигимда шароитим оғирлиги сабабли Тошкентдаги янги очилган 1- сонли мактаб-интернатда ўқиб, ўша ерда билим, ҳунар эгаси бўлиб етишдим. Мен билан ўқиган болалар ҳам турли миллатга мансуб эдилар. Ҳатто хорижий мамлакатлардан келган болалар ҳам биз билан бирдек таҳсил олардилар. Улар билан ҳам бир бурда нонни бўлишиб еб, иноқ яшаганмиз. Бу кунлар энди ортда қолди. Лекин хотираларим қалбимда муҳрланиб қолган. Шунинг учун ҳам мен миллат ажратмайман, бу қилаётган ишимни Оллоҳ кўриб турибди, ўзи ажрини беради, – дедим.

### **Оталик бахтининг моҳияти...**

Ҳар бир инсон фарзанди ўз ота-онасини ҳаётлик чоғида ҳурмат қилиб, дуоларини олиб юриши ҳаётнинг энг улкан ва тотли неъматларидандир.

Шоир Шўҳрат шундай тўртлик ёзганлар:

Сен онанг ўлганда, туздинг дастурхон,  
Пистаю бодому қазию қарта,  
Онангнинг ўзини қилдингми меҳмон,  
Тириклик чоғида сен бирор марта?

Элимизда шундай мақол бор: «Нима эксанг, шуни ўрасан».

Ушбу мақол маъносини чуқур англадим. Бизким Мирсодиқжон ва аёлим Фирдавсхон иккимиз сермазмун, бахтли ҳаёт кечиряпмиз. Ёшлиқдаги қийинчиликларим, меҳнатим, сабримнинг нашидасини тотяпмиз десам, муболаға бўлмайди. Бунинг исботи шуки, фарзандларимиз кексайиб бораётган бир пайтимизда ҳурматимизни ниҳоятда жойига қўйиб, эъзозлаб, кўпчиликнинг олдида ибрат бўлмоқдалар. Улардаги бу ижобий фазилатларни набираларимизда ҳам кўраётганимиздан

қувончимиз чексиз. Шунинг учун ҳам шундай кунларни кўриш бахти насиб этганидан Яратганга беҳисоб шукурлар айтамыз ва ҳамиша уларнинг дуоларида бўламыз.

2010 йилнинг 16 ноябр куни катта ўғлим Миролим 40 ёшга тўлди. Бахтли тасодифни қарангки, айни шу кун Қурбон ҳайити байрамига тўғри келди. Ўғилларим ва қизларим ушбу кунни шаҳримиздаги янги таъмирланган, ниҳоятда гўзал «Чароғон» тантаналар масканида ақиқа тўйи қилиб ўтказишни маслаҳатлашиб қўйишган экан. Ўғлим бу режаларини менга айтди. Мен унга:

– Ўғлим, ахир, яқинда катта харажатлар эвазига ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш арафасида бўлсак, ўтказиладиган анжуманга ҳам сарф-харажатлар кетади. Буларни ўйлаб кўриш керак эди, – дедим.

Ўғлим:

– Ахир, дадажон, бу байрам меникигина эмас, авваломбор, мени дунёга келтирган, таълим-тарбия берган, ҳаётда қоқилмай, тўғри йўлдан юришга ўргатган сизларнинг байрамингиз бўлса-ю, мен сизлардек табаррук зот – ота-онамни тирклик чоғида хурсанд қила олмасам. Мен сизларга ўз миннатдорлигимни, шундай ота-онанинг фарзандлари эканимдан беҳад мамнун эканимни изҳор этишни кўнглимга тугиб қўйган эдим. Укам Миромил билан биргаликда сизлар учун кутилмаган совга тайёрлаб қўйганмиз, шу совғамизни дўсту биродарларимиз олдида сизга туҳфа этиш ниятимиз бор.

Дадажон, сиз атрофдагиларга ибрат бўлсин деб, сулоламыз, оиламыз, ҳаётингиздаги ибратли воқеаларни китоб қилиб битдингиз, биз ҳам шунга муносиброқ иш қилишни ният қилдик, шунинг учун розилик беринг, – деди.

Мен бу гапларни эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим, розилик билан дуо қилдим. Бундан руҳланиб кетган ўғлим тадбирни янада сифатли, мазмунли ўтказиш йўлида аввалгидан ҳам кўпроқ ғайрат, шижоат билан ишга киришиб кетди.

Яхши ният билан бошлаган ақиқа кунимиз ҳам етиб келди. Аслида, Қурбон ҳайит 17 ноябрдан 16 ноябрга кўчгани бизларни қувонтириб юборди. Сабаби, Қурбон ҳайити муслмонларнинг байрами ҳисобланади. Бу кун – қариндош, ёру биродарларни бир-бирлари билан учраштирадиган, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўраб йўқлайдиган кун. Оллоҳ бизнинг шундай кунга етишишимизни хоҳлади. Бизнинг хонадонимизда бўладиган

барча хурсандчилигимизга доимо ўз ҳиссасини қўшиб келаётган кадрдон укамиз Қобил қорининг маърузалари барча меҳмонларни тўлқинлантириб юборди. Сўнгра ўғлим Миролим таклифи билан Ўзбекистонда ҳозирги вақтда кўпчиликка ўз санъати билан манзур бўлаётган «Садо гуруҳи» Тоҳиржон бошчилигида ўз созлари ва овозлари билан ҳаммани хушнуд этдилар.

Оғир, вазмин куй садоси остида залдаги чироқлар ўчирилиб, залнинг четига жойлаштирилган экранда менинг туғилган куним ва раҳматли отамнинг онамга айтган охириги сўзлари тасвирланган, элимизга танилган актёрлар иштирокида ишланган 10 дақиқалик фильм кўрсатила бошланди. Мен таажубда қолиб, эзгу ҳаётим қиёфасини томоша қилар эканман, ўзимни тутиб туролмадим. Ичимдан отилиб чиқаётган сасни, фарёдни босолмай, хўнграб йиғлаб юбордим. Ахир, бу ҳақиқат эди. Кино тасмасида отамдан ёш қолиб, етти ёшимда ўз меҳнатим эвазига иккита гижда нонни бағримга босиб, онамга келтирганим ифода этилган ва қуйидаги воқеалар бари аянчли ҳақиқат эди.

Онамнинг: «Мени боқувчи ўғлим, даданг раҳматли: «Шу ўғлингдан роҳат кўрасан», – дердилар», – дея кўзларида ёш билан мени бағирларига босганлари ва отамнинг ўлимлари олдидан: «Бундан буён шу ўғлимга эътибор беринг, бу ўғлим келажакда халқимиз эътиборига сазовор созанда бўлиб етишишига ишончим комил.

Онаси, сизга шу уч боламизни ташлаб кетяпман, мендан рози бўлинг. Сиз билан оз умр кечирган бўлсак-да, Оллоҳ бизга ўн бир фарзанд ато этди. Саккизтасининг умри қисқа экан, яна ўзи қайтариб олди. Сиздан мен розиман, фарзандларимнинг тарбиясида Оллоҳ ўзи сизга мадад берсин», – деб, калима келтириб, кўзларини абадий юмганлари ҳаммани йиғлатди.

Кинолавҳа давомида эса мен аста-секин ўсиб, отам раҳматли орзу қилган ниятларини рўёбга чиқариш учун онам билан Кўкча дарвозадаги янги очилган илм ва ҳунар мактабига 1956 йил 4 декабрда борганим, устоз, севимли санъаткор Фахриддин Умаров билан ишлаган вақтларим ҳам акс эттирилган.

Кинолавҳа яқунланганда, барча ақиқага ташриф буюрган меҳмонлар гулдурос қарсақлар чалиб юбордилар. Бу кун оталик бахтининг нашидасини суриш моҳиятини ўзгача англадим. Болаларимнинг бу туҳфаларини, миннатдорлик инъомларини умримнинг охиригача унутмайман.

Болаларим! Сизлардек покиза, ота-оналарини иззат-икром этгувчи, Оллоҳнинг назаридан четда қолишдан қўрқувчи зурриётларни катта қилганимиздан биз – ота-онангиз бағоят хурсандмиз. Сизларга ҳамиша омад ёр бўлсин, азиз болаларим!

### Тўғри йўл кўрсатишнинг ҳосияти

Сергелидаги машина бозорида тирикчилик қилиб юрган вақтимда бир йигитнинг нотўғри йўлга кириб, эгри ишлар билан шуғулланиб юрганига бир неча бор ўзим гувоҳ бўлган эдим. Бир куни ўша йигит ёнимга келиб, машинада бироз ўтириб туришини илтимос қилди. Сабаби, ўшанда қаттиқ ёмғир ёғаётган эди. Мен унинг ёмғирда уст-боши ивиб кетганини кўриб, машинада ўтириб туришига рухсат бердим. Машина ичида иккимиз анча вақтгача суҳбатлашиб ўтирдик. Гап орасида у менга:

– Амакижон, мен сизга, қолаверса, фарзандларингиз Миролим ака ва Миромил акага жуда ҳавасим келади. Фарзандларингиз барча билан бирдай хушмуомалада бўлади, уларга яхши тарбия берганингиз юриш-туришларидан, гап-сўзларидан билиниб турибди, – деб қолди. Шунда мен:

– Укажон, хоҳлайсанми, сен ҳам ишбилармон бўлиб, ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришни. Агар рози бўлсанг, мен сенга йўл-йўриқ кўрсатаман. Лекин бир шартим бор: бугундан бошлаб фақат менинг айтганларимни қиласан, эски ҳунарингни ташлайсан, бировларнинг ҳаққига хиёнат қилмайсан. Шу шартларимга рози бўлиб, менга эркакча сўз берсанг, албатта, сенга кўлимдан келганча ёрдам бераман, – дедим. У эса:

– Амакижон, нима десангиз, ҳаммасига рози бўламан, бошқа эгри йўллардан юрмасликка ваъда бераман. Тўғриси, бундай номаъқул ишларни қилиб юриш ўзимнинг ҳам жонимга тегиб кетди. Ҳозир жуда ночор аҳволдаман. Менга тўғри йўл кўрсатадиган, қўллаб-қувватлайдиган отам йўқ, онам эса касалмандлар. Ўзим бўлса, кўриб турганингиздек. Бундан ташқари, бўйдоқман, уйланай десам, имкониятим йўқ, қолаверса, маҳаллада ёмон ном чиқарганман. Агар менга ўзимни тиклаб олиш учун бир марта имконият берсангиз, албатта, ишончингизни оқлайман, – деб, ўзининг бошидан ўтганларини айтиб берди. Унинг гапларини эшитиб, ёрдам беришга қарор қилдим.

– Ука, Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ҳали онангни ҳам даволатасан, уйланасан, бола-чақа кўриб, бахтли бўлиб кетасан. Бунинг учун айтганларимдан чиқмасанг, бас.

Гап бундай. Шу машина бозорида машина олди-сотдиси билан шуғулланамиз. Аввалига «Тико»дан бошлаймиз, чунки ҳозир менда бундан қимматроқ машиналарга сармоя йўқ. Уша олинадиган «Тико»ни ўзинг топиб, мени эгасининг олдига олиб борасан. Эгаси билан машинанинг савдосини келиштириб, ўзим ишонган бир одамнинг номига расмийлаштираман. Сен эса ўша сотиб олинган машинанинг кам-кўстини тўғрилайсан. Қилган харажатларингни ёзиб қўясан. Кейин машина тайёр бўлгач, уни бозорда сотиб, харажатлардан ташқари тушган соф фойдани тенг иккига бўламиз, ярми сеники бўлади. Лекин бир нарсани айтиб қўяй: агар фирромлик қилсанг ёки яна бир бошқа ҳунар кўрсатсанг, ўша заҳоти ўйиндан чиқасан. Мақсадим – сенга ёрдам бериш, тўғри йўлга бошлаш. Келишдикми?

Менинг бу гапларимдан хурсанд бўлиб:

– Амакижон, сизнинг шартларингизни жон-жон деб қабул қиламан. Сизга чин дилдан сўз бераман, – деб таклифимга рози бўлди ва иккимиз биргаликда ишлашга келишиб, қўл ташлашдик. Сўнг у мендан фотиҳа олиб, ўша куниеқ ишга киришиб кетди. Ҳаммасини мен тайинлагандек бажарди. У билан ишларимиз анча юришиб кетди, шунга яраша фойда ҳам олдик. Шундай қилиб, у анчагина пул тўплади. Яшаш шароитини ҳам яхшилаб олди. Хуллас, у бошқа эгри ишларга қўл урмайдиган бўлди. Мен эса унинг ҳаёти изига тушиб кетганидан хурсанд бўлдим. Демак, одамда ақл-фаросат, аниқ мақсад, интилиш бўлса, у ўз йўлини топиб кетар экан. Фақат биз уларга баъзан тўғри йўл кўрсатиб, маслаҳат бериб туришимиз керак, холос.

### **Кимга эҳсон қилишни билиб олайлик!**

Ҳар йили бериладиган закотни кимга беришни билиш керак. Русларда бир мақол бор: «Век живи, век учись» деган. Инсон қанча яшамасин, халқ орасида бўлгандан кейин, ҳаётда бўлган ҳар хил воқеалардан хабар топар экан. Яқинда бир бўлган воқеалардан бирини эшитиб қолдим. Бир ишнинг кўзини биладиган йигит ўзи тўплаган даромади устидан бир инсонга жуда катта миқдорда икки йил мобайнида закот берган бўлиб, учин-

чи йили закот олган шахс унинг ёнига келиб: «Бу йил берадиган закотингизга битта ҳовли олиб берсангиз», – дебди. Ахир, закот олувчи шахс буйруқ бериб, ҳовли сўраб олишга ҳаққи йўқ-ку. Иккинчидан, ўша ҳимматли инсон қанча пули борлигини билдириб қўйибди. Агар мен унинг ўрнида бўлганимда эди, закотни фақат, ҳақиқатан ҳам, муҳтож одамларга берган бўлар эдим.

Ўзимнинг бошимдан ўтган шунга ўхшаш бир кичкина воқеани сўзлаб берай. Бир йили мол бозорига бориб, катта семиз қўйни сотиб олдим. Уни ўзимга таниш бўлган бир қассобга сўйдириб, бир хил оғирликдаги бўлақларга чиройли қилиб бўлдирдим ва уларни ёнига Тошкент нонларидан қўшиб пакетларга солдим-да, Ангрендаги Янгиобод қишлоғига олиб бориб, ўша қишлоқда яшовчи қадрдон дўстим Рустамжон билан боқувчисини йўқотган, муҳтож оилаларга тарқатдик. Ўша қишлоқда кичкина бозорча ҳам бор эди. Ортиб қолган олти пакет гўштни ўша бозорда савдо қилувчи аёлларга тарқатаётганимизда, бир аёл:

– Акажон, менга иккита беринг, – деб қолди.

– Жоним билан берган бўлар эдим, синглим, лекин ҳаммага баробар бўлиб беришим керак. Йўқса, бошқаларга етмай қолади. Майли, кейинги сафар келганимда сизга алоҳида олиб келиб бераман, – десам, ўша аёл ҳеч уялмасдан:

– Ҳамма нарсанинг нақди асал, – деб қолди. Унинг бу гапини эшитган бошқа аёллар:

– Ахир, шунисига ҳам раҳмат демайсанми, ношукур, – деб уни уришиб беришди. Эртасига эрталаб ўша бозорга сут олгани чиқсам, бояги уришиб берган аёллардан бири:

– Амаки, кеча сиздан яна гўшт беришингизни сўраган аёлга ҳеч нарса берманг. Унинг топарман-тутарман ўғиллари бор, улар тез-тез келиб, онасидан хабар олиб туришади. Бу аёлнинг кўзи шунақа оч, ҳеч пулга тўймайди. Нафсига ўт тушсин унинг, – деб қолди.

– Ҳар ким қилса, ўзига. Инсон нимаики қилмасин, у дунёда ҳам, бу дунёда ҳам қилган ишига яраша мукофотини олади, – деб уларга уқтирдим.

Бўлиб ўтган бу воқеани ёзмасам ҳам бўлар эди. Ахир, айтишади-ку, «Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин», деб. Бироқ буни ёзишимдан мақсад шуки, бошқалар бу воқеадан ўзларига яраша хулоса чиқариб олишсалар, фойдадан холи бўлмас эди.

## Болаликнинг саргардонликлари

Мақтаб-интернатда очилган мусиқа тўғарагига қатнаб, олдин қашқар рубоби, кейинчалик миллий созимиз дуторга ҳавас қўйдим ва зўр иштиёқ билан ўргандим.

Бу ҳунарга мени жалб қилган устозим ва келажақда менга отадай тарбия бериб, ҳатто уйланишим, ўқишга киришимга йўл-йўриқ кўрсатган, элимизга таниқли устоз санъаткорлар билан таништирган Ғуломжон Қўчқоров ҳаёт йўлимда адашмасдан тўғри йўлимни топишимга астойдил ҳаракат қилдилар. Шу ерда бир нарсани сизларга айтиб қўйишни ўзимга муносиб кўрдим. 1957 йилларда эстрада концерт залига бир неча марта бориб, ўша даврдаги устоз санъаткорларнинг санъатини кўриб, маҳлиё бўлиб қолганман. Айниқса, Муҳаммаджон Мирзаев ва баянчи Виктор Тягнебидне жўрлигидаги «Яллама ёрим» куйи менинг мусиқага бўлган иштиёқимни янада оширди. Орадан бир йил ўтиб, яъни 1958 йил устозим билан «Қоратош» маҳалласидаги энг машҳур рубоб ясовчи уста Хусан акадан меҳнатим эвазига топган минг сўм пулимга олган рубобим машҳур созанда Муҳаммаджон Мирзаевнинг ҳам созидан яхши эди.

«Қўлингизда яхши соз бўлса, келажақда яхши созанда бўлишингизга кафолат беради», – дердилар Ғуломжон ака.

Интернатда, ҳатто кечқурун ухлаб ётганимда ҳам, рубобимни кучоқлаб ётар эдим. Интернат тўғарагидан ташқари, якшанба кунлари ўша даврдаги ўқувчилар саройидаги тўғаракка ҳам қатнашар эдим. Шу саройдаги халқ чолғу асбоблари оркестри билан Москвага ҳамда Киевга бориб, ўз санъатимизни намойиш қилганмиз.

Саройимизда биз билан қатнашган Насиба Мақсудова, Гулчеҳра Жамилова, Насиба Мадраҳимовалар ҳам бор эдилар.

1960 йил мусиқа билим юртига рубоб созидан кириш имтиҳонини аъло баҳога топширганим учун, у ердаги устозлар менга дуторни ҳам ўрганишимни тавсия қилдилар. Устозим Ғуломжон ака ҳам менинг дутор чалишни ўрганишимда бошқош бўлдилар.

1963 йили, филармония халқ чолғу асбоблари оркестрида дуторчи созанда сифатида ишлаётган давримда,



Ўзбекистонимизда машҳур бўлган лирик ҳофиз Фаҳриддин Умаров назарига тушиб қолдим ва менга улар билан йигирма йилларча ёнма-ён ишлаш насиб қилди.

«Ҳаётим дутори» номли иккинчи китобимда аччиқ тирикчиликнинг илк азоблари ҳақидаги хотираларимни ёзиш ёдимдан кўтарилган экан, буни, албатта, ёзишим шарт деб ҳисобладим.

Ахир, бу тирикчилик учун илк уринишларим мен учун келажакда ўз мақсадларимизга эришишимда асос бўлган эди-да. Буни асло унутиш мумкин эмас.

Шу ҳолатларни очикдан-очик сизларга билдиришни хоҳладим.

«Тирикчиликнинг айби йўқ», дейишади. Туғилиб ўсган, болалик ва ёшлик даврим ўтган шаҳримизнинг Кўкча даҳасидаги Шайх Зайниддин бува масжиди ҳовлимизга девор-дармиён эди. Ҳар йили икки маротаба – катта ва кичик ҳайит кунлари чиройли либосларни кийган каттаю кичик Зайниддин бува масжидини ҳатто узоқлардан зиёрат қилишга келишардилар. Ўша даврда, асосан, транспорт воситалари сифатида туя, от-аравалардан фойдаланилган. Ўша кунлар байрамга айланиб кетар эди.

Ҳунармандлар ва ҳар хил соҳа-касб эгалари кўларидан келган ҳунарларини халқимизга намоиш қилишар, хуллас, ҳамманинг юзида қувонч акс этарди. Чунки шундай муборак кунда анчадан бери бир-бирлари билан кўришмаган дўсту биродарлар, қариндош-уруғлар дийдорлашардилар.

Шу байрам муносабати билан катталар ўз болалари, набираларига турли ширинликлар, ўйинчоқлар ва турли рангдаги пуфаклар сотиб олар, шу тариқа кичкинтойларни хурсанд қилишар эди.

Икки-уч кишидан иборат бўлган савдогарлар кўп миқдорда пуфаклар сотиб, анча фойда кўришар эди. Мен ҳам улардан 10 – 15 та тайёр шарларни сотиб олиб, устига озгина қўшимча пул қўйиб сотишни ўрганиб олдим. Шундай қилиб, шар сотувчилар мени ўзларига ёрдамчи сотувчи қилиб олдилар, чунки уларнинг синовидан ўтган эдим. Ҳатто ҳайитнинг иккинчи ва учинчи кунлари ҳам менга ишониб анча пуфакларни етказиб турардилар. «Озданми, кўпданми – барака» деганларининг маъносини мен ўшанда англай бошладим ва аста-секин шу ҳунар кетидан ўзим ҳам излана бошладим.

Ўқувчилар саройининг мен қатнашаётган тўғараги тарки-

бида гастролга борганимда, ўша вақтда Москва шаҳридаги ВДНХда – собиқ СССР пойтахтида халқ ҳўжалиги ютуқлари намойиши маскани ҳисобланган жойда концертлар бердик, ҳатто телевидение орқали бизнинг концертларимиз намойиш этилди.

Гуруҳимиз билан Москва шаҳрининг кўркам музейлари, обидаларини ҳам кўришга муяссар бўлдик. Москва шаҳридан эсдалик буюмлар олишимиз учун бизларни ҳатто болалар дунёси магазинига ҳам олиб боришди. Ҳар ким ўзига муносиб кўрган нарсаларини олган бўлса, мен 500 дона бир катта ўрамдаги чиройли нақшли пуффақларни сотиб олдим.

Пуффақлар ҳам арзон, ҳам сифатли эди. Мени қизиқтиргани: бизнинг шарларимизга ўхшаб тез ёрилиб кетмасди. Ранглари ҳам турфа бўлиб, пуфланганда бизнинг шарларга нисбатан анча катта бўлар экан. Бу, демак, харидоргир бўлишидан дарак эди. Тан оламанки, бу ишим учун аввалига устозларим ва дўстларим олдида анча гап-сўзларга қолдим, хижолат бўлдим, уялдим.

Уларни Тошкентга олиб келиб, байрамларда сотиб, анча даромад қилиб, ёнига қўшиб-чатиб, Хусан акага устозим Ғулом ака билан бирга ўйма рубоб (Қашғар рубоби)га буюртма бердик. Рубобимнинг нархи ҳам ўзига яраша: устидаги ғилофи билан минг сўм бўлган. 1960 йили минг сўм жуда катта пул ҳисобланар эди. 1961 йили минг сўм юз сўм бўлиб қолди, бу пулга катта қўй берар эди.

Агар ўрганаётган созингиз яхши бўлса, ўрганиш қобилиятингиз ҳам ошаверади ва тез фурсатда ўйлаган ниятингизга етишишингиз аниқ эди. Айниқса, сотиб олган созингиз пешона тери эвазига келса, унинг қадрига, албатта, етасиз. Ҳатто ухлаганимда рубобимни кучоқлаб ётар эдим.

Шўролар даврида савдо-сотик билан машғул бўлган кишиларга ёмон назар билан қараларди. Лекин бу қилган ишларим кейинчалик ҳаётимда ўз йўлимни топиб олишимда кўмак берди, деб ҳисоблайман. Тарихдан маълум, улуғ пайғамбаримиз Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳам ўзларининг илк тирикчилик учун ҳаракатларини тижоратдан бошлаганлар, келажакда шу ҳунарлари ҳаётларида асқотган. Мен ҳам илк тирикчилик ишларимни тижорат йўли билан бошлаганимдан ҳеч афсус қилмайман. Юртимизнинг мустақилликка эришгани, тижорат учун ҳозирги кунда жуда катта имкониятлар яратилганидан жуда хурсандман.

Шуни сизларга мамнуният билан айтаманки, ёшлигингиздан ўзингизга тўғри йўлни танлаб, астойдил ҳаракат қилсангиз, келажакда сира хору зор бўлмайсиз. Халқимизда: «Қуруқ гап қулоққа ёқмайди», деган ибора бор. Юқорида баён қилганларим эса бунинг исботи. Оддий, арзон пуфак (шар) билан бошлаган тижорат ишим ҳозирги замонимиз талабига жавоб берадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги ишимизга, яъни ширинлик цехига уланиб кетди. «Бир йигитга қирқ хунар оз», деб бекорга айтмайдилар.

### **Ички овоз огоҳлантиради**

2000 йили ноябр ойлари, бироз шароитим, имкониятим бўлган вақтлари бўш вақтимни оила аъзоларим даврасида ҳордиқ чиқариб ўтказиш мақсадида Ангрен тоғлари орасида жойлашган кўп қаватли уйлардан уч хонали квартира сотиб олдим. Бу жойни Янгиобод қишлоғи деб аташади. Гоҳи-гоҳида машинамда 2 – 3 бориб, хабар олиб, бир йўла дам олиб қайтаман.

Ниҳоятда тинч, об-ҳавоси мусаффо бўлиб, дам олиш учун барча шарт-шароитлар бор.

Шундай кунларнинг бирида кутилмаган воқеа содир бўлди.

Машинамни уйимнинг ёнига қўйиб, овқат қилишга уриниб кетдим. Тайёр бўлган овқатни тановул қилиб бўлиб, дам олиш тараддудига тушдим. Ичкари уйга кириб, уйнинг машинам турган томонга қараган деразасини очиб қўйиб, ўрнимга ётиб, ҳеч ухлай олмасам бўладими? Негадир юрагим безовта бўла бошлади. Хаёлимда қандайдир нохушлик рўй берадигандай.

Бироз кўзим илингандек бўлди. Ҳатто озгина туш кўриб, тушимда аллақандай ваҳималардан чўчиб уйғониб кетдим. Қандайдир ички овоз: «Тезроқ бу ердан кет! Наҳотки, кутила-жак нохушликни сезиб туриб ҳам, бу ерда қолмоқчисан?» – деётгандек эди. Ўрнимдан туриб, кетиш тараддудига тушдим. Ярим кечада, йўлларнинг бироз нотанишлигига қарамасдан, тез юриб, ҳатто йўлда ётган ўлик эшакнинг устидан ўтиб кетганимни ҳам сезмай қолибман. Кўзим бироз хиралашгани сабабли кўп машаққатлар билан тонга яқин зўрға уйимга етиб келганим ҳеч эсимдан чиқмайди. Буни қарангки, эртаси куни эрталаб бир гуруҳ тиш-тирноғи билан қуролланган жангарилар билан милиция ходимлари ўртасида отишмалар бўлибди.

Натижада, уч нафар милиция ходими ҳалок бўлиб, жангарилар бошлиғи эса яраланган экан. Бошлиғининг яраланганини кўрган шериклари кўзлари қонга тўлиб, енгил машина қидириб, ҳатто Янгиободга ҳам келган эканлар. Агар у ерда қолганимда, мени нима кутиши фақат Яратгангагина аён.

Кўп ҳолатларда ички овозимга, кўнглимга қараб тутган йўлим мени кутилмаган ва оқибати ёмон бўлиши эҳтимоли бўлган аҳволдан қутқариб қолади.

Воқеадан хабар топган ҳарбийлар, жангариларнинг ҳаммасини ер тишлатиб, қириб ташлаганларини Янгиободлик дўстим Рустамжондан эшитдим. Барака топгур Рустамжон ҳарбийлар билан вертолётда ҳар хил овлоқ жойларни синчиклаб текшириб, уларни қидириб топишга йўлбошчилик қилибди. Чунки Рустамжон бу ердаги тоғларни жуда яхши билади. Хуллас, менинг омон қолганим Оллоҳнинг меҳрибонлигидан деб биламан. Шунингдек, ҳар бир банда ўзига ҳушёр бўлгани, ички овози, кўнгил амрига қулоқ солгани маъқул, деб ўйлайман. Барчамизни Яратганнинг ўзи асрасин.

### **Вазиятдан келиб чиқиб...**

Инсон ҳаётида не-не ҳодисаларни бошидан кечирмайди дейсиз?

Иккинчи китобимда баён этганим, яъни 1973 йил Киев шаҳридан ўзимга «Волга – 21» русумли машина олиб келаётганимда ҳар хил қийинчиликларга дуч келдим. Шу йўлда мен билан бирга бўлган алматилик уч рус ака-укалар билан танишиб қолиб, бир-биримиз билан қадрдонлашиб кетдик. Улар бизнинг пойтахтдаги хонадонимизда икки-уч бора меҳмон бўлишганида, мен уларни имкон қадар ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олдим. Юртларига кузатаётганимда: «Бизлар ҳам оиламиз билан, албатта, Алматига борамиз», – деб ваъда бердим. Ўзингизга маълум улар билан дам олиш мақсадида Или дарёси ёқасида ўн кун қолиб, эсда қоларли воқеаларни бошимдан кечирганимни ёзган эдим.

Бир куни кечкурун дарё ёқасида машинам ичида оилам билан чарчаб ухлаб қолдик. Дарё суви кўпайиб кетиб, машинамиз билан бизни дарё ўртасига элтиб қўйганини сезиб қолиб, уйғониб кетдим.

Мен бироз ўйлаб, саросимага тушмасдан, бу вазиятдан чиқиб кетиш чорасини изладим. Агар машина эшигини очсам, сув кириб кетиши аниқ эди. Оиламни уйғотиб юбормасдан иш кўришим лозим эди. Ахир, улар кўрқиб кетиб, саросимага тушиб қолар эдилар-да. Шу боис сигнални босишнинг ҳам иложи йўқ эди. Бирдан SOS, яъни «Ёрдам беринглар!» белгиси борлиги эсимга келди ва машина фараларини қайта-қайта ёқиб-ўчира бошладим. Бахтимни қарангки, ака-укалар пайқаб қолдилар ва резина қайиқларда ёрдамга келишиб, арқонни машинанинг бамперига боғлаб, аста-секин дарё қирғоғига олиб чиқишди. Шу пайт аёлим Фирдавсхон уйғониб кетди. Бўлган ҳодисадан хабар топгач, ҳайратдан ёқа ушлаб:

– Ақл билан иш кўрибсиз, яхши ҳамки, бизларни уйғотиб юбормадингиз, акс ҳолда, даҳшатли ҳангома бўларди, – дедилар.

Инсон ҳаётда ҳар хил вазиятларга дуч келиши мумкин, шундай ҳолларда саросимага тушмасдан, вазиятга қараб иш тутмоқ лозим эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

### Яшашдан мақсад

Бу ёруғ дунёга келган ҳар бир инсон ёшлигидан келажакни ўйлаб, ўзи учун тўғри йўл танлаб, асосан, ўзи севган ҳунарни мукамал ўрганиб, келажакда шу севган ҳунари билан халқига, давлатига нафи тегадиган даражада танилса, ҳалол меҳнатга муҳаббат қўйиб, қайси соҳада бўлмасин, шу ҳунарнинг мутахассиси бўлишга интилиб, иккиланмасдан олдинга илдам қадам қўйса, албатта, шу мақсадлари амалга ошади. Халқимиз: «Қуш уясида кўрганини қилади», деб бежиз айтмайди. Чунки кўп нарса ота-онанинг ҳаётда тутган йўли, бажарган ишлари, эришган ютуқлари, оиладаги соф муҳитга боғлиқ деб биламан.

Минг шукурлар айтаманки, турмуш ўртоғим билан биргаликда фарзандларимизни соғ-саломат ўстириб, камолини кўрганимиз: уларнинг оила тебратиб, меҳнатдан чўчимай, олдиларига қўйган мақсадлари томон илдам қадам ташлаётганларининг ўзи бизнинг улуғ ютуғимиздир. Бу дунёда бундан ортиқ хурсандчилик, бойлик бўладими? Ахир, оқил фарзанд тарбияси учун бор куч-ғайратимизни аямадик. Илоҳим, ҳар

банда ўзи ўстириб, улғайтириб, тарбиялаган фарзандларининг роҳатини кўрсин.

Ҳар бир фарзанд ота-оналарининг дуосини олиб, уларнинг кўнгилларини шод этиш шарафига муяссар бўлсин.

Мен ўз ҳаётимда ёшлиқдан орзу қилган барча ниятларимга ҳалол меҳнатим орқасидан эришдим ва бошқаларга ҳам шундай ўйлаган натижаларга эришишларига тилақдошман.

Яна сизларга шуни таъкидлаб демоқчиманки, ҳар ким ўз ниятига тилдагина эмас, амалда етишмоқ орзусида экан, бунинг учун ҳаракат ва яна ҳаракат лозим.

Инсон меҳнат билан ҳеч ерда кам бўлмаслигини, меҳнатнинг уяти йўқлигини сизларга ҳаётимдаги ўз бошимдан кечирган саргузаштларим ифодасида баён этдим. Ўйлайманки, ҳар ким бундан ўзига тўғри хулоса чиқара олади.

### **Ҳалоллик – тарбиянинг асоси**

Биз – ўзбек халқи меҳнаткаш халқмиз. Яхши тўй қилсам, уй қурсам, биздан кейин зурриётларимиз қийналмасдан тинч-тотув, фаровон яшашаса деган ниятда бўламиз доим. Яхши оиладан келин олишни, яхши оилага қиз чиқаришни ният қиламиз. Худога шукур, мен ҳам яхши одамлар билан қуданда бўлдим. Тошкентдаги Кўкча даҳасида истиқомат қилувчи табаррук ёшдаги онахонимиз Жамила опа билан ҳам суҳбатда бўлдим. Улар ҳалол меҳнат қилиб, турмуш ўртоқлари билан ҳамжиҳат-тотувликда саккиз нафар фарзандини ўстириб-улғайтирдилар. Уларни оёққа турғазиб, уйлантирди, узатишди. Уларнинг ҳунарлари қандолатчилик бўлиб, 53 йил цехда ишлаган эканлар. Бўш вақтлари уйларида хўрозқанд тайёрлаб, тирикчилик қилганларини гапириб бердилар. Шу ерда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Худо барака берса, оз наф кўрадиган хўрозқанд тайёрлаш билан шуғулланиб ҳам оила тебратса бўлар экан. Бу ҳаётда кўп даромад қилиб, пул, мол-дунё йиққан, охири нариги дунёга кетар чоғида фарзандлари кунига ярамай, бошқалар ёрдамига муҳтож ўтган одамларни ҳам кўрдим. Чунки бу инсон тириклик вақтида ўз фарзандлари, оиласига ҳам муносиб кўрмай йиғаверган бу бойликлари қаерларда қолиб кетди – бу Оллоҳга маълум. Шунинг учун мен фарзандларимга, зурриётларимга мол-дунёга ҳирс қўймангиз,

чунки бу ортиқча матоҳ ўзингизга зарар деб уқтиришни канда қилмайман. Бу бош шунча йиллар давомида нималарни кўрмади дейсиз.

1994 йили эрталаб еттиларда уйимизга бир гуруҳ ўғрилар бостириб кириб, ўғлимнинг ва менинг оёқ-қўлларимизни боғлаб, бизлардан йиққан пул, мол ва бошқа нарсаларни топиб беришимизни талаб қилишди. Мен бу ўғрилар бошлиғини чақиртириб, менда пул ва бошқа нарсалар йўқлигини айтсам: «Сенлар машина билан шуғулланасизлар, пулинг борлигини аниқ биламиз, ўз ихтиёринг билан топиб бермасанг, сенларни ўлдириб, барибир, бойликларингни топиб олиб кетамиз», – деб зўравонлик қилишди. Мен шахсий «Раф» микроавтобусимда 3 йил мобайнида ҳар эрта тонгда Чимкентга йўловчилар ташиб, кунига битта катта қўй берадиган пул ишлаб йиққандим, лекин пул алмашиб, минг сўм пул бир сўм бўлиб қолгани, уйимизда ҳеч қандай ортиқча нарсамиз йўқлиги, ўзлари бемалол қидириб кўришлари мумкинлигини, яъни мингта қўйга йиққан сармойам битта қўйлик бўлиб қолганини уйимизда ҳеч қандай ортиқча нарсамиз йўқлиги, ўзлари бемалол қидириб кўришлари мумкинлигини айтдим. Келиним оғир оёқлигини, уни қўрқитиб юбормасликларини илтимос қилдим.

Тўғри гапирсанг, ўғрилар ҳам тушунар экан. Улар бизга зиён етказишмай кетишди. Келиним Шарофат исмли набирамни эсон-омон туғиб олди, мана, ҳозир у ўн етти ёшга тўлди. Оллоҳга шукур Шарофат набирам гўзал қиз бўлиб, шу ёшигача ҳамма оила ишларини мукамал ўрганди.

Миролим ўғлим болаларини ҳалол меҳнати эвазига тарбиялаб келаётганидан мен ва аёлим Фирдавсхон жуда миннатдормиз. Умрлари зиёда бўлсин. Уйимизда бўлиб ўтган хунук воқеалардан сўнг, умуман пул йиғишга уринмадим. Лекин пулнинг кетига тушиб ҳаракат қилмасам-да, Худо ишимнинг баракасини берди. Тўғрилиқда, ҳалолликда гап кўп экан. Пешонангга насл-насаби тоза, насибали умр йўлдоши битса, бахтинг экан. Жуссам кичкина бўлгани билан, билимли авлоддан қиз олиш насиб қилди, оқила аёлга дуч келдим. Шу хурсандчилик эвазига нафақамни аёлим номига ўтказиб қўйганман. Бахтимга аёлим соғ бўлсин, болаларимизнинг роҳатини бирга кўрайлик.

Нафақа тўғрисида ёзганимнинг сабаби бор: биринчидан, менга олтмиш ёшимгача бир жойда меҳнат қилиш насиб қилди; иккинчидан, бир умр ўз севган касбим билан шуғулландим.

Бунда уйимнинг тинчи бўлган аёлимнинг ўрни беқиёс деб биламан. Бугун Фирдавсхоннинг ҳамма талабларини муҳайё қилишга тайёрман, чунки у, бу ҳурматга сазовор, ҳаётда озмунча қийинчиликларни бошимиздан кечирмадик. Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўзга юртларда ҳатто икки-уч ойлаб гастролларда юрардик. Фарзандларимнинг тарбияси эса, асосан, аёлимнинг зиммасида эди. Беш болани соғ-саломат парваришлаб, тарбия қилган шу аёлимнинг қадрига етиш менинг асосий вазифам деб биламан.

Уқорида айтганимдек, биринчи касбим санъат бўлса, иккинчиси, Автомобиль йўллар институтининг кечки бўлимини яхши баҳолар билан тугатдим, бу ишимда ҳам Фирдавсхон менга далда бўлди. Олтмиш ёшга тўлганимда менга «Мерседес-Бенц» энгил автомобили насиб қилди. Машинани аёлим номига олдим, чунки ёнларида ҳайдовчи бўлиб юришни муносиб кўрдим. Ҳаётда уларни Ферузахон деб эъзозлайман. Инсон яшаш учун курашмоғи керак, фақат шу йўл билан ўйлаган натижаларга етишмоғингиз мумкин. Мен ўзимча ақлим, кучим етганига яраша яшашни, топган даромадимни аста-секин кўчмас мулкларга сарфлашни мақсад қилдим. Одам пешона тери билан топган пулини сарфлашни ҳам билиши керак экан. Хуллас, топган пулларим қадрсизланишининг олдини олдим. Меҳнат қилишнинг йўлини топиб олсангиз, Оллоҳ ўзи етказаверади. Кўчмас мулким ҳам ўз ривожини бера бошлади. Уларни сотиб, Президентимизнинг янги фармони бизга қўл келиб, шу йил мен бошчилигимда икки ўғлим ва Икромжон укам билан кичкина қандолат цехи очишга эришдик. Ишимиз аста-секин ривожланиб бормоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз – бойлик, мол-дунё орттириш эмас, балки мустақил Ўзбекистонимиз, халқимиз дастурхонини покиза, сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, шу тариқа ризқ-насиба топиш. Оллоҳ берган беш фарзандимни ҳаётга тўғри йўлланма бериб тарбияладим. Ва бу улкан орзу-ниятимга эришдим, менга бу орзуим ушалганлиги ҳар қанча пул, мол-дунёдан ортиқ туради. Бу дунё ўткинчи эканлиги ҳаммага маълум, фарзанд орттирдингизми унга хулқ, одоб, таълим беринг, болаларингизни ёшлигидан тергагингиз дуруст, шунда келажакда афсус қилиб қолмайсиз. Уларга умр йўлдошини танлаётганингизда сира адашманг, чунки менда бу борада ҳеч кечирилмас бир алам бор. Ҳар кимнинг ўз ички сири бўлади. Уни бировга ошкора қилмасликка ҳаракат



қилади. Буни тўғри йўл деб биламан. Аммо ўртада яхши ниятлар билан ўстираётган набираларим бор, уларнинг келажаги, бахти учун ҳозирдан қайғураман.

Миролим ўғлимни ҳар қанча мақтаса арзийди. У бир култум ҳам спиртли ичимлик ичмаган, чекиш эса унга умуман бегона. Ҳали ҳеч ким ундан бир оғиз ҳақорат сўзи эшитмаган. Маҳаллада, улфатлари орасида, қариндошлари олдида жуда катта ҳурматга эга. Гапни гап очади деганларидай, бир бўлиб ўтган воқеа эсимга тушиб қолди. Буни сизларга баён қилмасам, кўнглим жойига тушмайди.

Бир куни ўғлимни ёнимга чақириб олиб:

– Болам, сендан умрим охиригача розиман, юзимни ҳеч ерга қаратмадинг. Онанг сизларни авайлаб, ардоқлаб, бутун умрини сизларга бағишлади. Худога шукр, ҳалол меҳнатимиз зое кетмади. Онангдан ҳам умрим охиригача розиман. Бундай онага ҳар қандай ҳурмат-эҳтиром кўрсатсангиз кам, шунинг учун илтимосим бор, – дедим. Шунда у:

– Дадажон, агар кўлимдан келса, сизнинг ҳамма айтганларингизни қилишга тайёрман, – деди.

– Бўлмаса, гапимни эшит, онангнинг ва ўзингнинг паспортингни олиб, диний идорага бор, Ҳаж сафарига навбатга ёздириб келасан. Майли, бир-икки йил вақт ўтар, Оллоҳ насиб қилса, ҳеч гап эмас, – десам, у:

– Ота, лекин бир гапни айтиб қўяй, мабодо мендан Ҳаж сафарига боришим учун пора сўраб қолишса, бормайман, – деб қолди. Мен ҳам бу ишга қаршилигимни айтдим. Лекин бир куни қандайдир киши менга кўнғироқ қилиб, мен билан Ҳаж сафари масаласида учрашмоқчи эканлигини айтиб қолди. Мен ўша одам айтган жойга келишилган вақтда бориб, у билан учрашдим. Шунда у менга мунча доллар берсангиз, сафарга боришингизни тезлатиб бераман, деб қолди. Шунда мен: «Жуда яхши, аввал сиз ўзингизни таништиринг, исм-шарифингиз ким? Ким бўлиб ишлайсиз? Хужжатингизни менга кўрсата оласизми?» – десам, унинг ранги қув ўчиб: «Нима, сиз терговчимисиз? Кимсиз?» – деб сўраб қолди. Олдин уни сизлаб, ҳурматини жойига қўйиб турган эдим, кейин ундан жаҳлим чиқиб: «Виждонсиз, Ҳаж сафарига боришга ҳам пора оласанми? Сен ўртада турган даллолга пул бергандан кўра, Ҳажга бормаганим яхши. Насиб қилса, бир кун борарман», – деб, ўша одамга роса дакки бердим. Оллоҳ

меҳрибон экан, ўша йили Ҳажга бориш аёлим билан менга насиб қилди. Тасодифни қарангки, у ерда ўша порахўрни ҳам кўриб қолдим. У ярамас эса мени кўрди-ю, кўрмаганга олиб, ўзини олиб қочди. Уни тутиб олиб, кўпчилик олдида бир адабини берай дедим-у, бироқ ўзимни аранг босдим. Ўзингиз биласиз, Маккага борган одам ҳатто пашшага ҳам зарар келтирмаслиги керак, акс ҳолда, унинг ҳажи қабул бўлмайти. Ундан ташқари, ҳар ким қилмишига яраша бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жавобини бериши аниқ.

### Опа-сингил уч келин

Бир оиладан уч қизни келин қилган одамни эшитганмисиз? Эшитмаган бўлсангиз, билиб қўйинг, бу мен. Сабр қилсанг, ниятингга етасан, деганлари рост экан. «Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ», деб халқимиз бежиз айтмаган экан. Шундай ёруғ кунларга етиб келганимиздан беҳад хурсандмиз. Аввало, қудаларимиз билан шахсан танишман. Айниқса, Икромжон қудамнинг оталари раҳматли Илҳом ака мен Кўкча даҳасида папирос, сигареталар сотиб, тирикчилик қилиб юрган давримда, улар шахсий машиналарида Назарбек қишлоғига йўловчиларни ташир эдилар. У киши камтарлиги, камсуқумлиги, ширин муомалалиги билан бошқа киракешлардан ажралиб турардилар. Айниқса, мени жуда яхши кўрар: «Мирсодиқ, сен келажақда бахтли бўласан, чунки менга сенинг астойдил тиришқоқлигинг ёқади», – дер эдилар.

Фаришта омин деса, яхши инсонларнинг нияти мустажоб бўлар экан. Тасодифни қарангки, вақтлар келиб Илҳом аканинг ўғиллари Икромжон билан қуда-анда бўлиб қолдик. Қуда эмас, ака-укадек бўлиб қолганмиз десам ҳам бўлади. Уларнинг беш нафар қизи ва Ҳожимурод исмли ўғиллари бор. Барака топкур қудаларим фарзандларига яхши тарбия берган. Уларнинг оиласини Тошкент шаҳридаги энг намунали оилалардан бири десак арзийди. Ҳожимурод ҳақида алоҳида тўхталмасдан иложим йўқ. Набираларимни худди ўзининг укасидай ҳурмат қилади, эъзозлайди. Миродил набирамнинг ўқишларидан тез-тез хабар олиб, ҳатто инглиз тилидан дарс ҳам бериб кетади. Ҳеч кўнглида ғубори йўқ, кўнгли соф бола. Ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, бу инсон қандай ота-оналардан тарбия олгани-

ни. Ҳақиқий иймонли ота-оналарининг фарзандларидан фақат яхшилиқни кутиш мумкин.

Тўғриси айтсам, бу оила ўрта даромадли бўлса-да, топиш-тутишида барака бор; ҳамма вақт дастурхонлари тўкин, чунки уларнинг кўнгиллари очиқ, бу хислат уларнинг ота-оналаридан мерос бўлиб қолган. Улар ҳамма фарзандларига бир хил. Шунинг учун уларнинг одоб ва хулқлари ҳавас қилгулик. Бундай қалби пок оила билан қуда-анда бўлишни ҳамма ҳам орзу қилади. Биз ҳам бу оиладан Наргиза қизимизни Миролим ўғлимга келин қилиб олдик. У жуда одобли, хушмуомала, ҳалол, кўзи тўқ, умуман, унда ёмонлик йўқ. Шу сабабли бу иноқ оила қизларини қўлдан чиқармаслик мақсадида Ирода исмли қизларини ҳам набирам Фарҳоджонга мўлжаллаб қўйган эдим. Иккинчи қизим Шаҳнозахонга бу ниятимни айтиб, уни ҳам бунга ундаганим – ҳақиқат. Соғлиғимни тиклаш мақсадида Вьетнамга кетган чоғимда, Икромжон укам ўзининг қалин дўстининг ўғлига Иродахонни ваъда қилиб қўйибдилар. Сафардан қайтганимдан кейин, Шаҳноза қизим бу ишдан воқиф бўлиб, уйимизга хафа ҳолда келиб қолди: «Дадажон, мен ўша оиладан келин қилишни астойдил ният қилгандим, энди мен нима қиламан?» – деб. Шу гаплардан сўнг мен қудамнинг ёнларига борганимда, у киши: «Мени тўғри тушунинг, қизимизни бошқасига ваъда қилиб қўйган эдик, ваъдани энди бузиб бўлмайди. Майли, орамизга совуқчилик тушмасин, Содиқжон. Тағин бир набирамни сизларга кўрсатаман, Фарҳоджон билан бир учрашиб кўрсин. Бир-бирига тўғри келишса, яна тўй», – деб қолдилар. Фотимахон қизларининг қизлари – Мухлисахоннинг бизларга келин бўлишига сабабчи бўлдилар. Ҳозир уларнинг Фирдавсхон исмли қизалоғи бор, уни эркалатиб «кўзмунчоқ» деб атаيمان. Мухлиса келинимиздан эса жуда хурсандмиз. Икки ёш бир-бирини ардоқлашади. Шаҳноза қизим ва куёвим Фотиҳжонлар ҳам келинидан жуда хурсанд.

Хуршида қизимнинг ҳам фарзандлари вояга етгач, биринчи Нодира набирамни узатиб, кейин Шерзод набирамни уйлантирамыз деган ниятда Хуршидахонга маслаҳат солдим. «Йўқ, дада, аввал Шерзодни уйлантириб, кейин Нодирани узатамиз», – деб қолди. «Менга қара, қизим, эртага уйингга совчи келади. Иигитнинг исми – Нодир. Қўлида гулдай ҳунари бор – сартарош. Ҳар куни ҳалол меҳнати кетидан насибасига яраша ишлаб пул топади. Ўзи жуда тарбияли, яхши оиланинг фарзанди.

Эҳтимол, Нодира қизимиз билан тақдир юлдузлари қўшилган бўлса, ажаб эмас, – деб қизим Хуршидага ҳам тушунтиришга ҳаракат қилдим. Ҳар қалай, қизим гапимга кирди.

Назарбек маҳалласидаги сартарошхонада ишлайдиган Нодир исмли бу йигит – инсофли, ширинсухан, тўғрисўз, ўта меҳнаткаш бола. Чекмайди, ичкиликдан узоқда. Менинг уй-имга ҳам бир неча бор ташриф буюрган. Бизнинг оиламизга ҳаваси келарди. Бир куни менга: «Отахон, менга бир фотиҳа беринг, илойим, менга ҳам сизларнинг оилаларингизга ўхшаган оиладан қиз учрасин. Онам эртадан совчиликка бормоқчилар», – деб қолди. Яхши ният билан фотиҳа бериб, унга қизим Хуршидахоннинг уй манзили ва телефон рақамини ёзиб бергандим.

Эртасига Нодирнинг онаси ва келинлари қизимникига совчиликка бориб, набирамни бир кўришдаёқ ёқтириб қолишибди. 2011 йилнинг 25 мартда эса икки ёшнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Мени қувонтирган томони – Нодирбекнинг ота-онаси ҳам маҳалланинг ибратли кишиларидан. Фарзандларига чиройли тарбия берганлар. Бундай аҳил оиладан ибрат олган икки ёш келгусида бахтли ҳаёт кечиришларига ишончим комил. Энди катта қизим Хуршидахоннинг хонадонига худди ўзининг қизига ўхшаган, яхши таълим олган, Шерзод набирамга муносиб қизни топиб, унинг ҳам бошини иккита қилиб қўйиш мақсадида аёлим Фирдавсхон билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, тагин ўзимнинг қадрдонларим, яъни қудам Икромжоннинг уйларига йўл олдик. Улар бизни очиқ юз билан кутиб олишди.

Қудаларим билан ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин, мен уларга келишимдан мақсад-муродимни айтдим.

Улар ниятимдан бохабар бўлишгач, аввалига ҳайрон бўлишди. Ахир, бу хонадондан икки қизни келин қилган эдим-да. Яна бир қизини набирам Шерзодга сўраб келганим, дарҳақиқат, улар учун кутилмаган таклиф бўлди. Бу – фақат уларга эмас, балки бошқалар учун ҳам қизиқ ҳолат. Чунки бир оиладан уч нафар келин олиш жуда камдан-кам учрайдиган ҳодиса, шундай эмасми?

### **Қарз қиёматга қолмаслиги керак**

Бир куни эшигимиз қўнғироғи чалиниб қолди. Чиқиб қарасам, бир неча йил аввал мендан машина сотиб олиб, қарз бўлиб

кетган одам нуроний ёшдаги отаси билан келибди. Уларни уй-имга таклиф қилганимда, отаси мендан узр сўраб: «Сиздай инсофли инсонларга қойил қолганимдан, мана, мен тириклигимда боламни қарзидан фориг қилиш ниятида олдингизга келдик. Тўғриси айтсам, боламнинг иши жуда яхши бўлиб турган эди, лекин бир номард шериги унга панд бериб кетди, шу сабабли боламнинг соғлиғига анча путур етиб, ишлари орқага кетиб қолди. Сиздан олган машинасини, ҳатто пулини олмасдан, унинг номига ўтказиб берибсиз. Бундай қалби тоза инсоннинг дилини оғритиш асло мумкин эмас. Менинг ҳам виждоним қийналиб, у дунёда қандай жавоб бераман, деб юрган эдим. Оллоҳ дуойимни қабул қилди, шекилли, боламнинг иши юришиб кетди. Мана пулингиз, ушбу омонатингизни хурсандлик билан қабул қилиб, биздан рози бўлинг», – деб, қолган пулларни бериб кетишди. Бундай инсофли, диёнатли кишилар кўплаб топилади.

Яқинда шунга ўхшаш яна бир воқеа бўлди. Болам Миролимнинг илтимоси билан «Жип» русумли машина сотиб олган эдим. Лекин уни икки-уч ой миниб, сўнгра сотиб юборамиз деган фикрда эдим. Негадир кундан-кунга бу русумли машиналарнинг нархи пастга тушиб кетаверди. Аксига олиб, машинани бозорга неча бор олиб чиқиб, сота олмай юргандик. Шунда вьетнамлик эр-хотин харидорлар келишиб: «Машиналари олар эдиг-у, лекин пулимиз етмайди. Агар пулнинг ярмини уч ойдан сўнг олишга рози бўлсангиз, нотариусга бориб, расмийлаштирсак», – деб қолди. Улардан ярим пулини олиб, машинани уларнинг номига ўтказиб бердим. Менинг қилган ишимга ҳамма ҳайрон бўлиб: «Ахир, булар чет эллик бўлса, уйларига кетиб қолишса, нима қиласиз?» – дейишди. Мен: «Нима бўлса, пешонамдан кўраман», – дедим. Айтган вақтларидан бир кун ҳам кечикмасдан, қолган ярим пулни миннатдорлик билдириб уйимга ташлаб кетишди. Кўрдингизми, бундай кишиларни виждонли, ўзганинг ҳақидан кўрқадиган, инсофли, диёнатли, ҳақиқий инсон деса бўлади.

### **Аёлимнинг менга ишончи**

Вақт ўтиб ҳар бир инсон қариши ва аста-секин соғлиғи заифлашиши ҳаммага маълум. Шундай кунлар бизларга ҳам етиб

келди. Вақт ўз ҳукмини ўтказди. Бир куни турмуш ўртоғим мени ёнига чақириб: «Дадаси, мана, сиз шу ёшингизгача тинимсиз меҳнат қилиб, ҳамма болаларимизни тарбиялаб, уйли-жойли қилиб, соғлиғингиз йўқлигига қарамай, энди набираларингиз учун ҳам қайғуриб юрибсиз. Сиз менга содиқ умр йўлдош бўлдингиз, сиздан умрбод розиман. Лекин ҳозирги аҳволим билан сизнинг хизматингизни қилишга қурбим етмаяпти. Менинг ҳам соғлиғим ўзингизга маълум, шу сабабли, шариат ҳам рухсат беради, 30 – 40 ёшларда бўлган, боши очиқ, фарзанди бўлса ҳам, иймонли, диёнатли бир аёлни никоҳингизга олсангиз, мен сизга қаршилик қилмас эдим. Шу фикримга нима дейсиз?» – деб қолди.

– Ҳақиқатан, соғлиғим орқага кетиб, ҳатто кийимимни ҳам ўзим кийиб-ечишга қийналиб қоляпман. Сенинг ҳолинг ҳам менга маълум. Лекин ҳозирги вақтда, сен ўйлагандай, инсофли, диёнатли аёлларни топиш амримаҳол. Узинг шу гапни очган экансан, сенга бошимдан ўтган бир воқеани сўзлаб бераман. Чунки сендан ҳеч нарсани яширмайман, – деб бўлиб ўтган бир воқеани сўзлаб беришга аҳд қилдим. Қуйида мен сизларга ўша воқеани баён қилиб бермоқчиман.

Машина бозорида тирикчилик қилиб юрган вақтимда, шанба ва якшанба кунлари ёши 22 лар атрофида бўлган, эғнидаги ҳижоби ўзига ярашган бир аёл бозорда тиламчилик қилиб юрарди. Ўшанда ҳам шанба куни эди, ёмғир ёғиб турганди. Машинага харидорлар ҳам йўқ эди. Аёлнинг юпун кийинганлигини ва совқотаётганини кўриб, машинаминг орқа эшигини очиб: «Қизим, ёмғир тингунича машина ичида ўтириб тур», – дедим унга раҳмим келиб. У дарров ўтириб олди. Шундан сўнг:

– Қизим мен сени ҳар шанба ва якшанба кунлари шу бозорда тиланчилик қилиб юрганингни кўраман, шу яқин атрофда яшасанг керак? – деб сўрадим ундан. У:

– Амаки, мен Янгийўлдан қатнайман, – деди.

– Бориб келишингга қанча пул кетади? – дея сўрадим ундан.

– Тўрт минг сўм кетади – деб жавоб берди аёл.

– Тирикчилигинг бир кунда қанча бўлади?

– 15 мингдан 20 мингача бўлади. Қилган даромадимни бир амаллаб келаси ҳафтагача етказамиз, – деди.

– Менинг гапимга ҳафа бўлмагин-у, қизим, ёш экансан, ҳуснинг ўзингга яраша экан, бунақанги тирикчилик сенга тўғри келмайди-ку, ишласанг бўлмайдимми?

– Қаерда, ким бўлиб ишлайман? Ҳунарим бўлмаса. Онам бечора касаллар, бир опам фарзанди билан уйга қайтиб келган, эрлари гиёҳванд эди. Опамни калтаклайвериб, уларни ҳам адоий тамом қилди. Бундан ташқари, мендан кейин яна иккита синглим бор. Турадиган уйимиз молхонадан ҳам баттар. Бунақанги яшаш жонимга тегиб кетди. Дадам ўғрилиқ қилиб қамалиб кетган. Нима қилишимни билмай, шу ишларни қилиб юрибман, – деди. Унинг аҳволини кўриб, ачиниб кетдим. Бошим қотиб қолди. Нима қилсам, унга ёрдамим тегишини ўйлаб, дедим:

– Гап бундай, манави йўлкирани олгин-да, тўғри онангнинг ёнига бор. Барибир, бугун тирикчилигинг яхши бўлмайди: ҳаво ёмон, харидорлар ҳам деярли йўқ. Бориб, онанг билан гаплаш, қизим. Менинг ҳам нечта қиз ва набираларим бор, тагин кўнглингга бирор ёмон фикр келмасин. Мен ўзим ҳам тўрт ёшимда етим қолиб, етти ёшимда бировларнинг ишларини қилиб, ҳалол меҳнатим эвазига онам раҳматлига нон кўтариб борганман. Ҳозирда ўз меҳнатим билан ўйлаган ниятларимга етиб, сен каби қийналганларга ёрдам бериш имкониятига эгаман. Онангга бориб айт: мен сенга оталиқ қиламан, қўлимдан келганча сизларга ёрдам бериб, мушкулларингизни енгиллатишга ҳаракат қиламан, – дедим.

Қиз менга ишониб, уйига кетди. Уйига боргач, онаси билан гаплашиб, кейин менинг қўл телефонимга кўнгироқ қилиб қолди. Бозор ҳам кўнглимга сиғмай, Янгийўл томон йўл олдим. Янгийўлга боргач, қиз билан учрашиб, уйларига бордим. Уларнинг яшаш шароитини кўриб, тўғриси, кўзларимга ёш келиб кетди, ўзимни тута олмадим. Аҳвол мен ўйлагандан ҳам ачинарли эди. Шундан сўнг онасига: «Ҳозир сизлар мен билан Чилонзордаги бир хонали уйимга борасизлар. Чўмилишга керак бўладиган ҳамма нарсаларингизни олинг, ювиладиган кийим-кечакларингизни ҳам олинглар», – деб, ҳаммаларини машинага ўтқазиб, уй томон йўл олдим. Онасининг тоби йўқлиги сезилиб турар эди. Йўталишидан сил касалига чалинган бўлса керак деб ўйладим. Манзилимизга етиб борганимизда, унинг эшигини очиб бериб: «Бемалол ўзингизни ўз уйингиздагидек ҳис қилиб, чўмилиб, кирларингизни ҳам ювиб олинглар. Бугун сизлар менинг азиз меҳмонимсизлар. Мен бозорга бориб, бир яхши харажат қилиб келай, ўз қўлим билан ош дамлаб бераман», – деб, Фарҳод бозорининг энг олди нозу неъматларидан

олиб келиб, гўшт ва сабзини тўғраб, ош дамлашга киришдим. Ош тайёр бўлгач, уларни дастурхонга таклиф қилдим. Хуллас, кўнгилдагидек кутиб олишга ҳаракат қилдим. Қизларнинг онаси менинг бундай меҳрибончилигимдан хурсанд бўлиб, тинмай дуо қиларди. Бу ишимдан ўзим ҳам хурсанд эдим. Ахир, бировнинг кўнглини кўтаришдан ҳам савоблироқ иш бормикан дунёда? Кейин уларга: «Ангрендаги ўз далабоғимга олиб бориб, сизларни яна ширин таомлар билан меҳмон қиламан», – деб, уларни манзилларига олиб бориб қўйдим.

Эртасига ваъдалашилган вақтда улар билан кўприк тагида учрашдик. Фақат онаси келмаган эди. Икки қизи: «Кечирасиз, отахон, онамизнинг касали хуруж қилиб қолди. Шунинг учун боролмаслигини айтиб, сизни дуо қилдилар», – дейишди. Ваъда бўйича, уларни далабоғимга олиб бориб, ўз кўлим билан қурган шийпонга ўтқазиб, уларни турли таомлар билан меҳмон қилдим. Кетар чоғида онасига ҳам алоҳида идишларга овқатлардан солиб, боғдаги мевалардан териб, кеч соат 8 ларда уйларига олиб бордим. Онаси қизларидан бир фурсатга ташқарига чиқиб туришларини илтимос қилиб, менга қараб гап бошлади: «Ҳожи ака, мени тўғри тушунинг, соғлиғим кундан-кунга ёмонлашиб бормоқда. Шифокорларнинг гапига қараганда, мен узоққа бормас эканман. Мана, бир қизимнинг хаёти барбод бўлиб, боласи билан уйимга қайтиб келди. Уларнинг хаёти нима бўлади, билмадим. Шу сабабли, сиздан илтимос, шу қизимни ўзингиз никоҳингизга олсангиз, лоақал, тириклик давримда бир қизимнинг бахтли бўлганини кўзим билан кўрай. Бунга сиз нима дейсиз? Ишончим комил, сиз уларни ташлаб қўймайсиз», – деди. Бу гапни эшитгач. «Мен сизга ҳозир «хўп» деб жавоб бера олмайман, буни ўйлаб кўришим керак. Албатта, сизга жавобимни етказаман. Майли, энди менга рухсат беринг, уйдагиларим ҳам хавотир олаётгандир», – деб кетиб қолдим. Йўлда кетар эканман, ўша аёлнинг «Ҳеч бўлмаса, битта қизим бахтли бўлиб қолар», – деган сўзи қулоғимдан сира кетмади. Ўйлаб-ўйлаб, шу хулосага келдим. Биринчидан, у турмуш кўрмаган аёл бўлса; иккинчидан, ёши набираларим тенги бўлса; учинчидан, уйланмасдан олдин устозим фулом акага сизни уялтирмайман деб сўз берган бўлсам. Тўртинчидан, бу гаплар хотинимнинг қулоғига етиб борса, нима бўлади?

Уч кундан сўнг ўша аёлнинг ёнига бориб: «Синглим, роса



ўйлаб кўриб, бу йўл нотўғри эканлигига иқрор бўлдим. Лекин ташвиш чекманг, мен уларга оталик қиламан. Бу борада кўнглингиз тўқ бўлсин», – деб ортимга қайтдим.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин, ўша аёл яна мени телефонда чақириб қолди. Уйларига бордим. Аёл мен билан ҳол-аҳвол сўрашгач, деди: «Сиз билан суҳбатлашганимизда, аёлингиз 35 – 40 ёшлардаги бошқа аёлга уйланишингизга рози эканлигини айтган эдингиз. Гапингиз ростми? Агар шундай бўлса, сизга ёқадиган бир 35 ёшли аёлни топиб кўйдим. Сиз билан учрашмоқчи. Агар хўп десангиз, қизим ўша аёлни чақириб келади, ўзингиз бир гаплашиб кўрасиз. Мен унга сизнинг бизларга қилган ҳимматингизни айтган эдим, ўшандан бери биздан сиз билан учраштиришимизни илтимос қилиб, ҳеч ҳолимизга қўймапти», – деди.

Кейин уни чақиринди ва у бир зумда етиб келди. Худди мени аввал кўргандай қўл бериб кўришиб, ўзини яқин тута бошлади. Ўша аёл ҳеч иккиланмасдан менга турмушга чиқишга рози эканлигини билдириб: «Бўладиган нарсанинг тезроқ бўлгани яхши, менга ишонтириш учун бир кийимлик сарпога пул беринг», – деб қолди. Мен жуда ноқулай шароитда қолдим. Йўқ десам, ҳалиги уйнинг эгасига олдида ёрдам тариқасида берган пулимнинг кўплигини кўриб қолган эди. Иложи бўлмаганидан: «Синглим, мен ёшлигимдан атлас кўйлакни яхши кўраман, сизга ҳам атлас кўйлак ярашса керак», – деган эдим: «Менинг ҳам кўнглимни топдингиз, ҳақиқатан, сиз орзу-ҳавасли одам экансиз. Атлас энсиз бўлади, менга беш метр етади, ҳозирча менга икки пачка минг сўмлик берсангиз, уёғи бир гап бўлар», – деп қолди. Пул бермасликнинг ҳеч иложи бўлмай қолди, унинг устига, уйдаги қизлар қараб туришибди. Қизларнинг онаси ҳам мени унга мақтаб кўйган. Бўлган иш бўлди, деб: «Синглим, тикдирадиган кўйлагингизни чиройли ҳамда ўзбекона қилиб тиктиринг. Мен бачкана кўйлакларни жуда ёмон кўраман, хуллас, ўша тиктирган либосингизни кўриб, сизнинг кимлигингизни айтиб бера оламан», – дедим. Кейин ўша аёл қўл телефони рақамларини менга ёзиб бериб, чиқиб кетди. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин «Чилонзор» метро бекатида учрашишни келишиб кўйдик. Сўзининг устидан чиқди, айтилган жойга ўз вақтида етиб келди. Тиктирган кўйлагини кўриб, ёқамни ушлаб қолдим. Худди жиблажибонга ўхшаб турибди, нозланиб: ёқаси кенг очиқ кўйлакнинг икки ён

томони қалдирғоч думига ўхшатиб кесилган, оёқларини кўз-кўз қилиб турибди. Унинг ўша ҳолатини кўриб, тамом бўлдим. Бу ҳам етмагандек, яна менга эркаланиб: «Содиқ ака, уйингиз шу ерга яқин деб эшитгандим, мени тезда уйингизга олиб кирсангиз, шунақа зарурат туғилиб қолди», – деб қолса бўладими. Мажбур бўлганимдан уйга олиб бордим. Уйга киргач, бирдан: «Вой, уйингиз чиройли экан, менга ёқиб қолди», – деб уйимни томоша қила бошлади. Ҳалиги зарур иши ҳам орқага қайтиб кетдими, билмадим, бамайлихотир хоналарни кўздан кечира бошлади. «Энди, акажон, менинг сизга бир илтимосим бор: шу уйингизни менинг номимга ўтказиб берган кунингиз, сизнинг никоҳингизга киришга рози бўламан», – деб қолди. Хайрият, қўл телефоним чалиниб қолди. Телефонда ўзимнинг аёлим: «Адаси, қаердасиз? Бир кишининг сизда зарур иши бор эмиш. Тезроқ келинг», – деб қолди. Бу чақирувни ҳалиги такасалтанг аёл ҳам эшитиб турган эди. «Синглим, ўзингиз эшитдингиз, тезда уйга бормасам бўлмайди», – деб уни кўчага олиб чиқиб, ўзим уйга кетиб қолдим. Фалокатим ариди. Менга у аёл неча марта кўнғироқ қилиб: «Мен сизга турмушга чиқишимни ҳатто қариндошларимга ҳам айтиб қўйганман. Агар мени шарманда қилсангиз, обрўнгни бир пул қиламан», – деб кўрқита бошлади. Тагин менга ўша аёлни топиб берган аёлга: «Мендан Содиқ ака 300 доллар олган, берса берди, бермаса, нима қилишимни ўзим биламан», – деб пўписа ҳам қилибди. Бу аёлни топиб берган аёлнинг уйига бориб: «Бу қанақа аёл ўзи, синглим? Мен ҳали шу ёшга кириб умримда бировдан қарз олган одам эмасман», – дедим, жаҳлим чиқиб.

Ана шунақа гаплар. Бунақа аёллардан Худонинг ўзи асра-син. Бундайлар ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай разилликдан қайтмайдилар. Лекин мен жуфти ҳалоломдан мингдан-минг розиман. Мана, турмуш қурганимизга ҳам неча йиллар бўлибдики, бирор марта ҳам мени ранжитадиган иш қилмаган. Биз бир-биримизга жуда қаттиқ ишонамиз. Ўртамиздаги бу ишонч қарийб ярим асрлик бирга кечирган ҳаётимиз давомида мустаҳкамланди, шу ишонч туфайли барча қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтдик. Турмуш ўртоғимга юқорида бўлиб ўтган воқеаларни айтиб бергач, унинг кўзларига боқдим: ҳар доимгидек, унинг кўзларидан менга бўлган ишонч ва садоқат учқуни порлаб турарди.

## Фарзандларим, зурриётларим ва аёлимга айтар сўзим

Мен сизларга катта бойлик, кўп давлат қолдирмадим. Қўлингиздаги ушбу китобим сизларга мандан мерос бўлиб қолсин. У сизларнинг келажак ҳаёт йўлингизда умр йўлланмаси бўлсин. Ҳаммангизни бирдек яхши кўраман, ҳаммангиздан розиман.

Фирдавсхон, Сизга алоҳида раҳмат. Менинг оғир ва енгил кунларимда мададкор, барча қайғули ва қувончли кунларимда менга ҳақиқий умр йўлдоши бўлдингиз. Фарзандларимнинг бахту иқболида, уларнинг ибратли тарбияларида, албатта, сизнинг ҳиссангиз катта. Мен мана шундай фарзандларни дунёга келтириб, уларга таълим-тарбия бериб, ўзимиздан инсофли, иймонли зурриётлар қолдираётганимиздан сизга алоҳида миннатдорлик билдираман.

### Ҳаёт унвони

Ҳурматли ўқувчи! Бу китобимни ёзишимдан мақсад ўзимни элга танитиб, қилган ишларимни кўз-кўз қилиш эмас. Китобимни «Ҳаёт унвони» деб атаганим бежизга эмас, албатта. Мен ҳаётимда кўрган-кечирганларим, дуч келган машаққатларим эвазига олган унвоним фарзандларимнинг камоли, оиламнинг тинчлиги деб биламан.

Мана шу ҳаётим унвони мени икки дунё саодати сари етаклайди, деб Яратгандан умид қиламан.

Консерваториянинг янги биносида «Кўнгил гулдастаси» китобимнинг тақдироти бўлди. Менинг ҳаётимни яхши билган укамиз – профессор Рифатилла Қосимов: «Содиқ ака, агар сиз ўз ҳаётингиз ҳақида китоб ёзсангиз, ёшларга ибрат бўларди. Қолаверса, санъат соҳасида фидойи бўлиб, шу ёруғ кунларга етиб келганингизни халқимиз ҳам билиб қўйсин. Ишончим комил, бу ишнинг ҳам уддасидан чиқасиз», – деб менга йўлланма берди.

Мана, натижада аввал «Ҳаётим дутори», ҳозирда эса қўлингизда тутиб турганингиз «Ҳаёт унвони» китоби дунёга келди.

Бир қадрдоним китобимни ўқиб чиқиб, мени табриклаб:

«Ҳозирги замон талабига мос, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ибратнома ёзибсиз. Агар бу китоб ададини кўпайтириб, сотувга чиқарсангиз, моддий манфаат ҳам кўришингиз мумкин», – деди.

Сиз мени тўғри тушунинг, бу айтганингизни қилсам, асосий мақсадим бир четда қолиб кетарди. Ҳаётда ҳамма нарсага ҳам пул билан эришиб бўлмайди. Тўғриси бу китобимни тижорат мақсадида битганим йўқ. Балким бу кимларгадир эриш туюлар. Аммо мен фарзандларимга ўлмас мулк қилиб ниятларим, маслаҳатим, ҳаёт йўлимни ёзиб қолдиришни афзал деб билдим.

Ўттиз йилдан ортиқ ака-укадек бўлиб юрган оқибатли шинаванда Турғун ака Бегматов тўғрисида олдин ёзган, улардан бир умрга розилигимни баён қилган эдим. Яқинда набираларини турмушга бериш муносабати билан бизни тўйга таклиф этиб келдилар:

– Домла, китобингизни қайта-қайта ўқиб чиқиб, қаттиқ таъсирландим. Ёшлигингизда бошингиздан шунча қийинчиликлар ўтганидан, ҳалол меҳнат қилиб, ўйлаган ниятларингизга етганингиздан хабардор бўлдим. Бу китобда фақат ҳақиқатни ёзгансиз. Бошқаларга ҳам ибрат бўлади. Албатта, бу китобингизни оила аъзоларимизнинг барчалари қўлма-қўл қилиб ўқишди, – дедилар. Ёнимда турган Миролим ўғлим олдида мени руҳлантириб юбордилар.

Хабарингиз бор, Ангрен шаҳрининг Янгиобод қишлоғида далабоғим борлиги ҳақида айтгандим. Шу ерга Анваржон қайним билан дам олгани борганимда, бозордан харажат қилиб олишга кираётганимизда, ёши 12 – 13 лар атрофидаги онасига савдода кўмаклашаётган бола бизларга салом бериб:

– Ҳожи амаки, сиз манави стулда бироз дам олиб ўтиринг, – деди.

– Болам, менинг ҳожилигимни қаердан биласан? – деб сўрасам:

– Сизни Ангренда кўп одамлар танийди. Бир қозонда бир вақтнинг ўзида икки хил гуручдан ош қилганингизни мен билан ўқийдиган болалар ҳам билади, сизнинг китобингизни ҳам кўпчилик бўлиб ўқиганмиз, – деб қолди. Қайним жойида тўхтаб:

– Почча, китобингизнинг довруғи ҳаммаёққа тарқаб кетибдику, – деб ҳайрон қолди.

Ҳаётим бир лаҳза куйлайин, дейман,  
Дуторнинг торимас, қалбимни чертиб.  
Умидларим бир четга сурайин, дейман,  
Ўн етти йил ҳаётим, ортига қайтиб.  
Гуллола терган у маҳалим ўтди,  
Бутун бир ҳаётим тарихга кўчди.  
Умидлар сўнмади, тин олди бироз,  
Қайтмади ҳали ҳам ўша куну ёз.  
Ёшаргандай туюлар гўёки олам,  
Яшнагандай туюлар қалбим ушбу дам.  
Аммо ёшармасдир умр сира ҳам,  
Ёз келиб, ер юзин босса ҳам кўклам.  
Эй, осмон, сокин ер, мусаффо дунё,  
Кўрмадингми ўтган йилларни сен ҳам?  
Ёз ойнинг келтирган иссиқ нафаси  
Дилингни яшнатмай, берганмиди ғам?  
Мен ўсган даврлар қайтиб келмайди,  
Қайтади минг бора фақат хаёлга.  
Юз йиллар бўлса ҳам алишмас эдим,  
Менга оқ сут бериб катта қилган аёлга.

*(Шаҳноза Абдураҳмонова)*

### **Муҳтарам китобхон!**

Мен бутун ҳаётим давомида кўрган-кечирганларимни бирма-бир қоғозга тушириб, сўнгра уни бир мўъжаз китоб ҳолида чоп эттиришни анчадан бери кўнглимга тугиб юрардим. Лекин бу иш осон кечмаслигини билардим. Ўзим бошимдан кечирган ва бевосита гувоҳи бўлганим воқеаларни бутун тафсилоти билан ёдга олиб қоралаш машаққатли меҳнат, қолаверса, у кишидан метин ирода ва сабр-тоқат талаб қилади. Бунинг устига, соғлиғим қониқарли даражада эмаслигини ҳам ҳисобга олсангиз, бу иш мен учун янада қийин кечганини тушунасиз. Худога шукр, навбатдаги китобимни ҳам ниҳоясига етказиш насиб қилди.

Шу йилнинг 14 апрелида Хуршида қизимнинг фарзанди Шерзоджоннинг никоҳ тўйи бўлиб ўтиши керак эди. Шу муно-

сабат билан қудам Икромжон ва уларнинг турмуш ўртоқлари Комилахон билан тўй олдидан ўзаро маслаҳатлашиб олдик. Халқимизда бир доно нақл бор-ку: «Кенгашли тўй тарқамас», деган. Билсангиз, бу мақол замирида жуда катта ҳикмат бор. Ҳар қандай ишни бамаслаҳат, ўзаро келишган ҳолда амалга ошириш ҳар доим яхши натижаларга олиб келган. Билмадим, мен ҳаётда кўп қийинчиликларни, етишмовчиликларни кўрганим учунми, ҳарҳолда, тежамкорликка жуда катта эътибор бераман, айниқса, тўйларимиз борасида гап кетганда. Ахир, биз неча йиллар мобайнида ҳалол меҳнат қилиб, яхши ниятлар билан йиғинамиз, катта орзулар қиламиз. Келгусида чиройли тўй-томошалар қилиб, фарзандларимизнинг бахтли бўлишини, кўшгани билан кўша қариб, ували-жували бўлишларини, бир сўз билан айтганда, биз – ота-оналар уларнинг роҳатини кўришни истаймиз. Албатта, буларнинг барчаси ҳар бир инсон орзу қилиши муқаррар бўлган улуғвор ниятлар. Лекин гап шундаки, ҳозирги вақтда ўзининг бойлигини, обрў-эътиборини кўз-кўз қилиш мақсадида, бунга қурби етадимми ёки етмайдимми, агар етмаса, бировлардан қарз олиб бўлса ҳам, бир кунлик тўй-томошани ортиқча дабдабабозлик, исрофгарчиликлар билан ўтказиш авж олди, назаримда. Ахир, тўйларимиз ким ўзарга ўтказилмайди-ку. Тўйдан кейин қандай ҳаёт кечиршни ҳам ўйлаш керак эмасми? Агар камбағалроқ оила бировлардан қарз кўтариб тўй ўтказган бўлса, тўй ўтгач, ўша хонадон эшигидан қарз берганларнинг қадами узилмай қолади. У ҳолда, ўша хонадонда яшовчи ҳар бир инсоннинг халовати йўқолади, ҳатто кечагина келин бўлиб тушган қиз бечора ҳам бошқа оила аъзолари каби ҳаётининг илк кунлариданоқ муаммолар гирдобида қолади, эндигина бошланган ширин ҳаётида нотинчликлар юз беради. Билсангиз, оилада бўлиб ўтадиган ўзаро келишмовчиликлар кўпинча моддий етишмовчилик сабабли рўй беради.

Энди дўппини бошдан олиб, шу ҳақда чуқурроқ бир мулоҳаза қилиб кўрайлик-чи. Агар ўша кетадиган ортиқча сарф-харажатлар қурилажак янги оиланинг келгуси фаровон ҳаёти, тўкинлиги учун ишлатилса, уларнинг рўзгорига ўта зарур бўлган бисотлар, масалан, музлатгич, телевизор, дазмол ва шу каби нарсалар олиб берилса, қандай соз бўларди. Буни барчамиз биламиз, албатта, лекин нимагадир яна ўша эски касалимиз кўзийверади. Гўёки тўйни ўтакетган дабдаба билан

ўтказиш шартдай. Ахир, бу кўринишдаги салбий одатларимиз биз учун ҳам, жамиятимиз, давлатимиз учун ҳам зарарли-ку.

Биз ҳам мана шуларни ўйлаб, қуда томон билан ўзаро келишиб, тўйни ортиқча сарф-харажатсиз ўтказишга қарор қилдик. Бу фикрим барчага, қолаверса, фарзандларимга, набирам Шерзодга ҳам маъқул бўлди. Айниқса, набирам Шерзоднинг, яъни уйланаётган набирамнинг: «Мен ҳар хил қимматбаҳо машиналардан иборат ўзундан-узун карвон қилмайман. Бунақа ишлар менга ёқмайди. Шу, икки-учта машина ҳам етарли», – деган гаплари менга жуда маъқул келди. Набирамдан бу гапларни эшитиб, тўғриси, роса қувондим. Демак, ота-онасининг берган тарбияси, ўғитлари бекор кетмабди. Қанийди, ҳамма фарзандлар шундай фикрласа, ортиқча дабдабаларга, шон-шухратга берилиб, ота-онасини қийнаб, уларни беҳуда ташвишга қўйишмаса.

Тўй куни ҳам етиб келди. Ўша куни нонушта вақтида ўғлим Миролим: «Дадажон, бугун соат 11 да уйда бўлиб тулинг, мен сизни бир жойга ошга олиб бораман», – деб қолди. Лекин мен ундан кимникига, қаерга ошга боришимизни сўрамадим. Хуллас, ўша айтилган вақтда ўғлим билан биргаликда йўлга тушдик. Бироз вақтдан сўнг ўғлим машинасини ногиронлар уйи дарвозасининг рўпарасида тўхтатди. Бизни шу ногиронлар уйи раҳбарлари ва яна бир неча киши кутиб олишди. Кейин барчамиз биргаликда ногиронлар уйининг ҳовлисига ўтдик. Қарасам, у ерда қатор терилган бир неча стол чиройли қилиб безатилган. Бизни интернат раҳбарлари алоҳида бир столга таклиф қилишди. Аввалига ўғлимнинг бу жойга мени нима учун олиб келганини тушунмаган эдим, кейин билсам, ўғилларим Миромил, Миролим ва укам Икромжонлар ўзаро маслаҳатлашиб, қиз томондан бериладиган ошни ногирон болалар уйида беришга қарор қилишибди. Уларнинг бу ишидан ниҳоятда хурсанд бўлдим, улардан фахрландим. Мен юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг фарзандлари оқил, танти, инсофли-диёнатли, ор-номусли бўлишларини иштайман. Илойим, ҳар биримизга ўғил-қизларимизнинг бахту камолини кўриб яшаш насиб қилсин.

Ҳаётим давомида учраган турли қийинчиликларгадош бериб, пешона терим билан пул топиб, оила қуриб, ҳамма орзуларимга етишганимдан Яратганга беҳад шукроналар айтаман.

Мен оиламни, фарзандларимни ҳалол лўқма едириб

боқдим. Шу кунгача беш фарзанд, ўн олти невара ва бешта эвара орттирдик.

Ниятим: мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир оиласи шундай эзгу ниятларга эришиб яшаса. Чунки инсон ҳаром пул топмай туриб ҳам, яхши яшаши, обрў-эътиборга эга бўлиб, болачақа ўстириши, бой-бадавлат бўлиши мумкин!

\* \* \*

Инсон хаёлида жуда кўп нарсани орзу қилади. Лекин унга эришиш қийин. Болалиқдан менинг ҳам орзуларим кўп эди. Мен ёшлигимдан ана шу орзуларга интилиб яшадим, ҳар қандай қийинчиликдан чўчимадим, ҳар қандай меҳнатдан қочмадим. Худога минг маротаба шукрки, шу орзуларимга етдим, дутор чалиш санъатим туфайли Ўзбекистонимиздаги энг машҳур хофиз ва хофизалар билан ёнма-ён туриб куй ижро этиш, халқ олқишига сазовор бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Бунга устозим, отам ҳам десам бўладиган Фулом Қўчқоров ва у кишига ўхшаш инсонлар туфайли, етишдим десам хато қилмайман.

Болаларим ҳамда набираларим тарбиясида ҳам устозлар тутган йўлга амал қилдим. Уларни ҳалол луқма билан ўстирдим. Бугун ўйлаган ҳамма ниятларимга етиб ҳожи она билан қарилик гаштини сурмоқдамиз. Яхши ният қилиб, сабртоқат билан тўғри, ҳалол яшасанг Оллоҳ аста-секин ниятларингни рўёбга чиқариши аниқ экан. Мана сизга бир мисол. Келажакда фарзандларимизга ва набираларимизга яхши келинлар, куёвлар насиб қилсин деган умид билан юрган эдик, ҳозир шу ниятларимизга эришмоқдамиз.

Худога минг бора шукр деймиз: юртимиз тинч, бизга ҳам мустақиллик замонимизни кўриш, унинг мевасидан баҳраманд бўлиш насиб этди. Шу мустақиллик туфайли ёшим бир жойга бориб қолган бир пайтда умр бўйи амалга ошира олмаган ниятларимни амалга оширишга, тадбиркорлик иқтидоримдан фойдаланишга эришдим. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ишларга қараб ҳавас қиламан. Фарзандларим, набираларим, ён-атрофдаги юртдошларим амалга ошираётган ишларни кўриб, тўлқинланиб кетаман. Уларнинг умрига, меҳнатига барака тилайман. Мустақиллигимиз, юртимиз тинчлиги адабий бўлсин, деб дуода бўламан.



# **Дуторчи – Замондошлар наздида**

## Содиқ шогирд

Мирсодиқни 50 йилдан бери, яъни Тошкентдаги Ғаффор Рашидов номли 1- болалар интернатида ишлаб юрган вақтларимдан яхши биламан. Мен бу мактабда чолғу дарсларини олиб борар эдим. Ўқувчилар орасида зийрак, ақли тиниқ, яхши мусиқий қобилиятга эга, ҳаракатчан Мирсодиқ исмли болага назарим тушиб қолган эди. У берилган вазифаларни тўла-тўқис, ўз вақтида бажарарди. Шу туфайли унга кўпроқ эътибор берган эдим.

Орадан йиллар ўтиб, Мирсодиқ бир қанча куйларни рубобда чалишни ўрганди. У марказий ўқувчилар саройидаги 1- болалар мусиқа мактабига дутор чолғуси бўйича ўқишга кириб, мен ўқитган синфда ўқишни муваффақиятли тугатди. Мен раҳбарлик қилаётган 50 – 60 кишилиқ оркестрга дуторчи сифатида бир неча йил узлуксиз қатнаб, мусиқа билимини анча оширди.

Мирсодиқ Эргашев отадан барвақт – тўрт ёшида етим қолади. Уй-рўзғор тебратиш, иморат қуриш ва бошқа юмушларни бажариш ёшлайин унинг зиммасига тушади. У ўзининг ҳаракатчанлиги, уддабуронлиги туфайли бу юмушларни ортиғи билан бажарди. Фарзандларини одобли қилиб тарбиялади, уларни ўқитиб, уйли-жойли қилди. Ҳозирги кунда Мирсодиқ – беш фарзанднинг отаси, ўн тўрт набиранинг суюқли буваси.

Мирсодиқ Эргашев Қори Ёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси, Тўхтасин Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғу оркестрида етакчи созанда сифатида кўп йиллар давомида фаолият кўрсатди. Оркестр жамоаси билан биргаликда собиқ Иттифоқнинг барча республикаларида гастрол сафарларида бўлиб, ўзбек мусиқа санъатини тарғиб этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Шунингдек, Ўзбекистон радиосининг Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрида ҳам бир неча йиллар сидқидилдан хизмат қилди. Унинг куйлари радио тасмаларига муҳрланиб қолди. Улар радио фонотекасида сақланмоқда ва тез-тез эфир орқали берилиб турибди.

*Ғулом ҚҮЧҚОРОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,  
фахрий профессор*

## Умр мазмуни

Олтмиш йилдан ортиқ санъатдаги қўшиқчилик фаолиятимда кўплаб устоз санъаткорлар билан танишиб, улардан таълим олдим. Санъат сабоқларини ўргандим, кўп йиллар улар билан ишладим. Жумладан, ўз тенгим ва мендан ёш қўшиқчилар, қолаверса, моҳир созандалар билан ҳам биргаликда санъатнинг нонини ҳалол меҳнат билан топиб, баҳам кўрдик.

Менинг ёнимда ўзим раҳбарлик қилган концерт гуруҳи аъзоларидан бири бўлмиш ажойиб дуторчи, кўнгли ҳамиша очик инсон Мирсодиқ Эргашев ҳам бор эди. Бир неча ўн йиллар фақат Ўзбекистон ҳудудларидагина эмас, балки Ўрта Осиё республикаларининг деярли барча шаҳар-қишлоқларида, водий ва воҳаларида яшовчи санъатсеварларга биргаликда хизмат қилиб келдик. Шу ўтган йиллар мобайнида мен Мирсодиқнинг жуда кўп фазилатларини кузатиб, ажойиб-ажойиб хислатларига гувоҳ бўлганман.

Санъат йўли ўзига хос шарафли касб бўлиши билан бирга, айни вақтда, не-не заҳматлари, азобли меҳнатлари ҳам бор. Айниқса, йилнинг барча фаслларида турли жойларда гастролларда бўлиш, қулай-ноқулай шароитларда, совуқ ва иссиқ жойларда, яъни турли об-ҳаво шароитларида халқимизга астойдил хизмат қилишга тўғри келади. Буларнинг ҳаммасида олқиш ва ҳурматга сазовор бўлиш ҳар бир санъаткордан катта фидойилик талаб этади.

Мирсодиқни ўз ишига ва касбига садоқатли созандалардан бири деб биламан. Чунки бу йигитнинг жуссаси ихчамроқ бўлишига қарамай, унда полвон келбатли кишилардагидан бир неча баробар кўп чидам, сабр, ғайрат, ўз ишига содиқлик хусусиятларининг табиий равишда мавжудлиги кўпчилигимизни лол қолдирарди.

Мирсодиқнинг оилавий ҳаётидан ҳам яқиндан хабардорман. Халқимизда «Ота-она бўлиш осон, лекин ота-оналик қилиш қийин», деган нақл бор. Мирсодиқ барчага ибрат бўларли ажойиб оила қуриб, Тангрининг илтифоти билан бир неча ўғил-қизга ота бўлиши билан бирга, уларни вояга етказиб, оёққа турғазини йўлида ҳар қандай меҳнатга тайёр инсон эканини ҳам кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатган бўлардим.

Бахт остонадан бошланишини ақлан тушуниб етган Мирсодиқ ўз оиласини ҳар томонлама мустаҳкамлаш йўлида

астойдил ва ҳалол меҳнат қилди, югуриб-елиб, фақат олдинга интилди, тобора яхши натижаларга эришди ва эришмоқда. Бундай натижали омадга эришиш, албатта, киши учун энг муҳим бахт, деб ҳисоблайман. Тиниб-тинчимаслик хусусияти Мирсодиққа табиатан берилган, десам, муболаға бўлмайди. Гастроллар, халқ хизмати, репетициялар, радио-телевидениедаги овоз бериш жараёнларидан ташқари, оилавий ташвиш-муаммолар – буларнинг барчасига ҳамма ҳам улгуравермайди.

Шунча елиш-югуришлар, астойдил меҳнатлар, инсонлар билан чиройли, самимий муносабатлар, давлатга, халққа қилинган хизматлар, албатта, зое кетмайди. Мирсодиқ эл-юрт орасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга бўлди.

Мана, секин-аста улуғ ёшларга ҳам етиб бормоқда. У умр йўлдоши ва фарзандларининг эъзозида, улардан ҳавас қиларли даражада ҳурмат-эҳтиром кўриб юрибди. Вафодор, ақлли, зукко умр йўлдоши Фирдавсхон билан кўплаб невараларнинг бобо-момоси бўлиб юришлари, қолаверса, ҳозиргача Мирсодиқ санъатда ижод қилишдан толмай, уни давом эттираётгани – буларнинг барчаси улар кечираётган умрнинг зое кетмаётганидан, бесамар ўтмаётганидан, кўпчилик, намунали ҳаёт лавҳалари эканидан далолат беради.

*Фахриддин УМАРОВ.  
Ўзбекистон халқ ҳофизи*

### **Исми жисмига монанд**

Ажойиб созанда Мирсодиқ Эргашевнинг яқиндагина чоп этилган «Кўнгил гулдастаси» китобини варақлар эканман, хаёлимга Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб «Асрори мусиқий»да берилган бетакрор бир ҳикоя келди. Унда тасвирланишича, XV асрдаги мусулмон Шарқининг бетакрор созандаси бўлмиш Мавлоно Соҳиб подшонинг шаҳардан ташқаридаги боғида берилган улкан зиёфатга қатнашган. Узининг қалбларга ларза солувчи, мўъжизакор танбури билан бориб, сеҳрли куйлардан бир нечасини тенгсиз маҳорат кўрсатиб ижро этган.

Мавлоно Соҳибдан «Чўли Ироқ»ни чалиб беришни илтимос қилишибди. Бу куй someъларга ҳам, созанданинг ўзига

ҳам кучли таъсир қилиб, кўпларнинг ҳушдан кетишига сабаб бўлишини яхши билган Мавлоно Соҳиб уни ижро этишдан ўзини тийибди.

Бироқ подшонинг ўзи ҳам иштирок этаётган анжуманда бу қалтис куйни чалмасликнинг ҳам асло имкони бўлмабди. Созанда «Чўли Ироқ»ни бошлаши биланоқ, ҳовуз атрофидаги хушманзара дарахтларга кўниб, тинимсиз чаҳ-чаҳлашаётган анвойи қушлар энди ғамгин оҳангга мос сайрай бошлабди. Шу орада санъат тарихида асло учрамаган дилхун ҳодиса рўй берибди: кўркам садақайрағоч шохларида куйдан сел бўлиб, ўта ғамгин сайраётган бир булбул учиб келиб, танбур қулоғига кўнибди-да, чидаб бўлмайдиган мунгли овоз чиқарибди-ю, сада шохига қайтиб, у ердан зарб билан учиб, созанда танбурининг косасига бор кучи билан ўзини урибди. «Тап» этиб ерга йиқилиб, бироздан сўнг ўзини ўнглаб, сада шохига қайтиб, яна икки бор шу ҳолатни такрорлабди. Бироқ бечора булбулни ердан кўтариб, ҳаётини сақлашга ярагулик тирик жон топилмабди. Зеро, созанданинг ўзи булбул билан бирга ҳаётдан кўз юмган, подшоҳ бошлиқ бутун анжуман аҳли беистисно ҳушдан кетган экан...

Ҳозирги даврнинг истеъдодли созандаси Мирсодиқ Эргашев ҳаётида ҳам шунга яқин воқеалар кўп марта рўй берган. Бундан 30 – 35 йиллар илгари, ҳали навқирон йигитлик чоғларида Мирсодиқ Тошкентда санъатнинг ҳақиқий шинавандалари ҳам бўлган катта бир зиёфатда ўз севикли дутори билан қалбларни аллаловчи мўъжизакор куйларни тенгсиз эҳтирос билан чалганида, бунга гувоҳ бўлгандик. Санъатдан ташқари, сайроқи қушларга ҳам иштиёқманд бўлган хонадон соҳиби катта меҳмонхонанинг тўрт томонига кўзни ғоят қувонтирадиган канорақларни илиб кўйганди. Мирсодиқ дуторда ўта нолали, фарёдли куйларни чала бошлаши билан, қафаслардаги канорақлар ҳар куйга ҳамоҳанг сайрай бошлашди. Қизиғи шундаки, зиёфатда бошқа машҳур хонанда ва созандалар ҳам бўлиб, улар ҳам қалбларни ром этадиган куйлар чалишди, хонишлар қилишди. Аммо канорақлар нима сабабдандир уларга жўр бўлишдан ўзларини тийишар, навбат яна Мирсодиққа келганида, худди аввалдан маслаҳатлашиб олгандек, яқдиллик билан куйга жўр бўлишдан тўхташмас эди.

Шу-шу бўлди-ю, Мирсодиқни танийдиганлар унга «Канарейка» деган лақабни бир умрга беришди. Шундан буён «Содиқ дуторчи» деса, баъзилар танимаслиги мумкин-у, ле-

кин «Канарейка» деса, ҳамма танийдиган бўлди. Бора-бора «Канарейка» номи созандага берилган энг катта мукофотдек жаранглади.

Буюк рус композитори М. Глинканинг: «Муסיқани халқ яради, биз – бастакорлар эса унга сайқал берамиз, холос», – деган машҳур гапи бор. Бу фикрнинг ғоят тўғри эканини турли халқлар, жумладан, ўзбек миллий муסיқий маданияти тарихида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, Ҳамза Ҳакимзоданинг Зокиржон Фурқат ғазалига басталаган «Сайдинг кўябер, сайёд...»нинг яратиш жараёнига шахсан гувоҳ бўлган драматург Зиннат Фатҳуллин у татар халқ куйларидан бирига сайқал бериш натижаси эканини айтганди. Донғи юртимиздан узоқ-узоқларга ҳам таралган машҳур «Баҳор вальси» қозоқ куйларидан бирини сайқаллаштириш жараёнида вужудга келганини бастакор Муҳаммаджон Мирзаевнинг ўзи каминага завқланиб гапирган эди.

М. Глинка айтганидек, халқ яратган куйларга сайқал бериш, бизнингча, халқнинг куйларида умумий тарзда ифодаланган туйғуларни нозиклаштириш, уларга ҳар бир бастакор, моҳир ижрочининг кашфиёти бўлмиш янги-янги нолалар, қочиримлар киритиш билан боғлиқ. Мирсодиқ эса ўз ижроси учун танланган куйларга хилма-хил нола ва қочиримлар киритиш, шу йўл билан ўзидан олдинги созандалар нигоҳидан пинҳон қолган жиҳатларни кашф этиб, уларни фақат ўзиники, ўз асари қилиб олиш маҳоратини пухта эгаллаган. Натижада Мирсодиқ дуторда ижро этган куйларнинг катта бир қисми унинг бастакорлигидан далолат берувчи оҳорий асарлар сифатида қабул қилинади, шунинг учун улар айрича таъсир кучига эга бўлади.

Маданият ва санъат йўналишидаги коллеж ҳамда лицейлар учун ўқув қўлланмаси сифатида нашр этилган «Кўнгиш гулдастаси» китобига киритилган куйларни ҳам шу тахлитдаги меҳнат ва маҳорат маҳсули, деб ҳисоблаш мумкин.

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўтказилган китоб тақдими вақтида муаллиф ижобий камолотидан дарак берувчи бу куйлар санъат ўқув юртларида, муסיқий жамоаларда ғоят катта қадр топгани, санъатимиз истиқболи бўлмиш ёш дуторчи-созандалар томонидан қизиқиш ва маҳорат билан ижро этилаётгани, санъаткорларнинг, демакки, халқнинг қорига яраётганига гувоҳ бўлдик.

Мирсодиқ Эргашевнинг етук санъаткор ва комил инсонга хос хусусиятлари замонамизнинг йирик хонандалари эътиборини

ҳамиша ўзига тортади. Лоақал, Фахриддин Умаровдек машҳур халқ ҳофиси ўз хонишлари учун унинг жўрлигини афзал билиб, кўп йиллар давомида юзларча давраларда Мирсодиқ билан ҳамкорлик қилганини эътиборга олайлик. Зотан, Мирсодиқ ўта зийрак ва моҳир созанда сифатида қаерда нимани чалишни, қандай чалишни ҳам, катта-кичик давраларда вазиятга қараб нималар гапириш ёки қандай шеърини парча ўқишни ҳам яхши билади, ҳар қандай анжуманга файз киритиш салоҳиятига эга.

Нақшбандия тариқатининг буюк намояндаси Махдуми Аъзам Хожаяғий Косонийнинг «Рисолаи самоъия» асариди авлодлар учун ибратли қуйидаги сўзлар битилган: «Муסיқа аҳлуллоҳ (тариқат аҳли) учун лозим ва лойиқ бир сифатдир. Ёқимли савтлар Ҳақ таолонинг бандаларига қилган хитобидир. Бинобарин, инсон ёқимли куй ва овозларни эшитганида унинг руҳоний томони ғолиб келса, у Ҳақ таолога яқин бўлиш тарафига ўтган бўлади».

Ҳақ таолонинг бандаларга хитоби бўлмиш ана шу ёқимли савтларни ўз севимли сози билан ярим асрдан буён кишиларга етказаётган Мирсодиқ катта-катта савобларга дохил бўлмоқда, иншооллоҳ!

Мирсодиқ – ўз исмига монанд равишда, халқимизга, узтозларига, оиласига, дўстларига содиқликни мақсад қилиб олган инсон. Унга ҳамиша Оллоҳ ёр бўлсин, бундан кейин ҳам яхши асарлар яратаверсин.

*Шариф ЮСУПОВ,  
филология фанлари доктори,  
ЎзМУ профессори*

## **Иштиёқ**

Мирсодиқ Эргашев билан ёшлик давримиз бир вақтга тўғри келади. Кўкча даҳасидаги 40- ўрта мактабда бирга ўқиганмиз. У синглим билан бир синфда эди. Ёш бўлишига қарамай, ўқувчилар орасида ўзининг серғайратлиги ва шўхчанлиги билан ажралиб турарди. Мактаб ҳудудида катта анҳор оқарди, биз дарсдан кейин шу ерда чўмилар эдик. Шу нарса эсимдаки, Мирсодиқ кичкина бўлса ҳам, баланд дарахтдан сувга шўнғир ва орқасидан болаларни эргаштирар эди.

50- йиллар тирикчилик учун оғир йиллар бўлган. У онаси-

га, опа ва акасига тирикчилик учун қарашарди. Кўкча дарвозада очилган мактаб-интернатга ўқишга ўтиб кетди ва бу даргоҳ унга янада жўшқин ҳаёт йўлини очиб берди.

Тақдир мени кейинчалик Мирсодиқ билан санъат йўлида яна учраштирди. Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида бирга таҳсил олдик. Интернатда ўқиб юрган кезлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғулумжон ака Қўчқоровдан мусиқа сирларини ўрганиб, шу устознинг тавсияси билан ўқишга кирди.

Ўша вақтда устоз созанда ва бастакор Муҳаммаджон Мирзаев рубоб созини бутун Ўзбекистон бўйлаб машҳур қилган эди. Мирсодиқ ҳам шулар каби рубобга меҳр қўйган экан. Кириш имтиҳонида унга рубоб чалдириб кўрган устозлар таҳсинлар айтиб, энди дутор чолғусини ҳам ўрганишни тавсия этган. Мирсодиқ дуторни ҳам тез орада ўрганиб, курсдошлари орасида пешқадамлиги билан ажралиб турарди. Талабалик даврида шоиртабиатлиги ҳам бор эди. Берилган саволларга шеърый йўл билан – қофияли қилиб жавоб берар эди.

Талабалик давридаёқ Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу оркестрига ишга таклиф қилинди. Одатда моҳир созанданинг харидорлари ҳам кўп бўлади. Филармонияда Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаҳриддин Умаров билан узоқ йиллар концертларда, тўй-ҳашамларда фаолият юритди.

Мирсодиқ билан мен кейинги йилларда Ўзтелерадиоода бирга ишладик. У Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрида созанда эди. Радиоода ишлаб юрган кезларида магнит тасмасига ўзи яратган куйларни ёздирди. Бу асарлар радионинг олтин хазинасидан жой олган. Улар кейинги авлодлар учун дастуриламал бўлиб қолишига ишончим комил.

Қалбида иштиёқи йўқ одам бу ютуқларга эриша олмайди.

*Темур МАҲМУДОВ.*

*Ўзбекистон санъат арбоби*

## **Мурувватли қалб эгаси**

Санъат турлари ҳамиша бир-бирини тўлдириб, ўзаро ривожланишига ёрдам берган. Айниқса, мусиқа ва тасвирий санъат орасида жуда катта яқинлик мавжуд. Ана шу яқинлик икки касб эгаларини дўстлаштиради.



Таниқли, истеъдодли созанда, бастакор Мирсодиқ Эргашевни кўп йиллардан буён биламан. Ўз ишини, санъатини жондилдан севиб, уни юксак даражага олиб чиқиш учун қилган заҳматли меҳнатларидан хабардорман. Бу санъаткор қалби ҳамиша эзгуликка, юксак маънавиятга мойил.

Мирсодиқ ака – доим эл-юрт хизматида. У халқимизнинг мухлисларининг қалбидан муносиб жой олган инсон. Айниқса, ҳар бир ишга фидойилик билан ёндашиши, ўз манфаатидан эл-юрт манфаатини устун қўйиши, ёшлар, хусусан, санъат оламига кириб келаётган истеъдодлар учун ўрнак десак, муболаға бўлмайди.

Мирсодиқ аканинг жуда кўп хайрли ишларини биламан. Ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада, йўлларнинг текис, равон бўлишида кўп ҳомийлик ишларини амалга оширган. Энг қизиғи шуки, у киши камтарлик билан ўзлари ҳам шу ишларга кўмаклашиб, ишчилар учун овқат тайёрлаб беради, биргаликда меҳнат қилаверади. Мирсодиқ акада катта санъаткорларга хос самимийлик, одамийлик, камтарлик хислатлари мавжудки, бунга кўп гувоҳ бўлганман, бу жиҳатдан у кишига ҳавасим келади.

«Олган кўлдан кўра, берган кўл хайрли», – дейишади. Шу аснода, у киши кам таъминланган оилаларга мурувватлар қилиб туришлари – атрофдагиларга ибрат. Айниқса, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да амалга оширган шундай ишлари таҳсинга лойиқ.

У киши нафақат маҳаллаларида, балки юртимизнинг қайси ҳудудида бўлмасин, жумладан, ўзларига тегишли далабоғ маҳалласида ҳам ҳар қандай хайрия ишларида бефарқ қараб турмайдилар, имкон борича ўз ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қиладилар ва ўзларининг бу ишларидан ўзлари беҳад хурсанд бўлиб юрадилар. Бу фазилат ҳам барчада бўлавермайди.

Шунингдек, кўпинча қарияларнинг кўнгилларини олиб, уларнинг дуоларига сазовор бўлиб юришларини алоҳида таъкидлагим келади. Эл-юртнинг дуосини олиб яшаш, дарҳақиқат, катта бахт. Зеро бундай эзгу ишлар замирида пок қалб, ҳалол меҳнат ётади. Бундай хислатлар Мирсодиқ акани яхши санъаткор, ажойиб инсон сифатида кўз олдимизда намоён этади. Эл-юртнинг корига яраб, унга хизмат қилиш ва, айни вақтда, шунга яраша катта ҳурматга сазовор бўлиш ҳаётнинг асл мазмуни эмасми!

Мирсодиқ ака – том маънодаги етук, олижаноб инсон. Бундай устоз санъаткорларнинг умр йўллари барчамиз учун ибрат мактаби ҳисобланади.

*Ортиқали ҚОЗОҚОВ,  
Ўзбекистон санъат арбоби*

## **Бастакор**

Дунёдаги кўпгина эл-улус қатори ўзбек халқи ҳам бой мусиқа меросига эга. Бу миллий мерос шаклланиш жараёнидан ҳозирги давргача халқ томонидан асраб-авайланиб, замон руҳи билан бойитилиб, авлоддан-авлодга ўтиб боришига алоҳида эътибор берилган. Бу жараён анъана тарзида – ўз оқимида давом этиб келмоқда. Қайси халқ ўзининг ўтмиш миллий мусиқа меросини севса, аждодлар анъанасини ардоқласа, уни муносиб тарзда ўзлаштира ва қадрига етса, бошқа халқларнинг ҳам санъатини ҳаққоний баҳолай олади. Демак, бизнинг давримизгача етиб келган миллий мусиқий мерос – авлодлар занжирининг мустаҳкамлиги ва узилмаслигидан далолат.

Ҳар бир етук санъаткорнинг ижод гулдастаси бўлади, у халқ учун тортиқ қилинади. Мусиқа санъати гулшанидан қарийб ярим аср гулларни парваришлаб, асраб-авайлаб, тўплаб, баҳоли қудрат халқимизга кўнгиш гулдастасини тақдим этган, бугунги кунда отахон санъаткор, моҳир созанда ва бастакор Мирсодиқ Эргашевнинг миллий мусиқамиздаги ўрни алоҳида диққатга сазовор.

Аввалламбор, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Мирсодиқ аканинг болалик даврлари Иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир йилларга тўғри келган. Кўпгина оилалар қатори машаққатли ҳаёт кечиришга мажбур бўлишига қарамасдан, у мусиқа оламига ҳавас билан қаради. Санъатга, мусиқага бўлган ихлос, меҳр-муҳаббат Мирсодиқ Эргашев ҳаётида муҳим ўрин тутгани сабаб, дастлаб у мусиқа тўғарагида, кейинчалик эса ҳаммамиз учун ардоқли ва ҳурматли бўлган устоз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда, бастакор, Ўзбекистон давлат консерваториясининг фахрий профессори Ғулломжон Қўчқоров қўлида таълим олишга муяссар бўлди.

Мирсодиқ ака созандалик касбини улуғлади, касби эса уни юксак мартабага етказди.

Мирсодиқ пири бадавлат оила бошлиғи ҳам.

Ёш авлодни миллий руҳда тарбиялашда, ота-боболаримиздан бизга асрлар давомида мерос бўлиб келаётган дурдона мусиқа санъатини сақлаб, унга сайқал бериб, қалбларга сингдиришда бир қатор устозларнинг хизматлари беқиёс. Шулар сафида фидойи инсон Мирсодиқ Эргашев номини ҳурмат билан тилга оламиз.

Мирсодиқ аканинг беминнат хизмати, изланувчанлиги, ибратомуз ҳаётида беш фарзандни вояга етказиб, ўн тўрт набиранинг буvasи бўлгани, ҳурматли аёли Фирдавсхон ая билан ибратли турмушга эришганига ҳавас қилса арзийди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Мирсодиқ Эргашев ижодига мансуб бўлган «Кўнгил гулдастаси» деган мўжазгина китоб тақдимоти маросими ўтказилди. Истардимки, келгусида тинимсиз меҳнат ва изланиш олиб бораётган устоз санъаткор Мирсодиқ ака басталаган куйлар, ижрочилик хазинасидаги дурдона мусиқий намуналар тўпланиб, «Кўнгил боғи» деган катта китоб яратилса.

*Рифатилла ҚОСИМОВ,*

*Ўзбекистон Давлат консерваторияси маънавий-тарбиявий ишлар бўйича проректори, профессор*

## **Ибратга лойиқ ҳаёт**

Ҳаёт йўлимда менга икки соҳа – фан ва санъат бўйича ижод қилиш насиб этгани учун шукр қиламан. Аввало, фан йўналишидаги фаолиятимда кўплаб олиму мутафаккирлар билан танишиб, уларнинг суҳбатларидан, илмларидан баҳраманд бўлиб бориш насиб этаётибди. Қолаверса, болаликдан бошланган санъатга меҳрим ва шу йўлда ҳам тинмай шуғулланиб боришим туфайли не-не улкан санъаткорлар, ажойиб ижод соҳиблари билан яқиндан танишиш, улардан нафақат санъат сирларини, балки ҳаёт йўлларидаги ўрганишга лойиқ томонларни ҳам ўзлаштириб бориш шарафига муяссар бўлмоқдаман.

Ана шундай ижодкорлардан бири – дуторнинг моҳир ижрочиси, бастакор, ажойиб инсон, улкан қалб эгаси Мирсодиқ ҳожи Эргашев. У кишини ўтган асрнинг 60- йилларидан ғойи-

бона танисам ҳам, яқиндан танишиб, самимий муносабатда бўлишимиз 70- йиллар бошларига тўғри келади.

Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларнинг номлари, қилган ишлари узоқ атроф-худудларга жуда машҳур бўлмаса ҳам, лекин умри давомидаги машаққатли, зиддиятли ҳаёт йўли, қийинчиликларни сабот билан енгиб ўтиш жараёнлари, шунингдек, оила, фарзандлар тарбияси каби муҳим жиҳатларни амалга оширишдаги, атрофдагиларга, ўзига ҳамма маъсулиятини олиб бўлса ҳам, яхшилик, ёрдам қилишга интилиш фазилатлари барчага ибрат бўлиши мумкин. Мен Мирсодиқ акани шундай кишилар тоифасидан деб биламан.

Санъат соҳасида кўп йиллар биргаликда турли тадбирларда, халқ хизматида бўлганимизда Мирсодиқ ака ўз бошларидан кечирган не-не саргузашт ва қийинчиликларни сўзлаб берганлар. Мен шу йиллар давомида у кишининг хатти-ҳаракатларида, амалий иш ва кишилар билан муносабатларида кўплаб ижобий хусусиятларни, инсоний фазилатларни кузатганман. Назаримда, болалиқдан, яъни отадан тўрт ёшида етим қолган даврлариданоқ меҳнатнинг ҳар қандай тури билан шуғулланиш у кишининг келажақда, аввало, инсонларнинг, қолаверса, ҳар бир нарсанинг, ҳар бир эришган ютуғининг қадрига етадиган бўлишига сабаб бўлган.

Болалиқдан санъатга қизиққан Мирсодиқ аканинг бир неча юз йиллик тарихга эга дутор созига, уни чалишни ўрганишга меҳрлари алоҳида бўлди. Шу йўлда улуғ устозларга эргашдилар, ўрганиш машаққати, меҳнатидан ҳеч чекинмадилар ва шу соз бўйича моҳир, созандалардан бири бўлиб етишдилар. Кези келганда шуни алоҳида айтиб ўтишни хоҳлардимки, Мирсодиқ акани ўзининг табиатидаги самимийлиги, чаққонлиги, очиққўнгиллиги туфайлими ёки дутор созининг моҳир ижрочиси бўлганлиги сабаблими, машҳур эл эъзозидаги ҳофизлар мунтазам турли концерт ва халқ хизматларига соз билан жўр бўлиб туришларини истаб таклиф қиларди. Қизиғи шундаки, шахсан мен ҳам кўп йиллар давомида у киши билан биргаликда ана шундай чиқишларимизда халқнинг, жумладан, мухлисларнинг талаби билан дутор созида якка ўзлари ҳам куйлар ижро этганларининг кўплаб гувоҳи бўлганман. Халқнинг у кишига бундай алоҳида ҳурмати, албатта, бежиз эмас. Бунинг тагида Мирсодиқ аканинг астойдил меҳнатию халқнинг у кишига меҳри ётибди.

Айни вақтда, ўзлари ҳам куй басталаш сирларини ўргана бориб, дутор учун яратилган 20 дан ортиқ куй муаллифи бўлдилар. Улар Ўзбекистон радиосида ёзиб олиниб, мухлис-ларига мунтазам ҳавола этиб келинмоқда

Касбига, оиласига, фарзандларига, ёру дўстларига, яшаб турган маҳалласи аҳлига меҳрли бўлиш ҳар кимга ҳам на-сиб этавермайди. Мирсодиқ ака ўз касбларида эришган ютуқларини, яратган куйларини, келажак авлодга ҳам фойда-си тегсин, деган ниятда, ўз маблағлари ҳисобидан китоб-дарс-лик тарзида нашр эттиришга ҳам эришиб, уни санъат билим юртларига тақдим этдилар.

Уч қиз, икки ўғиллари яхши тарбия олиб, ота-онага меҳрли бўлиб ўсди, қўлларидан келганча ота-оналари ҳурматини жойига қўйишмоқда. Мен шахсан ўтган йиллар давомидаги бу ҳолатларнинг барчасига шоҳидман. Эр-хотин ўртасидаги самимий ҳурмат ва аҳиллик ушбу ютуқларнинг асоси, деб ҳисоблайман.

Тақдирнинг тақозоси билан, қолаверса, Мирсодиқ аканинг ташаббуслари билан 1986 йилдан бери Тошкент шаҳрининг чекка қисмида жойлашган Назарбек даҳасининг Бирлик маҳалласида ёнма-ён кўчада яшаб келяпмиз. У кишининг маҳалла аҳли ўртасидаги обрў-эътибори, ҳурмати ҳам юқори, десам, муболаға бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, Мирсодиқ акага Оллоҳнинг яна юқтирган ажойиб хусусиятларидан бири саховатлилик. Маҳалладаги ободонлаштириш ишларига бошқалардан кўра кўпроқ ҳисса қўшишга ҳаракат қиладилар, ёрдамга муҳтож бўлиб қолганларга дарров холисона, баҳоли қудрат амалий кўмак берадилар. Бу фазилат кўпгина, ҳатто юқори даражада имкони бор одамларда ҳам бўлавермаслиги барчага аён.

Энг муҳими, Мирсодиқ ака ўзларидаги ана шу хусусиятлар-ни фарзандларига ҳам сингдиришга ҳаракат қиладилар.

Мирсодиқ ака билан Фирдавсхон ҳожи онанинг қуда-андалар билан муносабатлари ҳам барчага ибрат. Улар ҳар қандай тад-бирда доим бир-бирлари билан ҳамкор, ҳамфикр ва аҳил.

Мустақиллигимиз шарофати билан бу табаррук ота-она муборак Ҳаж сафарларида бўлиб келишдек шарафга муяс-сар бўлиб, ҳожи ота, ҳожи она деган табаррук номлар соҳиби бўлишди. Илоҳим, зиёратлари қабул бўлган бўлсин.

Барча ҳавас қилса, ибрат олса арзигулик ҳаёт йўлини босиб ўтаётган, эндигина 60 ёшдан бироз ошган ушбу табаррук инсонга нафақат фарзандларининг роҳатини кўриб яшаш улар эъзозидида, ҳурматида бўлиб юриш, балки, вояга етиб бораётган бир қанча невараларнинг ҳам камолини кўриш, уларнинг орзу-ҳавасларига гувоҳ бўлишини тилайман.

*Ҳожиакбар ҲАМИДОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,  
тарих фанлари доктори, профессор.*

### **Дўстим ҳақида**

Мен Мирсодиқ Эргашевни узоқ йиллардан бери танийман. У жуда олижаноб, меҳрибон, меҳмондўст, саховатли, ҳожатбарор, ҳотамтой инсон.

Қариндош-уруғларига, ёру биродарларига содиқ, айниқса, устози Ғулмоқдир Қўчқоровга отасидек меҳрибон. Бевабечораларнинг ҳожатини чиқариб, уларнинг ҳолидан хабар олиб туради.

Мен Мирсодиқ билан улфат бўлганимдан жуда фахрланаман.

*Махсуджон ИСЛОМҚУЛОВ,  
темирчи*

### **Миллий мерос тарғиботчиси**

Мирсодиқ ҳожи акамизни миллий чолғуларимиздан бири – дуторни ярим асрдан бери тарғибот қилиб келаётган фидойилардан бири, десак, хато бўлмайди.

Бу устоз санъаткор кўплаб шогирдлар етиштирдилар. Ёзган китоблари орқали ўзбек дуторини дунёга танитишга ҳисса қўшдилар. Буларнинг бари меҳнат-машаққат талаб қилади.

Умрлари узоқ, ижодлари янада самарали бўлаверсин.

*Насриддин ИСМОИЛОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,  
генерал-майор*

## Созанданинг парвози

2010 йил куз фаслида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида малака ошириш машғулотларида қатнашаётган эдим. Бизга дарс бераётган психолог профессор тўсатдан: «Шундай бир мисолни эслангки, бирор ўқувчингиз илгари ҳаддан ташқари тарбияси оғир, қайсар бўлган, аммо шу ўқувчингиз вақт ўтгандан сўнг ўзини тутиб олган, меҳнаткаш, ҳатто эл ҳурматига сазовор инсон бўлиб етишган бўлсин», – деб қолди. Тингловчиларимиз битта-битта намунавий мисол топишга киришиб кетишди. Тўғриси айтсам, 53 йилдан буён ўқитувчилик касбида рўй берган бундай мисоллар менда етарли даражада эди. Аммо нима учундир айнан ўша пайтда ҳаётимдаги биринчи иш бошлаган йилларим эсимга тушди. Яъни 1958 йил.

Дунёда қариндошларига, маҳалладошларига, ҳамшаҳарларига яхшилик қилиш ниятидаги инсонлар кўп. Менимча, уларнинг энг олий ҳимматли намояндалари одамни ажратмасдан, беминнат хизматини аямайдиганлар бўлса керак. Ҳаётим давомида исмини бош ҳарфлар билан миллатимиз тарихи саҳифасига ёзиб қўйса арзийдиган халқимнинг гўзал фарзандларидан бири Ғаффор Рашидов эди. Серҳаракат, қўлини мушт ҳолатда шиддат билан силкаб юрадиган, дўқни ҳам, ширин сўзни ҳам қойилмақом қилиб айтадиган, юзи расамаддан каттароқ, ўша юзга мос бурунли, ўткир кўзлари ҳамиша айтилган ишнинг бажарилишини текширишга йўналтирилган, у қадар катта бўлмаса-да, салобат тўкиб турадиган гавдали бу устоз юртимизда биринчи мактаб-интернат хўжалигига муаллифлик қилаётган эди.

Ҳа, мактабнинг ҳам муаллифи бўладими, деб сўрашингиз мумкин. Ўйлайманки, гоҳида бўлар экан. Чунки халқига раҳбарлик қилишда ўзини ўйламай, урушдан чиққан ночор одамларни қўллашга уринган Ғаффор ака ўтган асрнинг 50 йилларида катта-катта лавозимлардан четлатилиб, мактабга директор қилиб тайинланган эдилар. Охири бу вазифани ҳам кўп кўришди. Умуман, ишдан бўшатишди. Аммо Ғаффор ака осонликча таслим бўладиганлардан эмас эдилар. Қолаверса, бутун вужудидан булоқ бўлиб қайнаётган қувватни нимагадир сарфлаш керак эди. Одамлар орасида нуфузли ҳурматга эга

бўлганликлари учун Иккинчи жаҳон уруши пайтида туғилган болаларнинг оилаларига ёрдам қилиш мақсадида мактаб-интернат қуриш ташаббуси билан иш бошлайдилар. Тошкентнинг Кўкча дарбозаси ҳудудидаги, янглишмасам, 30 – 40 гектарли жарликдан иборат ерларни текислаб, илм маскани барпо қиладилар. Бу ерда 1- синфдан 8- синфгача ўқиш жараёни бошланиб кетади.

Устознинг ўзлари етим ўсанликлари учунми, мактаб-интернатга оиласи катта ва тарбияси оғир етим болаларни қабул қилишга кўпроқ эътибор берар эдилар. Шунинг учун қўлимга қалам олиб таърифламоқчи бўлган қаҳрамоним Мирсодиқ Эргашев ҳам биринчилар қатори мактаб-интернатга жалб қилинган эди. Мирсодиқнинг оиласида 11 нафар фарзанд бўлган. Отаси Миркомил қори 44 ёшда вафот этган, ўзи ерга урса, кўкка сакрайдиган даражада шўх, ўжар бола эди.

Тақдир тақозосини қаранги, 1958 йилда 14 ёшли бу болага 16 ёшли муаллим, яъни мен дарс беришим керак бўлди. Бахтимга, мактаб-интернатда ажойиб инсон, эл ҳурматиغا сазовор созанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғуломжон Қўчқоров билан учрашдим ва ҳамкорликда ўқувчиларга мусиқадан таълим бера бошладим. Умуман олганда, ишларимиз ёмон кечмади. Ғуломжон Қўчқоров ўша пайтда болалар саройида ҳам машғулот ўтказар эдилар. Кўп ўтмай мени ҳам у ерга ишга олишди. Бугунги кунда халқимиз ҳурматиغا сазовор бўлган бир қатор санъаткорлар: Ғуломжон Ёқубов, Гулчеҳра Жамилова, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Дилафрўз Жабборова, Насиба Мадраҳимова, Насиба Мақсудова, қўйинги, жуда кўп истеъдодли ёшлар шу даргоҳда – мусиқа, ашула, рақс санъати водийсида биринчи ёлғиз оёқ йўлларини очиш ҳаракатини бошлаган эдилар.

Мирсодиқ ҳам шулар қаторида ўзига хос ўринга эга шогирдлардан эди. Аммо интернатда деярли ҳар ҳафтада Ғаффор ака: «Яна қочибди», – дердилар хуноб бўлиб. Ҳеч ким улардан: «Ким қочибди?» – деб сўрамас эди. Чунки «яна қочибди» ибораси ҳамиша бита болага, яъни Мирсодиққа тегишли эди. Шунга қарамай, директор ҳам, Ғулом ака ҳам, қолаверса, мен ҳам бу болага ортиқча жазо бермас эдик. Ҳамма Мирсодиқнинг оилавий аҳволи оғир эканини яхши билар эди. Шунинг учун устозлар фақат яхши муомала билан уни йўлга солишга ури-



нардилар. Айрим ҳоллардагина дўқ қилиб қўйишганларини эслайман. Ана шундай мураккаб шароитда Ғулом ака Қўчқоров жуда самарали бир усул ўйлаб топдилар. Устоз Мирсодиқ билан алоҳида машқ қилишни бошлади. Тўғри, мусиқа мактабларида ўқитувчи битта ўқувчи билан ишлайди. Лекин тўғарақда бундай усул кўпинча ўзини оқламайди. Фақат айрим вазиятлардагина алоҳида, якка тартибда машқ қилинади.

Ғулом аканинг кашфиёти Мирсодиқ феълда кескин ўзгариш ясади. Мактаб-интернатда устоз қўлида мусиқа ўрганди. Мен ҳам у билан машқ қилиш топшириғини олдим. Болалар саройида бу тажриба давом эттирилди. Хуллас, Мирсодиқда дарсдан қочиш, бошқа ишлар билан шуғулланиш имкони бўлмади. Бир вақт биз унинг ўзида катта ўзгариш рўй бераётганини сеза бошладик. Орадан бир йил ўтди. 15 ёшга кирган-кирмаган боланинг ўнг ва чап қўллари яхшигина, созанда ҳавас қиладиган даражада ишлар эди.

Дутор чалишда икки усул бор. Биринчиси, мумтоз усул бўлиб, асосий эътибор нолага қаратилади. «Насруллои», «Чўли Ироқ», «Муножот», «Гиря» куйлари шу усулда ижро этилади. Бундай ижро ортиқча ҳаракатни, кескин зарбларни, шиддатли чолғуни кўтармайди. Кўпинча чап қўлдаги пардалар ўзгаради, бироқ ўнг қўл бу пардаларни чалиб тасдиқламайди. Пардадан-пардага ўтишдаги овознинг ўзи нола бераверади, дилни эзади, руҳни тетиклаштиради.

Иккинчи усулда кўпроқ техник маҳоратга диққат қилинади. «Гилос», «Дуторим» ёки Ғарб бастакорларининг мусиқалари, Моцертнинг «Рондо» каби куйлари ана шу йўналишда ижро этилади. Бундай куйлар ўнг қўлнинг турли зарблар билан муттасил ҳаракат қилишини, чап қўлнинг эса пардадан-пардага тезкор сирғалишини талаб қилади. 1959 йилда Москвага катта концерт репертуари билан сафарга отланганимизда, ўзбек халқ мусиқаси ансамблимиздаги ҳар бир аъзо ҳисобот рўйхатига киритилган куйни алоҳида чалиб бериши лозим бўлди. Шунда Мирсодиқ Эргашевнинг дутордаги ижроси ҳаммани лол қолдирди. Менинг қаршимда тамоман бошқа, тўғриси айтсам, мендан кўра яхшироқ техникага эга созанда ўтирар эди. Халқ куйларида нола етакчилик қилса, замонавий мусиқада шиддат устувор эди. Энг муҳими, Мирсодиқ, мумтоз ва янги йўналишнинг уйғун кўринишини топиб олган эди.

1959 йилда 150 дан ортиқ болалар марказий шаҳарга кон-

церт бергани бордик. У ерда Мирсодиқ мени икки марта ҳайрон қолдирди. Биринчидан, бизни Россиянинг турли шаҳарларига таклиф қилишиб, ҳарбий қисмлардаги ўзбекларга концерт беришимизни сўрашди. Мен ўзбек чолғу асбоблари ансамблининг раҳбари сифатида концертдаги куйларни белгилар эдим. Шунда Мирсодиқни алоҳида саҳнага чиқариб юбордим. Бўлди қарсак, бўлди қарсак. Ўз она-диёрининг рубобидан чиққан садолар сеҳри шу қадар жозибали эдики, юртдошларимизнинг кўзида ёш, панжаларининг оғриғини сезмай жон-жаҳд билан қарсак чалишарди.

Иккинчидан, биз сафарда магазинма-магазин юриб, турли сопол ҳайкалчалар, арзонроқ кийим ва пойабзаллар сотиб олар эдик. Мирсодиқ қаерга бормасин, шар тўплар эди. Мен ҳайрон бўлдим. «Бир катта қути шарни нима қиласан?», – деб сўрадим ундан. У бўлса: «Омонилла ака, кўяверинг, кейин биласиз», – дея жавоб қилди.

Сафарда деярли ҳар куни янги-янги таассуротлар пайдо қиладиган воқеалар рўй берди. Муттасил машқлар, турли-туман тингловчилар олдида бериладиган концертлар болаларнинг ижро маҳоратларини ошириб борди.

Ҳарбий қисмлардаги аскарларнинг чалинаётган мусиқалар ва рақсларга бўлган муносабати репертуарларимизни йўл-йўлакай ўзгартириб боришга мажбур қилди. Нима учундир одамлар ансамблимиздаги Европа халқларининг рақс ва мусиқаларига лоқайдроқ муносабатда бўлишди. Ўзбек халқининг миллий қадриятлари таркибий қисмини ташкил қилувчи созларга қизиқиш кундан-кунга ортиб борди. Қизлархон Дўстмуҳамедова, Дилафрўз Жабборова, Гулчеҳра Жамиловалар тушган рақслар қайта-қайта ижро этилди. Рубоб, ғижжак, дутор, най, чанг каби мусиқа асбобларидан чиққан садолар рус, украин, белорус ва бошқа миллат вакилларини ўзига ром қилди. Натижада ўзбек рақс ва чолғу дастаси аъзоларининг мухлислари кўпайди.

Шубҳасиз, Мирсодиқ Эргашев қалбида эндигина пайдо бўла бошлаган интилиш туйғуси шу концертларнинг ижобий таъсири оқибатида шаклланган десак, хато бўлмайди.

Сафардан қайтдик. Мирсодиқнинг харидлари эсдан чиқди. Байрам кунларининг бирида Кўкчадан ўтар эканман, Мирсодиқнинг шар сотаётганини кўриб қолдим. Таажжуб билан ундан қутидаги шарларнинг шишириб сотилаётганининг

сабабини сўраганимда, у: «Бу ҳали бошланиши, давомини кейин биласиз», – деди.

Аввало, унинг шарлари каттароқ ва сифатлироқ эди. Иккинчидан, бироз арзонроқ бўлса керак, сотувчининг қўли-қўлига тегмас эди. Айрим харидорлар ҳатто ҳаво урилмаган шарларни ҳам айтилган баҳода олаётган эдилар.

Орадан яна вақт ўтди. Машқ пайтида Мирсодиқнинг қўлида янги рубоб кўрдим. Одатда, рубобнинг ўзи ҳам икки усулда ясалади. Бирини қобирға рубоб дейишади. Усталар уни ёғоч пайрахаларини сувда ҳўллаб, қизиган темир қувурда букиб ясашади. Иккинчи тур рубобни ўйма дейишади. Чунки дарахтнинг танаси аввал йиллар давомида сувда ётади. Кейин бир неча йил офтоб тегмаган жойда қуритилади. Уста ана шу дарахтдан гўё игна билан қудуқ қазгандек қилиб коса ясайди. Бу косага лаққа балиқ терисидан парда тортилиб, рубобнинг овоз берувчи қисми ясалади. Ҳақиқий созандалар ўйма рубобда куй чаладилар. Бундай рубобнинг саси ҳам жарангдор, ҳам мунгли, ҳам жозибали бўлади. Мирсодиқнинг қўлидаги рубоб ўша пайтда Муҳаммаджон Мирзаевлар чаладиган асбобдан эди. Кейин билсам, Мирсодиқ шар сотиб, рубобга пул тўплаган экан. Шунда мен Мирсодиқдек миришкор, меҳнатдан қочмайдиган, ўзига хос тадбиркор йигитчининг ҳаёт йўлини топиб олганидан мамнун бўлдим. Гаффор Рашидов, Фулом Қўчқоровдек гўзал ва ориф устозларнинг меҳнати ва мутахассислик маҳорати эвазига битта ўзбек фарзандининг комил инсон бўлаётганидан, бу ҳаракатда менинг ҳам зарра ҳиссам борлигидан фахрландим.

Йиллар ўтди. Замонлар ўзгарди. Аммо Мирсодиқнинг ҳаётни севиш, кези келганда, ўзини хоксор қилиб бўлса ҳам, оиласига ёрдам бериши, одамлардан меҳнатини аямаслик фазилати ўзгармади.

Телеминиатюралар бошланган заҳоти у ижро этган «Рата-тум, рата-тум, рата-тум-там» усулидаги куй миллионлаб ўзбекларнинг табиатига сингди. Бу соз Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, Садриддин Зиёвуддинов, Воҳид Қодиров каби санъаткорлар экранда кўринишидан аввал томошабиннинг кайфиятини уларга мослаб беради. «Мустақиллик нашидаси», «Кўнги́л гулдастаси», «Сенда кўнглим» каби дутор куйлари билан ўзбек мусиқа санъати хазинасига ҳисса қўшди. Қолаверса, Маҳмуд Юнусов, Зокиржон Обидов, Ғанижон Тошматов каби

таниқли устозларнинг тарбиясини олди. Фахриддин Умаров ижроларининг элга манзур бўлишига ўз улушини қўшди.

Ҳозирда умр йўлдоши Фирдавсхон ва фарзандлари Хуршидахон, Шаҳнозахон, Миролим, Гулмирахон, Миромилларнинг эъзозидида.

Мен Мирсодиқ Эргашевга ўзининг яхши маънодаги ўжарлиги ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилайман.

*Омонилла Мадаев*

### “Меҳнатнинг таги роҳат”

Халқимизда «игна билан қудуқ қазиб муродга етди», деган ибора бор. Ҳаётда игна билан қудуқ қазишнинг иложи йўқ. Лекин, бу ўринда, тинимсиз меҳнат қилиш туфайли орзу-ниятга эришиш назарда тутилади. Баъзилар орзуга етишмоқ учун улуғлардан, ота-оналардан дуо олмоққа интиладилар. Дуо ҳам керак, лекин кишининг ўзида ғайрат бўлмаса, интилиш бўлмаса-да, бунинг ўрнига, дангасалик, ланжлик, эътиборсизлик каби иллатлар мавжуд бўлса, у нимага эриша олади? Ҳазрат Амир Темур бир шаҳарни қамал қиладилар-у, қалъани енгил қийин бўлади. Шунда лашкар: «Эй Амир, дуо қилинг, ғанимни енгайлик», – деб сўрашади. Шунда ҳазрат соҳибқирон дедиларки: «Агар ҳар бир иш фақат дуо билан битадиган бўлса, Бадр жанги бўлмас эди». Тўғри, бир чўққига етишиш учун Аллоҳ берган қобилият бўлиши ҳам керак. «Худо бермаса, эшак бозорига даллол ҳам бўла олмайсан», деб бежиз айтишмаган. Лекин Аллоҳ берган истеъдод меҳнат билан камолга етади, сабр билан чиройли кўриниш касб этади.

Машҳур созанда Мирсодиқ Эргашевнинг ҳаёт йўлини ўйлаганимда, шу фикрлар хаёлимдан кечади.

Урушдан кейинги оғир йиллар... Бир бурда нони бор одам ўзини дунёдаги энг бахтли инсон деб ҳис қиладиган машаққатли йиллар. Қорни оч, усти юпун бола яна етим бўлса... Шоир айтмоқчи, «Етимлик нимадир, бизлардан сўра... Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда...» Мирсодиқ ўша йиллари ҳам моддий, ҳам маънавий азобларнинг турфа хилларини бошидан кечирди.

Ҳозирги Кўкча масжидининг ёнбошида, бир томони ёзги кинотеатр, бир томони қабристон бўлган боши берк кўчада

уларнинг уйлари бўларди. Ҳозир катта-кичик тижорат билан шуғулланиш айб эмас, аслида, айб бўлиши керак ҳам эмас. Лекин совет замонида шунчаки айб эмас, жиноят ҳам ҳисобланарди. Кичкина болаларнинг сигарет ё бошқа нарса-ни доналаб сотишлари кишини бой қилиши мумкинми? Савдо бароридан келса, бир-иккита нонга етарли даромад қилиш мумкин эди. Бунинг учун ёзнинг жазирамаси, қишнинг аёзига чидаш керак эди.

Мирсодиқнинг, акаси ва опасининг шундай азобларга чидаганига гувоҳман. У билан 1953 – 1955 йиллари Навоий номидаги 40- ўрта мактабнинг биринчи ва иккинчи синфида бирга ўқиганман. Раҳмон деган ўртоғимиз билан бирга ўйнардик. Мирсодиқ сал шўхроқ эди, тиниб-тинчимасди. У пайтларда бизнинг уйимиз йўқ бўлгани учун мактабнинг бир синф хонасида етти жон яшардик. 1955 йилда уйимиз битиб, кўчганимиздан сўнг, 40- мактабга қатнаш узоқлик қилиб, мен 132- мактабда ўқий бошладим. Бир неча йилдан сўнг телевизорда иқтидорли ёш санъаткорлар ҳақида сўз юритилиб, бир ўсмир болага навбат беришди. У дуторни сайратиб юборди. Шубҳа йўқки, ўшанда томошабинларнинг барчаси уни олқишлаганлар. Бу ўсмир ўша шўх, тиниб-тинчимас бўлган Мирсодиқ эди. Ҳозир бирон танишингиз телевизорга чиқса, «сизни кўрдик», деб фахрланасиз. У дамларда телевизорга чиқиш, яна ўсмир ёшида санъатини намоиш қилиш улуг воқеа саналарди. Кечагина Мирсодиқ деган боланинг шўхликларидан шикоят қилган катталар ҳам энди Мирсодиқ Эргашев деган моҳир созандани танишидан фахрланадиган бўлиб қолишди.

Кейин билсам, мен бошқа мактабга кетганимдан сўнг, Мирсодиқнинг оилавий аҳволи ночор бўлгани сабабли уни Кўкча дарвозадаги интернатга беришган экан. Ўша ерда ўқиб, муסיқага ишқи тушиб, устози Ғулом акадан бу дутор санъатини ўрганибди. Бу ҳам ажойиб фазилат! Чунки ҳозир кўп болалар пианиноми ё гитарами, ё бошқа чолғуними эгаллашни хоҳлашади. Танбур, дуторга ишқибозлар кам. Машҳур ашулачилар ёнида ҳам дуторчини кам учратамиз. Создаги икки торни чертиб мўъжиза яратишга ҳамма ҳам кунт қилавермайди.

Ўзбекистон радиосида маҳоратли кекса чолғувчилар бор эди. Шулардан бирига «Маҳмуд тараша» деган ҳазил тахаллус беришган эди. Бунинг маъноси: у шунчалар моҳир созандаки, дуторни қўйиб, тарашани қўлга олса ҳам, булбул каби сайра-

тиб юборади, дейилмоқчи бўлган. Мирсодиқ кекса созандалар маҳоратини ўрганиб, чолғучилик чўққисига эришди.

Алпинист пастак тепаликларда юрмайди, у энг баланд чўққи-ларни орзу қилади. Бунинг учун ҳеч қандай қийинчиликлардан чўчимайди. Ёмғирми, қор-бўронми, шамолми... юксакликка интилаверади. Санъат аҳлини шуларга ўхшатиш мумкин.

Бугун биринчи марта қўлига соз олган болакай фақат нотани ўрганимай, санъат йўлидаги қийинчиликларни кунт билан, тинимсиз меҳнат қилиш билан енгиб ўтишни ҳам ўрганиши керак. Бундай тарбия бўлмаса, у ярим йўлга ҳам етолмайди. Бундай тарбия учун ўрناк бўла оладиган кишилар борми орамизда? Шундай савол қўйилса, дадил жавоб бериш мумкин:

Бор. Шулардан бири созанда Мирсодиқ Эргашевдир.

*Тоҳир Малик*

### “Интиланга толе ёр”

Мирсодиқ Эргашевнинг китобининг биринчи бўлимига бекорга «Ҳаётим дутори», деб ном берилмаган. Биринчидан, муаллиф ўз ҳаётини дуторга таққослаган бўлса, иккинчидан, у дутор чалишнинг моҳир устаси даражасига етган. Муаллифнинг ҳаётида ранг-баранглик кўп. У ўз ҳаётида ҳар хил ишларни бажариб, турли соҳаларда ўз маҳоратини оширган. У ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб, охир-оқибатда ўзининг меҳнати, интилиши туфайли бугунги кунда қарилик гаштини суряпти. Аммо Мирсодиқнинг ҳаёти силлиқ кечмаган, албатта. У ўз ҳаётида кўплаб қийинчиликларга дуч келган. Лекин у, бу қийинчиликлардан қўрқмаган, ўз йўлидан чекинмаган, тушкунликка тушмаган. Аксинча, ўз мақсадлари сари сабр-бардош билан дадил интилаверган.

Унинг интилишлари, тинмай изланиши ўзининг самарасини ва у хоҳлаган натижани берган. У ўз касбининг устаси бўлишни истаган ва ўз ниятига эришган. Ҳозирда Мирсодиқ дутор чалишда мамлакатимизнинг энг маҳоратли созандаларидан бири сифатида халқ эътиборини қозонган. Бундай юксак маҳоратга эришишнинг ўзи бўлмаган.

Мирсодиқ Эргашев ижодининг энг навқирон пайти шўро даврига тўғри келганини ҳисобга олсак, у мустабид тузум туфайли юзага келган кўплаб қийинчиликларни енгиб ўтгани аёнлаша-

ди. Маълумки, тузумнинг асосий мақсади ўзбек халқининг миллий қадриятларини йўқ қилиб, бизга ёт, мутлақо тўғри келмайдиган урф-одат, муносабат, дунёқараш, маданиятни сингдириш бўлган. Бундай муносабат мусиқа соҳасида ҳам ҳукм сурган. Миллий чолғу асбоби – дуторда миллий мусиқани эмас, Европа куйларини чалишга уринишлар бўлган. Мирсодиқ бу қийинчиликларни матонат билан енгиб чиқди.

Ҳаёт – ниҳоятда мураккаб жараён. Ҳар бир инсон ёшлигидан то улуғ ёшга киргунга қадар ҳаётнинг турли босқичларини ўзи учун кашф қилиб боради. Инсон учун ҳаётда тўғри йўлни танлаш ва шу йўлдан бориб, ҳаёт лаззатини тотиш – энг муҳим масала. Ҳаёт йўлини топишда, албатта, ота-она, оила аъзолари, кўни-кўшни, дўстлар, устозлар катта ўрин тутади. Мирсодиқ – яхши устозлари, ота-онасининг ўғитлари, ёрдами туфайли ўзининг ҳаёт йўлини тўғри тополган инсон. Унинг бош ҳаёт йўли тинмсиз меҳнат, изланиш, ўз мақсади сари қатъият билан илдам ҳаракат қилиш, шу соҳада катта муваффақиятларга эришиш бўлган. У ўзининг асосий мақсадларига эришди. Дутор чалишнинг энг нозик сирларини ҳам ўзи учун очиб, ижрочилик маҳоратини энг юқори даражага олиб чиқди.

Маҳорати ошгани сари ўзи мусиқа сайқаллашга ҳам киришди. У дуторда чалинадиган бир неча куй ҳам басталади.

Мустақилликка эришиб, биз халқимиз тарихи, анъаналари, миллий мусиқамиз, ўзига хос чолғу асбобларимизни йўқ бўлиб кетишдан сақладик. Бугунги кунда дуторимиз ҳам баралла янграмоқда. Мирсодиқ чалган дутор куйлари қанчадан-қанча дилларни хушнуд этиб, тингловчиларга хурсандчилик улашмоқда.

Қолаверса, Мирсодиқ Эргашевнинг машаққатли ҳаёт йўли бугунги ёшларимиз учун кўп томонлама ибратлидир. Ҳаётда муайян эзгу мақсад сари интилиш, тинмай ҳалол меҳнат қилиш, қийинчиликлардан кўрқмаслик, меҳр-оқибатли, саҳоватли бўлиш охир-оқибатда яхши натижаларга олиб келишнинг гаровидир. Ҳар қандай инсон ҳаётда ўзининг яхши ишлари, ижодининг маҳсули билан из қолдиради. Мирсодиқ ҳам ўз ишлари, ижоди, дутор чалишнинг устаси сифатида ўз ўрнига эга бўлган инсонлар сарасига киради.

*Садриддин Салимов  
техника фанлари доктори, профессор*

## МУНДАРИЖА

Миллатнинг кўли.....	3
----------------------	---

### ҲАЁТИМ ДУТОРИ

Болалик.....	12
Ўсмирлик.....	13
Йигитлик.....	13
Ҳаёт сўқмоклари.....	15
Сафарда орттирган дўстларим.....	17
Олим акам.....	18
Бир қозонда икки хил ош.....	18
Тишим остида асраган миллий мусиқам.....	19
Шахсий гоя.....	21
«Сув, тупрок, самоннинг хужжати йўқ!».....	22
«Қишлоқми – қишлоқча яшайман...».....	23
Радио мактаби.....	23
«РАФ»им – рафрафим.....	26
Меҳнатнинг айби йўқ.....	27
Оталик бурчи.....	28
Ўғлим, қизим.....	29
Ўқишнинг кечи йўқ.....	30
Ишқибозлик.....	30
Тухмат балоси.....	32
Ҳар кимга ҳам яхши келин буюрсин.....	33
Хотиралар, хотиралар.....	35
«Ақл билан меҳнат омон бўлса...».....	36
Қайнотам – отам, қайнонам – онам.....	38
Ота-она – биринчи муаллим.....	40
Бувимни театрга олиб тушганим.....	41
Дадам ҳақида эшитганларим.....	41
Отам «таништирган» дўстим.....	44
Маъруза маънили бўлса.....	45
Тақдиримдан розиман.....	46
Устозим.....	49
Комилжон устоз.....	53
Мукаррама опам.....	54
Карнай-сурнайсиз тўй тўйми?.....	55
Санъаткор виждони.....	56



Профессор хонанда.....	57
Ҳеч қачон иккиланмаслик керак!.....	59
Тадбиркорлик замони.....	59
Устоз-шогирд.....	60
Офат балосидан асрасин.....	62
Санъат гашти.....	64
Ташвишларим.....	65
Юнус Ражабий сабоқлари.....	66
Тижорат ҳалол.....	67
Меҳнатқашга меҳнат қаҳатми?.....	68
Санъат йўли машаққатлари.....	69
Шинаванда санъаткор.....	72
Шукрона.....	73
Номардлик.....	75
Созанда дардлари.....	75
Валянинг кўз ёшлари.....	77
Қирқ йиллик қарзим.....	79
Мақтабим – онам.....	80
Абадийлик.....	82

## ХАЁТ УНВОНИ

Халқимиз саломатлигини кўзлаб.....	84
Ишбилармон Сулаймон ота.....	84
Жамбулдаги воқеа.....	86
Санъаткорларга зулм ўтказиб бўлмайди.....	86
Ҳеч ким ётиб қолмасин.....	90
Қўшимнинг илтимоси.....	91
Санъаткор номига доғ туширмайлик!.....	95
«Боғбон» фильмининг менга таъсири.....	96
Бир кулишайлик. Шунақаси ҳам бўлар экан.....	97
Фисабиллоҳ хизматлар.....	98
Эл манфаатини кўзлаган инсонлар.....	99
«Кўр ҳассасини бир марта йўқотади».....	103
Қадами қутлуғ келди.....	105
Яхшилар ёди.....	106
Оқсоқолимиз.....	109
Ўғри.....	110
Ҳазилга ҳазил.....	114

Санъатнинг нонини ейиш осон эмас.....	115
Хурсандчилик улашиб.....	119
Давлатим – онам.....	121
Куёв танлаш ҳуқуқи.....	124
Хушёрлик.....	125
Кимларнинг авлодимиз?.....	127
Савоби жория.....	128
Мен ўзимни таништирдим.....	130
Устоз эъзози.....	131
«Яхши ният – ярим мол».....	133
Яхшилик унутилмайди.....	135
Яхшилик унутилмайди?.....	137
Юқоридагига ўхшаш яна бир воқеа.....	138
Санъатдаги фирромликлар.....	139
Келинг, бироз кулишайлик.....	141
Миш-мишлар.....	142
«Қари билганини пари билмайди».....	144
Меҳнатнинг айби йўк.....	145
Эътибор.....	146
Вьетнам таассуротлари.....	148
«Кичкина деманг бизни...».....	150
Янгилик излаб.....	155
«Ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри тутма».....	157
2011 йил – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили».....	158
Савоб ишнинг чегараси бўлмайди.....	160
Оталик бахтининг моҳияти.....	161
Тўғри йўл кўрсатишнинг ҳосияти.....	164
Кимга эҳсон қилишни билиб олайлик!.....	165
Болаликнинг саргардонликлари.....	167
Ички овоз огоҳлантиради.....	170
Вазиятдан келиб чиқиб.....	171
Яшашдан мақсад.....	172
Ҳалоллик – тарбиянинг асоси.....	173
Опа-сингил уч келин.....	177
Қарз қиёматга қолмаслиги керак.....	179
Аёлимнинг менга ишончи.....	180
Фарзандларим, зурриётларим ва аёлимга айтар сўзим.....	186
Ҳаёт унвони.....	186
Муҳтарам китобхон!.....	188
Содиқ шогирд.....	193

Умр мазмуни.....	194
Исми жисмига монанд.....	195
Иштиёқ.....	198
Муруватли қалб эгаси.....	199
Бастакор.....	201
Ибратга лойиқ ҳаёт.....	202
Дўстим ҳақида.....	205
Миллий мерос тарғиботчиси.....	205
Созанданинг парвози.....	206
“Меҳнатнинг таги роҳат”.....	211
“Интиланганга толе ёр”.....	213

Муҳаррир Ж. Қўнишев  
Бадий муҳаррир А. Ақилов  
Техник муҳаррир У. Ким  
Мусахҳиҳ З. Ирисбоева  
Саҳифаловчи Б. Усмонов

**МИРСОДИҚ ЭРГАШЕВ**

# **ҲАЁТ УНВОНИ**

Босишга 13.07.2011 йилда рухсат этилди.  
Бичими 60x84<sub>1,16</sub>. Ҳажми 13.5 б.т. Нусхаси 1000.  
Буюртма № 18.

“YANGI NASHR” нашриёти

“MEDIANASHR” МЧЖ босмахонаси  
Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй.



ISBN-978-9943-330-46-7



9 789943 330467